

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Б.Т. САЛИМОВ, М.С. ЮСУПОВ, А.И. ИШНАЗАРОВ

МИКРОИҚТИСОДИЁТ – 2

ўқув қўлланма

Тошкент – 2019

**Б.Т. Салимов, М.С. Юсупов, А.И. Ишназаров. Микроиқтисодиёт-2.
Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2019, - 198 б.**

Ўқув қўлланмада бозор иқтисодиёти шароитида глобаллашув шароитида истеъмолчилар талабининг ўзгариши, ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш, шунингдек, истеъмолчи танловида афзал кўриш ва нафлийк тамойиллари, бозор талаби ва мувозанатлийк, ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириш, фирма ва тармоқ таклифи, ижтимоий фаровонлик назарияси ва ташқи самара (экстерналиялар) ҳамда ижтимоий неъмат ва асимметрик ахборот билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар ёритилган. Шунингдек, фирмаларнинг монопол рақобатлашган, олигополистик ва соғ монополистик бозорлардаги хатти-ҳаракати, ўйинлар назарияси ва корхоналар фойдасини максималлаштиришга доир масалаларнинг иқтисодий қўйилиши ва уларнинг ечими кўрсатиб берилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг магистратура таълим босқичи 5А230102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги талабаларига мўлжалланган. Ўқув қўлланмадан олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, амалиётчи мутахассислар, докторантлар ва таянч докторантлар ҳамда мустақил изланувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ўқув қўлланма Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2018 йил 2 марта 8-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

и.ф.д., проф. Б.Т. Салимовнинг умумий таҳрири остида

Тақризчилар:

Н.М. Махмудов – и.ф.д., профессор;

С.Р. Умаров – и.ф.д., доцент;

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Кириш..... | 7 |
| I боб. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ. | |
| БОЗОР ВА БЮДЖЕТ ЧЕКЛОВИ | |
| 1.1. Фаннинг мақсади ва вазифалари | 8 |
| 1.2. Фаннинг предмети ва ўрганиш усуллари..... | 10 |
| 1.3. Бозор: оптималлаштириш ва мувозанатлилик | 13 |
| 1.4. Бюджет чегараси хусусиятлари ва бюджет чизигининг ўзгариши.... | 15 |
| 1.5. Соликлар, субсидиялар ва рационлаштириш..... | 19 |
| Қисқа хуносалар..... | 21 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 22 |
| Асосий адабиётлар рўйхати..... | 23 |
| II боб. АФЗАЛ КЎРИШ, НАФЛИЛИК ВА ТАНЛОВ | |
| 2.1. Истеъмолчининг афзал кўриши ва “афзал кўриш” аксиомаси..... | 24 |
| 2.2. Бефарқлик чизиқлари, афзал кўриш билан бефарқлик чизиқлари ўртасидаги боғлиқлик | 27 |
| 2.3. Стандарт афзал кўриш. Чекли алмаштириш нормаси (MRS)..... | 29 |
| 2.4. Оптимал танлов ва истеъмолчи талаби..... | 32 |
| 2.5. Афзал кўришга мисоллар..... | 35 |
| 2.6. Квазичизиқли ва Кобба-Дуглас бўйича афзал кўриш..... | 39 |
| 2.7. Аниқланган афзал кўриш. Унинг заиф (WARP) ва кучли (SARP) аксиомалари..... | 42 |
| Қисқа хуносалар..... | 46 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 48 |
| Асосий адабиётлар рўйхати..... | 48 |
| III боб. СЛУЦКИЙ ТЕНГЛАМАСИ. ДАРОМАД САМАРАСИ ВА АЛМАШТИРИШ САМАРАСИ | |
| 3.1. Алмаштириш самараси..... | 49 |
| 3.2. Даромад самараси..... | 54 |
| 3.3. Талабнинг умумий ўзгариши..... | 55 |
| 3.4. Хикс бўйича алмаштириш самараси..... | 56 |
| Қисқа хуносалар..... | 58 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 59 |
| Асосий адабиётлар рўйхати..... | 59 |
| IV боб. ВАҚТЛАРАРО ТАНЛОВ | |

| | |
|---|-----|
| 4.1. Бюджет чегараси..... | 60 |
| 4.2. Истеъмолга нисбатан афзал кўриш..... | 62 |
| 4.3. Таққослама статистика..... | 63 |
| 4.4. Инфляция..... | 65 |
| 4.5. Жорий қиймат..... | 66 |
| 4.6. Бир неча оралиқлар учун жорий қиймат..... | 67 |
| 4.7. Жорий қийматни қўллаш..... | 68 |
| 4.8. Облигациялар..... | 70 |
| Қисқа хуросалар..... | 71 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 72 |
| Асосий адабиётлар рўйхати..... | 73 |
| V боб. БОЗОР ТАЛАБИ ВА МУВОЗАНАТЛИЛИК | |
| 5.1. Талаб ва таклиф эгри чизиклари. Бозор мувозанати..... | 74 |
| 5.2. Индивидуал ва бозор талаби. Тескари талаб функцияси..... | 82 |
| 5.3. Бозор мувозанати: иккита хусусий ҳол. Талаб ва таклифнинг тескари эгри чизиклари..... | 83 |
| 5.4. Солиқлар ва уларни бошқага ўтказиш. Солиққа тортилганда “ўлик” юкнинг йўқотилиши. Парето бўйича самарадорлик | 85 |
| Қисқа хуросалар..... | 91 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 92 |
| Асосий адабиётлар рўйхати..... | 92 |
| VI боб. ХАРАЖАТЛАРНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ | |
| 6.1. Харажатлар турлари..... | 93 |
| 6.2. Фирма харажатларини минималлаштириш | 99 |
| 6.3. Кўлам қайтими ва харажатлар функцияси..... | 102 |
| 6.4. Қисқа ва узоқ муддатли харажатлар..... | 104 |
| 6.5. Ўзгармас ва квазиўзгармас харажатлар..... | 106 |
| 6.6. Қайтмайдиган харажатлар..... | 106 |
| Қисқа хуросалар..... | 108 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 108 |
| Асосий адабиётлар рўйхати..... | 109 |
| VII боб. ФОЙДАНИ МАКСИМАЛЛАШТИРИШ | |
| 7.1. Мукаммал рақобатлашган бозорда фирма даромадлари ва фойдани максималлаштириш..... | 110 |
| 7.2. Қисқа ва узоқ муддатли даврларда фойдани максималлаштириш | 114 |

| | |
|---|-----|
| 7.3. Рақобатлашган фирманинг қисқа муддатли оралиқдаги таклифи..... | 118 |
| Қисқа хулосалар..... | 121 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 122 |
| Асосий адабиётлар рўйхати..... | 122 |

VIII боб. ФИРМА ВА ТАРМОҚ ТАКЛИФИ

| | |
|---|-----|
| 8.1. Фирманинг қисқа ва узоқ муддатли оралиқдаги таклифи..... | 123 |
| 8.2. Тармоқнинг қисқа муддатли таклифи ва мувозанати..... | 128 |
| 8.3. Тармоқнинг узоқ муддатли оралиқдаги мувозанати..... | 129 |
| 8.4. Узоқ муддатли таклиф чизиги..... | 131 |
| 8.5. Ноль фойда мазмуни..... | 133 |
| 8.6. Ўзгармас ишлаб чиқариш омили ва иқтисодий рента..... | 134 |
| Қисқа хулосалар..... | 137 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 138 |
| Асосий адабиётлар рўйхати..... | 139 |

IX боб. МОНОПОЛИЯ ВА МОНОПОЛ ХАТТИ-ҲАРАКАТ

| | |
|--|-----|
| 9.1. Монополия ва бозор ҳокимияти..... | 140 |
| 9.2. Монопол шароитда нарх белгилаш ва монопол ҳокимият кўрсаткичлари..... | 145 |
| 9.3. Монопол ҳокимият ва жамият фаровонлиги..... | 148 |
| 9.4. Солиқларнинг монополистга таъсири. Монополиянинг самарасизлиги..... | 150 |
| Қисқа хулосалар..... | 151 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 152 |
| Асосий адабиётлар рўйхати..... | 152 |

X боб. ОЛИГОПОЛИЯ ВА ЎЙИНЛАР НАЗАРИЯСИ

| | |
|--|-----|
| 10.1. Олигополия бозори. Курно модели ва мувозанати..... | 153 |
| 10.2. Қамалган шахс муаммоси..... | 160 |
| 10.3. Қаттиқ нарх сиёсати..... | 162 |
| 10.4. Келишув ечими (Картел ечими)..... | 163 |
| 10.5. Нарх белгилашда лидерлик..... | 165 |
| Қисқа хулосалар..... | 169 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 169 |
| Асосий адабиётлар рўйхати..... | 170 |

XI боб. ИЖТИМОИЙ ФАРОВОНЛИК НАЗАРИЯСИ ВА ТАШҚИ САМАРА

| | |
|---|-----|
| 11.1. Ижтимоий фаровонлик функцияси..... | 171 |
| 11.2. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ташқи самаралар..... | 171 |
| 11.3. Ижобий ва салбий ташқи самарага таъсир қилиш..... | 175 |
| Қисқа хулосалар..... | 179 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 180 |
| Асосий адабиётлар рўйхати..... | 180 |

XII боб. ИЖТИМОИЙ НЕЎМАТ, АССИМЕТРИК АХБОРОТ

| | |
|--|-----|
| 12.1. Ижтимоий неъматни тақдим этиш йўллари | 181 |
| 12.2. Бозор ожизлиги ва иқтисодиётга давлат аралашуви | 183 |
| 12.3. Ассиметрик ахборот шароитида танлов..... | 184 |
| 12.4. Бозордаги асимметрик ахборотларни бартараф этиш йўллари..... | 186 |
| Қисқа хулосалар..... | 188 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 189 |
| Асосий адабиётлар рўйхати..... | 189 |
| ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ | 190 |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 197 |

КИРИШ

Республикамизда олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, таълимни илфор хорижий университетлар ва ишлаб чиқариш билан интеграцион алоқаларини мустаҳкамлаш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш вазифалари белгилаб берилган.

Айниқса, бугунги кунда ҳукм суроётган глобаллашув шароитида истеъмолчилар талабининг ўзгариши, ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш, шунингдек, истеъмолчи танловида афзал қўриш ва нафлийк тамойиллари, бозор талаби ва мувозанатлийк, ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириш ва фойдани максималлаштириш, фирма ва тармоқ таклифи, монопол тузилмалар ва монопол ҳатти-ҳаракат, ижтимоий фаровонлик назарияси ва ташқи самара (экстерналиялар) ҳамда ижтимоий неъмат ва асимметрик ахборот билан боғлиқ тушунчалар, қарашларни сабабий боғлиқликда тизимли таҳлил этишда “Микроиқтисодиёт-2” фани алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жихатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чукурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ушбу фан бозор иқтисодиётининг амал қилиш механизмини, турли мулқчиликка асосланган корхоналарнинг хўжалик юритиш фаолиятини, уларнинг бозор шароитидаги ҳаракатини, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлларини талабаларга ўргатишида кўл келади. Шунингдек, “Микроиқтисодиёт-2” фани фундаментал фанлардан бири бўлиб, бошқа иқтисодий фанларни чукур ўрганишда асос бўлиб хизмат қиласди.

I боб. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ. БОЗОР ВА БЮДЖЕТ ЧЕКЛОВИ

1.1. Фаннинг мақсади ва вазифалари

Мамалакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда олий таълим тизимини тубдан модлернизациялаш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш асосида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш вазифалари қўйилган Юқори малакали мутахассис-кадрлар тайёрлашда “Микроиктисодиёт-2. фанинг аҳамияти катта. Бу фан бир қатор иқтисодий фанларни ўрганиш учун фундаменталь база бўлиб хизмат қиласи,

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда замонавий бозор иқтисодиёти ривожланишининг назарий ва амалий томонларини, бозор субъектларининг иқтисодий фаолиятини ўрганиш усуллари бўйича билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришdir.

Маълумки иқтисодий тизим кишилик жамиятининг эҳтиёжларини максимал қондириш мақсадларига хизмат қиласи. Иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш учун маълум миқдордаги иқтисодий ресурслардан: ер, ишчи кучи, тадбиркорлик қобилияти, бошқарув малакаси, капитал, хомашё ва материаллардан фойдаланишни талаб этади. Агар жамиятдаги иқтисодий ресурслар миқдори чекланмаган бўлганида, инсоният ишлаб чиқариш ресурсларидан оптималь ва самарали фойдаланиш муаммолари хусусида бош қотирмаган бўларди. Аммо инсониятнинг моддий эҳтиёжлари чексиз бўлган бир шароитда, бу эҳтиёжларни қондириш воситалари бўлган иқтисодий ресурслар миқдори жамиятда ўта чекланган.

Ҳар қандай жамият иқтисодий ресурслар чекланган шароитда ўзининг эҳтиёжларини максимал қондиришга интиларкан, кундалик ҳаётда қуйидаги учта асосий муаммонинг ечимини топишга уринади:


1. Нимани ишлаб чиқариш, яъни қайси турдаги товарлар ва хизматлардан қанча миқдорда ишлаб чиқариш талаб этилади?

2. Қандай қилиб ишлаб чиқариш, яни товарлар ва хизматлар қандай технологиялардан фойдаланиб, қайси йўл билан ишлаб чиқарилиши лозим?

3. Ким учун ишлаб чиқариш, яни товарлар ва хизматларнинг истеъмолчилари ким?

Нимани, қандай қилиб ва ким учун ишлаб чиқариш масаласи жамият олдида турган энг асосий иқтисодий муаммолардан саналади. Шундан келиб чиқиб иқтисодий фанлар инсониятнинг моддий эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга эришиш йўлида чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш масалаларини тадқиқ этиш билан шуғулланади.

Иқтисодий жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилиш **микро** ва **макро** даражада амалга оширилади (1.1-расм).



1.1-расм. Иқтисодий жараёнларни микро ва макро даражада ўрганиш

Микроиқтисодий таҳлил аниқ иқтисодий субъектлар фаолияти билан боғлиқ ва уларнинг бозордаги хатти-харакатини ўрганади. Бу ерда иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, бозорлар, фирмалар ва истеъмолчилар хусусида фикр юритилади. Таҳлил объекти сифатида ишлаб чиқариш ҳажми ва нархи, харажатлар ва маҳсулот таннархи, фирма даромади ва фойдаси, истеъмолчиларнинг бозордаги хатти-харакати, афзал кўриши ва танлови, турли бозорларда фирмаларнинг хатти-харакати, нархларнинг шаклланиши ва фойдани максималлаштириш шартлари каби масалалар юзага чиқади.

Фаннинг вазифаси – талабаларга бозор иқтисодиёти қонунларини, бозор субъектларининг турли хил бозор тузилмаларидағи ҳаракатини, улар фаолиятига таъсир қилувчи омилларни, афзал кўриш, нафлийк ва вақтлараро

танлов, бозор талаби ва мувозанатлилик, фирмаларда харажатларни минималлаштириш ва фойдани максималлаштириш шартларини, фирма ва тармоқ таклифи, монополия, монопол рақобат ва олигополия шароитида фирмаларнинг хатти-харакатини, ижтимоий фаровонлик ва ташқи самара (экстерналиялар), ижтимоий неъмат ва асимметрик ахборотларни таҳлил қилиш асосида хуносалар чиқаришни ўргатишдан иборат.

1.2. Фаннинг предмети ва ўрганиш усуллари

“Микроиқтисодиёт-2” фани ресурслар чекланган шароитда чексиз эҳтиёжларни максимал қондириш йўлида аниқ индувидуал иқтисодий субъектларнинг иқтисодий хатти-харакатлари ва қарорлар қабул қилиш жараёнини ўрганиш билан шуғулланади (1.2-расм).



1.2-расм. “Микроиқтисодиёт-2” фани предметининг шаклланиши

Индувидуал иқтисодий субъектлар деганда фирмалар, уй хўжаликлари, тармоқлар ва бозорларни тушунамиз.

Иқтисодчилар фаолиятининг мазмунин нимадан иборат? Улар нима мақсадни кўзлаб иш олиб боришади ва қандай усуллардан фойдаланишади? Иқтисодчилар иқтисодий муаммолар ечимини топишни мақсад қилиб қўяр эканлар, иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишга ёрдам берувчи тамойилларни шакллантирадилар.

Иқтисодий фанларда қўлланилган илк усул формаль мантиқ бўлиб, у фанга Аристотель томонидан киритилган. **Формаль мантиқ** – бу ғояни унинг

таркибий қисмлари ва шаклидан келиб чиқиб ўрганишдир. Унинг энг содда категорияси **тушунчадир**. **Тушунча** предмет тўғрисидаги фикрни изоҳлайди.


Фикрлаш – бу бирор ғояни тасдиқлаш ёки инкор этишни англатувчи жараён. Унинг асосида хулоса шакллантирилади. **Хулоса** – бу фикрлаш усули бўлиб, унинг воситасида бирламчи билимлардан якуний билимлар олинади.

Кўп ҳолларда иқтисодий тадқиқот ўрганилаётган обьектга тегишли бирор муаммони ечимини топишга қаратилган бўлади. **Муаммо** – илмий англаб этиш жараёнида шакллантирилган масала ёки улар йифиндисидир.

Иқтисодчилар, аввало, маълум иқтисодий муаммога тааллуқли далилларни аниқлаш ва тўплашдан иш бошлайдилар. Бу жараённи баъзан **тавсифловчи** ёки **эмперик иқтисодий фан** деб аташади. Иқтисодий тадқиқот айрим далиллардан назарияга қараб ҳаракат қиласига **индукция** усулини, аксинча назариядан айрим далилларга қараб ҳаракат қиласига **дедукция** усулини ифода қиласиди.

Далилларни таҳлил қилиш орқали иқтисодий тамойиллар ёки назария яратилади. Бу жараён **иқтисодий назария** ёки **таҳлил** деб номланади. **Таҳлил** (анализ) усулида жараёнлар майда бўлакларга, алоҳида-алоҳида далилларга ажратиб ўрганилса, **синтез** усулида айрим далилларни бирлаштириш, ўзаро боғлиқликда ўрганиш орқали умумлаштирилади ва якуний хулоса чиқарилади.

Иқтисодий жараёнлар ва воқеликни ўрганишда **позитив** ва **норматив** усувлар фарқ қиласиди (1.3-расм).



1.3-расм. Позитив ва норматив таҳлил мезонлари

Позитив ёки дискриптив таҳлил иқтисодий фаолиятнинг объектив ҳолатини ёки иқтисодий хатти-ҳаракатларнинг илмий талқинини ифодалайди. У субъектив баҳоловчи мушоҳадалардан йироқ бўлиб, танлаб олинган ва назария даражасига етган фактлар билан иш кўради.

Масалан, муайян товарга нисбатан акциз солиғини жорий этилиши унинг нархини ошишига ёки қулай об-ҳаво шароити қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосилни таъминлаб, уларнинг нархлари ва фермерлар даромадлари пасайиб кетишига олиб келишини прогноз қилиш позитив таҳлилга хос.

Норматив таҳлил эса субъектив ёки алоҳида шахсларнинг баҳо берувчи мушоҳадаларига таянган ҳолда иқтисодий хатти-ҳаракатлар рецептини таклиф этади. Яъни у иқтисодиёт қандай фаолият қўрсатиши кераклигини ёки муайян бир назария ва тажрибаларга таянган ҳолда қандай чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқлигини ифодалайди. Масалан, норматив усул орқали ишлаб чиқариш жараёнида ресурслар сарфининг меъёрий миқдорлари тавсия этилиши мумкин.

Далилларни кенг қамровли таҳлил этиш учун иқтисодий тадқиқотнинг турли усулларидан фойдаланилади. Уларнинг ичидаги энг кўп статистик, ҳисоб-аналитик, иқтисодий-математик, тажриба усулларидан фойдаланилади.

Статистик, яъни динамик қаторлар, ўртача сонлар, гурухлаштириш, аналитик, кореляцион, дисперсион ва регрессион таҳлил усуллари орқали фирмаларда содир бўладиган миқдор ўзгаришлари қандай қилиб сифат ўзгаришларига олиб келиши, айрим омиллар ва далиллар ўртасида қандай алоқа ва боғланишлар борлиги анқланади.

Ҳисоб-аналитик усуслан бирор лойиҳани ишлаб чиқиша ёки фирмаларнинг истиқболли ривожланиши билан боғлиқ прогнозларни ишлаб чиқиша кенг фойдаланилади.

Тажриба усули норматив асосда белгиланган меъёрий тадбир ёки бирон-бир назарияни кенг миқёсда қўллашдан олдин кичик доирада синаб кўришдир. Агар бу синов натижалари амалда ўзини оқласа, худди шу шароит бўлган жойларда уларни кенг қўллашга тавсия этилади. Чунки амалиёт – ҳақиқат мезонидир.

Иқтисодий назария ижтимоий жараёнларнинг **моделини тузиш** билан шуғулланади. Модель деганда реалликни соддалаштирилган ҳолда акс эттириш тушунилади. Моделнинг кучи – ўрганилаётган иқтисодий реалликнинг энг муҳим хусусиятларига эътиборни жамлаб, ишга алоқадор бўлмаган ёки аҳамиятсиз деталларни таҳлилдан четлаштиришдадир. Шу сабабли моделни шакллантириш жараёнида ўрганилаётган объектга тааллуқли ахборотнинг бир

қисмидан воз кечишига түгри келади. Бунда тизимдаги асосий элементлар ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликка асосий эътибор қаратилади.

Иқтисодий модель – иқтисодий жараён ёки ҳодисаларнинг формаллаштирилган таснифи бўлиб, унинг таркиби тадқиқот мақсадидан келиб чиқувчи объектив ёки субъектив хусусиятларга боғлиқ ҳолда шакллантирилади.

Моделга тайёр ҳолда киритиладиган, аввалдан маълум миқдорий қийматликлар **экзоген**, модель доирасида қўйилган вазифани ечиш жараёнида олинадиган миқдорий қийматликлар эса **эндоген омиллар** деб аталади. Моделнинг реал иқтисодий воқеликлар билан алоқаси икки хил хусусиятга эга: бир томондан у реал воқеликнинг акси, уни шартли қайта ҳосил қилишdir; иккинчи томондан эса қўйилган мақсаддан келиб чиқиб реал воқеликни ўзгартиришга, яқин, ўрта ва узок муддатда кутиладиган ўзгаришлар натижаларини прогноз қилишга хизмат қиласди.

Моделлар турли мақсадлар ва вазифаларнинг ечимини топишга хизмат қиласди. Уларни умумлаштириш даражасига кўра – абстракт-назарий ва аниқ иқтисодий, қамраб олиш соҳасига кўра – микро ва макроиқтисодий, вақт оралиғига кўра – статик ва динамиқ, омиллар сонига кўра – бир ва қўп омилли, моделга киритилган омиллар ўзаро таъсирига кўра – чизиқли ва чизиқсиз турларга ажратиш мумкин.

Микроиқтисодий таҳлилда қўлланиладиган моделлар, уларга киритилган натижавий ва ўзгарувчан омиллар ўртасидаги боғлиқликни ифодалаш учун математик функциялар (тенгликлар ёки тенгсизликлар) ёки графиклардан фойдаланилади.

1.3. Бозор: оптималлаштириш ва мувозанатлилик

Биз мавзууда аниқ бир бозорнинг моделини кўриб чиқамиз – масалан квартиralар бозорини. Ўрганишни бозорнинг моделини тузишдан бошлаймиз.

Модел деганда реал иқтисодий объектнинг ёки ҳодиса ва жараённинг соддалашган кўринишини тушунамиз. Иқтисодий-математик модел деганда эса иқтисодий жараёнларнинг биз ўрганишимиз учун керак бўладиган кўрсаткичларини тенглама, тенгсизлик ёки функциялар орқали ифодаланишини тушунамиз.

Биз ўртача ўлчовдаги университет шаҳарчасидаги квартиралар бозорини қараймиз. Бу квартираларни икки турга бўламиз. Яъни университетга яқин бўлган квартиралар, уларни биринчи айлана ичидаги жойлашган деб қараймиз, қолган квартиралар биринчи айланадан ташқарида жойлашган дейлик. Бу квартиралар иккинчи айлана ичидаги жойлашган. Биринчи айлана ичидаги жойлашган квартиралар иқтисодий жиҳатдан кўпроқ қизиқтиради. Чунки бу

квартиralарда яшовчи талабалар учун ўқиши бориш ва қайтиш жуда қулай бўлиб катта харажат талаб қилмайди. Биринчи айлана ташқарисида яшовчи талабалар университетга бориши учун кўп вақт талаб қилинади, автобусда узоқ вақт сарфлаб боради. Бизни қизиқтирадиган нарса, бу биринчи айлана ичидағи квартиralар бўлиб, кимлар унда яшайди, квартиralар нархи қандай белгиланади.

Фараз қилайлик, ташқи айлана ичида квартиralар кўп, ички айланага жойлашмаган талабалар ташқи айланадаги квартиralардан бирига жойлашиши мумкин. Ташқи айлана ичида жойлашган квартиralар нархи биз қарайдиган модел орқали аниқланмайди, шу сабабли бу нархлар экзоген ўзгарувчилар сифатида қаралади, ички айлана ичидағи квартиralар нархи биз қарайдиган модель орқали аниқланади ва бу кўрсаткичлар эндоген деб қаралади.

Соддалаштириш: квартиralарнинг ҳаммаси бир хил типда, улар фақат жойлашувига кўра фарқ қиласиди. Шу сабабли фақат квартиralар нархи тўғрисида гап боради.

Бу модел ёрдамида куйидаги саволларга жавоб излаймиз: квартиralар нархини нима белгилайди?, кимлар ички айлана ичидан квартира ёллади?, квартиralар тақсимланиши иқтисодий механизми қандай аниқланади?, қайси тушунчалар ёрдамида квартиralарни тақсимлаш усулларининг яхшилигини баҳолаш мумкин?

Инсонларнинг бозордаги хатти-ҳаракатини тушунтиришга ҳар қандай уринишда ўтказилаётган таҳлилнинг асоси сифатида чиқувчи қандайдир тизимга таянишга тўғри келади. Иқтисодий тадқиқотларнинг аксариятида бундай асос қуйидаги икки содда тамойилга асосланади:

Оптималлаштириш тамойили: инсонлар истеъмол қила олиши мумкин бўлган товарлар таркибидан энг яхши таркибни танлашга ҳаракат қиласиди.

Мувозанатлик тамойили: нархларнинг ўзгариши талаб ҳажми таклиф ҳажмига тенглашгунга қадар давом этади.

Биринчи тамойилган кўра, инсонлар ўз ҳаракатларида эркин бўлса, улар айнан ўзларига керак бўлган нарсаларни танлашни афзал кўради.

Иккинчи тамойилни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, талаб ва таклиф ҳар қандай вақтда бир-бирига тенг бўлмаслиги мумкин. Мувозанатга эришиш маълум вақт талаб қиласиди. Бу вақт давомида қатор ўзгаришлар бўлиб мувозанатга эришилмай қолиши ҳам мумкин. Лекин, биз қарайдиган оддий моделда талаб таклифга тенглашади.

Шуни айтиш керакки, ҳар хил моделларда мувозанатлик аниқланади. Бозорнинг оддий моделида мувозанатлик талабни таклифга тенглиги билан аниқланади.

1.4. Бюджет чегараси хусусиятлари ва бюджет чизигининг ўзгариши

Истеъмолчининг истеъмол таркиби иккита вариантдан иборат бўлсин (x_1, x_2). Бу ерда x_1 – биринчи товар миқдори, x_2 –иккинчи товар миқдорини билдиради. Баъзи ҳолларда $X=(x_1, x_2)$ кўринишида ёзиш қулайроқ.

Фараз қилайлик, товарлар нархи (P_1, P_2) бўлсин ва бу товарларни сотиб олиш учун истеъмолчи томонидан ажратиладиган маблағ m га teng бўлсин. У ҳолда истеъмолчининг бюджет чегараси қўйидагича ёзилиши мумкин:

$$P_1X_1+P_2X_2 \leq m$$

P_1X_1 – истеъмолчининг биринчи товарга сарфи;

P_2X_2 – истеъмолчининг иккинчи товарга сарфи. Бюджет чегараси иккита товар учун сарфланган маблағ истеъмолчи томонидан шу товарлар учун ажратган m сўмдан ошмаслигини билдиради. Қиймати m дан ошмайдиган ва берилган (P_1, P_2) нархларда сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар мажмуасига истеъмолчи учун бюджет тўплами дейилади.

Иккита товар ҳакида гапириш умумий характерга эга. Лекин баъзи жойларда иккинчи товарни, истеъмолчи истеъмол қиласидиган барча бошқа товарлар деб қараш ҳам мумкин.

Масалан, сутни биринчи товар деб қарасак, яъни уни маълум миқдорда ойига истеъмол қлинадиган ҳажмини X_1 деб белгиласак, истеъмолчи томонидан истеъмол қилинадиган қолган барча товарларни X_2 деб белгиласак бўлади. Иккинчи товарни бошқа товарлар қиймати деб қарашимиз мумкин, у ҳолда иккинчи товар нархи автоматик равишда биринчига teng бўлади. Чунки 1 \$ нархи бу 1 \$. Шундай қилиб, бюджет чегарасини қўйидагича ёзиш мумкин.

$$P_1X_1+X_2 \leq m$$

Бу ифодада P_1X_1 , биринчи товарга сарф ва бошқа барча товарларга сарф X_2 бўлади ва иккаласининг йиғиндиси m миқдордаги пулдан ошмаслиги керак.


Бу ерда иккинчи товар комозит товар деб юритилади ва у ўз ичига истеъмолчи истеъмол қиласидиган биринчи товардан бошқа барча товарларни олади. Бюджет чегараси тўғрисида нимани гапирмоқчи бўлсак, улар юқорида келтирилган тенгсизлик учун ҳам тўғри бўлади.

Бюджет чизиги қиймати m га teng бўлган барча товарлар тўплами:

$$P_1X_1+P_2X_2=m$$

Бу тенглик истеъмолчининг даромади тўлиқ сарфланадиган товарлар комбинацияларини ифодалайди.

Куйидаги 1.4-расмда бюджет тўплами ифодаланган. Бюджет чизиги қиймати m га teng бўлган товарлар мажмуасини билдиради, бу чизик остидаги товарлар комбинацияларининг қийматлари m дан кичик.



1.4-расм. Бюджет түплами

Бюджет чизиги тенгламасини қуидагича ёзиш мумкин:

$$X_2 = m/P_2 - P_1/P_2 \times X_1$$

Бу формула верикал ўқни m/P_2 нүктада ва горизонтал ўқни m/P_1 нүктада кесиб ўтувчи түғри чизикни ифодалайды. Юкоридаги формула истеъмолчи биринчи товардан X_1 бирлик истеъмол қилганда, бюджет тенглиги бузилмаганда қанча миқдорда иккинчи товарни истеъмол қилиши мумкинлигини күрсатади.

Берилган нархларда (P_1, P_2) ва берилган m даромадда бюджет чизигини қараймиз. Агар истеъмолчи барча даромадини фақат иккинчи товарга сарфласа у m/P_2 миқдорда истеъмол қиласи, $X_1 = 0$ бўлгани учун m/P_2 нүкта горизонтал ўқда ётади. Худди шундай қилиб $X_2 = 0$ бўлса истеъмолчи даромадини биринчи товарга сарфлаб у m/P_1 миқдорда биринчи товарни сотиб олади. Бу нүкта горизонтал ўқда ётади. Уларни бирлаштириш бюджет чизигини чизамиз. Бюджет чизигининг ётиқлиги иккинчи товарни биринчи товар билан қандай нисбатда алмаштириш мумкинлигини билдиради.

Бюджет тенгламасини ёзамиш:

$$P_1 X_1 + P_2 X_2 = m \text{ ва } P_1(X_1 + \Delta X_1) + P_2(X_2 + \Delta X_2) = m$$

Биринчи тенгламани иккинчисидан айрсак, қуидаги тенгламани оламиш:


$$P_1 \Delta X_1 + P_2 \Delta X_2 = 0$$

Бу тенглама шуни билдирадики, истеъмолчи истеъмолининг умумий миқдорий ўзгариши нолга тенг. Бу тенгламани $\Delta X_2 / \Delta X_1$ иккинчи товарни биринчи товар билан, тенгликни бузмасдан алмаштириш пропорциясини беради:

$$\Delta X_2 / \Delta X_1 = - P_1 / P_2$$

Бу тенглик бюджет чизигининг ётиқлигини ифодалайди. Тенгликдаги манфий ишорани бўлишига сабаб ΔX_1 ва ΔX_2 ларнинг ишораси ҳар доим қарама-қарши бўлади. Иқтисодчилар бюджет чизиги ётиқлиги биринчи товар истеъмолининг алтернатив харажатини билдиради дейишади. Ҳақиқатдан ҳам, биринчи товардан кўпроқ истеъмол қилиш учун қанчадир микдорда иккинчи товардан воз кечишга тўғри келади. Иккинчи товарни истеъмол қилишдан маълум даражада воз кечиш биринчи товардан кўпроқ истеъмол қилишининг ҳақиқий иқтисодий харажатини билдиради ва у бюджет чизиги ётиқлиги билан ўлчанади.

Истеъмолчи даромади ва нархлар ўзгарганда сотиб олинадиган товарлар тўплами ҳам ўзгаради. Даромад ўзгаришини қараймиз. Тенгламадан кўриш мумкинки, даромад ошса вертикал ўқдаги бюджет чизифи кесишган нуқта юқорига силжийди, лекин бюджет чизигининг ётиқлигига таъсир этмайди. Демак, даромад ошганда бюджет чизифи ўнга юқорига параллел силжийди (1.5-расм).




1.5-расм. Бюджет чизиги ва даромаднинг ошиши

Худди шундай даромаднинг камайиши бюджет чизигини ичкарига қараб параллел силжишига олиб келади.

Энди нархлар ўзгаришини қараймиз. Биринчи товар нархининг ошишини қараймиз, бунда иккинчи товар нархи ва даромад ўзгармайди. Бюджет тенгламасидан кўриш мумкинки, P_1 нинг ошиши бюджет чизигининг вертикал ўқ билан кесишган нуқтасини ўзгартирмайди, лекин бюджет чизиги тиклигини оширади, чунки P_1/P_2 ошади.

Биринчи товар нархи ошганда, сиз барча даромадни иккинчи товарга сарфласангиз, иккинчи товар миқдори ўзгармайди, демак бюджет чизигининг вертикал ўқ билан кесишган нуқтаси ўзгармайди. Агар биринчи товар нархи ошганда сиз даромадни тўлиқ биринчи товарга сарфласангиз, биринчи товардан

камроқ истеъмол қиласиз. Демак, бюджет чизигини горизонтал ўқ билан кесишиган нүктаси чапга силжийди, (1.6-расм) ва бюджет чизиги ётиқлиги ҳам ошади.



1.6-расм. Биринчи товар нархи ошишининг бюджет чизигига таъсири

Энди иккала товарнинг ҳам нархини ўзгартирамиз. Масалан, иккала товарнинг нархини бир вақтда икки марта оширамиз. Бу ҳолда бюджет чизигининг вертикал ва горизонтал ўқлари билан кесишиган нүкталари ичкарига силжийди ва уларнинг янги координаталари, эскисини $1/2$ га қўпайтириш орқали аниқланади ва шу сабабли бюджет чизиги ичкарига $1/2$ коэффициент билан силжийди. Иккала нархни иккига қўпайтириш дегани бу даромадни иккига бўлиш дегани. Буни биз алгебраик нүктаи назардан кўрамиз. Бошланғич бюджет чизиги:

$$P_1X_1 + P_2X_2 = m$$

Фараз қилайлик, нархлар t марта ошди. Иккала нархни t га қўпайтириб ёзамиш: $t(P_1X_1 + P_2X_2) = m$

бу тенгламани бошқача қилиб ёзамиш:

$$P_1X_1 + P_2X_2 = m/t \text{ ва охирги тенглама охиргисини ўзи.}$$

Шундай қилиб, иккала нархни ўзгармас сон t га қўпайтириш дегани, даромадни шу t сонга бўлиш деганидир. Бундан келиб чиқадики, агар иккала нархни ва даромадни t сонга қўпайтиrsак, бюджет чизиги ўзгармайди.

Агар m қисқарса ва бир вақтни ўзида P_1 ва P_2 лар ошса, ўқлар билан кесишиган нүкталар координати m/P_1 ва m/P_2 лар камаяди. Бундан келиб чиқадики, бюджет чизиги ичкарига силжийди. Агар иккинчи товар нархига нисбатан қўпроқ ошса (абсолют қиймати бўйича) P_1/P_2 камаяди, бюджет чизиги ётиқроқ бўлади; агар P_2 нарх P_1 га нисбатан камроқ ошса, бюджет чизиги тикроқ бўлади.

1.5. Солиқлар, субсидиялар ва рационалаштириш

Иқтисодий сиёсатда истеъмолчининг бюджет чизигига таъсир этувчи инструментлардан фойдаланилади. Шулардан бири солиқлар. Масалан, давлат сотиб однадиган товарлар ҳажмига солиқ белгилайди, унда истеъмолчи сотиб олинган ҳар бир товар учун давлатга маълум миқдорда пул тўлайди. АҚШда истемолчилар ҳар бир галлон бензин учун 15 цент федерал солиқ тўлайди.

Сотиб олинган товар ҳажмига тўланадиган солиқни истеъмолчининг бюджет чизигига таъсирини кўриб чиқамиз. Истеъмолчи нуқтаи-назаридан солиқ товар нархини оширади. Демак, биринчи товарнинг бир бирлигига киритилган t доллар солиқ биринчи товар нархини P_1 дан P_1+t га оширади.

Бошқа солиқ тури – қийматга қўйиладиган солиқ. Бунда товар миқдори эмас, унинг нархи солиқقا тортилади. Қийматга қўйилган солиқ одатда фоизда, кўп ҳолларда оборот солиғи тарзида қўлланилади. Агар оборот солиғи ставкаси 6 фоиз бўлса, 1 долларлик товар 1,06 \$ га сотилади.

Агар биринчи товар нархи P_1 бўлса, унинг учун оборот солиғи τ га teng бўлса, истеъмолчи учун товар нархи $(1+\tau)P_1$ бўлади. Истеъмолчи сотувчига бир бирлик товар учун P_1 нархни тўлайди, давлатга эса $\tau \times P_1$ суммани тўлайди, бунда товарни истеъмолчи учун умумий қиймати $(1+\tau) P_1$ бўлади.


Субсидия – сотиб олинган маҳсулот ҳажмига нисбатан субсидия берилса, давлат истеъмолчига у сотиб олган маҳсулот ҳажмига қараб маълум миқдорда пул беради. Агар субсидия истеъмол қилинган бир бирлик биринчи товар учун S долларни ташикл этса, биринчи товар нархи P_1-S га teng бўларди. Бу ўз навбатида бюджет чизигини ётироқ бўлишига олиб келади.

Қийматга кўра субсидиялаш бу субсидияланадиган товарлар нархига нисбатан амалга оширилади. Агар сиз ҳайрия учун 2 \$ ажратсангиз ва давлат сизга 1 \$ ни қайтарса, сизнинг ҳайриянгиз 50 фоизга субсидияланади дегани. Умуман олганда биринчи товар нархи P_1 бўлиб у σ ставка бўйича субсидияланса, товарнинг ҳақиқий нархи $(1-\sigma)P_1$ бўлади. Қиймат субсидияси яна улушли субсидия деб ҳам юритилади. Биз кўрдикки, солиқнархни оширади, субсидия нархни пасайтиради.

Солиқ ва субсидиянинг бошқа бир тури бу аккорд солиғи ва аккорд субсидияси. Бунда истеъмочининг товарларни сотиб олишга ажратган даромади солиқقا тортилади ёки субсидияланади. Демак, аккорд солиғини кўйилиши бюджет чизигини параллел ичкарига силжитади, чунки истеъмолчи даромади қисқаради. Худди шундай, аккорд субсидия бюджет чизигини ташқарига силжишига олиб келади, чунки истеъмолчи даромади ошади.


Шундай қилиб сотиб олиш ҳажмиға қўйилган солиқ ва товар қийматига қўйилган солиқ у ёки бу даражада бюджет чизигининг ётиқлигига ёки тиклигига таъсир этса, аккорд солигини ҳар доим ичкарига силжитади.

Баъзи ҳолларда давлат товарлар истеъмолига меъёр бўйича (рационлаштириш) чекловлар киритади. Бу дегани бирор товарни истеъмол қилиш ҳажмини давлат белгилайди, бу миқдордан ортиқ истеъмол қилиш тақиқланади. Масалан, уруш вақти гўшт, нон, ўсимлик ёғини истеъмол қилиш чекланган. Фараз қиласайлик, биринчи товар истеъмолини меъёrlаш натижасидан уни \bar{X}_1 миқдордан ортиқ истеъмол қилиш тақиқланади. Бу ҳолда истеъмолчи учун бюджет тўплами 1.7-расмдаги кўринишга эга бўлади, бунда бюджет тўпламининг бир қисми кесиб олингандек кўринади.



1.7-расм. Истеъмол меъёrlанганда бюджет тўплами

Яна бир ҳолатни қараймиз. Истеъмолчи биринчи товарни P_1 нархда \bar{X}_1 даражагача истеъмол қилиши мумкин, \bar{X}_1 дан ортиқ қисми учун t доллар солиқ тўлашига тўғри келсин (1.8-расм).



1.8-расм. Истеъмол \bar{X}_1 дан ошганда солиққа тортиш

Бу ерда \bar{X}_1 нүктадан чап қисмида бюджет чизигининг ётиқлиги – P_1/P_2 , унинг ўнг қисмида – $(P_1+t)/P_2$.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб айрим хulosалар чиқариш мумкин.

Биринчидан, таъкидлаш мумкинки, нархларни ва даромадни мусбат сонга кўпайтирсак товарлар тўплами ўзгармайди, истеъмолчи томонидан бюджет тўплами ичидан танланадиан оптималь тўплам ҳам ўзгармайди. Бу бизни муҳим хulosага олиб келади: мукаммал баланслашган инфляция – яъни, бунда барча нархлар ва даромад бир хил суратда ошса, бюджет тўпламини ўзгартирмайди, натижада истеъмолчининг оптималь танловини ҳам ўзгартирмайди.

Иккинчидан, нархлар ва даромад ўзгарганда истеъмолчининг турмуш фаровонлиги тўғрисида ҳам хulosалар қилиш мумкин. Фараз қилайлик истеъмолчи даромади ортди, барча нархлар ўзгармади. Бунда бюджет чизиги ташқарига силжийди. Демак, истеъмолчи томонидан даромади паст бўлган даврида истеъмол қилинган ҳар қандай товар тўплами даромади юқори бўлганда ҳам танланиши мумкин. У ҳолда, истеъмолчининг юқори даромадидаги турмуш фаровонлиги, унинг паст даромадидаги фаровонлигидан ҳеч бўлмаганда паст бўлмасдиги керак. Чунки, даромад ошганда истеъмолчи танлаб сотиб олиши мумкин бўлган товарлар таркибига олдинги товарлар ҳам киради ва бундан ташқари янги товарлар ҳам кириши мумкин. Худди шундай товарлардан бирининг нархи пасайса ва бошқвлврининг нархи ўзгармаса, истеъмолчининг фаровонлиги камида олдинги даражада қолади.

Қисқа хulosалар

Иқтисодий жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилиш **микро** ва **макро** даражада амалга оширилади. “**Микроиқтисодиёт**” ресурслар чекланган шароитда чексиз эҳтиёжларни максимал қондириш йўлида аниқ индувидуал субъектларнинг иқтисодий хатти-харакатлари ва қарорлар қабул қилиш жараёнини ўрганиш билан шуғулланади. Индувидуал иқтисодий субъектлар деганда фирмалар, уй хўжаликлари, тармоқлар ва бозорларни тушунамиз.

Иқтисодчилар аввало маълум иқтисодий муаммога тааллуқли далилларни аниқлаш ва тўплашдан иш бошлайдилар. Бу жараённи баъзан **тавсифловчи** ёки **эмперик иқтисодий фан** деб аташади. Иқтисодий тадқиқот айрим далиллардан назарияга қараб ҳаракат қилганда **индукция** усулини, аксинча назариядан айрим далилларга қараб ҳаракат қилганда эса **дедукция** усулини ифода қиласи.

Таҳлил (анализ) усулида жараёнлар майдага бўлакларга, алоҳида-алоҳида далилларга ажратиб ўрганилса, **синтез** усулида айрим далилларни бирлаштириш, ўзаро боғлиқликда ўрганиш орқали умумлаштирилади ва якуний хulosса чиқарилади.

Позитив ёки дискриптив таҳлил иқтисодий фаолиятнинг объектив ҳолатини ёки иқтисодий хатти-ҳаракатларнинг илмий талқинини ифодалайди. У субъектив баҳоловчи мушоҳадалардан йироқ бўлиб, танлаб олинган ва назария даражасига етган фактлар билан иш кўради. **Норматив таҳлил** эса субъектив ёки алоҳида шахсларнинг баҳо берувчи мушоҳадаларига таянган ҳолда иқтисодий хатти-ҳаракатлар рецептини таклиф этади.

Иқтисодий модель – иқтисодий жараён ёки ҳодисаларнинг формаллаштирилган таснифи бўлиб, унинг таркиби тадқиқот мақсадидан келиб чиқувчи объектив ёки субъектив хусусиятларга боғлиқ ҳолда шакллантирилади.

Иқтисодий тадқиқотларнинг аксариятида бундай асос қуидаги икки содда тамойилга асосланади:

Оптималлаштириш тамойили: инсонлар истеъмол қила олиши мумкин бўлган товарлар таркибидан энг яхши таркибни танлашга ҳаракат қиласди.

Мувозанатлик тамойили: нархларнинг ўзгариши талаб ҳажми таклиф ҳажмига тенглашгунга қадар давом этади.

Бюджет чегараси иккита товар учун сарфланган маблағ истеъмолчи томонидан шу товарлар учун ажратган m сўмдан ошмаслигини билдиради. Қиймати m дан ошмайдиган ва истеъмолчининг берилган даромади ва нархларда (P_1, P_2) сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар мажмуасига истеъмолчи учун бюджет тўплами дейилади.

Бюджет чизиги қиймати m га teng бўлган барча товарлар тўплами: $P_1X_1+P_2X_2=m$. Бу тенглик истеъмолчининг даромади тўлиқ сарфланадиган товарлар комбинацияларини ифодалайди.

Иқтисодчилар бюджет чизиги ётиқлиги биринчи товар истеъмолининг алтернатив харажатини билдиради дейишади. Ҳақиқатдан ҳам, биринчи товардан кўпроқ истеъмол қилиш учун қанчадир миқдорда иккинчи товардан воз кечишига тўғри келади. Иккинчи товарни истеъмол қилишдан маълум даражада воз кечиш биринчи товардан кўпроқ истеъмол қилишнинг ҳақиқий иқтисодий харажатини билдиради ва у бюджет чизиги ётиқлиги билан ўлчанади. Истеъмолчи даромади ва нархлар ўзгарганда, солиқ ва субсидиялар таъсирида сотиб олинадиган товарлар тўплами ҳам ўзгаради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодиёт олдида турган муаммоларнинг қайси бирлари микро даражада ўрганилади?
2. Ҳар қандай жамият ресурслар чекланган шароитда қандай марказий З та саволга жавоб топишга уринади?

3. Микроиқтисодий таҳлилнинг макроиқтисодий таҳлилдан асосий фарқи нимада?
4. “Микроиқтисодиёт-2” фанининг предмети нимадан иборат?
5. “Микроиқтисодиёт-2” фанини ўрганиш усуллари нималардан иборат?
6. Позитив ва норматив таҳлил нима билан фарқ қиласди?
7. Индукция ва дедукция, анализ ва синтез усулларининг моҳияти нимада?
8. Иқтисодий модель деганда нимани тушунасиз ва у қандай вазифаларни ечишда қўлланилади?
9. Микроиқтисодиёт фани нимани ўрганади?
10. Бюджет чегараси ва тенгламаси деганда нимани тушунасиз?
11. Бюджет тўплами деганда нимани тушунасиз?
12. Бюджет чизиги ва тўплами нималар таъсирида ўзгаради?

Асосий адабиётлар рўйхати

1. Вериан Х.Р. Микроэкономика. Учебник./ перев. с анг. под редакц. Н.Фроловой. – М.: ЮНИТИ-М, 2016. - с. 767.
2. Аддресу Mac-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2016. - 630 стр.
3. Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. -19 th ed. – New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2015. Р. 604.
4. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2011. - 580 стр.
5. Пиндайк Р., Рубинфильд Д. Микрэкономика. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2011. - с. 608.
6. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: учебник/ 2-е изд. – М.: Норма, 2012. –с. 576.
7. Salimov B.T., Yusupov M.S., Salimov B.B. Mikroiqtisodiyot. Darslik. –Т.: Iqtisodiyot, 2019. – 270 b.

II боб. АФЗАЛ КЎРИШ, НАФЛИЛИК ВА ТАНЛОВ

2.1. Истеъмолчининг афзал кўриши ва “афзал кўриш” аксиомаси

“Микроиқтисодиёт” фанининг бошланғич курсларидан маълумки, бозор талабининг шаклланиши асосида шахсий (индивидуал) талаб ётади. Яъни, ҳар бир шахс ўзининг физиологик эҳтиёжларини қондириш учун қандайдир маҳсулотдан, қанчадир сотиб олиши керак, сотиб олиш учун маълум миқдорда маблағи бўлиши керак. Истеъмолчининг маблағи чекланган. Истеъмолчи ҳар доим танлов олдида турари ва танлов чоғида қўйидаги учта саволга жавоб излайди:

1. Нимани харид қилиш мақсадга мувофиқ?
2. Харид қилинадиган неъматнинг нархи қанча?
3. Неъматни харид қилиш учун маблағ етарлими?

Биринчи саволга жавоб бериш учун неъматнинг истеъмолчи учун нафлилик даражасини аниқлаш, иккинчи саволга жавоб бериш учун – неъматнинг нархини ва учинчи саволга жавоб бериш учун истеъмолчининг даромадини ўрганиш лозим бўлади. Мана шу учта элемент – нафлилик, нарх ва даромад – истеъмолчи танловининг асосини ташкил этади (6.1-расм).



2.1-расм. Истеъмолчи танловининг асосий элементлари

Истеъмолчи қарор қабул қилишда мавжуд имконият доирасида максимал даражада ўз эҳтиёжини қондиришга, турмуш фаровонлиги даражасини оширишга ҳаракат қиласи. Ушбу эҳтиёжни қондириш даражаси нафлилик

(ютилити) дейилади. **Неъматнинг нафлиилиги** – неъматнинг инсоннинг бир ёки бир нечта эҳтиёжини қондира олиш хусусиятидир. Истеъмол назариясида неъмат – бу истеъмолчининг эҳтиёжини қондира оладиган ҳар қандай истеъмол объектидир. Кўп ҳолларда неъматлар якка тартибда эмас, балки тўплам билан ёки “истеъмол савати” билан истеъмол қилинади.

Биз шу пайтгача: истеъмолчи танлови назариясида истеъмолчилар маълум дидга, хоҳишга эга ва улар бу хоҳиш ва дидларини қаноатлантиришда бюджетлари (даромадлари) билан чегараланган; улар неъматлар тўпламидан, максимал наф келтирадиган тўпламни танлашга ҳаракат қиласи; истеъмолчилар томонидан сотиб олинадиган неъмат нархи унинг миқдоридан боғлиқ эмас; истеъмолчилар неъматлар нафлигини тўлиқ билади ва максимал наф берувчи неъматлар мажмуасини танлайди, деб фараз қилиб келдик.

Энди истеъмолчи танлови назариясини мураккаброқ позициядан кўриб чиқишига ҳаракат қиласи. Бунда истеъмолчининг “нафлилик” тушунчасидан кўра “афзал кўриши” тушунчасига қўпроқ эътибор қаратамиз. Фараз қилайлик, истеъмол тўплами икки товардан иборат бўлсин, X_1 – биринчи товар миқдори, X_2 – иккинчи товар миқдори. Истеъмол тўплами унда (X_1X_2) деб белгиланади. Баъзи ҳолларда $X=(X_1X_2)$ кўринишдаги вектор ифодадан фойдаланамиз.

Биз $>$ белгидан фойдаланамиз ва у битта товар тўплами иккинчисидан қатъий афзаллигини билдиради, бошқача айтганда $(X_1X_2) > (Y_1Y_2)$ бўлса, истеъмолчи тўпламни (X_1X_2) тўпламни (Y_1Y_2) га нисбатан қатъий афзал кўради деб қараш керак бўлади, бу шуни англатадики, истеъмолчи (X_1X_2) товарни олишни хоҳлайди, (Y_1Y_2) тўпламни эмас. Шундай қилиб, афзал кўриш ғояси истеъмолчининг хоҳишига асосланади. Битта тўплам иккинчисидан афзал дейиши учун шу иккита тўпламдан қайси бирини истеъмолчи танлашига эътибор бериши керак. Агар у (Y_1Y_2) тўпламни сотиб олиш имконияти бўлишига қарамай, (X_1X_2) тўпламни танласа, (Y_1Y_2) тўпламга нисбатан (X_1X_2) тўпламни афзал кўрган ҳисобланади.

Агар истеъмолчи учун тўпламлардан қайси бирини истеъмол қилишнинг фарқи бўлмаса, биз уни қуйидача ёзамиз: $(X_1X_2) \sim (Y_1Y_2)$.

Бу ерда: \sim бефарқлик белгиси.

Бефарқлик сўзи шуни билдирадики, истеъмолчи бу тўпламларни истеъмол қилишдан бир хил қониқиши олади, яъни (X_1X_2) ҳам, (Y_1Y_2) ҳам истеъмолчини бир хил қондиради.

Агар истеъмолчи иккита тўпламдан биттасини афзал кўрса ёки улардан қайси бирини истеъмол қилиш унинг учун бефарқли бўлса, биз (X_1X_2) тўплам (Y_1Y_2) тўпламга нисбатан заиф афзал кўриш деб қараймиз ва уни $(X_1X_2) \geq (Y_1Y_2)$ кўринишида ёзамиз.

Юқорида күрсатилған қатый афзал күриш, заиф афзал күриш ва бефарқли афзал күриш тушунчалари бир-бири билан боғлик.

Масалан, агар $(X_1X_2) \geq (Y_1Y_2)$ ва $(Y_1Y_2) \geq (X_1X_2)$ бўлса, унда $(X_1X_2) \sim (Y_1Y_2)$ деб хulosа қилиш мумкин, бу ерда истеъмолчи қайси тўпламни истеъмол қилишга бефарқ.

Худди шундай, агар $(X_1X_2) \geq (Y_1Y_2)$ бўлса ва $(Y_1Y_2) \geq (X_1X_2)$ бўлиши мумкин бўлмаса, хulosа қилиш мумкинки $(X_1X_2) > (Y_1Y_2)$ бўлиши аниқ. Бу ерда истеъмолчи (X_1X_2) тўпламни (Y_1Y_2) га нисбатан ҳеч бўлмагандა ёмон эмас деб ҳисоблайди ва шу икки тўпламдан қайси бирин истеъмол қилиш унинг учун бефарқли эмас бўлса, истеъмолчи (X_1X_2) тўпламни (Y_1Y_2) тўпламга нисбатан қатый афзал кўради, деб қараш керак.

Афзал кўриш тўғрисида фаразлар. Иқтисодчилар истеъмолчиларнинг афзал кўришини “мантиқ”ка тўғри келиши тўғрисида бир қатор фаразлар қабул қиласди. Масалан, $(X_1X_2) > (Y_1Y_2)$ ва шу вақтни ўзида $(Y_1Y_2) > (X_1X_2)$ бўладиган бўлса, бу вазиятни қарама-қарши деб қарамасак, нотўғри бўлади. Бу ерда истеъмолчи бир вақтнинг ўзида X ни Y дан устун кўради ва аксинча.

Тўлиқ тартиблаштириш ёки таққослаш аксиомаси. Биз ҳисоблаймизки, ҳар қандай иккита тўпламни бир-бири билан таққослаш мумкин. Бошқача айтганда, агар X тўплам ва Y тўплам берилган бўлса биз ҳисоблаймиз: ёки $(X_1X_2) \geq (Y_1Y_2)$ ёки $(Y_1Y_2) \geq (X_1X_2)$ ёки $(X_1X_2) \sim (Y_1Y_2)$.

Рефлексивлик аксиомаси. Биз ҳар бир тўплам камидаги ўзидан-ўзи ёмон эмас деб қабул қиласми: $(X_1X_2) \geq (X_1X_2)$.

Транзитивлик аксиомаси. Агар $(X_1X_2) \geq (Y_1Y_2)$ ва $(Y_1Y_2) \geq (Z_1Z_2)$ бўлса, фараз қиласми, $(X_1X_2) \geq (Z_1Z_2)$. Бошқача айтганда, истеъмолчи X тўпламни Y тўпламга нисбатан афзал, Y тўпламни Z тўпламга нисбатан ёмон эмас деб ҳисобласа, демак, у X тўпламни Z тўпламга нисбатан камидаги ёмон эмас, деб ҳисоблайди.

Биринчи аксиома тўпламларни устунлиги бўйича тартиблаштиради. Ҳар қандай иккита устунни бир-бири билан таққослаш мумкин дегани, истеъмолчи иккита берилган тўпламдан биттасини танлаш қобилиятига эга.


Иккинчи аксиома – рефлексивлик ўз-ўзидан маълум. Ҳар қандай тўплам ўзига ўхшаш тўпламдан камидаги яхши.

Учинчи аксиома – транзитивлик аксиомаси мураккаброқ ҳисобланади. Агар истеъмолчи олдига X, Y ва Z тўпламларни қўйиб танланг десак, у шу товарларни транзитивлик қоидаси бўйича танлайдими? Бу ерда аниқ бир хulosага келиш қийин. Агар биз истеъмолчи танлови назариясига эга бўлмоқчи бўлсак ва шу назарияга кўра истеъмолчилар “энг яхши” товарлар тўпламини танлайдиган бўлса, унда афзал кўриш транзитивлик аксиомасини

қаноатлантириши керак. Агар афзал күриш транзитив бўлмаса, шундай тўпламлар бўладики, ундан энг яхши тўпламни танлаш мумкин бўлмасди.


2.2. Бефарқлик чизиқлари, афзал күриш билан бефарқлик чизиқлари ўртасидаги боғлиқлик

Афзал күришларни график усулда ўрганишда бефарқлик чизиқларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. **Бефарқлик эгри чизиги** – бу истеъмолчи учун бир хил наф берувчи неъматлар комбинацияларини ифодалайди. Фараз қиласийлик: X_1 - биринчи неъмат, X_2 - иккинчи неъмат (2.2-расм).



2.2-расм. Иккита неъмат учун бефарқлик эгри чизиги


Графикда битта X_1 билан учта X_2 (A нуқта) берадиган наф, 2 та X_1 билан 2 та X_2 (B нуқта) берадиган нафга тенг. Демак, бефарқлик эгри чизиги бир хил наф берадиган X_1 ва X_2 комбинациялари нуқталаридан иборат. Бефарқлик эгри чизиқлар тўплами бефарқлик эгри чизиқлари картасини беради (2.3-расм).



2.3-расм. Бефарқлик эгри чизиқлари картаси

Бефарқлик эгри чизиқлари бир-бири билан кесишмайди. Бефарқлик эгри чизиқлари қанчалик ўнгда ва тепада жойлашган бўлса, унга тўғри келадиган нафлик шунча юқори бўлади: Масалан, 2.3-расмдаги бефарқлик эгри чизиқлари жойлашувига кўра $TU_3 > TU_2 > TU_1$ деб ёзиш мумкин.

Неъматларнинг бир-бирини ўрнини босиши зонаси. Неъматларнинг бир-бирини ўрин босиш зонаси деб – бир неъматни иккинчи неъмат билан самарали алмаштириш мумкин бўлган оралиқقا айтилади (2.4.-расм).



2.4-расм. Неъматларни бир-бири билан алмаштириш зонаси

Расмдаги ON га тенг бўлган X_1 неъматнинг микдори истеъмолчи учун шундай зарурий минимал микдор ҳисобланадики, у ушбу микдордаги неъматнинг ўрнига X_2 неъматдан канча кўп таклиф қилинмасин, воз кеча олмайди. Худди шундай OF микдорга тенг бўлган X_2 неъматнинг микдори ҳам истеъмолчи учун зарурий минимал микдор ҳисобланади. X_1 ва X_2 неъматларнинг ўзаро алмашиш соҳаси бўлиб VW оралиқ ҳисобланади. Бу оралиқда, икки неъматнинг бир-бири билан алмаштириш мазмунга эга.

Верикал ўқ бўйича X_2 товарни истеъмол қилиш микдори, горизонтал ўқ бўйича X_1 товар микдори белгиланган. Координата тизимида аниқ бир истеъмол тўплам (X_1X_2) ни танлаймиз. Тўплам (X_1X_2) га нисбатан заиф устун кўриладиган тўпламлар комплектини ифодаловчи соҳани штрихлаймиз. Чегара чизиқда ётувчи ва истеъмолчи учун (X_1X_2) тўпламдай бир хил яхши бўлган тўпламлар бефарқлик чизигини ташкил этади. Биз ҳар бир истеъмол тўпламидан бефарқлик чизигини ўтказишимиз мумкин. Истеъмол тўпламидан ўтказилган бефарқлик чизиги берилган тўпламдан истеъмолчи учун ёмон бўлмаган тўпламлардан ташкил топган бўлади. Бефорқлик чизиқларини характерловчи тамойилни ифодалаймиз: бир-биридан даражасига кўра фарқ қилувчи афзал кўришларни ифодаловчи бефарқлик чизиқлари ўзаро кесишмайди.

Юқоридаги фикрни исботлаш учун уcta товар түпламини қараймиз, X, Y ва Z. Бу ерда X түплам фақат битта бефарқлик чизигида ётади, Y – бошқа бефарқлик чизигида ётади. Z түплам эса шу бефарқлик чизиклари кесишгән нүктада ётади. Биз қилған фаразга кўра, бефарқлик чизиклари ҳар хил даражадаги афзал кўришларни ифодалайди, шунинг учун ҳам түпламлардан биттаси, масалан, X түплам бошқа түплам Y га нисбатан қатъий устун кўрилади. Бизга маълумки, X~Z ва Z~Y транзитивлик аксиомасига кўра, X~Y бўлиши керак.

Лекин, бу $X > Y$ га қарама-қарши. Олинган қарама-қаршилик биз излаган натижани беради – бир-биридан даражасига кўра фарқ қиладиган афзал кўришларни ифодаловчи бефарқлик чизиклари кесишиши мумкин эмас. Бефарқлик чизиклари афзал кўришларни ифодалаш усули. Ҳар қандай афзал кўриш бефарқлик чизиги билан ифодаланиши мумкин. Қийинлиги, қайси турдаги афзал кўришлар у ёки бу шаклдаги бефарқлик чизикларини шакллантиришини билишдадир.

2.3. Стандарт афзал кўриш. Чекли алмаштириш нормаси (MRS)

Стандарт афзал кўриш. Стандарт бефарқлик чизигининг хусусиятларини аниқлашга ёрдам берадиган қуйидаги фаразларни қабул қиласиз:

Биринчидан, истеъмол қилинадиган товарлар сони қанча кўп бўлса, шунча яхши. Аниқроқ айтадиган бўлсак, агар, (X_1X_2) битта товар түплами, (Y_1Y_2) – иккинчи товар түплами бўлиб, уларда $X_1=Y_1$ ва $Y_2>X_2$ бўлса, у ҳолда $(Y_1Y_2) > (X_1X_2)$ бўлади. Қабул қилинган бу фаразни афзал кўришнинг монотонлик аксиомаси (ёки тўйинмаслик аксиомаси) деб ҳам юритади. Биз афзал кўришнинг монотонлиги ҳолатини шундай қараймизки, истеъмол қилинадиган товарлар сони то маълум чегарага (тўйиниш нүктасига) етгунга қадар қараймиз. Истеъмолчилар ўзларининг тўйиниш нүктасига эришганда иқтисодий назария қизиқарли бўлмай қолади.

Иккинчидан, фараз қиласизки, афзал кўришнинг ўртача қиймати, четки нүқталардагидан юқори, бошқача айтганда, агар биз бефарқлик чизигида ётган иккита товар түпламини қарасак (X_1X_2) ва (Y_1Y_2) , шу иккита түпламнинг тортилган ўртачаси, яъни $(1/2X_1+1/2Y_1, 1/2X_2+1/2Y_2)$ камида четки (X_1X_2) ва (Y_1Y_2) тўпламнинг ҳар биридан ёмон эмас ёки улардан қатъий устун бўлади. Бефарқлик эгри чизигининг пастга томон ётиклиги неъматни неъмат билан чекли алмаштириш нормасини ифодалайди. Чекли алмаштириш нормаси одатда билан белгиланади.

Бефарқлик эгри чизигининг тангенс бурчаги ётиқлиги манфий бўлгани учун манфий бўлади. Лекин, мусбат бўлиб, у бурчак ётиқлигининг абсолют қиймати бўйича олинади.

Бюджет чегараси товарлар нархига ва истеъмолчининг даромадига асосланади ва у мавжуд пул маблағларида қандай истеъмол товарлар мажмуасини сотиб олиш мумкинлигини кўрсатади.

Бюджет чегараси берилган даромад ҳамда нархларда истеъмолчи томонидан сотиб олиниши мумкин бўлган, биринчи ва иккинчи неъматларнинг барча комбинацияларини ифодалайди.


Бюджет чегараси тенгламаси графикда чизигини беради, бу чизикга бюджет чизиги дейилади. Графикдаги штрихланган учбурчак истеъмолчининг танлов соҳаси, яъни истеъмол мажмуалари тўплами. Истеъмолчининг мувозанатлик шарти қўйидагича ёзилиши мумкин:

Чекли алмаштириш нормаси. Бефарқлик эгри чизигининг пастга томон ётиқлиги X_2 неъматни X_1 неъмат билан чекли алмаштириш нормасини ифодалайди. Чекли алмаштириш нормаси одатда MRS_{X_1, X_2} билан белгиланади.

$$MRS_{X_1, X_2} = \frac{-\Delta X_2}{\Delta X_1}$$

Бефарқлик эгри чизигининг тангенс бурчаги ётиқлиги манфий бўлгани учун MRS_{X_1, X_2} манфий бўлади. Лекин, MRS мусбат бўлиб, у бурчак ётиқлигининг абсолют қиймати бўйича олинади.


Чекли алмаштириш нормаси MRS_{X_1, X_2} нинг миқдори горизонтал ўқ бўйича ифодаланган X_1 неъматнинг бир бирлиги учун, вертикал ўқ бўйича ифодаланган X_2 неъматнинг қанча миқдоридан воз кечиш мумкинлигини кўрсатади (2.5-расм).



2.5-расм. Чекли алмаштириш зонаси

Бефарқлик эгри чизиқлари бир неъмат билан иккинчи неъматни алмаштириш мумкинлигини кўрсатади, холос. Лекин, улар истеъмолчи учун қайси товарлар мажмуаси қўпроқ нафлироқлигини кўрсата олмайди. Бундай масалани бюджет чизиги ёрдамида ечиш мумкин. Бюджет чегараси товарлар нархига ва истеъмолчининг даромадига асосланади ва у мавжуд пул маблағларида қандай истеъмол товарлар мажмуасини сотиб олиш мумкинлигини кўрсатади.

Бюджет чегараси берилган даромад R ҳамда P_1 ва P_2 нархларда истеъмолчи томонидан сотиб олиниши мумкин бўлган, биринчи ва иккинчи неъматларнинг барча комбинацияларини ифодалайди. Бюджет чегарасини қўйидагича ёзиш мумкин: $P_1X_1 + P_2X_2 \leq m$ ва бу тенгсизлик товарларга сарфланадиган харажатлар йифиндиси, истеъмолчи даромадидан ошмаслигини билдиради. X_1 ва X_2 ларнинг манфий бўлмаслик ($X_1 \geq 0$ ва $X_2 \geq 0$) шартини киритсақ, у ҳолда биз истеъмолчининг товарларни сотиб олиши мумкин бўлган соҳасини (2.6-расмда штрихланган қисм) аниqlаган бўламиз.



2.6-расм. Истеъмолчининг танлови ва бюджет чизиги

Бюджет чегараси тенгламаси $P_1X_1 + P_2X_2 = m$ графикда AB чизигини беради, бу чизиқга **бюджет чизиги** дейилади. Графикдаги штрихланган учурчак истеъмолчининг танлов соҳаси, яъни истеъмол мажмуалари (X_1, X_2) тўплами. Истеъмолчининг мувозанатлик шарти қўйидагича ёзилиши мумкин:

$$MRS_{X_1X_2} = \frac{MU_{X_1}}{MU_{X_2}} = \frac{P_1}{P_2}, \text{ ёки } \frac{MU_{X_1}}{P_1} = \frac{MU_{X_2}}{P_2}.$$

Бюджет чизиги қуйидаги тартибда аниқланади ва тенгламасини қуйидагича ёзамиз: $X_2 = \frac{R}{P_2} - \frac{P_1}{P_2} \cdot X_1$

Бу ерда - $\frac{P_1}{P_2}$ - бюджет чизигининг бурчак коэффициенти, у бюджет чизигининг X_1 ўқига нисбатан ётиқлигини ифодаловчи катталик (графикда $\operatorname{tg}\alpha = -\frac{P_1}{P_2}$). Бюджет чегараси тенгламасида $X_1 = 0$ бўлганда, $X_2 = \frac{m}{P_2}$ бўлади ва бу ҳолда барча даромад X_2 неъматга сарфланади (графикда A нуқта бўлиб, унинг координаталари $\left(X_1 = 0; X_2 = \frac{m}{P_2} \right)$ ва у $\frac{m}{P_2}$ миқдорда сотиб олинади).

Энди $X_2 = 0$ десак, $X_1 = \frac{m}{P_1}$, бу ҳолда барча даромад X_1 неъматни сотиб олишга сарфланади ва у $\frac{M}{P_1}$ миқдорда сотиб олинади (графикда B нуқта).

Демак, бюджет чизиги координаталар ўқини $X_1 = \frac{m}{P_1}$ ва $X_2 = \frac{m}{P_2}$ нуқталарда кесиб ўтади. Бюджет чизигидаги нуқталарда даромад тўлиқ сарфланади. Штрихланган соҳадаги нуқталарда (масалан, C нуқтада) даромад тўлиқ сарфланмайди. Агар танлов нуқтаси бюджет чизигидан ўнг томонда ётса (D нуқта) даромад ушбу нуқтага тўғри келадиган неъматлар комбинациясини сотиб олишга етмайди. Бюджет чизигининг манфий ётиқлиги, абсолют қиймати бўйича товарлар нисбати $\frac{P_1}{P_2}$ га teng (бу катталик $\operatorname{tg}\alpha$ бўлиб, $\operatorname{tg}\alpha = -\frac{\frac{m}{P_2}}{\frac{m}{P_1}}$ ёки $\operatorname{tg}\alpha = -\frac{P_1}{P_2}$).


2.4. Оптимал танлов ва истеъмолчи талаби

Истеъмолчининг танлови масаласи иккита неъмат учун қуйидагича қўйилади. Истеъмолчининг даромади R берилган, сотиб олиш мумкин бўлган неъматлар нархи мос равишда P_1 ва P_2 дейлик. У ҳолда истеъмолчи ўзининг даромади R га кўра биринчи ва иккинчи неъматлардан шундай X_1 ва X_2 миқдорда сотиб олинсинки, натижада улардан оладиган умумий наф максимал бўлсин (нафлик функцияси максимал қийматга эришсин):

$$TU = TU(X_1, X_2) \rightarrow \max, \text{ бўлсин, қуйидаги шарт бажарилсин:}$$

$$P_1 X_1 + P_2 X_2 \leq m; \quad X_1 \geq 0 \text{ ва } X_2 \geq 0.$$

Истеъмолчининг танлов масаласини графикда кўриб чиқамиз (2.7-расм).



2.7-расм. Истеъмолчининг мувозанат ҳолати

Графикдаги штрихланган учбурчак истеъмолчининг танлов соҳаси, яъни истеъмол мажмуалари (X_1, X_2) тўплами. TU_1, TU_2 ва TU_3 лар бефарқлик эгри чизиқлари, яъни нафлик даражалари чизиқлари. Маълумки, улар қуйидаги шартни қаноатлантиради: $TU_1 < TU_2 < TU_3$.

Танлов соҳаси билан фақат TU_1 ва TU_2 бефарқлик эгри чизиқлари кесишади. TU_1 бефарқлик эгри чизиги бўйича танлов соҳасидан олинган ҳар қандай нуқта (масалан, A нуқта) нафлик функциясини максимал қийматини бермайди.

(X_1^0, X_2^0) нуқтада бюджет чизиги $P_1 X_1 + P_2 X_2 = m$ ва TU_2 бефарқлик эгри чизиги бир-бирига тегади, натижада танлов соҳаси билан кесишадиган бюджет чизиқларидан энг юқориси аниқланади.

Шундай қилиб, истеъмолчининг оптималь (мувозанат) нуқтасида бефарқлик эгри чизиги бюджет чизигига тегади ва шу сабабли $MRS_{X_1 X_2} = \frac{P_1}{P_2}$.

Бу тенглик шуни кўрсатадики, бефарқлик эгри чизиги ётиқлиги (MRS) бюджет чизиги ётиқлиги $\frac{P_1}{P_2}$ га тенг. Юқорида, бошқа томондан биринчи неъмат билан иккинчи неъматни бефарқлик эгри чизигининг ҳар бир нуқтасидаги чекли алмаштириш нормаси, неъматларнинг шу нуқтадаги чекли нафликлари

нисбатига тенг эканлигини аниқлаган эдик: $MRS_{X_1 X_2} = \frac{MU_{X_1}}{MU_{X_2}}$.

Юқорида келтирилган истеъмолчининг мувозанатлик шарти қуидагича ёзилиши мумкин: $MRS_{X_1 X_2} = \frac{MU_{X_1}}{MU_{X_2}} = \frac{P_1}{P_2}$ ёки $\frac{MU_{X_1}}{P_1} = \frac{MU_{X_2}}{P_2}$.

Мувозанатлилик шартига кўра, неъматларнинг нархи уларнинг чекли нафлилигига тўғри пропорционал (2.8-расм).



2.8-расм. Истеъмолчининг мувозанатга эришиш ҳолати

Мувозанатлик шартига кўра, неъматлар нархи, уларнинг чекли нафлилигига тўғри пропорционал. Демак, неъматнинг чекли нафлиги қанча юқори бўлса, унинг нархи шунча юқори бўлади. Охирги муносабатдан фойдаланиб, N неъмат учун истеъмолчининг мувозанатлик шартини қуидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{MU_{X_i}}{P_i} = \frac{MU_{X_j}}{P_j}, \quad i = \overline{1, N}; \quad j = \overline{1, N}.$$

Шундай қилиб, истеъмолчининг мувозанат нуқтасида истеъмол қилинадиган неъматларнинг чекли нафлари нисбати, шу неъматлар нархларининг нисбатига тенг. Бу мувозанатлик шарти ихтиёрий миқдорда неъматлар қатнашган истеъмолчининг танлови масаласи учун ўринлидир.

Мувозанатлик шартига кўра, истеъмолчи даромадини шундай тақсимлайдики, натижада товарларнинг ҳар бирига сарфланган охирги пул бирлиги бир хил чекли наф келтиурсин.

Иккита неъмат бўлганда, истеъмолчи ўз нафлигини максималлаштиради, қачонки қуидаги икки шарт бажарилса. Биринчи шартга кўра, бу неъматлар учун MRS , уларнинг нархлари нисбатига тенг бўлса, яъни мувозанатлик шарти (C) бажарилса. Иккинчи шарт – истеъмолчининг даромади тўлиқ сарфланса ($P_1X_1 + P_2X_2 = m$ тенглик бажарилса). Агар MRS ҳар доим нархлар нисбатидан юқори ёки пастда бўлса, у ҳолда истеъмолчи ўз нафлигини факат битта товар сотиб олиш билан максималлаштиради.

Юқоридаги шартларга асосланган ҳолда истеъмолчининг танлови масаласининг ечилиши, талаб функциясини ошкора кўринишда олишга имкон яратади. Иккита неъмат учун қуидаги истеъмолчи танлови масаласини қараб чиқамиз. Нафлик функцияси:

$$TU(X_1, X_2) = X_1 \cdot X_2 \rightarrow \max$$

$$P_1X_1 + P_2X_2 = m,$$

$$X_1 \geq 0, \quad X_2 \geq 0.$$

Оптималлик шартидан $\frac{\partial U}{\partial X_1} = MU_1 = X_2; \quad \frac{\partial U}{\partial X_2} = MU_2 = X_1; \quad \frac{X_2}{X_1} = \frac{P_1}{P_2}$.

Бу муносабатдан неъматларга сарфланадиган маблағлар тенг бўлиши керак:

$X_2 \cdot P_2 = X_1 \cdot P_1, \quad X_2 = \frac{P_1}{P_2} \cdot X_1$, бу муносабатни бюджет чизиги

тенгламасига қўйиб, $P_1X_1 + P_2 \cdot \frac{P_1}{P_2} \cdot X_1 = m$ биринчи неъмат учун талаб

функциясини аниқлаймиз: $X_1 = \frac{m}{2 \cdot P_1}$ ва иккинчи неъмат талаб функцияси


аниқланади: $X_2 = \frac{m}{2 \cdot P_2}$.

2.5. Афзал қўришга мисоллар

Мукаммал субститутлар (ўриндош товарлар). Иккита товарга мукаммал ўриндош товар дейилади, агар истеъмолчи улардан биттасини иккинчиси билан бир хил нисбатда алмаштиришга тайёр бўлса. Оддий ҳолатда истеъмолчи бир товарни иккинчиси билан тенг нисбатда алмаштиришга тайёр бўлса мукаммал ўриндош товарлар ҳисобланади. Айтайлик, истеъмолчи қизил ва кўк қаламдан

бирини танламоқчи. Лекин уни қаламларнинг ранги қизиқтирмайди, қалам бўлса бас, кўкми, қизилми фарқи йўқ.


Истеъмол тўплами 10 та қизил ва 10 кўк қаламдан иборат бўлсин (10,10). Унда бу истеъмолчи учун 20 та ҳар хил нисбатдаги қизил ва кўк қаламлар бир хил яхши ҳисобланади. Буни математик кўринишда ёзиш мумкин: $X_1+X_2=20$, бу ҳолда юқоридаги тенгламани қаноатлантирувчи ҳар қандай тўплам (X_1X_2) истеъмолчининг (10,10) тўпламдан ўтувчи бефарқлик чизигида ётади. Мукаммал ўриндош товарларнинг бефарқлик чизиқлари ўзгармас ётиқликка эга (2.9-расм).



2.9-расм. Мукаммал субститутлар (ўриндош товарлар)

Фараз қиласайлик, биз истеъмолчининг афзал кўришини иккита кўк ва иккита қизил қаламга нисбатан қарайдиган бўлсак, у ҳолда бу товарлар учун бефарқлик чизигининг ётиқлиги -2 га teng бўлади ва истеъмолчи иккита қизил қалам олиш учун у иккита кўк қаламдан воз кечишига иўғри келади.

Мукаммал тўлдирувчи (комплементар) товарлар. Мукаммал тўлдирувчи (комплементар) товарлар – ҳар доим биргаликда ва ўзгармас нисбатда истеъмол қилинадиган товарлар. Бунга мисол сифатида ўнг ва чап пойафзални келтириш мумкин. Истеъмолчи чап ва ўнг пойафзални биргаликда кийиб юради. Фақат чап ёки ўнг пойафзал унинг фаровонлигига таъсир этмайди. Мукаммал тўлдирувчи товарлар учун бефарқлик чизигини чизамиз. Фараз қиласайлик, биз истеъмол тўпламини (10,10) қилиб танладик. Тўпламга битта чап ботинкани қўшсак, тўплам (11,10) бўлади, лекин қўшилган битта пойафзал истеъмолчининг фаровонлигини ўзгартирмайди. Худди шундай, битта ўнг пойафзал қўшсак ҳам (10,11), бунда истеъмолчи фаровонлиги илгари (10,10) бўлганда қандай бўлса шундайлигича қолади (2.10-расм).




2.10-расм. Мұккамал тұлдирувчи (комплементар) товарлар

Агар чап ва ўнг пойафзаллар сони бир хил ошса, истеъмолчининг фаровонлиги ошади ва у юқоригоқ афзал күриш нұқтасига ўтади. Афзал күришнинг ошиши стрелка орқали күрсатилған ва у унга юқорига йўналган. Биз асосан, товарлар бир хил, бирга-бир нисбатда истеъмол қилинадиган товарларни қараймиз.

Антинеъматлар – истеъмолчига ёқмайдиган товарлар. Масалан, аччиқ қалампир ва анчоусни олайлик. Фараз қилайлик, истеъмолчи аччиқ қалампирни яхши кўради, лекин анчоусга тоқат кила олмайди. Айтайлик, аччиқ қалампир ва анчоус ўртасида танлов учун қандайдир имконият бор. Бошқача қилиб айтганда, пиццага қанчадир миқдорда қалампир қўшиш орқали истеъмолчига маълум миқдордаги анчоусни мажбурий истеъмолдан қилишдан озод қилиш мумкин бўлсин. Ушбу афзал күришни бефарқлик эгри чизиги ёрдамида қандай ифодалаш мумкин? Белгиланган миқдордаги анчоус ва қалампирдан иборат тўпламни танлаймиз (X_1 , X_2). Агар истеъмолчига кўпроқ анчоус берилса, истеъмолчини шу бефарқлик эгри чизигида тутиб туриш тутиш учун қалампирдан қанча беришга тўғри келади?


Албатта, истеъмолчига анчоус бериш заруриятини қоплаш учун унга яна бир оз қалампир беришига тўғри келади. Шунинг учун, бу ҳолатда истеъмолчи учун бефарқлик эгри чизиклари 2.11-расмда күрсатилганидек, ўнгта ва юқорига ўсиши керак. Бу ҳолатда афзал күриш ўнг ва паст томонга ўсиб боради, яъни анчоус истеъмолини камайиши ва қалампир истеъмолини кўпайиши юз беради, бу графикда чизиклар орқали күрсатилған.

Бу истеъмолчи учун анчоуслар “антинеъмат”, аччиқ қалампир эса “неъмат” саналади. Шу туфайли бефарқлик эгри чизиклари ижобий ётиқликка эга.



2.11-расм. Антинеъмат товарлар

Бефарқ неъматлар – бу шундай неъматларки, уни истеъмол қилишга истеъмолчи бефарқ қарайди. Масалан, истеъмолчи анчоусга бутунлай бефарқ бўлсачи? Бундай ҳолда ушбу истеъмолчи учун бефарқлык эгри чизиқлари 2.12-расмда кўрсатилганидек вертикал чизиқлардан иборат бўлади.




2.12-расм. Бефарқ неъматлар

Истеъмолчи фақат аччиқ қалампир (X_1) миқдори ҳақида қайғуради ва қанча анчоус (X_2) борлиги билан қизиқмайди. Аччиқ қалампир қанча кўп бўлса, шунча яхши, анчоусни қўшиш эса унинг фаровонлигига таъсир қилмайди. Истеъмолчи аччиқ қалампирни яхши қўради, лекин анчоуларга бефарқ. Шунинг учун бефарқлык эгри чизиқлари вертикал чизиқлардан иборат.

Тўйиниши. Баъзи ҳолларда тўйиниши ҳолатини қарашга тўғри келади. Масалан, истеъмолчи учун шундай бир афзал кўрадиган товарлар тўплами (\bar{X}_1, \bar{X}_2) борки, унга яқинлашган сари унинг фаровонлиги, афзал кўриш нуқтаи

назардан ошиб боради, аксинча, ундан узоклашган сари унинг фаровонлиги камайиб боради. Истеъмолчи учун энг яхши нуқта (\bar{X}_1, \bar{X}_2), истеъмолчи шу (\bar{X}_1, \bar{X}_2) тўпламни истеъмол қиласа унинг фаровонлиги максимал даражада бўлади, агар кўпроқ истеъмол қиласа у антинеъматга айланади, камроқ истеъмол қиласа фаровонлиги камаяди. Бундай ҳолатда биз (\bar{X}_1, \bar{X}_2) ни тўйиниш нуқтаси деб қараймиз (2.13-расм).




2.13-расм. Тўйиниш шароитидаги афзал кўриш

Масалан, шоколадли торт ва музқаймоқ. Истеъмолчилар, одатда, ўzlари хоҳлаган миқдордан ортиқ истеъмол қилмайди. Иктиносий нуқтаи-назаридан қараганда бизни шундай истеъмол соҳаси қизиқтирадики, бунда истеъмолчиларнинг ўzlари хоҳлаган миқдордан паст миқдорда истеъмол қиласи.

2.6. Квазичизиқли ва Кобба-Дуглас бўйича афзал кўриш

Фараз қилайлик, бефарқлик эгри чизиқлари битта бефарқлик чизиги бошқасига нисбатан вертикал сурилишини акс эттирувчи 2.14-расмдаги кўринишга эга. Бу шуни англатадики, барча бефарқлик чизиқлари айна бир бефарқлик чизигининг шунчаки вертикал сурилган нусхаси саналади. Бундан келиб чиқадики, бефарқлик чизиги тенгламаси қўйидаги кўринишга эга бўлади: $x_2 = k - v(x_1)$. Бу ерда k барча бефарқлик чизиқлари учун бир хил қийматга эга константа. k нинг қиймати қанча катта бўлса, бефарқлик чизиқлари шунча юкори жойлашади.



2.14-расм. Квазичизиқли бефарқлик чизиқлари

Бундай вазиятда бефарқлик чизиқларини k га нисбатан ёки вертикаль ўқ бўйлаб баландлигига қараб табақалаштириш табиий ҳол. k ни нафлииликка тенглаштириш қуидаги тенгламага эга бўламиз:

$$u(x_1, x_2) = k = v(x_1) + x_2$$

Бу ҳолатда нафлиилик функцияси 2 чи товарга нисбатан чизиқли, аммо биринчи товарга нисбатан чизиқсиз. Шу ердан квазичизиқли сўзининг маъноси келиб чиқади, яъни қисман чизиқли нафлииликни англатувчи.


Квазичизиқли функцияга мисоллар: $u(x_1, x_2) = \sqrt{x_1} + x_2$

Нафлиилик бошқа кўп ишлатиладиган функцияси – **Кобба-Дуглас** нафлиилик функциясидир.


$$u(x_1, x_2) = x_1^c x_2^d$$

Бу ерда: c ва d лар истеъмолчиларнинг афзал кўришларини ифодаловчи мусбат рақамлардир.

Кобба-Дуглас функцияси орқали ифодаланган афзал кўриш 2.15-расмда келтирилган бефарқлик эгри чизиқлари кўринишида характерланади.



A. $c = 1/2 \quad d = 1/2$



B. $c = 1/5 \quad d = 4/5$

2.15-расм. Кобба-Дуглас бўйича бефарқлик эгри чизиқлари

2.15-А-расмда $c = 1/2$, $d = 1/2$, 2.15-В-расмда эса $c = 1/5$, $d = 4/5$ ҳолатлар учун бефарқлик эгричициклари ифодаланган. Агар эътибор қаратсангиз c ва d ларнинг ҳар хил қийматларига мос равишда бефарқлик эгричицикларининг шакли ўзгариб борган.

Кобба-Дуглас бефарқлик эгри чизиқлари координата бошидан қабариқ бўлиб чиқсан ва биз стандарт деб атовчи монотон бефарқлик эгри чизиқларига ўхшайди. Кобба-Дуглас бефарқлик эгри чизиқларини ифодаловчи формула эса стандарт бефарқлик чизиқларини ифодаловчи алгебраик ифодадир. Албатта, афзал кўришни ҳам Кобба-Дуглас нафлийлик функциясини ўзгартириш орқали ифодалаш мумкин.

Биринчидан, нафлийкнинг натурал логарифмини олсак, элементларнинг ҳосиласи йигиндисига айланади:

$$v(x_1, x_2) = \ln(x_1^c x_2^d) = c \ln x_1 + d \ln x_2$$

Бу функция учун бефарқлик чизиқлари Кобба-Дугласнинг биринчи функцияси каби кўринишга эга бўлади, негаки логарифмлаш – бу монотон айлантиришdir.

Иккинчи мисол сифатида дастлаб Кобба-Дуглас нафлийлик функцияси қўйидагича деб фараз қиласиз:

$$v(x_1, x_2) = x_1^c x_2^d$$

Нафлийкни $1/(c+d)$ даражага кўтариш орқали қўйидагини оламиз:

$$x_1^{\frac{c}{c+d}} x_2^{\frac{d}{c+d}}$$

Бундан: $a = \frac{c}{c+d}$. Энди нафлийлик функциясини қўйидагича ёзиш мумкин:

$$v(x_1, x_2) = x_1^\alpha x_2^{1-\alpha}.$$

Бу шуни англатадики, ҳар доим даражадаги кўрсаткичлар йигиндиси 1 га тенг бўладиган Кобба-Дуглас нафлийлик функциясини мотон ўзгартириш мумкин.

Дифференциал ҳисоблаш орқали нафлийкнинг бу тури учун оптималь танлов координатларини аниқлаймиз: $x_1 = \frac{c}{c+d} \frac{m}{p_1}$, $x_2 = \frac{d}{c+d} \frac{m}{p_2}$

Кобба-Дуглас афзал кўришига эга истеъмолчи даромадининг биринчи товарга сарфлайдиган қисмини кўриб чиқамиз. Агар у биринчи товарнинг x_1 бирлигини истеъмол қиласа, бунга у $P_1 X_1$ маблағ сарфлайди ва бу унинг

даромадини $P_1 X_1 / m$ қисмини ташкил этади. Бу ифодага X_1 учун талаб функциясини қўйиб қўйидагига эга бўламиз: $\frac{P_1 x_1}{m} = \frac{P_1}{m} \frac{c}{c+d} \frac{m}{p_1} = \frac{c}{c+d}$.

Худди шунингдек, иккинчи товар учун:

$$\frac{P_2 x_2}{m} = \frac{P_2}{m} \frac{d}{c+d} \frac{m}{p_2} = \frac{d}{c+d}.$$


Шу тарзда Кобба-Дуглас афзал кўришига эга истеъмолчи ҳар бир товарга ўзининг даромадини доимий бир қисмини сарфлайди. Бу қисмнинг микдори Кобба-Дуглас функциясининг даражаси билан ўлчанади.

Агар $u(x_1, x_2) = x_1^\alpha x_2^{1-\alpha}$ бўлса, α ни биринчи товарга сарфланадиган даромад салмоғи, $1 - \alpha$ ни эса иккинчи товарга сарфланадиган даромад салмоғи деб қараш мумкин.

Кобба-Дуглас нафлилик функциясини турли усуллар билан ифодалаш мумкин. Уларни англаб етиш жуда фойдали, чунки афзал кўришнинг бу туридан мисол келтиришда фойдаланиш қулай.

2.7. Аниқланган афзал кўриш. Унинг заиф (WARP) ва кучли (SARP) аксиомалари

Ҳар бир бюджет чекланганлиги шароитида истеъмолчи учун ягона оптимал тўплам мавжуд бўлади. Қуйидаги 2.16-расмда истеъмолчи учун маъқул бўлган неъматлар тўплами (x_1, x_2) ва бюджет чизигидан пастда ётувчи тасодифий танланган неъматлар тўплами (y_1, y_2) ифодаланган (2.16-расм).



2.16-расм. Аниқланган афзал кўриш

Фараз қилайлик, истеъмолчи нафлиникни максималлаштиришга интилмоқда. Бу ҳолда унинг келтирилган иккита неъматлар тўпламига нисбатан афзал кўриши хақида нима дея оламиз?

Албатта (y_1, y_2) тўпламни истеъмолчи ўзи хоҳлаганда харид қилиши мумкин, негаки бу ҳолда у даромадининг бир қисмини тежаб қолади. Аммо (x_1, x_2) тўплам истеъмолчи учун оптималь тўплам бўлгани учун у бюджет чизиги усти ва остида ётган барча тўпламлар ичида, жумладан (y_1, y_2) тўпламга нисбатан ҳам энг яхши деб қаралади. Бу қоидани бюджет чизигидан пастда ётувчи бошқа ҳар қандай тўпламга нисбатан ҳам татбиқ этиш ўринли. Шу туфайли бюджет чекланганлиги шароитида истеъмолчи учун ягона оптималь тўплам мавжудлиги қоидасига амал қиласиз.

(x_1, x_2) тўплам истеъмолчининг даромади m бўлган ҳолатда (p_1, p_2) нархлар бўйича харид қилинаётган тўплам бўлсин. (y_1, y_2) тўплам мазкур даромад ва нархлар даражасида истеъмолчининг имконият доирасидаги тўплам деб аташдан маъно нимада? У шунчаки $p_1 y_1 + p_2 y_2 \leq m$ тенгсизлигини қаноатлантиради.

(x_1, x_2) тўплам берилган бюджет чекланганлиги шароитида амалда сотиб олинган тўплам бўлганлиги учун тенглик белгисига эга бюджет чекланганлигига мос келади, яъни: $p_1 x_1 + p_2 x_2 = m$.

Бу тенгсизлик ва тенгламани бирлаштирамиз: $p_1 x_1 + p_2 x_2 \geq p_1 y_1 + p_2 y_2$.

Агар юқорида келтирилган тенгсизлик қаноатлантирилса ва (y_1, y_2) тўплам (x_1, x_2) тўпламдан фарқли бўлса, биз (x_1, x_2) тўплам (y_1, y_2) тўпламга нисбатан **бевоста аниқланган афзаликка** эга деймиз.

Шундай қилиб “**аниқланган афзалик**” берилган бюджет чекланганлиги шароитида амалда талаб бўлган неъматлар тўплами билан айнан шу бюджет чекланганлиги шароитида талаб бўлиши мумкин бўлган неъматлар тўплами ўртасидаги нисбатни акс эттиради.


Аниқланган афзал кўриш тамойили. (x_1, x_2) тўплам истеъмолчининг даромади m бўлган ҳолатда (p_1, p_2) нархлар бўйича амалда харид қилинаётган тўплам, (y_1, y_2) тўплам эса $p_1 x_1 + p_2 x_2 \geq p_1 y_1 + p_2 y_2$ бўлган ҳолатда бошқа тўплам бўлсин. Бунда истеъмолчи мумкин бўлган тўпламлардан энг афзалини танлайди ва $(x_1, x_2) > (y_1, y_2)$ шарти таъминланиши зарур.

Бу ўринда “**аниқланган афзал кўриш**” ва “**афзал кўриш**” сўзларининг фарқи нимада деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки “**аниқланган афзал кўриш**” истеъмолчи учун Y тўпламни харид этиш имконияти мавжуд бўлган

ҳолда X тўплам танланганини англатади. “**Афзал кўриш**” эса истеъмолчининг Y тўпламга нисбатан X тўпламни юқори ўринга қўйишини англатади.


Фараз қилайлик (y_1, y_2) нархлар (q_1, q_2) бўлганда бирор неъматлар тўпламига талаб бўлсин ва (y_1, y_2) қандайдир бошқа (z_1, z_2) тўпламга нисбатан аниқланган афзаликка эга бўлсин: $q_1 y_1 + q_2 y_2 \geq q_1 z_1 + q_2 z_2$.

Агар $(x_1, x_2) > (y_1, y_2)$ ва $(y_1, y_2) > (z_1, z_2)$ бўлса, транзитив афзал кўриш аксиомасига кўра $(x_1, x_2) > (z_1, z_2)$ ўринлидир. Бу ҳолатда (x_1, x_2) тўплами (z_1, z_2) тўпламига нисбатан **бильосита аниқланган афзаликка** эга (2.17-расм).



2.17-расм. Бильосита аниқланган афзаликлар

Биз шу пайтгача истеъмолчи афзал кўриш хусусиятига эга ва у ҳар доим имконияти доирасидаги тўпламлар ичидан энг яхисини танлайди деган қоидага амал қилиб келдик. Аммо у бундай йўл тутмасачи? Бу истеъмолчи ўз нафлилигини максималлаштиришга уринмаяпти деган холосага олиб келадими? Бунда бюджет чизиги ва бефарқлик эгри чизикларига баҳо бериш маъносиз бўлиб қолади. Буни 2.18-расмда кўриб чиқамиз.



2.18-расм. Аниқланган афзаликлар заиф аксиомасининг бузилиши

Агар аниқланган афзалликлар мантиғига амал қилинса 2.18-расмдаги ҳолат иккита хуносага олиб келади: 1) (x_1, x_2) түплам (y_1, y_2) түпламга нисбатан афзал күриляпти; 2) (y_1, y_2) түплам (x_1, x_2) түпламга нисбатан афзал күриляпти. Бу умуман мантиққа зид ҳолат. 2.18-расмда истеъмолчи (y_1, y_2) түпламни танлашга имконияти етарли бўлишига қарамай (x_1, x_2) түпламни танлади. Кейин у (x_1, x_2) түпламни танлашга имконияти етарли бўлишига қарамай (y_1, y_2) түпламни танлади. Бу аввалги танловга бутунлай тескари танлов. Табиийки бу истеъмолчини ўз нафлиигини максималлаштирувчи деб бўлмайди.

Истеъмолчи танлови назариясига кўра бундай танловга ўрин бўлмаслиги лозим. Агар истеъмолчилар имкониятлари йўл қўядиган түпламлар ичидан энг яхшиларини танласалар, имконият доирасидаги, аммо танланмаган түпламлар танланганларидан ёмон бўлиши керак.

Аниқланган афзал кўришнинг заиф аксиомаси (Weak Axiom of Revealed Preference - WARP). Агар (x_1, x_2) түплам (y_1, y_2) түпламга нисбатан бевосита аниқланган афзалликка эга бўлса ва қаралаётган түпламлар teng бўлмаса, (y_1, y_2) түплам (x_1, x_2) түпламга нисбатан бевосита аниқланган афзалликка эга бўлиши мумкин эмас.

Бошқача айтганда агар (x_1, x_2) түплам (p_1, p_2) нархлар бўйича харид этилса ва ундан фарқли (y_1, y_2) түплам (q_1, q_2) нарх бўйича харид этилса $p_1x_1 + p_2x_2 \geq p_1y_1 + p_2y_2$ бўлганда $q_1y_1 + q_2y_2 \geq q_1x_1 + q_2x_2$ ҳолати юз бермаслиги керак.

2.18-расмдаги ҳолатда истеъмолчи аниқланган афзал кўришнинг заиф аксиомасига риоя этмаяпти. Шу сабабли ҳам уни ўз нафлиигини максималлаштирувчи деб бўлмайди.

Биз юқорида келтирганимиздек агар қандайдир X товарлар түплами Y түпламга нисбатан аниқланган афзаллика эга ва ўз навбатида Y түплам Z түпламга нисбатан аниқланган афзаллика эга бўлса, X түплам Z түпламга нисбатан ҳам афзаллика эга бўлади. Агар истеъмолчининг танлови рационал бўлса Z түплам X түпламга нисбатан афзалликка эга бўлмаслиги керак.

Аниқланган афзал кўришнинг заиф аксиомасига (WARP) кўра агар X түплам Y түпламга нисбатан бевосита аниқланган афзалликка эга бўлса ва қаралаётган түпламлар teng бўлмаса, Y түплам X түпламга нисбатан бевосита аниқланган афзалликка эга бўлиши мумкин эмас.

Аниқланган афзал кўришнинг кучли аксиомаси (Strong Axiom of Revealed Preference - SARP) худди шу шартни билвосита аниқланган афзал кўришлар учун бажарилишини талаб қиласи.

Аниқланган афзал кўришнинг кучли аксиомаси (Strong Axiom of Revealed Preference - SARP). Агар (x_1, x_2) тўплам (y_1, y_2) тўпламга нисбатан аниқланган афзалликка эга бўлса (бевосита ёки билвосита) ва (y_1, y_2) тўплам (x_1, x_2) тўпламдан фарқли бўлса, (y_1, y_2) тўплам (x_1, x_2) тўпламга нисбатан бевосита ёки билвосита аниқланган афзалликка эга бўлиши мумкин эмас.

Шундай қилиб агар нафлийкни оптималлаштирувчи истеъмолчи мумкин бўлган тўпламлардан энг яхисини танласа унинг танлови **SARP** га мос келиши керак.

Қисқа хуносалар

Биз шу пайтгача: истеъмолчи танлови назариясида истеъмолчилар маълум дидга, хоҳишга эга ва улар бу хоҳиш ва дидларини қаноатлантиришда бюджетлари (даромадлари) билан чегараланганд; улар неъматлар тўпламидан, максимал наф келтирадиган тўпламни танлашга ҳаракат килади; истеъмолчилар томонидан сотиб олинадиган неъмат нархи унинг миқдоридан боғлик эмас; истеъмолчилар неъматлар нафлигини тўлиқ билади ва максимал наф берувчи неъматлар мажмуасини танлайди, деб фараз қилиб келдик.

Энди истеъмолчи танлови назариясини мураккаброқ позициядан кўриб чиқишига ҳаракат қиласиз. Бунинг учун истеъмолчининг “нафлийк” тушунчасидан кўра “афзал кўриши” тушунчасига кўпроқ эътибор қаратамиз.

“Афзал кўриш” ғояси истеъмолчининг хоҳишига асосланади. Битта тўплам иккинчисидан афзал дейиш учун шу иккита тўпламдан қайси бирини истеъмолчи танлашига эътибор бериши керак. Агар у $(Y_1 Y_2)$ тўпламни сотиб олиш имконияти бўлишига қарамай, $(X_1 X_2)$ тўпламни танласа, $(Y_1 Y_2)$ тўпламга нисбатан $(X_1 X_2)$ тўпламни афзал кўрган ҳисобланади.

Бефарқлик сўзи шуни билдирадики, истеъмолчи бу тўпламларни истеъмол қилишдан бир хил қониқиши олади, яъни $(X_1 X_2)$ ҳам, $(Y_1 Y_2)$ ҳам истеъмолчини бир хил қондиради. Агар истеъмолчи иккита тўпламдан биттасини афзал кўрса ёки улардан қайси бирини истеъмол қилиш унинг учун бефарқли бўлса, биз $(X_1 X_2)$ тўплам $(Y_1 Y_2)$ тўпламга нисбатан заиф афзал кўриш деб қараймиз ва уни $(X_1 X_2) \geq (Y_1 Y_2)$ қўринишида ёзамиз.

Афзал кўришларни график усулда ўрганишда бефарқлик чизикларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бефарқлик эгри чизиги – бу истеъмолчи учун бир хил наф берувчи неъматлар комбинацияларини ифодалайди.

Неъматларнинг бир-бирини ўрин босиши зонаси деб – бир неъматни иккинчи неъмат билан самарали алмаштириш мумкин бўлган оралиқقا

айтилади. Бефарқлик эгри чизигининг пастга томон ётиқлиги X_2 неъматни X_1 неъмат билан чекли алмаштириш нормасини ифодалайди.

Бюджет чегараси товарлар нархига ва истеъмолчининг даромадига асосланади ва у мавжуд пул маблағларида қандай истеъмол товарлар мажмуасини сотиб олиш мумкинлигини кўрсатади.

Бюджет чегараси берилган даромад ҳамда нархларда истеъмолчи томонидан сотиб олиниши мумкин бўлган, биринчи ва иккинчи неъматларнинг барча комбинацияларини ифодалайди.

Мувозанатлик шартига кўра, неъматлар нархи, уларнинг чекли нафлигига тўғри пропорционал. Демак, неъматнинг чекли нафлиги қанча юқори бўлса, унинг нархи шунча юқори бўлади. Истеъмолчининг мувозанат нуқтасида истеъмол қилинадиган неъматларнинг чекли нафлари нисбати, шу неъматлар нархларининг нисбатига тенг. Бу мувозанатлик шарти ихтиёрий миқдорда неъматлар қатнашган истеъмолчининг танлови масаласи учун ўринлидир.

Иккита товарга мукаммал ўриндош товар дейилади, агар истеъмолчи улардан биттасини иккинчиси билан бир хил нисбатда алмаштиришга тайёр бўлса. Оддий ҳолатда истеъмолчи бир товарни иккинчиси билан тенг нисбатда алмаштиришга тайёр бўлса мукаммал ўриндош товарлар ҳисобланади.

Мукаммал тўлдирувчи (комплиментар) товарлар – ҳар доим биргаликда ва ўзгармас нисбатда истеъмол қилинадиган товарлар.

Антинеъматлар – истеъмолчига ёқмайдиган товарлар.

Бефарқ неъматлар – бу шундай неъматларки, уни истеъмол қилишга истеъмолчи бефарқ қарайди.

Истеъмолчи учун шундай бир афзал кўрадиган товарлар тўплами (\bar{X}_1, \bar{X}_2) борки, унга яқинлашган сари унинг фаровонлиги, афзал кўриш нуқтаи назардан ошиб боради, аксинча, ундан узоқлашган сари унинг фаровонлиги камайиб боради. Истеъмолчи учун энг яхши нуқта (\bar{X}_1, \bar{X}_2), истеъмолчи шу (\bar{X}_1, \bar{X}_2) тўпламни истеъмол қиласа унинг фаровонлиги максимал даражада бўлади, агар кўпроқ истеъмол қиласа у антинеъматга айланади, камроқ истеъмол қиласа фаровонлиги камаяди. Бундай ҳолатда биз (\bar{X}_1, \bar{X}_2) ни тўйиниш нуқтаси деб қараймиз.

Нафлилик бошқа кўп ишлатиладиган функцияси – **Кобба-Дуглас** нафлилик функциясидир. Кобба-Дуглас бефарқлик эгри чизиклари координата бошидан қабариқ бўлиб чиқсан ва биз стандарт деб атовчи монотон бефарқлик эгри чизикларига ўхшайди. Кобба-Дуглас бефарқлик эгри чизикларини ифодаловчи формула эса стандарт бефарқлик чизикларини ифодаловчи алгебраик ифодадир. Албатта афзал кўришни ҳам Кобба-Дуглас нафлилик функциясини ўзгартириш орқали ифодалаш мумкин.

“Аниқланган афзалик” берилган бюджет чекланганлиги шароитида амалда талаб бўлган неъматлар тўплами билан айнан шу бюджет чекланганлиги шароитида талаб бўлиши мумкин бўлган неъматлар тўплами ўртасидаги нисбатни акс эттиради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Истеъмолчи танлови қандай қоидаларга таянади?
2. Бефарқлик эгри чизиқлари нимани англатади?
3. Оптимал танлов ва нафлиликни максималлаштириш деганда нимани тушунасиз?
4. Ўриндош (субститут) ва тўлдирувчи (комплиментар) товарлар деганда нимани тушунасиз?
5. Квазичизиқли ва Кобба-Дуглас бўйича афзал кўришлар қандай фарқланади?
6. Аниқланган афзал кўриш деганда нимани тушунасиз?
7. Аниқланган афзал кўришнинг заиф аксиомаси (Weak Axiom of Revealed Preference - WARP) нима?
8. Аниқланган афзал кўришнинг кучли аксиомаси (Strong Axiom of Revealed Preference - SARP) нима?

Асосий адабиётлар рўйхати

1. Вериан Х.Р. Микроэкономика. Учебник./ перев. с анг. под редак. Н.Фроловой. – М.: ЮНИТИ-М, 2016. - с. 767.
2. Адdreу Mac-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2016. - 630 стр.
3. Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. -19 th ed. – New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2015. P. 604.
4. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2011. - 580 стр.
5. Пиндейк Р., Рубинфильд Д. Микрэкономика. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2011. - с. 608.
6. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: учебник/ 2-е изд. – М.: Норма, 2012. –с. 576.
7. Salimov B.T., Yusupov M.S., Salimov B.B. Mikroiqtisodiyot. Darslik. –T.: Iqtisodiyot, 2019. – 270 b.

ШАБДЫ. СЛУЦКИЙ ТЕНГЛАМАСИ. ДАРОМАД САМАРАСИ ВА АЛМАШТИРИШ САМАРАСИ

3.1. Алмаштириш самараси

Иқтисодчилар күпинча бозор конъюнктураси ва иқтисодий мұхитдаги ўзгаришларга нисбатан истеъмолчилар муносабатини ўрганишга ҳаракат қиласылар. Масалан, товарлар нарындағы ўзгаришлар истеъмол таркибиға қандай таъсир күрсатади ёки истеъмолчилар даромадида ўзгариш юз берсачи? Одатда биз товар нарын ошса унга талаб қысқаришига ишонамиз. Аммо реал ҳаётда баъзан бунинг тескарисини ҳам кузатиш мүмкін. Хусусан, Гифfen товарларидан шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мүмкін.

Иш ҳақи ставкаси билан иш вақти ўртасида түғри боғлиқлик мавжуд, яғни ишчилар юқори иш ҳақи олсалар күпроқ ишлашга ҳаракат қилишади деб ҳисоблаймиз. Бирок бир соатлик иш ҳақи ставкаси 20 минг сүмдан 500 минг сүмга ошганда нима бўлган бўларди? Ишчи кунлик иш вақтини узайтиришга ҳаракат қиласылди ёки бўш вақтини оширишгами? Истеъмолчиларнинг бунга ўхшаш ноодатий хатти-ҳаракатларини ўрганишда даромад ва алмаштириш самараларини ўрганиш мұхим аҳамиятга эга.


Товар нарын ўзгарганда иккита самара юзага келади: биринчидан бир товарни иккичи бир товар билан алмаштириш нисбати ўзгаради; иккинчидан истеъмолчи даромадининг харид қобилияти ўзгаради.

Агар A товарнинг нарын арzonлашса, уни A товарни күпроқ миқдорда харид қилиш учун B товарнинг камроқ миқдоридан воз кечиш мүмкін бўлади. Бу шуни англатадики, биринчи товар нарынинг ўзгариши уни иккичи бир товар билан алмаштириш нисбатини ўзгартиради.

Шу билан бирга даромад ўзгармаган ҳолатда A товар нарынинг арzonлашуви истеъмолчига B товар хариди ҳажмини ўзгартирмасдан A товарни олдингига қараганда күпроқ ҳажмда харид қилиш имконини беради. Бу эса истеъмолчи даромадининг номинал ҳажми ўзгармаган ҳолатда ҳам харид қобилияти ошганлигини күрсатади.

Биринчи самара, яғни **нархдаги ўзгариш оқибатида** бир товарни иккичи бир товар билан алмаштириш нисбати ўзгаришига “**алмаштириш самараси**” деб аталади. Иккичи самара, яғни истеъмолчи даромади харид қобилиятининг ўзгариши таъсирида истеъмол таркибида юз берадиган ўзгаришга “**даромад самараси**” деб аталади. Бу таърифлар “даромад самараси” ва “алмаштириш самараси”нинг иқтисодий мазмунини тўлиқ очиб беролмайди. Бунинг учун уларни атрофлича таҳлил қилиш лозим бўлади.

Нарх ўзгариши таъсирида юзага келадиган самараларни икки босқичда ажратиб олишга уринамиз: дастлаб нархлар нисбатида ўзгариш юз берди деб фараз қиласиз ва даромадга шундай тузатиш киритамизки, бунда харид қобилияти ўзгармасдан қолиши керак; сўнгра нархлар нисбатини сақлаган ҳолда харид қобилиятлари алмашишига йўл қўямиз. Буни 3.1-расм орқали яхшироқ тасаввур қилиш мумкин.



3.1-расм. Нарх ўзгариши таъсирида бюджет чизиги ва бефарқлик эгри чизиқларидаги ўзгаришлар

Юқоридаги 3.1-расмда X_1 товар нархи ўзгариши натижасида бюджет чизиги X_1 ва X_2 кесишган нуқта атрофида бурилиш ҳосил қилиб, дастлабки ҳолатига нисбатан ётикроқ кўринишни ҳосил қилди. Бюджет чизигининг ҳаракатланишини икки босқичга бўлиш мумкин: дастлаб бюджет чизигини талабнинг бирлами тўплами (дастлабки танлов) атрофида бурамиз, кейин эса буришдан сўнг ҳосил бўлган ётиқ бюджет чизигини янги талаб тўплами (якуний танлов) томон параллел ўнгга сурамиз.

Бюджет чизигини “буриш ва сурилиш” ҳаракати талабдаги ўзгаришни икки қисмга ажратиш имконини беради. Биринчи қадам – буриш бўлиб, бунда даромаднинг харид қобилияти ўзгармасдан бюджет чизигининг ётиклиги ўзгаради. Иккинчи қадам – сурилиш бўлиб, бунда бюджет чизигининг ётиклиги ўзгармасдан, даромаднинг харид қобилияти ўзгаради. Графикдаги бу

ажратишлар аслида гипотетик тузилиш бўлиб, аслида истеъмолчи нарҳдаги ўзгаришлар таъсирида товарларнинг янги тўпламини танлайди.

Буриш ва сурилиш натижасида ҳосил қилинган бюджет чизиқлари қандай иқтисодий мазмунга эга? Дастрраб буриш натижасида ҳосил қилинган бюджет чизигини қараймиз. Биз бунда ётиқлиги ва нархлар нисбати якуний бюджет чизиги билан бир хил бюджет чизигига эга бўламиз. Аммо бу бюджет чизигига тегишли даромад якуний бюджетга алоқадор даромад билан бир хил қийматга эга эмас. Чунки улар вертикал ўқни турли нуқталарда кесиб ўтади.

Дастрлабки истеъмол тўплами (X_1, X_2) буриш натижасида ҳосил қилинган янги бюджет чизиги устида ётгани сабабли уни харид қилишга истеъмолчининг қурби етади, аммо бунда истеъмолчи даромадининг харид қобилияти ўзгармасдан қолди.

Дастрлабки истеъмол тўплами буриш натижасида ҳосил қилинган янги бюджет чизигида харидор учун имконият доирасида қолиши учун даромадни қанчалик ўзгартериш лозимлигини ҳисоблаб кўрамиз. m' - истеъмолчининг қурби етадиган дастрлабки истеъмол тўплами учун зарур даромад миқдори бўлсин. Истеъмолчи (X_1, X_2) истеъмол тўпламини (P_1, P_2, m) ва (P'_1, P'_2, m') да бирдек харид қилиш имконига эгалиги туфайли

$$m' = P'_1 \times X_1 + P'_2 \times X_2; \quad m = P_1 \times X_1 + P_2 \times X_2.$$

Биринчи тенгламадан иккинчисин айириб ташласак қуйидаги тенгламага эга бўламиз: $m' - m = X_1[P'_1 - P_1]$.

Бу тенгламадан маълумки, янги нархларда дастрлабки истеъмол тўпламини харид қилиш учун зарур бўладиган даромаднинг ўзгариши X_1 товар миқдорини нархлар ўзгариши қийматига кўпайтмасига тенг. Агар $\Delta P_1 = P'_1 - P_1$ P_1 товар нархини, $\Delta m = m' - m$ эса даромад ўзгариши қийматини ифодаласа:

$$\Delta m = X_1 \times \Delta P_1.$$

Шунга эътиборни қаратиш жоизки, нарх ўзгариши ва даромад ўзгариши бир йўналишда юз бермоқда. Агар нарх ошса, дастрлабки истеъмол тўпламини харид қилиш учун даромадни ҳам оширишга тўғри келади.


Мисол. Истеъмолчи дастрраб бир ойда 20 та музқаймоқ истеъмол қилсин ва бир бирлик музқаймоқ нархи 50 центга тенг бўлсин. Музқаймоқнинг нархи 10 центга ошганда ($\Delta P_1 = 60 - 50 = 10$) дастрлабки истеъмол ҳажми сақланиб қолиши учун даромад қанчага ўзгариши лозим?

Буни аниқлаш учун юқори келтирилган формуладан фойдаланишимиз мумкин. $\Delta m = X_1 \times \Delta P_1 = 20 \times 0,10 = 2 \$$. Демак, олдинги истеъмол ҳажмини сақлаб қолиши учун истеъмолчи даромади 2 долларга кўп бўлиши талаб этилади.

Энди бизда бюджет чизигининг дастлабки ҳолатини буриш натижасида олинган янги формула мавжуд. Бу биринчи товарнинг янги нархи ва Δt га ўзгарган янги даромад шароитидаги янги бюджет чизигидан бошқа нарса эмас.

Шуни таъкидлаш жоизки, агар нарх тушса, истеъмолчининг харид қобилияти ошади, шу туфайли харид қобилиятининг дастлабки даражада сақлаб қолиш учун даромадни камайтиришга тўғри келади. Худди шунингдек, нарх ошганда харид қобилияти пасаяди ва дастлабки харид қобилияти даражасини сақлаб қолиш учун даромадни оширишга тўғри келади.

Гарчи ҳамон (X_1, X_2) тўпламни харид қилишга истеъмолчининг қурби етсада, буриш билан ҳосил қилинган бюджет чизигига ўтишда у энди оптимал ҳолат бўлмай қолди. Қуйидаги расмда оптимал тўплам қандай ҳосил бўлиши тасвиirlанган (3.2-расм).



3.2-расм. Алмаштириш самараси ва даромад самараси

Биз нархни ўзгартириб, дастлабки тўплам учун истеъмолчининг харид қувватини сақлаган ҳолда даромадга тузатиш киритганимизда бу тўплам оптимал тўплам саналади. Расмдаги X нуқтадан Y нуқтагача масофа “алмаштириш самараси”ни ифодалайди. Бу самара нарх ўзгарганда истеъмолчи харид қувватини сақлаб қолган ҳолда қандай қилиб бир товарни иккинчи бири билан алмаштиришини кўрсатади.

Математик тилда ифодалаганда, “**алмаштириш самараси**” (Δx_1^S) – бу X_1 товар нархи p'_1 ва бир вақтнинг ўзида реал даромад m' гача ўзгарганда X_1 товарга талабнинг ўзгаришини ифодалайди: $\Delta x_1^S = x_1(p'_1, m') - x_1(p_1, m)$.

Алмаштириш самарасини аниқлаш учун (p'_1, m') ва (p_1, m) ҳолатида оптимал танловни ҳисоблаш учун мазкур истеъмолчининг талаб функциясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. X_1 товарга истеъмолчи талабининг ўзгариши бефарқлик эгри чизиги шаклига қараб катта ки кичик бўлиши мумкин.

Алмаштириш самарасини баъзан талабнинг ўзгаришининг қоплаб берилган қисми деб ҳам аташади. Бу шуни англатадики, нархнинг ошиши истеъмолчига дастлабки истеъмол тўпламини харид этиш имконини берувчи даромад ошиши билан қопланади.

Агар нарх арzonлашса, алмаштириш самараси таъсирида товарга талаб ошади, нарх пасайса талаб ошади. Бошқача айтганда $p_1 > p_2$ бўлганда $x_1(p'_1, m') \geq x_1(p_1, m)$ шарт бажарилиши керак, чунки $\Delta x_1^S \geq 0$.

Нарх ўзгариши билан алмаштириш самараси таъсирида юзага келадиган талабдаги ўзгариш ҳар доим нарх ўзгаришига тескари тарафга ҳаракатлангани учун уни манфий ўлчам сифатида қараймиз. Истеъмолчи ҳар доим товарлар тўпламидан энг яхисини танлашга ҳаракат қиласи экан, бу тўплам дастлабки бюджет чизиги устида эмас, балки уни буриш ва ўнгга суриш натижасида ҳосил бўлган бюджет тчизиги устида ётади.

Мисол. Истеъмолчи талаби функцияси қўйидагича: $x_1 = 10 + \frac{m}{10p_1}$.

Истеъмолчининг дастлабки даромади ҳафтасига 120 \$ га, сут нархи эса 3 \$ га тенг. Шундан келиб чиқиб истеъмолчининг сутга ҳафталик талаби:

$$x_1 = 10 + \frac{120}{10 \times 3} = 14 \text{ ни ташкил этади.}$$

Фараз қилайлик сутнинг нархи 2 \$ га тушди. Бунда янги нарх бўйича истеъмолчининг сутга ҳафталик талаби $x_1 = 10 + \frac{120}{10 \times 2} = 16$ га тенг бўлади. Нарх ўзгаришидан ҳосил бўлган умумий талаб ўзгариши +2 тенг.

Алмаштириш самарасини ҳисоблаш учун сутнинг нархи 2 \$ га тенг бўлганда дастлабки талаб ҳажмини қондириш учун даромад қанчага ўзгариши лозимлигини аниқлаймиз: $\Delta m = X_1 \times \Delta P_1 = 14 \times (2 - 3) = -14 \$$.

Шундай қилиб харид қувватини сақлаб қолиш учун зарур бўладиган даромад қиймати $m' = m + \Delta m = 120 - 14 = 106$. Сутнинг янги нархида (2 \$) ва

берилган даромад қийматида истеъмолчининг сутга талаби қанчага тенг? Буни ҳисоблаш учун қуйидаги амалларни бажарамиз:

$$\Delta x_1^S = x_1(p'_1, m') - x_1(2, 106) = 10 + \frac{106}{10 \times 2} = 15,3.$$

Демак, алмаштириш самараси:

$$\Delta x_1^S = x_1(2, 106) - x_1(3, 120) = 15,3 - 14 = 1,3 \text{ га тенг.}$$

3.2. Даромад самараси

Нарх ўзгариши таъсирида истеъмолчи талабида юз берадиган иккинчи ўзгаришни, яъни бюджет чизиги сурилишини кўриб чиқамиз. Бизга маълумки нархлар нисбати ўзгармасдан даромад ўзгарганда бюджет чизиги параллел сурилади. Шу сабабли нархдаги ўзгаришларга истеъмолчи талаби мослашишининг иккинчи босқичи “**даромад самараси**” деб аталади.

Даромад самарасини аниқлаш учун нархларни (p'_1, p_2) даражада ўзгармасдан сақлаган ҳолда даромадни m' дан m га ўзгартирамиз. Бунинг натижасида (y_1, y_2) нуқтадан (2.17-расм) (z_1, z_2) нуқтага кўчамиз. Буни даромад самараси деб атасимизга сабаб шуки, нархлар нисбати ўзгармасдан факат даромадни ўзгартиряпмиз

Математик тилда ифодалаганда “**даромад самараси**” Δx_1^n - бу X_1 товар нархи p'_1 даражада ўзгармасдан сақланган ҳолда даромад m дан m' гача ўзгарганда X_1 товарга талабнинг ўзгаришини ифодалайди:

$$\Delta x_1^n = x_1(p'_1, m) - x_1(p'_1, m').$$

Даромад самараси таъсирида товарнинг юқори ёки паст категорияли эканлигига қараб унга талаб ошиши ёки камайиши мумкин. Нархлар арzonлашганда дастлабки харид қувватини сақлаб қолиш учун даромадни камайтириш зарур бўлади. Агар товар юқори категорияли бўлса даромаднинг пасайиши талабни ҳам камайтиради, даромаднинг ошиши эса товарга талабни оширади. Аксинча, товар паст категорияли бўлса даромаднинг ошиши талабни камайтириб, даромаднинг пасайиши талабни оширади.

Мисол. Олдинги параграфда келтирилган мисолимиздан келиб чиқиб:

$$x_1(p'_1, m) = x_1(2, 120) = 16$$

$$x_1(p'_1, m') = x_1(2, 106) = 15,3$$

Шундай қилиб бизнинг мисолимизда “**даромад самараси**” қуйидагига тенг: $\Delta x_1^n = x_1(2, 120) - x_1(2, 106) = 16 - 15,3 = 0,7$. Сут нормал категорияли товарга мансублиги учун даромад ошиши билан унга бўлган талаб ҳам ошади.

3.3. Талабнинг умумий ўзгариши

Талабнинг умумий ўзгариши Δx_1 даромад ўзгармаган шароитда нархдаги ўзгариш таъсирида талабдаги умумий ўзгаришни ифодалайди:

$$\Delta x_1 = x_1(p'_1, m) - x_1(p_1, m).$$

Юқорида кўрганимиздек бу ўзгаришни иккита ўзгаришга: алмаштириш самараси ва даромад самарасига бўлиш мумкин. Қабул қилинган белгилашлардан фойдаланиб уни қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\Delta x_1 = \Delta x_1^S + \Delta x_1^n,$$

$$x_1(p'_1, m) - x_1(p_1, m) = [x_1(p'_1, m') - x_1(p_1, m)] + [x_1(p'_1, m) - x_1(p'_1, m')].$$

Бу тенгликни сўз билан ифодалаганда унинг маъноси шуки, талабнинг умумий ўзгариши алмаштириш самараси ва даромад самарасининг йигиндисига teng. Бу тенгламани талаб назариясини тадқиқ этган рус иқтисодчиси Слуцкий шарафига **Слуцкий тенглиги** деб аташади.

Шунга эътибор қаратиш жоизки, p_1 , p'_1 , m ва m' ларнинг ҳар қандай қийматида бу тенглик амал қиласди. Юқорида келтирилган тенгламанинг ўнг томонидаги биринчи ва тўртинчи аъзолар ўзаро айрилиб йўқолиб кетади, шу туфайли тенгламанинг чап ва ўнг томонлари тенглашади.

Алмаштириш самараси нарх ўзгаришига тескари йўналишда ҳаракат қилгани учун доимо минус ишора қабул қиласа, даромад самараси ҳар иккала тарафга ҳаракатланиши ва турли ишора қабул қилиши мумкин. Шу туфайли алмаштириш ва даромад самаралари йигиндиси сифатида шаклланадиган умумий самара мусбат ёки манфий бўлиши мумкин. Агар товар нормал категорияга мансуб бўлса, алмаштириш ва даромад самаралари бир томонга йўналган бўлади. Нархнинг ошиши алмаштириш самараси таъсирида талабнинг қисқаришини англатади. Нархнинг ошиши худди даромаднинг қисқариши каби таъсир қиласди ва нормал категорияли товарга нисбатан талабнинг қисқаришини англатади. Ҳар иккала самара бир-бирини кучайтиради. Нормал категорияли товарларда нархнинг ошиши таъсирида талабнинг ўзгаришини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Delta x_1 = \Delta x_1^S + \Delta x_1^n \\ (-) \quad (-) \quad (-)$$

Тенгламанинг ҳар бир ҳади тагидаги минус ишора ундаги ҳар бир ҳаднинг манфий ишора қилишини англатади.

Даромад самараси белгисининг ишорасига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Биз бу ҳолатда нарх ошиши таъсирини кўраётганимиз туфайли, нормал товарлар учун харид қувватининг пасайиши талабнинг қисқаришини англатади. Бошқа томондан биз паст категорияли товарни қарасак, даромад самараси

алмаштириш самарасидан ортиб кетиши ҳолати ҳам учраши мумкин. Бунда нарх ўзгариши таъсирида талабнинг ўзгариши амалда мусбат бўлиб қолади. Бу ҳолатда юқоридаги тенглик қуйидагича ёзилиши мумкин:

$$\Delta x_1 = \Delta x_1^S + \Delta x_1^n$$


(?) (-) (+)

Агар даромад самараси алмаштириш самарасидан устун даражада катта миқдор бўлганда талабнинг умумий ўзгариши мусбат бўларди. Бу нарх ошганда талаб миқдори ҳам ошишини англатади. Бундай ноодатий ҳолат Гифfen товарларида учрайди. Бунда нархнинг ошиши истеъмолчининг харид қувватини шунчалик пасайтирадики, у бошқа товарлар истеъмолини кескин қисқартириб **паст категорияли товарга** талабни оширишга мажбур бўлади.

3.4. Хикс бўйича алмаштириш самараси

Биз бу параграфа нарх ўзгариши таъсирида талабдаги ўзгаришни “алмаштириш самараси” ва “даромад самараси”га ажралишини Хикс (иқтисодий назария бўйича Нобель мукофоти лауреати инглиз иқтисодчиси) бўйича кўриб чиқамиз.

Хикс бўйича бюджет чизигини истеъмолчининг харид тўплами бўйлаб ўтган бефарқлик эгри чизиги устида бурамиз (3.3-расм).



3.3. Хикс бўйича алмаштириш самараси

Бунда истеъмолчи якуний бюджет чизиги билан бир хил ётиқликка эга ва нархлар нисбати бир хил бўлган янги якуний бюджет чизигига эга бўлади. Бунда истеъмолчи дастлабки харид тўпами билан бир хил харид қувватига эга эмас, аммо у билан бир хил наф келтирувчи (бефарқ бўлган) тўплам билан харид қуввати тенг.

Шундай қилиб Хикс бўйича алмаштириш самарасида истеъмолчининг дастлабки харид қувватини сақлаб қолиш эмас, балки дастлабки нафлийк даражасини сақлаб қолиш назарда тутилади. Бу фарқларга қарамай ҳар иккала усулда ҳам алмаштириш самараси нарх ўзгаришига тескари йўналишда ҳаракат қиласи ва манфий қийматга эга.

Бунинг исботини аниқланган афзал қўриш назарияси орқали тушунтириш мумкин. Фараз қилайлик (x_1, x_2) тўплам (p_1, p_2) нархлар, (y_1, y_2) эса (q_1, q_2) бошқа нархлар даражасига мос талаб тўпламлари бўлсин. Истеъмолчи берилган даромад миқдорида икки тўпламдан бирини танлашга бефарқ бўлсин. Истеъмолчи учун (x_1, x_2) ва (y_1, y_2) тўпламлар ўртасида фарқ йўқлиги сабабли улардан бирортаси иккинчисига нисбатан аниқланган афзал қўришга эга эмас. Агар аниқланган афзал қўриш тавсифини қўлласак, қуйидаги тенгсизликлар ўринли эмас:

$$p_1x_1 + p_2x_2 > p_1y_1 + p_2y_2;$$

$$q_1y_1 + q_2y_2 > q_1x_1 + q_2x_2.$$

Бундан келиб чиқадики, қуйидаги тенгсизликлар ўринли:

$$p_1x_1 + p_2x_2 \leq p_1y_1 + p_2y_2;$$

$$q_1y_1 + q_2y_2 \leq q_1x_1 + q_2x_2.$$

Бу тенгсизликларни қўшиб ва тегишли амалларни бажариб қуйидаги тенгсизликка эга бўламиз:

$$(q_1 - p_1)(y_1 - x_1) + (q_2 - p_2)(y_2 - x_2) \leq 0.$$

Бу тенгсизлик истеъмолчини дастлабки бефарқлик чизиги устида ушлаб қолиш учун даромадга тузатиш киритилганда нархлар ўзгариши билан талаб миқдори қандай ўзгаришини ифодалайди. Бизнинг мисолимизда фақат биринчи товар нархи ўзгариши боис $q_2 = p_2$. Бундан келиб чиқиб:

$$(q_1 - p_1)(y_1 - x_1) \leq 0.$$

Бу тенгсизлик талаб миқдорининг ўзгариши ишораси нарх ўзгариши ишорасига тескари эканлигидан дарак беради. Талабнинг умумий ўзгариши олдингидек алмаштириш самараси ва даромад самараси йиғиндисига тенг. Фақат бу ерда гап Хикс бўйича алмаштириш самараси ҳақида кетяпти. Нархдаги кичик ўзгаришлар шароитида ҳар иккала усул деярли бир хил натижага келтиради.

Қисқа хulosалар

Товар нархи ўзгарганда иккита самара юзага келади: биринчидан бир товарни иккинчи бир товар билан алмаштириш нисбати ўзгаради; иккинчидан истеъмолчи даромадининг харид қобилияти ўзгаради.

Агар A товарнинг нархи арzonлашса, уни A товарни кўпроқ миқдорда харид қилиш учун B товарнинг камроқ миқдоридан воз кечиш мумкин бўлади. Бу шуни англатадики, биринчи товар нархининг ўзгариши уни иккинчи бир товар билан алмаштириш нисбатини ўзгартиради.

Шу билан бирга, даромад ўзгармаган ҳолатда A товар нархининг арzonлашуви истеъмолчига B товар хариди ҳажмини ўзгартирмасдан A товарни олдингига қараганда кўпроқ ҳажмда харид қилиш имконини беради. Бу эса истеъмолчи даромадининг номинал ҳажми ўзгармаган ҳолатда ҳам харид қобилияти ошганлигини кўрсатади.

Биринчи самара, яъни **нархдаги ўзгариш оқибатида** бир товарни иккинчи бир товар билан алмаштириш нисбати ўзгаришига “**алмаштириш самараси**” деб аталади. Иккинчи самара, яъни истеъмолчи даромади харид қобилиятининг ўзгариши таъсирида истеъмол таркибида юз берадиган ўзгаришга “**даромад самараси**” деб аталади.

Математик тилда ифодалаганда, “**алмаштириш самараси**” (Δx_1^S) – бу X_1 товар нархи p'_1 ва бир вақтнинг ўзида реал даромад m' гача ўзгарганда X_1 товарга талабнинг ўзгаришини ифодалайди: $\Delta x_1^S = x_1(p'_1, m') - x_1(p_1, m)$.

Математик тилда ифодалаганда “**даромад самараси**” Δx_1^n - бу X_1 товар нархи p'_1 даражада ўзгармасдан сақланган ҳолда даромад m дан m' гача ўзгарганда X_1 товарга талабнинг ўзгаришини ифодалайди:

$$\Delta x_1^n = x_1(p'_1, m) - x_1(p'_1, m').$$

Талабнинг умумий ўзгариши Δx_1 даромад ўзгармаган шароитда нархдаги ўзгариш таъсирида талабдаги умумий ўзгаришни ифодалайди:

$$\Delta x_1 = x_1(p'_1, m) - x_1(p_1, m).$$

Юқорида кўрганимиздек бу ўзгаришни иккита ўзгаришга: алмаштириш самараси ва даромад самарасига бўлиш мумкин. Қабул қилинган белгилашлардан фойдаланиб уни қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\Delta x_1 = \Delta x_1^S + \Delta x_1^n,$$

$$x_1(p'_1, m) - x_1(p_1, m) = [x_1(p'_1, m') - x_1(p_1, m)] + [x_1(p'_1, m) - x_1(p'_1, m')].$$

Бу тенгликни сўз билан ифодалаганда унинг маъноси шуки, талабнинг умумий ўзгариши алмаштириш самараси ва даромад самарасининг йифиндисига

тенг. Бу тенгламани талаб назариясини тадқиқ этган рус иқтисодчиси Слуцкий шарафига **Слуцкий тенглиги** деб аташади.

Назорат ва мухокама учун саволлар

1. Даромад самараси деганда нимани тушунасиз?
2. Алмаштириш самараси деганда нимани тушунасиз?
3. Талабнинг умумий ўзгариши нималардан ташкил топган?
4. Слуцкий бўйича алмаштириш самараси қандай аниқланади?
5. Слуцкий бўйича даромад самараси қандай аниқланади?
6. Хикс бўйича алмаштириш самараси қандай аниқланади?

Асосий адабиётлар рўйхати


1. Верian X.P. Микроэкономика. Учебник./ перев. с анг. под редак. Н.Фроловой. – М.: ЮНИТИ-М, 2016. - с. 767.
2. Аддреу Mac-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2016. - 630 стр.
3. Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. -19 th ed. – New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2015. Р. 604.
4. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2011. - 580 стр.
5. Пиндейк Р., Рубинфильд Д. Микрэкономика. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2011. - с. 608.
6. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: учебник/ 2-е изд. – М.: Норма, 2012. –с. 576.
7. Salimov B.T., Yusupov M.S., Salimov B.B. Mikroiqtisodiyot. Darslik. –Т.: Iqtisodiyot, 2019. – 270 b.

IV боб. ВАҚТЛАРО ТАНЛОВ

4.1. Бюджет чегараси

Бу мавзуда жамғариш ва истеъмолни вақт бўйича тақсимланиши билан боғлиқ истеъмолчи ҳаракатини қараб чиқамиз. Фараз қилайлик, истеъмолчи берилган товарни иккита вақт оралиғида истеъмол қилмоқчи. Истеъмолнинг ҳар бир вақт оралиғидаги микдорини (c_1, c_2) деб белгилаймиз ва ҳар вақт оралиғидаги истеъмол нархи 1 га teng. Истеъмолчининг ҳар бир вақт оралиғидаги пули (m_1, m_2) га teng.

Бошида истеъмолчининг пулни бир вақт оралиғидан иккинчига ўтказиш усули ягона бўлиб, бу пулни бир қисмини фоизсиз жамғаради. Яна фараз қиласизки, унда пулни қарзга олиш имконияти мавжуд эмас. Демак, истеъмолчининг биринчи вақт оралиғида сарфлайдиган максимал суммаси m_1 га teng бўлсин. У ҳолда унинг бюджет чегараси 4.1-расмдаги ҳолатни олади.



4.1-расм. Бюджет чегараси

Бунда фоиз ставкаси нолга teng, пул қарз олиш мумкин эмас. Истеъмолчи биринчи оралиқда қанча кам истеъмол қилса, шунга кўра иккинчи оралиқда кўпроқ истеъмол қилади.

Расмдан қўриш мумкинки, истеъмолчи (m_1, m_2) нуқтада ўзининг ҳар бир вақт оралиғидаги ҳажмида истеъмол қилади, ёки биринчи оралиқда даромадининг бир қисмини истеъмол қилади. Бу ҳолда истеъмолчи биринчи оралиқдаги истеъмолининг қолган қисмини иккинчи оралиқка ўтказади.

Энди истеъмолчи қандайдир фоиз ставкасида қарз олиши ва қарзга пул бериши мумкин деб фараз қилайлик. Истеъмол нархини ҳар бир оралиқ учун 1 га teng деб, бюджет чегарасини келтириб чиқарамиз. Фараз қилайлик, бошида

истеъмолчи жамғарсин, унда истеъмолчининг биринчи оралиқдаги истеъмоли c_1 унинг биринчи оралиқдаги даромади m_1 дан кичик бўлади. Бу ҳолда у жамғарган $m_1 - c_1$ суммасидан r фоиз ставкаси бўйича қўшимча даромад олади.

Кейинги оралиқда истеъмолчининг истеъмолга сарфлайдиган пули қўйидагича берилади:

$$c_2 = m_2 + (m_1 - c_1) + r(m_1 - c_1) = m_2 + (1 + r) \cdot (m_1 - c_1) \quad (4.1).$$

Бу шуни билдирадики, истеъмолчи иккинчи оралиқда истеъмол учун сарфлайдиган сумма унинг шу оралиқдаги даромади, плюс биринчи оралиқда қилган жамғармаси, плюс жамғарилган сумма бўйича олган фоиз даромадига тенг.

Энди яна фараз қиласлиқ, истеъмолчи пулни қарзга олиши мумкин. Бунда унинг биринчи оралиқдаги истеъмоли, биринчи оралиқдаги даромадидан кўп бўлади. Истеъмолчи қарз оловчи бўлади, агар $c_1 > m_1$ бўлса ва унинг иккинчи оралиқда тўлайдиган фоизи $r(c_1 - m_1)$ га тенг бўлса. Истеъмолчи олган қарзи ($m_1 - c_1$) ни ҳам иккинчи оралиқда қайтариши керак. Бунда бюджет чегараси қўйидаги кўринишни олади:

$$c_2 = m_2 - r(c_1 - m_1) - (c_1 - m_1) = m_2 + (1 + r) \cdot (m_1 - c_1).$$

Бу tenglama олдинги tenglamani ўзи. Агар $m_1 - c_1$ мусбат бўлса, истеъмолчи бу жамғармасига фоиз олади, агар манфий бўлса, истеъмолчи олган қарзига фоиз тўлайди.

Агар $c_1 = m_1$ бўлса, ва $c_2 > m_2$ бўлса, истеъмолчи қарз оловчи ҳам, кредит берувчи ҳам бўлмайди. Истеъмолчининг бу истеъмол позициясини “Полоний нуқтаси” деб атайди¹.

Истеъмолчининг бюджет чегарасини ўзгартириб, уни икки хил кўринишда ёзамиз: $(1 + r)c_1 + c_2 = (1 + r)m_1 + m_2 \quad (4.2)$.

$$\text{ва } c_1 + \frac{c_2}{1 + r} = m_1 + \frac{m_2}{1 + r} \quad (4.3).$$

Эътибор берадиган бўлсак, бу иккала tenglama ҳам қўйидаги шаклни олади: $P_1x_1 + P_2x_2 = P_1m_1 + P_2m_2$

$$(4.2) \text{ tenglamada } P_1 = (1 + r) \text{ ва } P_2 = 1.$$

¹ “Қарз ҳам олма, қарз ҳам берма, олган қарзни ҳам, дўстингни ҳам йўқотиш осон. Қарз хўжалик пичноини ўтмас қиласлиқ” (“Гамлет”. Полонийнинг ўғлига берган маслаҳати. 1-акт, 3-саҳна).


$$(4.3) \text{ тенгламада } P_1 = 1 \text{ ва } P_2 = \frac{1}{(1+r)}.$$

Бу ерда (4.2) тенглама бюджет чегарасини келгусидаги қиймат орқали ифодалайди, (4.3) тенглама эса - жорий қиймат орқали. Биринчи тенгламада келажақдаги истеъмол нархи 1 га тенг бўлса, иккинчи тенгламад жорий истеъмол нархи 1 га тенг.

Жорий ва бўлғуси қийматларни график кўриниши 4.2-расмда келтирилган. Бюджет чизигини горизонтал ўқ билан кесишган нуқтаси биринчи оралиқда максимал миқдордаги истеъмолни билдиради. Бюджет чегарасидан кўриш мумкинки, бу сумма $\bar{c}_1 = m_1 + \frac{m_2}{(1+r)}$ га тенг бўлиб, бошланғич захиранинг жорий қийматини билдиради ($\bar{c}_2 = 0$ бўлганда).

Бюджет чизигининг вертикал ўқ билан кесишган нуқтаси иккинчи оралиқда истеъмолга сарфланадиган максимал суммани билдиради ва бу ерда $c_1 = 0$. Бюджет чегарасидан бу миқдорни топиш мумкин.

$\bar{c}_2 = (1+r)m_1 + m_2$, бу бошланғич захиранинг бўлғуси қийматини билдиради (4.2-расм).



4.2-расм. Жорий ва бўлғуси қиймат

Вақтларапо бюджет чегарасини жорий қиймат орқали ифодаланиши муҳим аҳамият касб этади, чунки унинг ёрдамида келажақдаги даромадни жорий қийматда баҳолаш мумкин. Бюджет чизиги (m_1, m_2) нуқтадан ўтади, бу таркибдаги истеъмолни ҳар доим сотиб олиш мумкин.

4.2. Истеъмолга нисбатан афзал кўриш

Истеъмолчининг афзал кўриши унинг бефарқлик эгри чизиги орқали ифодаланади. Бефарқлик эгри чизигининг шакли истеъмолчининг диди ва хоҳишини ҳар хил вақтларда қандай бўлишини кўрсатади. Агар бефарқлик эгри чизигининг ётиқлиги – 1 га тенг бўлса, истеъмолчи учун бугун истеъмол қиласими ёки эртагами бунинг фарқи йўқ. Чунки, эртанги истеъмолни бугунга нисбатан алмаштириш нормаси – 1 га тенг.


Агар биз мукаммал тўлдирувчи товарларнинг бефарқлик эгри чизигини қарасак, бунда истеъмолчи эртага ҳам, бугун ҳам тенг миқдордаги товарларни истеъмол қилишни хоҳлайди. Бундай истеъмолчи бир оралиқдаги истеъмолни бошқа оралиқдаги истеъмол билан алмаштиришга мойил эмас.

Одатда истеъмолчиларнинг маълум миқдордаги эртанги истеъмолини бугунги билан алмаштириш табиий ҳол. Бундай ҳолда афзал кўришлар қавариқ тўплам бўлади, чунки истеъмолчи ҳар бир оралиқда кўп истеъмол қилиб, эртасига ҳеч нарса истеъмол қилишдан кўра, ҳар бир оралиқда қандайдир "ўртача" даражада истеъмол қилишни афзал кўради.


4.3. Таққослама статистика

Бу ерда биз истеъмолчининг ҳар хил ҳолатлардаги ҳаракатини таққослаб, таҳлил қиласиз.

Агар истеъмолчининг бюджет чегараси ва унинг ҳар бир оралиқдаги истеъмоли бўйича афзал кўриши берилган бўлса, унда биз оптималь истеъмол тўплами танловини ўрганишимиз мумкин. Агар истеъмолчи танлаган нуқтада $c_1 < m_1$ бўлса, унда у кредитор бўлади деймиз. Агар истеъмолчи танлаган нуқтада $c_1 > m_1$ бўлса, истеъмолчини қарз олувчи деб қараймиз. Қуйидаги 4.3 А-расмдаги ҳолат, истеъмолчи қарз олувчи бўлган ҳолатни ифодалайди, 4.3 В-расмдаги ҳолатда эса - истеъмолчи кредитор бўлади.



A. Қарз олувчи




B. Кредитор

4.3 A-расм. Қарз олувчи ва кредитор. А расмда $c_1 > m_1$ ва В расмда $c_1 < m_1$

Энди истеъмолчининг фоиз ставкаси ўзгарганда қандай ҳаракат қилишини қараб чиқамиз.

(4.1) тенгламадан кўриш мумкинки, фоиз ставкасини ошиши бюджет чизигини тик бўлишига олиб келади: c_1 нинг қисқариши, фоиз ставкасининг ошиши истеъмолчининг иккинчи оралиқдаги истеъмолини оширади. Бу ерда бошланғич захираға кўра истеъмол қилиш имконияти сақланиб қолади, чунки, бюджет чизигининг ётиқлигини ошириш, уни бошланғич захира нуқтасида буриш орқали содир бўлади.

Фоиз ставкасини ўзгариши истеъмолчини қарз берувчи ёки кредитор бўлишига ҳам таъсир кўрсатади. Фараз қилайлик, истеъмолчи кредитор бўлсин. Агар фоиз ставкаси ошса, истеъмолчи кредитор бўлиб қолиши керак. 4.4-расмда мазку ҳолат тасвиrlанган.



4.4-расм. Истеъмолчи кредитор бўлган ҳолат

Истеъмолчи кредитор бўлса ва фоиз ставкаси ошса, у кредитор бўлиб қолади. Фоиз ставкасини ошиши, бюджет чизигини бошланғич захира нуқтасида буриб, уни янада тик бўлишига олиб келади. Афзал кўриш концепциясига кўра, янги мажмуа бошланғич захира нуқтасидан чапда ётиши керак.

Агар истеъмолчи кредитор бўлса, унинг истеъмол мажмуаси бошланғич захира нуқтасидан чапда ётади. Фоиз ставкаси ошди деб фараз қилайлик. Унда истеъмолчи бошланғич захира нуқтадан ўнгда ётган истеъмол нуқтага ўтмасдан, чап томонда қолади. Чунки, ўнг томонга ўтса, аниқ афзал кўриш тамойили бузилган бўлар эди: бошланғич захира нуқтасидан ўнг томонда ётган мажмуаларни истеъмолчи сотиб олиши мумкин эди. Лекин, у бошланғич бюджет чизигида танлаганда улардан воз кечиб, бошланғич танлов мажмуасини танлаган эди. Бошланғич мажмуа янги бюджет чизигида ҳам сотиб олиниши

мумкин. Демак, янги оптимал мажмуа эски бюджет тўпламида ётмайди, бу дегани, у бошланғич захира нуқтадан чапда ётади. Фоиз ставкаси ошганда истеъмолчи кредитор бўлиб қолиши керак.

Худди шундай ҳолат, истеъмолчи қарз олувчи бўлганда ҳам кузатилади. Агар истеъмолчи бошида қарз берувчи бўлиб, фоиз ставкаси пасайса истеъмолчи қарз олувчи бўлиб қолади. Лекин, истеъмолчи кредитор бўлиб фоиз ставкаси камайса ёки истеъмолчи қарз олувчи бўлиб фоиз ставкаси ошса, бундай ҳолатларда истеъмолчининг қандай ҳаракат қилиши тўғрисида афзал кўриш концепцияси ҳеч нарса дея олмайди. Масалан, агар истеъмолчи қарз олувчи бўлиб, фоиз ставкаси ошса ва у қарз олувчи бўлиб қолса, унинг фаровонлиги пасаяди.

4.4. Инфляция

Юқорида шуни кўрдикки, агар истеъмолчи бугун Δc_1 истеъмолдан возкеса, у кейинги оралиқда $(1+r)c_1$ миқдордаги товарни истеъмол қилиши мумкин. Бунда биз инфляция ва дефляция йўқ деб қабул қилдик.

Фараз қилайлик, биринчи оралиқда истеъмол нархи P_1 ва $P_1 = 1$ дейлик. Эртанги истеъмол нархини P_2 дейлик. Фараз қиласиз, бошланғич захира ҳам истеъмол товар бирлигига ўлчанади. Унда бошланғич захиранинг қиймати иккинчи оралиқда $P_2 m_2$ га teng. Бу ҳолда истеъмолчининг иккинчи оралиқда сарфлайдиган суммасини қуидагича ёзиш мумкин: $P_2 c_2 = P_2 m_2 + (1+r)(m_1 - c_1)$.

Иккинчи оралиқда истеъмолчининг истеъмол миқдори қуидагига teng:

$$c_2 = m_2 + \frac{(1+r)}{P_2} \cdot (m_1 - c_1).$$

Бу бюджет чегарасини инфляция суръати бўйича ёзамиш. Инфляция суръатини π билан белгилаймиз. Бу ерда π нархнинг ўсиш суръатини билдиради. $P_1 = 1$ ни эътиборга олиб, P_2 учун қуидагича ёзишимиз мумкин:

$$P_2 = 1 + \pi.$$

$$\text{Бундан қуидагини оламиш: } c_2 = m_2 + \frac{1+r}{1+\pi} \cdot (m_1 - c_1).$$

Янги ўзгарувчи киритамиз: ρ - реал фоиз ставкаси, уни қуидагича ёзамиш: $1 - \rho = \frac{1+r}{1+\pi}$.

Унда бюджет чегараси қуидаги кўринишни олади:

$$c_2 = m_2 + (1 + \rho) \cdot (m_1 - c_1).$$

$(1 + \rho)$ - реал фоиз ставкаси, биринчи оралиқдаги истеъмолнинг бир қисмидан воз кечсангиз, иккинчи оралиқда қанча қўшимча истеъмолни сотиб

олишингиз мумкинлигини кўрсатади. Реал фоиз ставкаси долларни эмас, балки сиз қанча қўшимча истеъмол олишингизни билдиради.

Доллар бўйича фоиз ставкасига номинал фоиз ставкаси дейилади. Шу иккала фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик қўйидаги формула бўйича

$$\text{берилади: } 1 + \rho = \frac{1+r}{1+\pi}.$$

$$\rho \text{ нинг қийматини ёзамиш: } \rho = \frac{1+r}{1+\pi} - 1 = \frac{1-r}{1+\pi} - \frac{1+\pi}{1+\pi} = \frac{r-\pi}{1+\pi}.$$

Бу тенглик ρ нинг аниқ қийматини ифодалайди, лекин амалда унинг тақрибий вариантидан фойдаланилади. Агар инфляция суръати жуда юқори бўлмаса, касрнинг маҳражи 1 дан кам фарқ қиласи. Шу сабабли реал фоиз ставкаси тақрибан қўйидаги формула орқали ифодаланади: $\rho \approx r - \pi$.

Бу шуни билдирадики, реал фоиз ставкаси номинал фоиз ставкасидан инфляция суръатининг айрилганига тенг. Агар номинал фоиз ставкаси 18 фоизга тенг бўлса, нархнинг ўсиш суръати 10 фоиз бўлса, у ҳолда реал фоиз ставкаси 8 фоиз бўлиб, у биринчи оралиқда қанчадир истеъмолдан воз кечсангиз, сизни кейинги оралиқдаги қўшимча истеъмолингиз тақрибан 8 фоизни ташкил этади.

4.5. Жорий қиймат

Олдинги параграфда кўрган бюджет чегаралари (4.2) ва (4.3) ни ёзамиш:

$$(1+r)c_1 + c_2 = (1+r)m_1 + m_2 \text{ ва } c_1 + \frac{c_2}{1+r} = m_1 + \frac{m_2}{1+r}.$$

Бу тенгламаларнинг ўнг томонини қараймиз. Биринчи тенгламанинг ўнг томони бошланғич захиранинг қи йматини бўлғуси қиймат орқали ифодалайди, иккинчи тенгламанинг ўнг томони эса жорий қиймат орқали.

Бўлғуси қийматни қараймиз. Агар биз r фоиз ставкаси бўйича қарз берсак, 1 долларнинг кейинги оралиқдаги қиймати $(1+r)$ долларга тенг бўлади. Яъни, 1 долларни r фоиз ставкаси бўйича банкка қўйсак, кейинги оралиқда у $(1+r)$ долларга айланади. $(1+r)$ миқдор бу бугунги 1 долларнинг кейинги оралиқдаги долларга нисбатан нархи. Биринчи тенгламадан кўринадики, бўлғуси қиймат келажакдаги доллар бўйича ифодаланган: долларнинг иккинчи оралиқдаги нархи 1 долларга, биринчи оралиқдаги нархи иккинчи оралиқдаги долларга нисбатан ифодаланган.

Энди жорий қийматни қараймиз. Бу ерда ҳаммаси бугунги долларда ўлчанади. Иккинчи оралиқдаги долларни бугунги оралиқдаги доллар бўйича

ифодаласак, у $\frac{1}{(1+r)}$ долларга тенг. Демак, бугунги $\frac{1}{(1+r)}$ долларни кейинги оралиқда 1 долларга айлантиришимиз мумкин, агар биз уни r фоиз ставкаси бўйича сақласак.

Кейинги оралиқда олган 1 долларимиз бугунги кунда $\frac{1}{(1+r)}$ доллар жорий қийматга тенг бўлади.

Вақтларо қарор қабул қилишда, агар истеъмолчи ўзгармас r фоиз ставкасида қарз бериб, қарз олса, у даромаднинг паст жорий қийматига кўра, даромаднинг юқори жорий қийматини афзал кўради. Юқори жорий қийматга эга бўлган бошланғич захира, паст жорий қийматга эга бўлган захирадан афзал кўрилади.

Маълумки, агар бир бошланғич захиранинг жорий қиймати иккинчи бошланғич захираникидан юқори бўлса, у ҳолда биринчи захиранинг бўлғуси қиймати ҳам иккинчиникидан афзал бўлади.

Юқори бошланғич захира қийматига эга бўлган бюджет чизиги бошқасига нисбатан ўнгга юқорига сурилган бўлади. Янги бюджет тўплами ўз ичига эски тўпламни ва истеъмолчи учун қўшимча истеъмол имкониятини очиб берувчи тўплани олади.

4.6. Бир неча оралиқлар учун жорий қиймат

Фараз қилайлик, учта вақт оралиғида биз r фоиз ставкаси бўйича қарз олишимиз ёки қарз беришимиз мумкин. r фоиз ставкаси учта оралиқда ўзгармайди деб қараймиз. Демак, иккинчи оралиқдаги истеъмолнинг қийматини биринчи оралиқ истеъмоли орқали ифодаласак, унда у $\frac{1}{(1+r)}$ га тенг бўлади.

Агар биз 1 долларни бугун инвестицияга қўйсак, кейинги оралиқда у $(1+r)$ долларга айланади, учинчи оралиқда эса у $(1+r)^2$ долларга айланади.

Демак, агар биз бугун $\frac{1}{(1+r)^2}$ долларни инвестицияга қўйсак, учинчи оралиқда у 1 долларга айланади. Учинчи оралиқдаги истеъмол нархини биринчи оралиқдаги истеъмол нархига нисбатан олсак, у $\frac{1}{(1+r)^2}$ га тенг бўлади. Бунда бюджет чегараси қуйидаги кўринишни олади:

$$c_1 + \frac{c_2}{(1+r)} + \frac{c_3}{(1+r)^2} = m_1 + \frac{m_2}{(1+r)} + \frac{m_3}{(1+r)^2}.$$

Бу ерда t оралиқдаги истеъмолнинг нархи бугунги истеъмол билан ифодаланса, у қуйидагича бўлади: $P_t = \frac{1}{(1+r)^{t-1}}$.

Агар жамғарманинг биринчи оралиқдан иккинчи оралиқка ўтганда олиб келадиган фоиз ставкаси r_1 бўлиб, иккинчи оралиқдан учинчи оралиқка ўтганда жамғарманинг фоиз ставкаси r_2 бўлса, унда биринчи оралиқдаги 1 доллар учинчи оралиқка келиб $(1+r_1)(1+r_2)$ долларни ташкил этади. Учинчи

оралиқдаги 1 долларнинг биринчи оралиқдаги жорий қиймати $\frac{1}{(1+r_1)(1+r_2)}$ га тенг бўлади. Унда бюджет чегараси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$c_1 + \frac{c_2}{(1+r_1)} + \frac{c_3}{(1+r_1)(1+r_2)} = m_1 + \frac{m_2}{(1+r_1)} + \frac{m_3}{(1+r_1)(1+r_2)}.$$

Қуйидаги 10.1-жадвалда 1 долларнинг T вақт оралиғидаги жорий қиймати, ҳар хил фоиз ставкаларида келтирилган. Масалан, фоиз ставкаси 10 фоиз бўлганда 1 долларнинг жорий нархи 20-йилда 15 центга тенг.

10.1-жадвал


Бир долларнинг келажак t йил бўйича жорий қиймати

| Йил Фоиз ставкаси | 1 | 2 | 5 | 10 | 15 | 20 | 25 | 30 |
|-------------------------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| 5 фоиз | 0,95 | 0,91 | 0,78 | 0,61 | 0,48 | 0,37 | 0,30 | 0,23 |
| 10 фоиз | 0,91 | 0,83 | 0,62 | 0,39 | 0,24 | 0,15 | 0,09 | 0,06 |
| 15 фоиз | 0,87 | 0,76 | 0,50 | 0,25 | 0,12 | 0,06 | 0,03 | 0,02 |
| 20 фоиз | 0,83 | 0,69 | 0,40 | 0,16 | 0,06 | 0,03 | 0,01 | 0,00 |

4.7. Жорий қийматни қўллаш

Тўловлар оқимини бугунги долларга айлантиришнинг ягона усули - бу жорий қийматдан фойдаланиш ҳисобланади. Таърифга кўра, жорий қиймат истеъмолчининг бошланғич захира пули қийматининг ўлчовидир. Истеъмолчи қандай дидга ва хоҳишга эга бўлишидан қатъий назар кичик жорий қийматга эга бўлган пул оқимидан юқори пул оқимига эга бўлган жорий қийматни афзал кўради. Чунки, у истеъмолчига оралиқларда кўпроқ истеъмол қилиш имкониятини беради. Ушбу фикрлар 4.6-расмда ўз ифодасини топган. Ушбу расмда (m_1^1, m_2^1) мажмуа истеъмолчининг бошланғич захира истеъмоли мажмуаси (m_1, m_2) га нисбатан ёмон. Чунки, у бошланғич захира мажмуасидан ўтувчи бефарқлик эгри чизигидан пастда ётибди.

Лекин, шунга қарамасдан истеъмолчи r фоиз ставкаси бўйича қарз бериш ёки қарз олиш имкониятига эга бўлганда, у (m_1^1, m_2^1) мажмуани (m_1, m_2) мажмуага нисбатан афзал кўради.



4.6-расм. Юқори жорий қиймат

Чунки, (m_1^1, m_2^1) бошланғич захирада у (c_1, c_2) мажмуани истеъмол қилиш имкониятига эга бўларди. Бу ерда (c_1, c_2) мажмуа жорий истеъмол мажмуудан яхши.

Фараз қиласайлик, (P_1, P_2) тўловлар оқими орқали (m_1, m_2) даромад оқимини олиш мумкин. Бу ҳолда даромадлар оқимининг жорий қийматини тўловлар оқимининг жорий қиймати билан таққослаб, капитал қўйилмани баҳолаш мумкин. Агар $m_1 + \frac{m_2}{(1+r)} > P_1 + \frac{P_2}{1+r}$, (4.4) бўлса, даромад оқимининг жорий қиймати шу даромадни таъминловчи харажатларнинг жорий қийматидан катта бўлса, бу фойдали капитал қўйилма бўлади ва у бошланғич захиранинг жорий қийматини оширади.

Юқоридагига эквивалент бўлган яна бир капитал қўйилмани баҳолаш усули бу соф жорий қиймат усулидир. Бу қийматни хисоблаш учун ҳар бир оралиқдаги соф пул оқимини хисоблаб, бу оқимларни дисконтилаш асосида бошланғич вақтга келтирамиз. Масалан, соф пул оқимлари қўйидагича берилган бўлсин: $(m_1 - P_1, m_2 - P_2)$, унда соф пул оқими қўйидагига teng бўлади:

$$NPV = m_1 - P_1 + \frac{m_2 - P_2}{1+r}, \text{ бу ерда } NPV \text{ - соф жорий қиймат.}$$

Агар соф жорий қиймат $NPV > 0$ бўлса, бу капитал қўйилмани амалга ошириш мумкин. Соф жорий қиймат орқали оралиқлардаги мусбат ёки манфий бўлган пул оқимларини ҳисоблаб, уларни дисконтлаш мумкин.

Мисол. Фараз қилайлик, капитал қўйилманинг A ва B варианти бор бўлсин. A вариантдаги капитал қўйилма бугун 100 доллар, келажакда 200 доллар даромад келтиурсин. B вариант эса бугун 0 доллар, келажакда 310 доллар даромад келтирадиган бўлсин. Қайси вариантнинг кўпроқ даромад келтириши фоиз ставкаси r га боғлиқ. Агар фоиз ставкаси нолга тенг бўлса, жорий қийматни ҳисоблашда улар қўшилади холос:

$$PV_A = 100 + 200 = 300,$$

$$PV_B = 0 + 310 = 310.$$

Бу ерда B капитал қўйилма устун кўрилади. Фараз қилайлик, фоиз ставкаси 20фоиз ни ташкил этсин. Жорий қийматни ҳисоблаймиз.

$$PV_A = 100 + \frac{200}{1,20} = 266,67,$$

$$PV_B = 0 + \frac{310}{1,20} = 258,33.$$

Энди A вариант устун кўрилади.

4.8. Облигациялар

Қимматли қоғозлар – маълум тўлов шкаласи таркиби бўйича даромад келтирувчи молиявий инструментdir. Молиявий бозорлар инсонларга пул оқимларини вақт бўйича алмаштиришни амалга ошириш имконини яратади. Бу пул оқимларида истеъмолни у ёки бу вақт оралиқларида молиялаштиришда фойдаланилади.

Облигациялар давлат ва корпорациялар томонидан чиқарилади. Облигациялар мазмун-моҳиятига кўра қарз олиш усули ҳисобланади. Облигация чиқарувчи, яъни қарз олувчи X доллар суммани T вақтгача ҳар бир вақт оралиғида тўлаб бориш мажбуриятини олади. Бу ерда T – облигацияни сўндириш куни.

Шундай қилиб, облигация бўйича тўлов оқими қўйидагича (X_1, X_2, \dots, F) . F – облигацияни сўндириш вақтида қарз олувчи облигацияни олган шахсга тўлайдиган сумма (номиналда). Агар фоиз ставкаси ўзгармас бўлса, унда облигациянинг дисконтирланган жорий қиймати қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$PV = \frac{X}{(1+r)} + \frac{X}{(1+r)^2} + \dots + \frac{X}{(1+r)^T}.$$

Эътибор берсак, фоиз ставкаси ошиб борса, облигациянинг жорий қиймати камайиб боради.

Шундай облигациялар борки, уларга тўлов вақти чекланмаган бўлади. Бундай облигацияларни консолия ёки умрбоқий рента деб аташади. Фараз қилайлик, облигацияни вақти чекланмаган ва у ҳар йили X доллар даромад келтиради.

Бу ҳолда биз жорий қийматни ҳисоблаш учун чексиз суммани топишимииз керак. $PV = \frac{X}{(1+r)} + \frac{X}{(1+r)^2} + \dots$.

Суммадан $\frac{1}{(1+r)}$ ни қавсдан ташқарига чиқариб оламиз:

$$PV = \frac{1}{(1+r)} \left[X + \frac{X}{(1+r)} + \frac{X}{(1+r)^2} + \dots \right].$$

Қавс ичидағи ифода - бу $X + PV$ га teng.

$$\text{Бундан } PV = \frac{1}{(1+r)} [X + PV] = \frac{X}{r}.$$

Фоиз ставкаси r бўлганда ҳар йили X доллар олиш учун PV доллар керак бўлади десак, унда $V \cdot r = X$, ва V доллар капитал қўйилманинг жорий қиймати қўйидагича аниқланади: $V = \frac{X}{r}$.

Шундай қилиб, ҳар йили X доллар олиб келувчи муддатсиз облигациянинг жорий қиймати $\frac{X}{r}$ га teng бўлиши керак.

Масалан, фоиз ставкаси 10 фоиз бўлса, муддатсиз ҳар йили 10 доллар келтирадиган бўлса, унда ҳар йили 10 доллар келтирадиган муддатсиз облигациянинг нархи 100 доллар бўлади. Агар фоиз ставкаси 20 фоиз бўлса, муддатсиз облигация гархи 50 долларга teng бўлади ва у ҳар йили 10 доллар даромад келтиради. Фоиз ставкаси маблагингизни альтернатив қиймати ҳисобланади, яъни пулдан альтернатив фойдаланиш қиймати.

Қисқа хulosалар

Бу мавзуда жамғариш ва истеъмолни вақт бўйича тақсимланиши билан боғлиқ истеъмолчи ҳаракатини қараб чиқдик. Фараз қилайлик, истеъмолчи берилган товарни иккита вақт оралиғида истеъмол қилмоқчи. Истеъмолнинг ҳар бир вақт оралиғидаги микдорини (c_1, c_2) деб белгилаймиз ва ҳар вақт оралиғидаги истеъмол нархи 1 ga teng. Истеъмолчининг ҳар бир вақт оралиғидаги пули (m_1, m_2) ga teng.

Вақтлараро танловда бюджет чекланганлиги жорий ёки бўлғуси қиймат орқали ифодаланиши мумкин. Реал фоиз ставкаси истеъмолчининг бугунги истеъмолнинг қандайдир қисмидан воз кечиш эвазига келгусида олиши мумкин бўлган қўшимча истеъмолни кўрсатади.

Истеъмолчининг афзал қўриши унинг бефарқлик эгри чизифи орқали ифодаланади. Бефарқлик эгри чизифининг шакли истеъмолчининг диди ва хоҳишини ҳар хил вақтларда қандай бўлишини кўрсатади. Агар бефарқлик эгри чизифининг ётиклиги – 1 га тенг бўлса, истеъмолчи учун бугун истеъмол қиласими ёки эртагами бунинг фарқи йўқ. Чунки, эртанги истеъмолни бугунга нисбатан алмаштириш нормаси – 1 га тенг.

Вақтлараро қарор қабул қилишда, агар истеъмолчи ўзгармас r фоиз ставкасида қарз бериб, қарз олса, у даромаднинг паст жорий қийматига қўра, даромаднинг юқори жорий қийматини афзал қўради. Юқори жорий қийматга эга бўлган бошланғич захира, паст жорий қийматга эга бўлган захирадан афзал қўрилади.

Тўловлар оқимини бугунги долларга айлантиришнинг ягона усули - бу жорий қийматдан фойдаланиш хисобланади. Таърифга қўра, жорий қиймат истеъмолчининг бошланғич захира пули қийматининг ўлчовидир. Истеъмолчи қандай дидга ва хоҳишга эга бўлишидан қатъий назар кичик жорий қийматга эга бўлган пул оқимидан юқори пул оқимида эга бўлган жорий қийматни афзал қўради. Чунки, у истеъмолчига оралиқларда кўпроқ истеъмол қилиш имкониятини беради.

Қимматли қофозлар – маълум тўлов шкаласи таркиби бўйича даромад келтирувчи молиявий инструментdir. Молиявий бозорлар инсонларга пул оқимларини вақт бўйича алмаштиришни амалга ошириш имконини яратади. Бу пул оқимларида истеъмолни у ёки бу вақт оралиқларида молиялаштиришда фойдаланилади.

Назорат ва мухокама учун саволлар

1. Вақтлараро танлов деганда нимани тушунасиз?
2. Жамғариш ва истеъмолни вақт бўйича тақсимлашда истеъмолчи қандай ҳаракат қиласими?
3. Вақтлараро танловда истеъмолчининг бюджет чегараси тенгламаси қандай кўринишга эга?
4. Агар истеъмолчи қарзга пул олса унинг жамғариши ва истеъмоли вақт оралиғида қандай ўзгариши мумкин?
5. Пулнинг жорий ва бўлғуси қиймати концепцияси нимага асосланган?

6. Вақтлараро қарор қабул қилишда жорий ва бўлгуси қийматнинг таъсири борми?
7. Истеъмолга нисбатан афзал кўриш нимани англатади?
8. Истеъмолчининг қарз олувчи ва кредитор сифатидаги хатти-харакати нимага асосланган?
9. Истеъмол ва жамғаришга инфляциянинг таъсири қандай?
10. Бир неча оралиқлар учун жорий қиймат қандай аниқланади?
11. Облигациялар бўйича тўлов оқими қандай аниқланади?
12. Вақтлараро танловда қимматли қоғозларнинг аҳамияти нимада?

Асосий адабиётлар рўйхати


1. Вериан Х.Р. Микроэкономика. Учебник./ перев. с анг. под редакц. Н.Фроловой. – М.: ЮНИТИ-М, 2016. - с. 767.
2. Аддреу Mac-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2016. - 630 стр.
3. Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. -19 th ed. – New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2015. Р. 604.
4. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2011. - 580 стр.
5. Пиндайк Р., Рубин菲尔д Д. Микрэкономика. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2011. - с. 608.
6. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: учебник/ 2-е изд. – М.: Норма, 2012. –с. 576.
7. Salimov B.T., Yusupov M.S., Salimov B.B. Mikroiqtisodiyot. Darslik. –Т.: Iqtisodiyot, 2019. – 270 b.

V бөб. БОЗОР ТАЛАБИ ВА МУВОЗАНАТЛИЛИК

5.1. Талаб ва таклиф әгри чизиқлари. Бозор мувозанати

Талаб чизиги – бу талаб миқдорини нарх билан боғлайды, бизнинг мисолимизда у маълум нархда қанча талаб квартирани ижарага олишни кўрсатади.

Фараз қилайлик, квартирани ижара олувчилардан сўров ўтказиб, ким квартира учун қанча максимал нарх тўлаши мумкинligини аниқладик. Ижаачилардан биттаси бир ойга \$ 500 тўлашини айтди. Демак, битта ижарави квартира учун бир ойга \$ 500 тўласа, унда битта квартира ижарага берилади. Иккинчи ижарави \$ 490 ойига тўлашга тайёр эканлигини айтди. Агар квартирани бозор нархи \$ 490 бўлса, иккита квартира ижарага берилади. Биттаси \$ 500 тўловчига, иккинчиси \$ 490 тўловчи шахсга (5.1-расм).




5.1-расм. Квартирага талаб чизиги

Бирор шахс хизмат ёки товар учун максимал нарх тўлашга тайёр бўлса бу нарх шу индивиднинг **резерв нархи** дейилади. Резерв нарх шахс томонидан товар учун тўланиши мумкин бўлган энг юқори нарх. Лекин, шахс шу резерв нархда товарни сотиб олиши ҳам, сотиб олмаслиги ҳам мумкин. Резерв нархда шахс товарни сотиб оладими, йўқми фарқи йўқ.

Таклиф чизиги. Агар уйни ижарага берувчи уй эгалари кўп бўлса ва улар бир-бирига боғлиқ бўлмай мустақил нарх белгиласа, бундай бозорга рақобатлашган бозор дейилади. Бошқа турдаги бозорлар ҳам мавжуд. Уй эгалари кўп бўлган бозорни қараймиз. Агар ижарага олувчилар квартираларнинг нархи тўғрисида ахборотга эга бўлса у ҳолда ички айланада ичидаги квартиралар учун мувозанат нарх бир хил бўлади. Яна битта масала, вақт оралиғи. Агар биз узоқ муддатли оралиқни қарайдиган бўлсак, масалан 1 йил ёки 2 йил, унда бу оралиқда уй жой қуриладиган бўлса, квартиралар сони


уларга қўйиладиган нархга мос келади. Биз қисқа муддатли оралиқни қараймиз, бу оралиқда квартиралар сони ўзгармайди ва у бирор сонга тенг бўлади.

Квартиralар бозорида **таклиф чизиги** вертикал кўринишга эга (5.2-расм). Ҳар қандай берилган нархда барча квартиралар ижарага берилади.



5.2-расм. Қисқа муддатли оралиқдаги таклиф чизиги

Бозор мувозанати. Талаб ва таклиф чизигини битта графикда тасвирлаб мувозанат нуқтани топамиз (5.3-расм).



5.3-расм. Квартиralарнинг бозордаги мувозанат ҳолати

Бу графикда мувозанат нарх P^* , S – ижарага бериладиган квартиралар сони. P^* мувозанат нархда квартираларга бўлган талаб, ижарага бериладиган квартиралар сонига тенг. Бу ҳолат ижарачиларни ҳам, ижарага берувчиларни ҳам қаноатлантиради. Шу сабабли бу ҳолат мувозанат ҳолат дейилади.

Агар квартира нархи P мувозанат нархдан кичик бўлса $P < P^*$, у ҳолда ижарага оловчилар сони ички айланада таклиф қилинадиган квартиралар сонидан ортиб кетади. Квартира олишда навбатлар пайдо бўлади. Бунга жавобан уй эгалари ижара ҳақини оширади.

Худди шундай, агар ижара нархи мувозанат нархдан юқори бўлса $P > P^*$, бу ҳолда бир қатор квартиралар ижарага олинмай қолади. Уй эгалари ижара ҳақи ололмай қолишдан қўрқиб ижара нархини туширади.


Шундай қилиб факат мувозанат P^* нархда ижарага олинадиган квартиralар сони, уй эгалари томонидан ижарага бериладиган квартиralар сонига тенг бўлади. Факат мувозанат нархда талаб таклифга тенг бўлади, факат мувозанат нархда ижарага олувчилар ҳаракати ва уй эгалари ҳаракати бир-бирига мос келади.

Ички айланадаги квартиralар учун бозор нархни аниқлаб кимлар ички айланана ичидан квартира олади, кимлар ташки айланана ичидан жой олади деган саволга жавоб бериш мумкин. Бизнинг моделда бу саволга жавоб оддий. Бозор мувозанат ҳолатда бўлганида ким ижара ҳақини P^* нархда ёки ундан юқори нархда тўлай олса у ички айланана ичидан квартирани ижарага олади, ким P^* нархни тўлай олмаса ташки айланадан квартирани ижарага олади.

Бирор шахснинг резерв нархи P^* га тенг бўлса унинг учун фарқи йўқ, ички айланадан жой оладими ёки ташқисидан. Ички айланадан квартира олувчи бошқа ижарачилар квартирани ўзлари тўлаши мумкин бўлган максимал нархдан паст нархда ижарага олишади. Шундай қилиб квартиralар ижарачилар ўртасида квартира учун қанча ҳақ тўлаши мумкинлигига қараб тақсимланади.

Бозор характеристикаларининг ўзгариши.

Фараз қилайлик квартиралар таклифи ошди, 5.4-расм. Кўриш мумкинки, мувозанат нарх P^* пасаяди, агар таклиф қисқарганда, энди мувозанат нарх ошади.




Квартиralар сони

5.4-расм. Квартиralар таклифининг ошиши

Агар талаб ва таклиф чизиқлари бир хил миқдорда чапга ёки унга силжиса, мувозанат нарх ўзгармайди (5.5-расм). Фараз қилайлик, шаҳар ҳокимлиги квартиралар учун йилига 50 \$ солиқ белгилади. Ҳар бир уй эгаси йилига унга тегишли ҳар бир квартира учун 50 \$ солиқ тўлайди. Солиқ квартира нархига қандай таъсир қиласи. Кўпчилик ўйлайдики, солиқнинг бир қисми ижарачилар зиммасига ўтади. Ҳақиқатда эса бундай эмас, квартиранинг мувозанат нархи

ўзгармайды. Солиқ ўрнатилгани билан таклиф чизиги ўзгармайды, квартиralар сони илгари қанча бўлса соликдан кейин ҳам шунча қолади.



5.5-расм. Талаб ва таклиф чизиқлари бир хил миқдорга чапга силжиганда мувозанат нарх ўзгармайди

Талаб чизиги ҳам ўзгармайди, чунки талабалар томонидан ҳар бир нархда сотиб олинадиган квартиралар сони олдинги ҳолатда қолади. Агар талаб чизиги ҳам, таклиф чизиги ҳам силжимаса нарх солиқ белгиланиши билан ўзгармайди.

Солиқни нарх ўзгаришига олиб келмаслигини қўйидагича изоҳлаш мумкин. Солиқ қўйилгунга қадар уй эгалари квартиралари учун энг юқори нарх сўраган эдилар. Мувозанат нарх P^* энг юқори нарх бўлиб, бу нархда барча квартиралар ижарага берилган эди. Уй эгалари солиқ ўрнатилгандан кейин нархни ўтара олмайди. Агар квартира нархини кўтариш мумкин бўлганда улар олдиндан бу ишни қилиши мумкин эди. Бу ҳолатда ҳеч қандай солиқни ижарачилар зиммасига ўtkазиб бўлмайди. Уй эгалари солиқ суммасини тўлиқ тўлашга мажбур. Бундай таҳлил квартиралар сони ўзгармас бўлишига асосланади. Агар солиқ ўрнатилиши квартиралар сонини ўзгартирса, ижарачилар томонидан тўланадиган нарх ўзгаради.

Квартиralарни тақсимлашнинг бошқа усуллари:

Нарх дискриминациясини қўлловчи монополист. Бозордаги квартираларнинг эгаси бир киши бўлганда ёки бозордаги бир нечта уй эгалари бирлашиб биргаликда ягона уй эгаси сифатида ҳаракат қилса бундай бозор монопол бозор бўлади.

Монополист бўлган уй эгаси квартираларни аукцион шарти бўйича кетма-кет энг юқори нарх тўлайдиган ижарачиларга сотиши мумкин. Бу дегани, ҳар хил ижарачилар квартиралар учун ҳар хил нарх тўлайди, бундай ҳолатга нарх дискриминациясидан фойдаланувчи монополист дейилади.


Соддалаштириш учун, фараз қилайлик нарх дискриминациясини қўлловчи монополист ижарачиларнинг ҳар бирини квартира сотиб олиши бўйича резерв нархини билади дейлик.

Бу шуни билдирадики, монополист биринчи квартираны энг юқори нарх түловчи ижарага беради, бизнинг ҳолатда 500 \$. Кейинги квартираны 490 \$ га беради ва шундай давом эттиради. Ҳар бир квартира энг юқори нарх түловчига берилади. Охирги ижараги квартира учун P^* нарх түлайди. Нарх дискриминациясидан фойдаланувчи монополистнинг хусусияти шундаки, рақобатлашган бозор ҳолатида квартираларни ким ижарага олган бўлса, бу ҳолатда ҳам шуларни ўзи квартираларни ижарага олишади. Демак, нарх дискриминациясини амалга оширувчи монополист ҳолатида ижарагилар квартира учун ҳар хил нарх тўлаб олишса, рақобатлашган бозорда шу ижарагилар бир хил мувозанат нарх P^* ни тўлаб квартирани ижарага олишади. Бунинг сабабини кейинроқ кўриб чиқамиз.

Оддий монополист. Монополист ижарага берадиган квартираларни қисқартириб нархни оширади, натижада у монопол даромад олади. Квартиralарга P нархдаги талабни $D(P)$ дейлик. Монополист квартирани P нархда ижарага берса у $P \cdot D(P)$ даромад олади. Бу даромад бўйи P нархга тенг, эни квартиралар сони $D(P)$ га тенг бўлган тўртбурчак юзага тенг.

Монополист рақобатлашган бозор нархи P^* дан юқори нарх ўрнатиб максимал фойда олади.

Монополияда рақобатлашган бозорга нисбатан кам квартира ижарага берилади ва нархи ҳам юқори бўлади (5.6-расм).



5.6-расм. Монополист даромади тўртбурчак юзига тенг

Ижара нарх устидан назорат ўрнатилса. Фараз қилайлик шаҳар ҳокимлиги ижара нархини мувозанат нарх P^* дан паст ўрнатди. Бу ҳолда таклифдан талаб ошибб кетади. Квартиralарни кимлар олиши тўғрисида бирор нарса дейиш қийин. Ижара нархи устидан назорат ўрнатилса квартираларнинг бир қисмини рақобатлашган бозорда олган инсонлар олиши, бир қисмини ташқи айланада яшовчилар олиши мумкин.

Квартиralарни тақсимлашнинг қайси усули яхши?

Биз квартираларни тақсимлашнинг тўрт усулини кўриб чиқдик:

- рақобатлашган бозор;
- нарх дискриминациясини қўлловчи монополист;
- оддий монополист;
- ижара нархи назорати.

Биз кўриб чиқкан тўртта усулдан ҳар бирида квартиралар ҳар хил инсонларга берилади ва бунда ҳар хил ижара нархи қўйилади. Квартиralарни тақсимлаш институтининг қайси бири яхши? Яхисини қайси мезон орқали солишириб аниқлаш мумкин?

Тақсимлашда қатнашувчиларнинг иқтисодий ҳолатига қараб баҳолаш хам мумкин. Аниқ айтиш мумкинки, нарх дискриминациясини қўллаган уй эгалари кўп пулга эга бўлиши мумкин. Бу усул уй эгаларига максимал даромалд келтиради. Худди шундай фикрлаб, ижара нархи устидан назорат қилиш усули энг салбий усул деган хulosага келиш мумкин. Ижарага олувчилар тўғрисида гапирадиган бўлсак, нарх дискриминациясини қўлловчи монополияда ўртacha турмуш фаровонлигини бошқа усулларга қараганда паст, чунки ижарагаолувчилардан кўп қисми бошзқа тақсимлаш усулларига қараганда кўп пул тўлайди. Ижара нархи назорат қилинганда – квартира олган ижарачиларнинг турмуш фаровонлиги рақобатлашган бозорга нисбатан ошади, лекин квартира ололмаганларники рақобатлашган бозордагидан паст бўлади.

Уй эгалари ва ижарачиларнинг турмуш фаровонлигини эътиборга олган ҳолда, биз кўриб чиқкан тақсимлаш усулларидан қайси бири яхши эканлигини, қандай ва қайси мезон орқали баҳолаш мумкин?

Парето бўйича самарадорлик. Бизни ҳолатда квартираларни тақсимлаш усули Парето бўйича самарали дейилади², агар ижарачилардан ҳар бирини турмуш фаровонлигини пасайтиришга ва уларнинг бирор қисмининг турмуш фаровонлигини оширишга олиб келадиган бошқа альтернатив усул мавжуд бўлмаса. Бошқача айтадиган бўлсак, шундай тақсимлаш усули топилсаки, унинг ёрдамида камида биттасини турмуш фаровонлигини оширганда бошқаларининг турмуш фаровонлиги пасаймаса, биз Парето бўйича самарасиз тақсимлаш усулини кўрамиз. Агар бирортанинг турмуш фаровонлигини пасайишига олиб келадиган бўлса тақсимланишни Парето бўйича самарали деймиз. Демак, Парето бўйича самарали тақсимланишда ҳеч ким ўзининг ҳолатини ўзgartиришдан манфаатдор эмас. Кимдир фаровонлигини ошиrsa бошқа бир кишини фаровонлиги пасаяди, бунга у йўл қўймайди.

² Парето самарадорлиги XIX асрда яшаб ўтган иқтисодчи ва социолог Вильфредо Парето (1848-1923) номи билан аталган. У биринчи бўлиб бу фикрни тадқиқ қилган.

Энди бу модельни Парето самарадорлиги бўйича қараймиз. Фараз қилайлик квартиralар тасодифий тақсимланди. Бу ҳолда кимдир ичик айланадан квартира олмоқчи эди, лекин у ташқи айланага жойлашди, ташқи айланадан олмоқчи бўлган ижарачига квартира ички айланадан берилди. Квартиralарни алмаштиришга рухсат берилган дейлик. Маълумки, етарли даражадаги компенсация ҳисобига квартирасини алмаштиришни хохлайдиганлар топилади.

Масалан, A индивид ички айланадан квартира олди ва у квартирани $200\$$ га баҳолади. Ташқи айланадан олган индивид B ички айланадаги уйни $300\$$ га олишга тайёр. B индивид A га қанчадир компенсация тўлаб улар квартираларини алмаштириши мумкин, бу ерда аниқ суммани аҳамияти йўқ. Бу ҳолда A ни ҳам B ни ҳам турмуш фаровонлиги ошди. Муҳими шундаки, квартира учун ким кўп пул тўласа у шу квартирани олади, чунки ички айланада яшаб квартирани паст баҳоловчива уни маълум компенсацияга алмаштиришни хохловчилар топилади.

Фараз қилайлик барча эркин алмашувчилар тугади. Натижада бу жараён бўйича квартираларни қайта тақсимланиши Парето бўйича самарали бўлади. Агар шундай бўлмаса ижарачилар ўртасида алмашув содир бўлиб иккала томоннинг турмуш фаровонлигини, бошқаларникини пасайтирумасдан, ошириш мумкин бўларди, лекин бу – биз олдин айтган эркин алмашувлар тугади деган фикрга зид. Демак, эркин алмашувлар тугагандан кейинги кейинги квартираларнинг тақсимланиши Парето бўйича самарали.

Квартиralарни тақсимлаш усулини баҳолаш. Пировард натижада савол туғилади, барча фойдали алмашишлар тугагандан кейин квартираларни ким олади?

Саволга жавоб беришдан олдин таъкидлаш жоизки, ички айлана ичida яшовчиларнинг резерв нархи (квартира учун максимал тўлаши мумкин бўлган нарх), ташқи айлана ичida яшовчиларницидан катта бўлиши керак, акс ҳолда улар квартираларни алмаштиришга тушарди ва бу уларнинг иккаласини ҳам турмуш фаровонлигини ошираг эди. Демак, жами ички айланада S квартира ижарага берилса энг юқори резерв нархга эга бўлган S та киши шу квартирани оларди. Бундай тақсимланиш Парето бўйича самарали ҳисобланади, бошқалари эса Парето бўйича самарали бўлмайди. Ҳар қандай бошқача тақсимланишда инсонлар ўртасида ўзаро алмаштириш содир бўларди ва бунда иккала томон ҳам турмуш фаровонлигини оширган бўларди, бошқаларникини пасайтирумасдан.

Парето бўйича самарадорлик мезонини, биз кўриб ўтган бошқа тақсимлаш усусларига қўллаймиз. Рақобатлашган бозордан бошлаймиз. Кўриш мумкинки,

бозор механизми орқали тақсимланганда S та квартирини S та юқори резервнархга эга бўлган ижаравчилар олади, яъни мувозанат нарх P^* дан юқори нарх тўловчи ижаравчилар. Шундай қилиб, квартиралар рақобатлашган бозорда ижарага берилганда, ўзаро фойдали алмаштиришларга ўрин қолмайди. Рақобатлашган бозор орқали тақсимланиш натижада Парето бўйича самарали бўлади.

Нарх дискриминациясини қўлловчи монополияда ҳам тақсимланиш Парето бўйича самарали, чунки бу ерда квартиралар энг юқори нарх тўловчи ижаравчиларга кетма-кет тақсимланади. Бу ҳолатда ҳам, рақобатлашганбозорда ҳам квартиралар бир хил ижаравларга берилади. Иккала бозорда ҳам P^* нархдан юқори тўловчилар ички айланадан квартира олади ва тақсимланиш Парето бўйича самарали бўлади, қайси маънодаки, бу ерда ҳам фойдали алмаштиришларга эҳтиёж қолмайди, лекин даромадар ҳар хил тақсимланади. Аниқки, нарх дискриминациясидан фойдаланилган монополияда истеъмолчиларнинг турмуш фаровонлиги рақобатлашган бозордагига нисбатан анча паст бўлади.

Умуман олганда, Парето самарадорлиги алмаштириш орқали олинадиган ютуқ тўғрисида ҳеч нарса демайди, у фақат алмаштириш самарасини билдиради, яъни ютуққа олиб келадиган барча алмаштиришлар тўлиқ содир бўлганлигини билдиради. Агар тақсимлашда бир кишини турмуш фаровонлиги, бошқаникини пасайтирасдан, ошириш мумкин бўлса бунга Парето бўйича яхшилаш дейилади.

Оддий монополистда квартираларни тақсимлаш Парето бўйича самарали эмас. Чунки, монополист квартиралар тақлифини қисқартириб юқори нархда квартирани сотади. квартиралар тўлиқ сотилмайди. Шу сабабли у бирорта квартираси бўлмаган инсонга квартирани хоҳлаган нархда сотиб фойда олиши мумкин. Олдинги нархни ўзгартиргани учун олдинги ижаравчиларнинг турмуш фаровонлиги пасаймайди. Шундай қилиб бу ерда Парето бўйича яхшилаш мумкин, яъни монополист ҳам, кейинги ижарага олган шахс ҳам фаровонлигини, бошқаларникини пасайтирасдан оширади.

Охиргиси, ижара нархиназорати бўйича тақсимлаш ҳам Парето бўйича самарали эмас. Чунки, бу ерда ҳам квартиралар тақсимлангандан кейин фойдали ўзаро алмаштиришлар содир бўлади.

Ички айланадан квартира шу айлана ичидаги квартирани, ташқи айланадан паст баҳолайдиган кишига тушса алмаштириш имконияти сақланиб қолади.

Мисол: Квартиralарга талаб функцияси

$$D(P)=100-2P$$

Агар монополистда 60 та квартира бўлса у қандай нархда ва қанча квартирани ижарага берарди. Агар 40 та квартира бўлса у қанча квартирани ижарага беради.

5.2. Индивидуал ва бозор талаби. Тескари талаб функцияси

Олдинги биринчи мавзуда биз микроиктисодий таҳлилнинг иккита фундаментал тамойили тўғрисида гапирган эдик: оптималлаштириш тамойили ва мувозанатлик тамойили. Шу вақтгача биз оптималлаштириш тамойилини қўллашни кўрдик: истеъмолчиларнинг оптимал истеъмол мажмуани танлашини ва фирмаларнинг фойдасини максималлаштириш масалаларини қараб чиқдик. Энди истеъмолчилар ҳаракати билан фирмалар ҳаракатини бирлаштирган ҳолда мувозанат ҳолат вужудга келишини ўрганамиз. Бунинг учун биз бозорнинг таклифини ўрганишдан бошлаймиз.

Таклиф чизиги – ишлаб чиқарувчи ҳар бир нархда бозорга қанча товар ишлаб чиқариши мумкинлигини қўрсатади, яъни таклиф таърифига кўра, ҳар бир нарх P даражасида бозорга қанча $S(P)$ миқдорда товар қўйилади. Бу ерда таҳлил нарх билан истеъмолчилар сотиб оладиган товар миқдори ёки таклиф ўртасида функционал боғлиқликни мавжудлигига асосланади.

Фараз қиласи, бир қотор истеъмолчилар мавжуд. Агар уларнинг индивидуал талаб чизиқлари берилган бўлса уларни йиғиб бозор талаби чизигини олиш мумкин. Худди шундай, шу товарни бозорга қўйквчи, бир-бирига боғлиқ бўлмаган, сотувчилар бўлса, уларнинг таклифини йиғиббозор таклифи чизигини олиш мумкин.

Бу ерда индивидуал сотиб оловчилар ва сотувчилар бозо нархи қандай берилган бўлса шундай қабул қиласи ва бозор нархини назорат қилолмайдилар.

Бозордаги нархни ҳар бир иқтисодий субъект назорат қилолмаса бундай бозор рақобатлашган бозор дейилади.

Рақобатлашган бозорда бозор нархи алоҳида бир бозор субъектининг ҳаракатига боғлиқ бўлмасада, улар биргаликда бозор нархини белгилайдилар. Товарнинг мувозанат нархи бу шундай нархки, унда товар таклифи унга бўлган талабга тенг бўлади. Геометрик нуқтаи назардан қараганда мувозанат нархда талаб чизиги билан таклиф чизиги кесишади ва кесишган мувозанат нуқта бозор мувозанатини ифодалайди.

Агар биз бозор талаби чизигини $D(P)$ деб белгиласак, бозор таклифи чизигини $S(P)$ деб белгиласак, у ҳолда мувозанат нарх P^* қуйидаги тенгламанинг ечими ҳисобланади.


Мувозанат нархда бозор талаби бозор таклифига тенг бўлади. Нима учун P^* мувозанат нарх бўлади? Чунки бу нархда барча индивидлар ўзи учун энг қулай бўлган миқдорни танлайди ва шу билан бирга, мувозанат нарх ҳам сотиб оловчиларни, ҳам сотувчиларни қаноатлантиради. Агар нарх мувозанат нархдан фарқ қилса, бир хил индивидларнинг ҳаракати амалга ошмасдан қолади ва унда ўз ҳаракатини ўзгартиришга мойиллик туғилади.

5.3. Бозор мувозанати: иккита хусусий ҳол. Талаб ва таклифнинг тескари эгри чизиклари

Талаб чизиги билан таклиф чизиги кесишган нуқтада бозор субъектларининг танлови оптималь бўлади ва уларнинг ҳаракати бир-бирига мос бўлади. Мувозанат нарх P^* бошқа нарх бўлса юқоридаги икки шарт бажарилмайди. Бозор мувозанати бузилса бозор ўзининг мувозанат ҳолатини автоматик равишда тиклаш хусусиятига эга. Масалан, агар бирор P' бозор нархидан кичик бўлса $P' < P^*$ у ҳолда сотиб оловчилар ўртасида товарни олиш учун рақобат кучаяди, бунда сотувчилар нархни ошириш орқали жавоб беради. Бу жараён P' нарх бозор нархи P^* га тенг бўлганга қадар давом этади.

Худди шундай $P' > P^*$ бўлса, талаб таклифдан кичик бўлади, сотувчиар товарини бир қисмини сотаолмай қоладилар. Улар товарни сотиш учун нархни туширадилар, натижада талаб ошади ва бу жараён ҳам P' нарх бозор нархи P^* га тенг бўлганга қадар давом этади.

Бозор мувозанати ўрнатилишининг икки ўзига хос ҳолати мавжуд ва улар ҳаётда учраб туради. Биринчи ҳолат – таклиф ўзгармас бўлади. Бу ерда таклиф қилинадиган товар миқдори олдиндан белгиланади ва у нархга боғлиқ эмас. Ўзгармас таклиф чизиги вертикаль кўринишда бўлади (5.7-расм).



5.7-расм. A - вертикаль таклиф чизиги, B - горизонтал таклиф чизиги

Бундай ҳолатда мувозанат товар миқдори фақат таклиф шарти билан аниқланади ва мувозанат нарх фақат талаб шартига кўра аниқланади.

Иккинчи ҳолат – таклиф чизиги мукаммал горизонтал. Агар тармоқнинг таклиф чизиги горизонтал бўлса, унда тармоқ ҳар қандай товар миқдорини бозорга ўзгармас нархда қўяди.

Бу ҳолда мувозанат нарх таклиф шартига кўра аниқланади, мувозанат миқдор – талаб чизиги орқали.

Талаб ва таклиф функцияларини тескари талаб ва таклиф функциялари кўринишида ёзиш мумкин.

$P_S(Q)$ – тескари таклиф функцияси, бу ерда таклиф миқдори нарх функцияси бўлади. Қайси нархда, қанча миқдорда товар таклиф қилинишини билдиради.

$P_D(Q)$ – тескари талаб функцияси, талаб миқдори нарх функцияси бўлади. Тескари талаб функциясида қайси нархда, қанча миқдордаги товарга талаб қилинишини билдиради.

Бу ерда мувозанат нарх сотиладиган товар миқдорининг нархи, сотиб олинадиган товар миқдорининг нархига teng бўлади:

$$P_S(Q) = P_D(Q)$$

Мисол. Чизиқли талаб ва чизиқли таклиф бўлганда бозор мувозанати. Чизиқли талаб ва таклиф функцияси берилган бўлсин:

$$D(P) = a - bp$$

$$S(P) = c + dp$$

a, b, c, d лар бозор параметралари бўлиб, чизиқларни координата ўқлари билан кесишган нуқталарини ва ётиқлигини белгилайди.

Мувозанат нархни топамиз:

$$D(P) = a - bp = c + dp = S(P)$$

$$\text{Жавоб: } P^* = (a - c) / (d + b)$$

Мувозанат товар миқдори teng:

$$D(P^*) = a - bp^* = (a - b) \cdot (a - c) / (d + b) = = (ad + ba - ab + bc) / (d + b) = (ad + bc) / (d + b).$$

Бу масалаларни тескари функциялар билан ҳам ечиш мумкин:

$$bP_D = a - (D(P) = q) = a - q; \quad P_D = (a - q) / b$$

$$\text{Худди шундай: } dP_S = (S(P) = q) = q - s; \quad P_S = (q - s) / d$$

Талаб нархини таклиф нархига тенглаштириб топамиз:

$$(a - q) / b = (q - s) / d; \quad q^* = (ad + bc) / (b + d).$$

Кўриш мумкинки, иккала ҳолда ҳам жавоб бир хил.

5.4. Солиқлар ва уларни бошқага ўтказиш. Солиққа тортилганда “үлкі” юкни йўқотилиши. Парето бўйича самарадорлик

Маълумки, таклиф ва талаб чизигига бир қатор омиллар таъсир қиласди ва булар нархга боғлиқ бўлмаган омиллар бўлгани учун, уларнинг ўзгариши талаб ва таклиф чизиқларини ўнга ёки чапга суради.

Бозорда солиқ бўладиган бўлса иккита нархга олиб келади: сотиб оловчилар тўлайдиган нарх ва сотувчилар сотиб оладиган нарх. Солиқларнинг тури кўп. Бу ерда биз истеъмол қилинган товарга нисбатан солиқ (акциз солиғи) ва қиймат солиғини қараймиз.

Истеъмол қилинган товар ҳажмига нисбатан солиқ – бу бир бирлик товарни сотишдан ёки сотиб олинишидан тушган солиқдир. Мисол, бензинга солиқ. Бензинга солиқ бир галлон учун 12 центни ташкил этади. Агар сотиб оловчи бир галлон бензин учун $P_D = 150 \$$ тўласа, сотувчи $P_S = 1,50 - 0,12 = 1,38 \$$ олади. Умуман олганда t бирлик солиқ сотилган товарга қўйилган бўлса, сотиб оловчи бир бирлик товар учун $P_D = P_S = t$ доллар тўлайди.

Қийматга қўйилган солиқ бу ҳар бир бирлик товар учун фоизга иодаланади. Кенг тарқалган қиймат солиғи бу оборот солиғидир. Агар, 5% фоизли оборот бўлса, сотучи 1 доллар олади. Агар солиқ ствакаси t бўлса, у ҳолда талаб нархи: $P_D = (1 + \tau) \cdot P_S$ бўлади.

Сотилган товар ҳажмига солиқ қўйилди дейлик. Фараз қилайлик, солиқни сотувчи тўласин. У ҳолда таклиф микдори таклиф нархига боғлиқ бўлади – яъни, сотувчи томонидан солиқ тўлангандан кейинги сумма, талаб микдори эса талаб нархига боғлиқ – яъни сотиб оловчи томонидан тўланган сумма. Сотувчи оладиган сумма бу сотувчи солиқ тўлангандан кейин тўлайдиган суммага teng.

$$D(P_D) = S(P_S) \quad (1)$$

$$P_S = P_D - t \quad (2)$$

Буни биринчи тенгликка қўйсак:

$$D(P_D) = S(P_D - t)$$

Худди шундай, иккинчи тенгламани ўзгартирсак $P_D = P_S + t$ ва уни (1) га қўйиб оламиз:

$$D(P_S + t) = S(P_S) \quad (3)$$

Иккала ҳолат ҳам асосланган ва улардан қайси биридан фойдаланиш хисоб-китобни осонлигига боғлиқ.

Фараз қилалик, солиқни сотувчи эмас сотиб оловчи тўласин. Бу ҳолда:

$$P_D - t = P_S$$

Бу шуни кўрсатадики, сотиб оловчи солиқни чегириб ташлагандан кейинги тўлов, сотувчи оладиган суммага teng. Буни талаб ва таклифни тенглиги шартига қўйсак:

$$D(P_D) = S(P_D - t)$$


Бундан кўриш мумкинки, бу тенглик сотувчи томонидан тўланадиган солиқ тенгламасининг ўзи. Бу дегани, солиқни сотувчи тўлайдими ёки сотиб оловучи тўлайдими бу мувозанат нархга таъсир қилмайди.

Тескари талаб функцияларини қараймиз. Мувозанат маҳсулот ҳажми q^* гатенг бўлсин. У ҳолда мувозанат тенгламаси қўйидагича ёзилади, яъни q^* га талаб нархидан тўланадиган солиқни айирсак, у q^* ҳажмдаги товар таклифи нархига тенг бўлади: $P_D(q^*) - t = P_S(q^*)$

Агар солиқ сотувчиларга қўйилса, у ҳолда мувозанатлик шартда таклиф нархи плюс солиқ талаб нархига тенг бўлиши керак: $P_D(q^*) = P_S(q^*) + t$

Бу тенгламалар бир хил, уларнинг ечими ҳам бир хил мувозанат нархни ва мувозанат микдорни беради.

Бу ҳолатнинг геометрик тасвирини қараймиз. Буни тескари талаб ва таклиф функциялари ёрдамида амалга оширамиз. Биз $P_D(q) - t$ билан $P_S(q)$ чизиқлар қайси товар микдоррида кесишишини аниқлаймиз. Бунинг учун талаб чизигини пастга t микдорга сурамиз, натижадаталаб чизиги, бошланғич таклиф чизигини кесиб ўтган нуқтани аниқлаймиз ёки аксинча, $P_D(q)$ билан $P_S(q) + t$ чизиқлар кесишган нуқтани аниқлаб q нинг иқйматини аниқлаймиз. Иккала усул ҳам бир хил мувозанат қўрсаткичларини аниқлашга олиб келади (5.8-расм).



A расмда талаб чизиги пастга сурилган. B расмда таклиф чизиги чапга сурилган.

Мисол. Чизиқли талаб ва таклиф функциялари учун солиққа тортишни қараймиз. Чизиқли талаб ва таклиф функциялари берилган ва мувозанат ҳолатни қараймиз: $a - bP_D = c + dP_S$ ва $P_D = P_S + t$.

Иккинчи тенгламани биринчига қўйсак: $a - b(P_S + t) = c + dP_S$.

Бу тенгламани ечиб мувозанат нарх P_S^* ни топамиз:

$$P_S^* = (a - c - bt)/(d + b).$$


Талабнинг мувозанат нархни $P_D^* = P_S^* + t$ бўлгани учун:

$$P_D^* = (a - c - bt)/((d + b) + t) = (a - c + dt)/(d + b)$$

Кўриш мумкинки, сотиб оловчи тўлайдиган нарх ошади, сотувчи тўлайдиган нарх камаяди. Нархнинг ўзгариши талаб ва таклиф чизиқларининг ётиқлигига боғлиқ.

Маълумки, солиқлар фирма билан истеъмолчиларнинг олди-соттисига қўйилади. Солиқлар истеъмолчилар тўлайдиган нархни оширади ва фирмалар оладиган нархни туширади. Шу сабабли солиқларни юклаш талаб ва таклиф чизиқларининг ётиқлигига боғлиқ. Буни аниқ қўрсатиш учун, мукаммал эластик (горизонтал) ва мукаммал эластик бўлмаган вертикал таклиф чизиқларини қараймиз. Биз айтиб ўтган эдик, тармоқнинг таклиф чизиги горизонтал бўлса, бу берилган нархда тармоқ бозорга хоҳлаган миқдорда маҳсулолд қўяди, агар, нарх берилган нархдан кичик бўлса – нол бирлик товар қўяди. бу ҳолда нарх таклиф чизиги билан аниқланади, таклиф қилинадиган товар ҳажми – талаб орқали аниқланади. Тармоқнинг таклиф чизиги вертикал бўлса, яъни товар ҳажми ўзгармас бўлса. Товарнинг мувозанат нархи тўлиқ талаб чизиги билан аниқланади.


Таклиф нархга кўра мукаммал эластик бўлганда солиқни қўйилишини қараймиз. Солиқни киритилиши таклиф чизигини солиқ суммасига тенг бўлган миқдорга тепага суради (5.9-расм).



5.9-расм. Таклиф чизиги мукаммал эластик бўлганда солиқ тўлиқ истеъмолчиларга (А), эластик бўлмагандан эса тўлиқ сотувчилик зиммасига тушади (Б).

Таклиф чизиғи мукаммал эластик бўлганда истеъмолчи нархи солиқ суммасига ошади. Таклиф нархи, солиқ тўлаганга қадар қандай бўлса шундайлигича қолади, истеъмолчилар эса солиқни тўлиқ тўлайди.

Тармоқ P^* нархда таклиф қилади, сотиб оловчилар $P^* + t$ нархда сотиб олади ва $P^* + t$ нарх талаб нархи бўлади. 5.10-В расмда таклиф чизиғи вертикал, уни тепага сурсак ҳеч нарса ўзгармайди. Бу ҳолда, сотиб оловчилар товарнинг мувозанат нархини белгилайди ва улар P^* нархни тўлайди, сотувчилар эса $P^* - t$ суммани олади. Солиқ суммаси тўлиқ сотувчилар томонидан тўланади.




5.10-расм. Солиқнинг юкланиши

Энди эса, таклиф чизиғи мукаммал бўлмасдан мусбат ётиқликка эга бўлсин. Бу ҳолда бошқага юкланадиган солиқ суммаси ўлчови таклиф чизигининг талаб чизигига нисбатан тикилигига боғлиқ. Агар таклиф чизиғи горизонталга яқин бўлса, деярли барча солиқ истеъмолчилар зиммасига қўйилади, агар таклиф чизиғи вертикал чизикка яқин бўлса солиқ истеъмолчилар зиммасига жуда кам миқдорда тушади.

Солиқка тортишдан жамият йўқотишларини таҳлил этишда истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ортиқчалигидан фойдаланамиз. Қуйидаги расмда t солиқ киритилгандан сўнг талаб ва таклифнинг мувозанат нархи кўрсатилган.

Солиқка тортилгандан кейин ишлаб чиқариш қисқарди, жамият йўқотишини баҳолаймиз. Истеъмолчилар йўқотиши – $A+B$ юзалари йифиндиси билан берилган, ишлаб чиқарувчилар йўқотиши – $C+D$ юзалар йифиндиси билан берилган. Солиқдан жамият йўқотишини баҳолаш учун $A+B$ билан $C+D$ ни қўшиб истеъмолчиларнинг ва ишлаб чиқарувчиларнинг умумий йўқотишини топамиз. Бу ерда, солиқка тортишдан давлат даромад олади, буни ҳам эътиборга олиш керак. Лекин, давлат даромадларидан истеъмолчилар ҳам, ишлаб чиқарувчилар ҳам маълум даражада ютуққа эга бўлади. Чунки улар солиқ тушишидан молиявий ёрдам, давлат хизматлари олиши мумкин.



5.11-расм. Солиқ қўйилиши натижасида ўлик юкнинг йўқотилиши.
 $B+D$ – солиқ қўйилиши натижасидаги ўлик юкни ифодалайди

Фараз қилайлик, солиқ тушими тўлиқ истеъмолчиларга ва ишлаб чиқарувчиларга сарфланади дейлик, яъни давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларни молиялаштириш солиқдан тушган тушумга тенг деб фараз қилинади. У ҳолда давлатнинг соф ютуғи $A+C$ бўлиб, у солиқдан тушган тушумга тенг. Шундай қилиб истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ортиқчалигини йўқотилиши соф йўқотишни ташкил этади, солиқ тушуми давлатнинг соф ютуғини ташкил этади ва солиқнинг умумий соф йўқотиши бу қўйидаги юзалар йифиндисига тенг:


- истеъмолчилар ортиқчалиги йўқотиши – $(A+B)$
- ишлаб чиқарувчилар ортиқчалиги – $(C+D)$
- давлатнинг ютуғи – $(A+C) - (A+B) - (C+D) + (A+C) = -A - B - C - D + A + C = -(B+D)$.

Демак, $-(B+D)$ юзи солиқдан кўрган жамият йўқотишини, яъни ўлик юк йўқотишини беради ёки солиқ юки ортиқчалиги дейилади. Солиқ ортиқчалиги юкининг келиб чиқиш манбаи бўлиб бу товар сотилишининг пасайиши натижасида истемолчининг ва ишлаб чиқарувчиларнинг йўқотишлари ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни қисқартиришдан давлат ҳеч қандай даромад олмайди. Жамият нуктаи-назаридан бу соф ёки ўлик юкни йўқотиш.

Иқтисодий самарадорлик самарали дейилади, агар бир кишининг фаровонлигини бошқа бир киши фаровонлигини пасайтирумасдан ошириш мумкин бўлмаса.

Шуни таъкидлаш керакки, самарадорлик иқтисодий сиёсатнинг ягона мақсади бўла олмайди, чунки у даромадларни қандай тақсимланиши ёки иқтисодий адолатлилик тўғрисида ҳеч нарса дея олмайди. Лекин, шунга қарамасдан самарадорлик энг асосий мақсад ҳисобланади. Рақобатлашган

бозорми ёки бошқа ҳар қандай иқтисодий механизм иккита муҳим масалани аниқлаштириши керак: қанча ишлаб чиқарилмоқда ва уни ким олади. Рақобатлашган бозор қанча маҳсулот ишлаб чиқариш кераклигини унга бўлган талабга кўра яъни, товарни қўювчиларга сотиб олевчилар қанча тўлашидан келиб чиқиб аниқлади. Қуйидаги 5.12-расмни қараймиз.



5.12-расм. Парето бўйича самарадорлик

Ишлаб чиқариш ҳажми рақобатлашган миқдор Q^* дан кичик бўлса шундай сотувчи топиладики, у қўшимча бир бирлик товарни сотиб олевчи тўлайдиган нарздан паст нархда таклиф қиласди. Агар, ишлаб чиқарилган товар, шундай битта сотувчи ва сотиб олевчи ўртасида сотувчи нархи билан сотиб олевчи нархи ўртасидаги нархда олди-сотди амалга оширилганда эди, иккаласининг ҳам фаровонлиги ошган бўларди. Демак, ишлаб чиқариш ҳажми мувозанат ҳажмидан кам бўлса бундай тақсимланиш Парето бўйича самарали бўла олмайди чунки, ҳеч бўлмаса битта сотувчи ва сотиб олевчи топилардики, уларнинг фаровонлигини ошириш мумкин бўларди.

Худди шундай, ишлаб чиқариш ҳажми Q^* дан катта бўлса, бу ерда ҳам қўшимча бир бирлик товар учун тўплайдиган нарх шу товарни сотиш нрахидан паст бўлади. Агар сотувчи нархни тушириб сотса сотувчи ҳам, сотиб олевчи ҳам турмуш фаровонлигини оширади. Фақат мувозанат ҳажмда Q^* ишлаб чиқарилсагина у Парето бўйича самарали бўлади.

Бир бирлик маҳсулот учун тўланадиган нархни, бир бирлик товар қўйиш учун олишга тайёр ва булар бир-бирига teng.

Шундай қилиб, рақобатлашган бозор Парето самарали ишлаб чиқариш ҳажмини таъминлайди. Рақобатлашган бозорда товар бир хил нархда сотилади. Шу товар билан бошқа товарларни чекли алмаштириш нормаси шу товар нархига teng (бу ерда бошқа товар нархи бирга teng деб қаралади). Ким шу нархни тўласа товарни олади, ким тўлай олмаса ололмайди.

Ресурсларни тақсимлашнинг яна бир йўли – бу инсонларни навбатда туриб шу ресурсни олиши. Мисол, кичик шаҳарда футбол ўйинига чипта тақсимланмоқчи. Ким навбатда турса у битта чиптани бепул олиши мумкин. Бу ҳолда чипта нархи навбатда туришнинг қиймати бўлади. Футболга қизиқадиганлар ҳам, қизиқмайдиганлар ҳам бор. Ким кафолат берадики, бепул чипта олиш учун футболга қизиқмайдиганлар навбатда туриб қолишини. Футболга қизиқмайдиганлар битта чиптани бепул олиб уни қизиқадиган одамга сотиши мумкин.

Демак, бу ерда чиптанинг тақсимланиши кассадан бепул тарқатиш билан тугамайдими, бундай тақсимлаш Парето бўйича самарали эмас. Чиптанинг тақсимланиши давом этади, то футболга қизиқмайдиганлар чиптани сотиб тутатгунча.

Қисқа хуносалар

Талаб чизиги – бу талаб миқдорини, таклиф чизиги эса таклиф миқдорини нарх билан боғлайди.

Бирор шахс хизмат ёки товар учун максимал нарх тўлашга тайёр бўлса бу нарх шу индивиднинг **резерв нархи** дейилади. Резерв нарх шахс томонидан товар учун тўланиши мумкин бўлган энг юқори нарх. Лекин, шахс шу резерв нархда товарни сотиб олиши ҳам, сотиб олмаслиги ҳам мумкин.

Мувозанат нархда талаб ва таклиф миқдори teng. Бу ҳолат сотувчиларни ҳам, харидорларни ҳам қаноатлантиради. Шу сабабли бу ҳолат мувозанат ҳолат дейилади.

Бозордаги сотувчилар сони битта бўлганда ёки бозордаги бир нечта сотувчилар бирлашиб биргаликда ҳаракат қиласа, бундай бозор монопол бозор бўлади. Монополист сотувчи товарларни ҳар хил харидорларга турли нарх белгилаб сотса, бундай ҳолатга нарх дискриминациясидан фойдаланувчи монополист дейилади.

Монополист таклиф ҳажмини қисқартириб нархни ошириши ва натижада монопол даромад олиши ҳам мумкин. Монополист рақобатлашган бозор нархи P^* дан юқори нарх ўрнатиб максимал фойда олади.

Ресурсларни тақсимлаш Парето бўйича самарали дейилади, агар иқтисодий субъектларнинг ҳар бирини турмуш фаровонлигини пасайтиришга ва уларнинг бирор қисмининг турмуш фаровонлигини оширишга олиб келадиган бошқа альтернатив усул мавжуд бўлмаса. Бошқача айтадиган бўлсак, шундай тақсимлаш усули топилсанки, унинг ёрдамида камида биттасини турмуш фаровонлигини оширганда бошқаларининг турмуш фаровонлиги пасаймаса, биз Парето бўйича самарасиз тақсимлаш усулини кўрамиз. агар

бирортанинг турмуш фаровонлигини пасайишига олиб келадиган бўлса тақсимланишни Парето бўйича самарали деймиз. Демак, Парето бўйича самарали тақсимланишда ҳеч ким ўзининг ҳолатини ўзгартиришдан манфаатдор эмас. Кимdir фаровонлигини оширса, бошқа бир кишининг фаровонлиги пасаяди, бунга у йўл қўймайди.

Умуман олганда, Парето самарадорлиги алмаштириш орқали олинадиган ютуқ тўғрисида ҳеч нарса демайди, у фақат алмаштириш самарасини билдиради, яъни ютуққа олиб келадиган барча алмаштиришлар тўлиқ содир бўлганлигини билдиради. Агар тақсимлашда бир кишини турмуш фаровонлиги, бошқаникини пасайтирмасдан, ошириш мумкин бўлса бунга Парето бўйича яхшилаш дейилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Талаб ва таклиф чизиқлари тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. Талаб ва таклифга таъсир этувчи омилларни таърифланг.
3. Бозор мувозанати нимани ифодалайди?
4. Минимал ва максимал нархлар ўрнатилиши қандай оқибатларга олиб келади?
5. Тескари талаб ва таклиф эгри чизиқларига таъриф беринг.
6. Солиққа тортилганда “ўлик” юкни йўқотилиши қандай юз беради?
7. Парето бўйича самарадорлик нима?

Асосий адабиётлар рўйхати

1. Вериан Х.Р. Микроэкономика. Учебник./ перев. с анг. под редак. Н.Фроловой. – М.: ЮНИТИ-М, 2016. - с. 767.
2. Адdreу Mac-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2016. - 630 стр.
3. Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. -19 th ed. – New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2015. Р. 604.
4. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2011. - 580 стр.
5. Пиндайк Р., Рубинфильд Д. Микрэкономика. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2011. - с. 608.
6. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: учебник/ 2-е изд. – М.: Норма, 2012. –с. 576.

VI Боб. ХАРАЖАТЛАРНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ

6.1. Харажатлар турлари

Бу мавзуда харажатлар чизиқларини кўриб чиқамиз. Харажатлар чизиғидан фирманинг харажатлар функциясини график усулда тасвирлашда фойдаланамиз. Бу графиклар фирманинг оптимал маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўртача харажатлар. Бу ерда олдинги мавзуда қараган харажатлар функциясидаги омиллар $[C(w_1, w_2, y)]$ омиллар нархи (w_1, w_2) ни ўзгармас деб қараймиз ва харажат функциясини фақат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ деб қараймиз, яни $C(y)$.


Фирманинг баъзи бир харажатлари унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ эмас, биз кўрган эдикки булар ўзгармас харажатлардир. Ўзгармас харажатлар шундай харажатларки, фирма маҳсулот ишлаб чиқарадими ёки йўқми уларга тўлов амалга оширилади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариладими ёки йўқми фирманинг техник ходимларига барибир иш ҳақи тўланади.

Бошқа харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда ўзгаради. Бу харажатлар ўзгарувчан харажатлардир. Фирманинг умумий харажатлари ҳар доим ўзгармас харажат F билан ўзгарувчан харажат $c_\gamma(y)$ йиғиндиси билан ифодаланади: $C(y) = c_\gamma(y) + F$.

Ўртача харажат функцияси бир бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғри келадиган харажатни билдиради. Ўртача ўзгарувчан харажат функцияси бир бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажат, ўртача ўзгармас харажат функцияси бир бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғри келадиган ўзгармас харажатни билдиради. Юқоридагиларга асосан ўртача харажат $ATC(y)$ ни қуйидагича ёзамиш:

$$ATC(y) = \frac{c(y)}{y} = \frac{c_\gamma(y)}{y} + \frac{F}{y} = AVC(y) + AFC(y).$$

Бу ерда $AVC(y)$ - ўртача ўзгарувчан харажат, $AFC(y)$ - ўртача ўзгармас харажат. Бу функцияларнинг графикларини қараймиз. Ўртача ўзгармас харажат $y = 0$ бўлганда чексизликка тенг, агар ишлаб чиқариш ҳажми y ошиб борса, у пасайиб боради ва нолга интилади (6.1-А-расм). Ўзгарувчан харажатни қараймиз. Агар ишлаб чиқариш масштаби ўзгармас қайтимга эга бўлса $y = 1$ ўртача ўзгарувчан харажат шу бир бирлик маҳсулот учун сарфланган ўзгарувчан харажат бўлади, агар $y = 2$ бўлса энг ёмони, харажатлар ҳам 2 мартаға ошади.



6.1-расм. Ўртача ўзгарувчан харажатлар чизиги

Агар масштаб қайтими ўсувчи бўлса, ўртача ўзгарувчи харажатлар пасайиши мумкин. Лекин кейинчалик бир бирлик ўртача ўзгарувчан харажат ошади. Чунки, ўзгармас харажат билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилганда у ўса бошлайди ва бу ўсиш фирманинг ўртача ўзгарувчан харажатлари чизиги билан ифодаланади (6.1-В-расм).

А - ишлаб чиқариш ўсганда ўртача ўзгармас харажатлар камаяди. В - ишлаб чиқариш ошганда ўртача ўзгарувчан харажатлар ошади. С - шу икки ўсиш биргаликда **Y** кўринишидаги ўртача харажат чизигини беради .

Ўртача харажат чизиги бу ўзгармас ва ўзгарувчан харажатлар чизиклари йифиндисидан иборат (6.1-С-расм). Бошланғич фазада ўртача харажатларнинг камайиши, ўртача ўзгармас харажатларнинг пасайиши билан боғлиқ; ўртача харажатларни ошиши эса ўртача ўзгарувчан харажатларни ошиши билан боғлиқ. Бу харажатларнинг йифиндиси **Y** кўринишдаги ўртача харажатлар графигини беради.

Чекли харажат. Чекли харажат – бу ишлаб чиқариш ҳажмини бир бирликка ўзгаришига тўғри келадиган харажат ўзгаришни билдиради. Бошқача айтганда, берилган ишлаб чиқариш ҳажмида ишлаб чиқаришни Δy миқдорда ўзгарганда харажатларни қанчага ўзгаришини билдиради:

$$MC(y) = \frac{\Delta C_\gamma(y)}{\Delta y} = \frac{C(y + \Delta y) - C(y)}{\Delta y}.$$

Чекли харажатни ўзгарувчан харажат функцияси ёрдамида ҳам ифодалаш мумкин: $MC(y) = \frac{\Delta c_\gamma(y)}{\Delta y} = \frac{C_\gamma(y + \Delta y) - C_\gamma(y)}{\Delta y}$, бу ерда иккала чекли харажат бир

бирига тенг: $C(y) = C_\gamma(y) + F$ бўлса $\frac{\Delta C(y)}{\Delta y} = \frac{\Delta C_\gamma(y)}{\Delta y} + \frac{\Delta F}{\Delta y} = C'_\gamma(y)$.

Бунда $\frac{\Delta F}{\Delta y} = 0$ бўлади, чунки ўзгармас соннинг ҳосиласи нолга тенг.

Чекли харажат чизигини графикда жойлашувини қараймиз. Таърифга кўра ноль бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилса ўзгарувчан харажат нолга тенг. Демак, 1-ишлаб чиқарилган маҳсулот учун


$$MC(1) = \frac{C_\gamma(1) + F - C(0) - F}{1} = \frac{C_\gamma(1)}{1} = AVC \quad (1).$$

Шундай қилиб, биринчи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг чекли харажати, бир дона ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўртача ўзгарувчан харажатига тенг.

Фараз қилайлик, биз ўртача ўзгарувчан харажат пасайиб борадиган оралиқда ишлаб чиқарайпмиз. Бундан келиб чиқадики, ўртача харажатни камайтириш учун, унга ўртача харажатдан кам бўлган миқдорни қўшиш керак бўлади: AC камайганда $MC_1 > MC_2$ бўлса, $MC_2 < \frac{MC_1 + MC_2}{2}$ бўлади.

Худди шундай, агар биз ўртача ўзгарувчан харажат ошадиган оралиқда бўлсак, у ҳолда чекли харажат ўртача ўзгарувчан харажатдан катта бўлиши керак, ҳақиқатдан ҳам юқори бўлган чекли харажат ўртача ўзгарувчан харажатни ўсишига олиб келади. Шундай қилиб, ўртача ўзгарувчан харажат чизиги минимум нуқтасидан чап томонда чекли харажат чизиги ўртача ўзгарувчан харажат чизигидан пастда ётади, ўнг томонда эса - ўртача харажат чизигидан тепада ётади. Бундан келиб чиқадики, чекли харажат чизиги ўртача ўзгарувчан харажат чизигини унинг минимал нуқтасида кесиб ўтади.

Худди шундай, чекли харажат чизиги ўртача харажат чизигини унинг минимал нуқтасида кесиб ўтишини юқоридагидай кўрсатиш мумкин. Агар ўртача харажат камайса, чекли харажат ўртача харажатдан кам бўлади, ўртача харажат ўсса, чекли харажат ўртача харажатдан юқори бўлади. Айтилганларга таяниб харажатлар чизиқларини графикда тасвирлаш имконини беради (6.2-расм).



6.2-расм. Харажатлар чиғини ўзаро жойлашуви

Харажатлар чизиқлари кўринишини мисолда қараймиз.

Қуйидаги харажат функцияси берилған бўлсин: $C(y) = y^2 + 1$.

Бошқа харажат функцияларини аниқлаймиз:

- ўзгарувчан харажат чизиги: $C_y(y) = y^2$.

- ўзгармас харажат чизиги: $C_f(y) = 1$.

- ўртача ўзгарувчан харажат чизиги: $AVC(y) = \frac{y^2}{y} = y$.

- ўртача ўзгармас чизиги: $AFC = \frac{1}{y}$.

- ўртача харажат чизиги: $AC(y) = \frac{y^2 + 1}{y} = y + \frac{1}{y}$.

- чекли харажат чизиги: $MC(y) = 2y$.

Ўртача харажат чизигининг минимумида ўртача харажат чекли харажатга тенг: $y + \frac{1}{y} = 2y$.

Тенгламани ечсак $y_{\min} = 1$ тенг. $y = 1$ бўлганида ўртача харажат ҳам чекли харажат ҳам 2 га тенг.

Энди харажатларни минималлаштириш масаласини қўямиз. Фараз қиласлилик, иккита корхонада маҳсулот ишлаб чиқарилади. Уларнинг харажат функциялари $C_1(y)$ ва $C_2(y)$ бўлсин.

Иккала корхонада бир хил ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Лекин, корхоналар қанчадан маҳсулот ишлаб чиқаради, деган саволни қўямиз. Харажатларни минималлаштириш масаласи қуйидагича ёзилади: $y_1 + y_2 = y$ бўлганда $\min C_1(y_1) + C_2(y_2)$.

Оптимал ечимда чекли харажатлар бир-бирига тенг бўлиши керак. $MC_1(y_1) = MC_2(y_2)$.

Узоқ муддатли харажатлар. Маълумки, узок муддатли оралиқда барча харажатлар ўзгаради, яъни ўзгармас харажатлар бўлмайди, шу маънодаки, ҳар қандай вақтда фирма ноль харажат билан ноль маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Бошқача айтганда, фирманинг фаолиятини тўхтатиш имконияти хар доим мавжуд.

Қайси оралиқни узоқ муддатли дейиш, тадқиқот қилинадиган масалага боғлиқ. Агар ўзгармас омил сифатида корхона ўлчамини (бу ерда корхона ўлчами деганда унинг ишлаб чиқариш қуввати тушунилади) қарайдиган бўлсақ, унда узоқ муддатли оралиқ, корхона ўлчамини қанча вақтдан кейин ўзгаришига боғлиқ бўлади.

Аниқроқ бўлиши учун корхона ўлчамини ўзгармас омил сифатида

қараймиз (қисқа муддатли оралиқда) ва уни K ҳарфи билаб белгилаймиз. Фирманинг қисқа муддатли оралиқдаги харажат функциясини $C_s(y, K)$ деб белгилаймиз ва бу ерда K фирманинг ер майдонини квадрат метрда ифодалайди. Бунда s индекси қисқа муддатли оралиқни билдиради (K бу ерда олдинги мавзудагидай ўзгармас харажат \bar{x}_2 сифатида қаралади).

Хар қандай ишлаб чиқариш ҳажми y учун оптималь ўлчамдаги корхона мавжуд. Шу оптималь корхона ўлчамини $K(y)$ деб белгилаймиз. Бу фирманинг омилга бўлган шартли талаби бўлиб, у ишлаб чиқариш функцияси сифатида бўлади (маълумки, бу функция корхона ўлчами, нархи ва бошқа омиллар нархига боғлиқ бўлади, лекин бу боғлиқликларни четда қолдирамиз).

Олдинги мавзуда кўрганимиздек, фирманинг узоқ муддатли харажат функцияси қўйидагича берилади $C_s(y, K(y))$. Бу у миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш харажати бўлиб, фирма ўлчамини оптималь ўзгартириш имкониятига эга деган шарт билан боғлиқ. Фирманинг узоқ муддатли харажат функцияси - бу ўзгармас омилнинг оптималь қийматини ифодаловчи нуқталарда баҳолангандай қисқа муддатли харажатлардан иборат: $C(y) = C_s(y, K(y))$.

Бу функция графигини қараймиз. Бирор y^* ишлаб чиқариш ҳажмини танлаймиз ва шу ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхонанинг оптималь ўлчамини $K^* = K(y^*)$ деб белгилаймиз. Ўлчами K^* га teng бўлган корхонанинг қисқа муддатли харажат функцияси қўйидагича берилади $C_s(y, K^*)$, узоқ муддатли харажат функциясини олдин кўрсатилгандай ёзамиз:

$$C(y) = C_s(y, K(y)).$$

Энди қўйидаги ҳолатга эътибор берайлик, у ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қисқа муддатли харажати, у миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг узоқ муддатли харажатидан ҳар доим кичик бўлмаслиги керак, яъни ундан катта ёки унга teng бўлиши мумкин, чунки қисқа муддатли оралиқда корхона ўлчами ўзгармас бўлса, узоқ муддатли оралиқда фирма корхона ўлчамини ўзгартириши мумкин (қачонки бу харажатларни камайтиришга олиб келиши мумкин). Агар фирма учун узоқ муддатли оралиқда у миқдордаги оптималь ишлаб чиқаришга тўғри келадиган K^* ўлчамдаги корхона танланганда бу узоқ муддатли ишлаб чиқариш харажат қисқа муддатли харажат $C_s(y, K^*)$ дан ошиб кетмайди. Бу дегани, корхона ўлчами ўзгарганда фирманинг аҳволи, корхона ўлчами ўзгармас бўлгандағига қараганда яхшироқ самаралироқ бўлади дегани: $C(y) \leq C_s(y, K^*)$, барча ишлаб чиқариш ҳажмлари


y учун. Агар y^* ишлаб чиқариш учун корхонанинг оптимал ўлчами K^* бўлса, $C(y^*) = C_s(y^*, K^*)$.

Қисқа муддатли харажат функцияси қиймати узоқ муддатли харажат функцияси қийматига тенг. Шу сабабли y^* оптимал ишлаб чиқариш ҳажми бўлганда қисқа ва узоқ муддатли ишлаб чиқариш харажатлари бир хил бўлади.

Агар қисқа муддатли харажатлар узоқ муддатли харажатлардан ҳар доим катта бўлса, улар ишлаб чиқариш ҳажми бир хил бўлганда, бир бирига тенг. Бу дегани, қисқа муддатли ва узоқ муддатли харажатлар бир хил хусусиятга эга:

$$AC(y) \leq AC_s(y, K^*) \text{ ва } AC(y^*) = AC_s(y^*, K^*).$$


Бу шуни билдирадики, қисқа муддатли ўртача харажат чизиги ҳар доим узоқ муддатли ўртача харажат чизигининг тепасида ётади ва улар ишлаб чиқаришнинг оптимал y^* нуқтасида бир бири билан устма-уст тушади. Шу сабабли узоқ муддатли ўртача харажат (LAC) ва қисқа муддатли ўртача харажат (SAC) y^* нуқтада бир-бирига тегади (6.3-расм).



6.3-расм. Қисқа муддатли ва узоқ муддатли харажатлар

Худди шундай ҳолатларни y^* ҳажмдаги ишлаб чиқаришдан фарқ қилувчи бошқа ишлаб чиқариш ҳажмлари учун бажаришимиз мумкин. Фараз қиласайлик, биз y_1, y_2, \dots, y_n ишлаб чиқариш ҳажмларини танладик, уларга мос келувчи корхона ўлчамларини аниқладик, $k_1 = k(y_1)$, $k_2 = k(y_2)$, ..., $k_n = k(y_n)$.


Унда биз узоқ муддатли ўртача харажат чизигини, ўзининг минимал нуқталарида унга тегиб ўтувчи қисқа муддатли харажатлар графиковини оламиз (6.4-расм).



6.4-расм. Қисқа муддатли ва узоқ муддатли ўртача харажатлар

Демак, узоқ муддатли ўртача харажат чизиги қисқа муддатли ўртача харажатлар графилари минимумида ўтувчи чизик бўлади.

Узоқ муддатли чекли харажатлар ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳажмидаги y , шу y ҳажмидаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни таъминловчи корхонанинг оптимал ўлчами билан боғлиқ бўлган қисқа муддатли чекли харажатга тенг (6.5-расм).



6.6-расм. Узоқ муддатли чекли харажат

6.2. Фирма харажатларини минималлаштириш

Бизнинг мақсадимиз – фирманинг рақобатлашган ва рақобатлашмаган бозорда фойдасини максималлаштириш билан боғлиқ ҳаракатини ўрганиш ҳисобланади. Фойдани максималлаштириш масаласини иккита босқичга бўламиз. Аввало, ҳар қандай берилган ҳажмда харажатларни

минималлаштириш масаласини кўриб чиқамиз. Кейин эса, максимал фойда келтирувчи ишлаб чиқариш ҳажмини кўриб чиқамиз.

Хозирги мавзуда берилган ҳажмда харажатларни минималлаштириш масаласини кўриб чиқамиз.

Фараз қиласлиқ, иккита ишлаб чиқариш омили мавжуд, уларнинг нархи w_1 ва w_2 бўлсин. Биз берилган y ҳажмдаги маҳсулотни энг арzon ишлаб чиқариш усулини топмоқчимиз. Агар фойдаланиладиган ҳар бир омил миқдорини x_1 ва x_2 , ишлаб чиқариш функциясини $f(x_1, x_2)$ деб белгиласак, у ҳолда масаланинг математик кўринишини кўйидагича ёзамиш:

$$\min_{x_1, x_2} (w_1 x_1 + w_2 x_2)$$

$$f(x_1, x_2) = y.$$

Бу ерда барча харажатлар эътиборга олинганлигига ва барча ўлчов бирликлари вақт масштаби бўйича бир-бирига мос келишига эътибор бериш керак.

Бу масаланинг ечими – берилган ҳажмдаги ишлаб чиқариш ҳажмини олишни таъминловчи минимал харажатлар миқдори w_1 ва w_2 ларга боғлик бўлгани учун бу ечимни $C(w_1, w_2, y)$ деб белгилаймиз. Ушбу функция харажатлар функцияси сифатида маълум.

Харажатлар функцияси омиллар нархи w_1 ва w_2 берилганда, у бирлик маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган минимал харажатни билдиради. Берилган масаланинг ечимини тушуниш учун харажатлар функцияси ва фирманинг технологик чеклов графикларини биргалиқда битта графикда қараймиз.

Изокванталар технологик чекловларни ифодалайди, яъни у миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи барча x_1 ва x_2 комбинацияларни ифодалайди, яъни $f(x_1, x_2) = y$ – бу маҳсулот ишлаб чиқарини таъминловчи изокванта.

Фараз қиласлиқ, биз бир даражадаги харажат C ни берадиган барча омиллар комбинацияларини битта графикда тасвирламоқчи бўлсак, уни кўйидагича ёзиш мумкин (бунга изокоста тенгламаси дейилади):

$$w_1 x_1 + w_2 x_2 = C \quad (6.1).$$


Уни ўзгартириб, кўйидагича ёзамиш: $x_2 = \frac{C}{w_2} - \frac{w_1}{w_2} x_1$.

Кўриш мумкинки, бу тенглама вертикал ўқни $\frac{C}{w_2}$ нуқтада кесиб ўтувчи

ва $-\frac{w_1}{w_2}$ ётиқликка эга бўлган тўғри чизикни билдиради. Агар биз C ни

ўзгартирсак, у бир қатор изокосталар оиласи беради. Изокостанинг ҳар бир нуқтаси бир хил даражадаги C харажатни ифодалайди, энг юқорида (юқорида ўнгда) бўлган изокоста энг катта харажатни ифодалайди.

Шундай қилиб, харажатларни минималлаштириш масаласини ўзгартириб айтишимиз мумкин: изоквантада шундай нуқта топиш керакки, у энг паст изокоста билан бир нуқтада кесишишин (6.7-расм).



6.7-расм. Харажатларни минималлаштириш

Эътибор берадиган бўлсак, харажатларни минималлаштирувчи оптималь нуқта уриниш нуқтаси бўлади ва бу нуқта омиллардан фойдаланишнинг оптималь миқдорини беради. Оптималь нуқтада изокоста ётиқлиги изоквантама ётиқлигига тенг бўлади. Ёки аниқроқ айтадиган бўлсак, омилларни технологик алмаштириш нормаси омиллар нархи нисбатига тенг бўлади:

$$-\frac{MP_1(x_1^*, x_2^*)}{MP_2(x_1^*, x_2^*)} = TRS(x_1^*, x_2^*) = -\frac{w_1}{w_2} \quad (6.2).$$

Таъкидлаш керакки, агар масала таянч ечимга эга бўлса, яъни омиллардан бири фойдаланилмаса ва ишлаб чиқариш функциясида синиқликка эса бўлса, бунда оптимальлик шарти бажарилмайди.

(6.2) тенгликни келиб чиқишини алгебраик нуқтаи назардан қараймиз. Ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармаганда, омиллардан фойдаланишни ($\Delta x_1, \Delta x_2$) га оширамиз (бу ерда Δx_1 ва Δx_2 лар ҳар хил ишорага эга. Биттасидан

фойдаланиш ошганда, ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармаганда, иккинчисидан фойдаланиш камаяди). Бундай ўзгариш қуидаги тенгламани қаноатлантиради:

$$MP_1(x_1^*, x_2^*) \cdot \Delta x_1 + MP_2(x_1^*, x_2^*) \cdot \Delta x_2 = 0 \quad (6.3).$$

Агар биз харажатлар минимуми нүктасида бўлсак, бу ўзгартириш харажатларни пасайишига олиб келмайди. Шу сабабли қуидаги шарт бажарилади: $w_1 \cdot \Delta x_1 + w_2 \cdot \Delta x_2 \geq 0 \quad (6.4)$.

Энди $(-\Delta x_1, -\Delta x_2)$ ни қараймиз. Бундай ўзгаришда ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармайди, харажатлар ҳам пасаймайди. Бу қуидагича:

$$-w_1 \cdot \Delta x_1 - w_2 \cdot \Delta x_2 \geq 0 \quad (6.5).$$

Энди (6.4) билан (6.5) ни кўшиб, қуидагини оламиз:

$$w_1 \cdot \Delta x_1 + w_2 \cdot \Delta x_2 = 0 \quad (6.6).$$

(6.3) ва (6.6) тенгламаларнинг $\frac{\Delta x_2}{\Delta x_1}$ ечими қуидагини беради:

$$\frac{\Delta x_2}{\Delta x_1} = -\frac{w_1}{w_2} = -\frac{MP_1(x_1^*, x_2^*)}{MP_2(x_1^*, x_2^*)}.$$

Бу тенглик харажатларни минималлаштириш шартидир.

Ишлаб чиқариш изоквантаси берилганда ишлаб чиқарувчи оптималь нүктани изокоста чизиги бўйлаб силжиши орқали аниқлади.

Харажатларни минималлаштирувчи омиллар миқдори омиллар нархига ва ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ. Шу сабабли танланган омиллар миқдорини қуидагича ёзамиш: $x_1(w_1, w_2, y)$ ва $x_2(w_1, w_2, y)$.

Булар омилларга шартли талаб функцияси ёки омилларга ҳосилавий талаб функцияси деб аталади. Улар фирма томонидан оптималь танланган омиллар миқдори ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан омиллар нархи ўртасидаги боғлиқликни, ишлаб чиқариш ҳажми берилган шартни ифодалайди.

Омилларга шартли талаб функциясини тўғридан-тўғри кузатиб бўлмайди. улар гипотетик тузилишга эга бўлиб, фирма берилган ҳажмдаги маҳсулотни энг кам харажат билан ишлаб чиқариш учун ҳар бир омилдан қанча фойдаланиши мумкинлигини кўрсатади. Лекин, шартли талаб функцияси оптималь ҳажмда ишлаб чиқариш масаласидан харажатларни минималлаштируви ишлаб чиқариг усулини аниқлаш масаласини фарқлашга ёрдам беради.

6.3. Кўлам қайтими ва харажатлар функцияси

Биз кўрган эдикки, берилган $t > 1$ учун $tf(x_1, x_2)$ қиймат $f(x_1, x_2)$ қийматдан катта, тенг ёки кичик бўлиши мумкин. Масштаб қайтими билан

характерланувчи ишлаб чиқариш функцияси билан харажатлар функцияси ўртасида ўзаро алоқа мавжудлигини кузатиш мумкин.

Фараз қилайлик, биз ўзгармас масштаб қайтимиға эга бўлган ҳолатни кўриб чиқмоқчимиз. Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун харажатларни минималлаштирувчи масалани ечдик ва унинг ечими, яъни бирлик харажат функцияси $C(w_1, w_2, 1)$ маълум. Агар биз у бирлик маҳсулот ишлаб чиқармоқчи бўлсақ, ҳар бир омилдан у баробар кўп фойдаланамиз. Бу дегани, у бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришнинг минимал харажати $C(w_1, w_2, 1) \cdot y$ бўлади. Демак, ўзгармас масштаб қайтимида харажатлар функцияси ишлаб чиқариш ҳажмиға нисбатан чизиқли бўлади. Бу ерда ишлаб чиқариш омилларидан t баробар кўп ёки кам фойдалансак, ишлаб чиқариш мос равишида t баробарга ошади ёки камаяди.

Энди ўсуви масштаб қайтими бўлганда харажатнинг ўзгаришини қараймиз. Маълумки, ўсуви масштаб қайтимида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига қараганда харажатларнинг ўсиши чизиқли ўсишга нисбатан секинроқ бўлади. Агар фирма ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробар ошироқчи бўлса, омиллар нархи ўзгармаганда уни 2 баробардан камроқ харажат билан амалга ошириши мумкин. Бошқача айтганда, фирма ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни 2 баробар оширса, ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробардан кўроқ ошириши мумкин бўлади. Демак, ишлаб чиқариш ҳажми ўсганда харажат функциясининг ўсиши чизиқли ўсишга қараганда секинроқ бўлади.

Агар технология масштаб қайтимининг пасайиши билан характерланса, харажат функцияси ишлаб чиқариш ҳажми ошганда чизиқли боғланишга қараганда тезроқ ўсади, яъни ишлаб чиқариш омилларидан 2 баробар кўп фойдалансак, ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробардан камроқча ошади.

Юқоридаги ўзгаришларни ўртacha харажат билан боғласак, у қуйидаги кўринишга эга бўлади: $AC(y) = \frac{C(w_1, w_2, y)}{y}$.

Ўртача харажат функцияси $AC(y)$ - бу бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришга тўғри келадиган харажатни билдиради.


Агар технология ўзгармас масштаб қайтими билан характерланса, харажат функцияси чизиқли кўринишга эга бўлади: $C(w_1, w_2, y) = C(w_1, w_2, 1) \cdot y$.

Унда ўртача харажат қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$AC(y) = \frac{C(w_1, w_2, 1) \cdot y}{y} = C(w_1, w_2, 1).$$

Демак, бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажат, ишлаб чиқариш ҳажми қандай бўлишидан қатъий назар, ўзгармас бўлади.

Ўртача харажат функцияси графиги масштаб қайтимининг ўсишида камаювчи, масштаб қайтими ўзгармас бўлганда ўзгармас ва масштаб қайтими пасаювчи бўлганда ўсуви бўлади (6.8-расм).



6.8-расм. Ўртача харажат графиги

y_0, y_1 - оралиқда масштаб қайтими ўсуви;

y_1, y_2 - оралиқда масштаб қайтими ўзгармас;

y_2, y_3 - оралиқда масштаб қайтими камаювчи.

6.4. Қисқа ва узоқ муддатли харажатлар

Юқорида кўрдикки, қисқа муддатли оралиқда айрим ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ўзгармайди. Узоқ муддатли оралиқда барча ишлаб чиқариш омиллари ўзгаради.

Қисқа муддатли харажат функцияси берилган ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган минимал харажатни, факат ўзгарувчан омиллар ўзгарганда ифодалайди.

Узоқ муддатли харажат функцияси барча омиллар ўзгарганда берилган ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган минимал харажатни кўрсатади. Фараз қиласийлик, қисқа муддатли оралиқда иккинчи омил ўзгармас бўлсин, яъни \bar{x}_2 . Унда қисқа муддатли харажат функцияси қўйидаги масала орқали аниқланади: $f(x_1, \bar{x}_2) = y$ бўлганда $c_s(y, \bar{x}_2) = \min_{x_1} w_1 x_1 + w_2 \bar{x}_2$.

Умуман олганда, қисқа муддатли оралиқда y миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган минимал харажат ўзгармас омилнинг миқдори ва қиймати билан аниқланади.

Иккита ишлаб чиқариш омилидан фойдаланилганда бундай масалани ечиш мураккаб эмас: бунда $f(x_1, \bar{x}_2) = y$ тенгликни таъминловчи x_1 нинг минимал қиймати аниқланади.

Биринчи омил қисқа муддатли талаб функцияси – бу харажатни минималлаштирувчи биринчи омил миқдори. Бу биринчи омил миқдори омиллар нархига ва ўзгармас омил миқдорига боғлиқ бўлади. Омилларга қисқа муддатли талаб функциясини қуидагича ёзамиш: $x_1 = x_1^s(w_1, w_2, \bar{x}_2, y)$, $x_2 = \bar{x}_2$.

Масалан, қисқа муддатли оралиқда ишлаб чиқариш майдони \bar{x}_2 ўзгармас бўлса, у ҳолда фирма томонидан ҳар қандай нархда ва берилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида ёллайдиган ишчилар сони ишлаб чиқариш майдони ўлчамига боғлиқ бўлади.

Таърифга кўра, қисқа муддатли харажат функциясини қуидагича ёзиш мумкин: $c_s(y, \bar{x}_2) = w_1 \cdot x_1^s(w_1, w_2, \bar{x}_2, y) + w_2 \cdot \bar{x}_2$.

Бу ифода y миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланадиган минимал харажат, ишлаб чиқариш омиллари комбинацияси билан боғлиқ минимал харажатни ифодалайди.

Узоқ муддатли харажат функцияси қуидаги масала ечими билан аниқланади: $f(x_1, x_2) = y$ бўлганда $c_s(y) = \min_{x_1, x_2} (w_1 \cdot x_1 + w_2 \cdot x_2)$.

Бу ерда иккита омил ҳам ўзгаради. Узоқ муддатли харажат функцияси омиллар нархидан ташқари, фирманинг ишлаб чиқарадиган маҳсулоти ҳажмига ҳам боғлиқ. Омилларга узоқ муддатли талаб функциясини қуидагича ёзамиш:

$$x_1 = x_1(w_1, w_2, y),$$

$$x_2 = x_2(w_1, w_2, y).$$

Узоқ муддатли харажат функциясини қуидагича ёзамиш:

$$c(y) = w_1 \cdot x_1(w_1, w_2, y) + w_2 \cdot x_2(w_1, w_2, y).$$

Бу функция харажатларни минималлаштирувчи омиллар комбинациясига боғлиқ бўлиб, фирманинг узоқ муддатли харажатларини ифодалайди.

Агар омиллар нархи маълум даражада бўлиб, ўзгармас бўлса, омилларга бўлган узоқ муддатли талаб функциясини қуидагича ёзамиш:

$$x_1 = x_1(y),$$

$$x_2 = x_2(y).$$

Бу ҳолда узок муддатли харажат функциясини қуидагида ёзиш мүмкін:
 $c(y) = c_s(y, x_2(y)).$

Бу харажат функцияси омиллар ўзгарувчан бўлгандаги минимал харажат бўлиб, унда омил узок муддатли харажатни минималлаштириш функциясида ўрнатилган. Демак, ўзгарувчан омилга узок муддатли талаб, яъни харажатни минималлаштирувчи талаб қуидаги тенглама орқали ифодаланади:

$$x_1(w_1, w_2, y) = x_1^s(w_1, w_2, x_2(y), y).$$

6.5. Ўзгармас ва квазиўзгармас харажатлар

Ўзгармас омиллар – бу шундай омилларки, маҳсулот ишлаб чиқариладими, йўқми уларга тўлов амалга оширилади. Агар фирма маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қарор қабул қилса, квазиўзгармас омилларга тўлов амалга оширилади.

Худди шундай тарзда ўзгармас ва квазиўзгармас харажатларни аниқлаймиз.

Ўзгармас харажат – бу харажатлар ўзгармас омиллар билан боғлиқ харажатлар бўлиб, улар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлик эмас.

Квазиўзгармас харажат – бу харажатлар ҳам ишлаб чиқариш ҳажмига боғлик эмас, лекин уларга тўлов фирма маҳсулот ишлаб чиқарган шартда амалга оширилади. Агар фирма бирор ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқармоқчи бўлса, ундан олдин қандайдир ўзгармас қийматда харажат қиласи – ушбу харажат квазиўзгармас харажатни беради.

6.6. Қайтмайдиган харажатлар

Бу харажат мазмунини мисол орқали ифодаласак, яхшироқ тушуниш мүмкін. Фараз қилайлик, сиз бир йилга фирма учун офисни ижарага олдингиз. Ҳар ойда тўланадиган ижара ҳақи ўзгармас бўлади. Энди фараз қилайлик, офисни таъмирлаш учун учун бўёқ ва мебел харид қилдингиз. Бўёқ учун сарфланган харажат ҳам ўзгармас ва ҳам қайтмайдиган харажатдир. Лекин, мебель учун харажатни қайтмас деб тўлиқ айтиб бўлмайди. Офиснинг ижара муддати тугагандан сўнг мебелни сотишингиз мүмкін. Мебелни янгилигига сотиб олган нархдан фойдаланилгандан кейинги нархининг айрмаси қайтмайдиган харажат бўлади.

Аниқроқ мисолда күриб чиқамиз. Сиз йил бошида 20000 долларни 10фоиз лик кредит олдингиз дейлик. Сиз ижарага яна офис олдингиз. Ижара ҳақи йилига 12000 доллар бўлсин, офисга мебель учун 6000 доллар сарфладингиз, офисни бўяшга 2000 долларга бўёқ харид қилдингиз. Йил охирига келиб 20000 доллар кредитни ва 2000 доллар фоизини қайтарасиз, фойдаланилган мебелни 5000 долларга сотдингиз дейлик.

Сизни қайтмайдиган харажатларингиз: 12000 доллар ижара ҳақи, 2000 доллар фоиз тўлови, 2000 доллар бўёқ харажатлари, мебелни қайтмайдиган харажати 1000 долларга тенг.

Барча харажатларни оқим кўринишида ҳисобга олиш, харажатлар ва натижаларни ҳисоблашни осонлаштиради. Масалан, бизнесни юритишнинг бир йиллик қиймати ни ҳисоблашда ушбу усул жуда мақбул ҳисобланади.

Математик ҳисоб-китоблар. Харажатларни минималлаштириш масаласи берилган. $f(x_1, x_2) = y$ бўлганда $c_s(y) = \min_{x_1, x_2} (w_1 \cdot x_1 + w_2 \cdot x_2)$.

Ушбу масалани биринчи ечиш усули чегаравий шартни функцияга қўйиш орқали ечилади.

Иккинчи усули Лагранж функциясидан фойдаланиб ечиш мумкин.

$L = w_1 \cdot x_1 + w_2 \cdot x_2 - \lambda(f(x_1, x_2) - y)$, бу ерда x_1, x_2 ва λ бўйича ҳосила олсак:

$$w_1 - \lambda \frac{\partial f(x_1, x_2)}{\partial x_1} = 0,$$

$$w_2 - \lambda \frac{\partial f(x_1, x_2)}{\partial x_2} = 0,$$

$$f(x_1, x_2) - y = 0.$$

Ушбу усулни Кобб-Дуглас функциясига қўллаймиз:

$$f(x_1, x_2) = x_1^a \cdot x_2^b.$$

Харажатларни минималлаштириш масаласини ёзамиз:

$$\min_{x_1, x_2} w_1 \cdot x_1 + w_2 \cdot x_2,$$

$$x_1^a \cdot x_2^b = y.$$

Олинган натижани мақсад функциясига қўямиз:

$$\min_{x_1} w_1 \cdot x_1 + w_2 \cdot (y, x_1^{-a})^{\frac{1}{b}}.$$

Энди бу функциядан x_1 бўйича ҳосила олиб, уни нолга тенглаштириб, x_1 га кўра ечамиз. Натижада x_1 га талаб функциясини оламиз.

Қисқа хуросалар

Фирманинг баъзи бир харажатлари унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ эмас, биз кўрган эдикки булар ўзгармас харажатлардир. Ўзгармас харажатлар шундай харажатларки, фирма маҳсулот ишлаб чиқарадими ёки йўқми уларга тўлов амалга оширилади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариладими ёки йўқми фирманинг техник ходимларига барибир иш ҳақи тўланади.

Бошқа харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда ўзгаради. Бу харажатлар ўзгарувчан харажатлардир. Фирманинг умумий харажатлари ҳар доим ўзгармас харажат F билан ўзгарувчан харажат $c_\gamma(y)$ йифиндиси билан ифодаланади: $C(y) = c_\gamma(y) + F$.

Ўртача харажат функцияси бир бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғри келадиган харажатни билдиради. Ўртача ўзгарувчан харажат функцияси бир бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажат, ўртача ўзгармас харажат функцияси бир бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғри келадиган ўзгармас харажатни билдиради.

Чекли харажат - бу ишлаб чиқариш ҳажмини бир бирликка ўзгаришига тўғри келадиган харажат ўзгаришни билдиради. Бошқача айтганда, берилган ишлаб чиқариш ҳажмида ишлаб чиқаришни Δy микдорда ўзгарганда харажатларни қанчага ўзгаришини билдиради.

Агар масштаб қайтими ўсуви бўлса, ўртача ўзгарувчи харажатлар пасайиши мумкин. Лекин кейинчалик бир бирлик ўртача ўзгарувчан харажат ошади. Чунки, ўзгармас харажат билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилганда у ўса бошлайди ва бу ўсиш фирманинг ўртача ўзгарувчан харажатлари чизиги билан ифодаланади.

Маълумки, узоқ муддатли оралиқда барча харажатлар ўзгаради, яъни ўзгармас харажатлар бўлмайди, шу манодаки, ҳар қандай вақтда фирма ноль харажат билан ноль маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Бошқача айтганда, фирманинг фаолиятини тўхтатиш имконияти хар доим мавжуд.

Харажатларни минималлаштириш масаласида айтишимиз мумкин: изоквантада шундай нуқта топиш керакки, у энг паст изокоста билан бир нуқтада кесишин.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Фирмаларнинг қисқа ва узоқ муддатли оралиқдаги фаолияти нималар билан ҳарактерланади?

2. Фирманинг ички ва ташқи харажатларини изоҳлаб беринг.
3. Ишлаб чиқариш харажатлари графикда қандай тасвирланади?
4. Ўзгармас ва ўзгарувчан харажатлар қандай фарқланади?
5. Умумий харажат ва ўртача харажатларнинг ҳисоблаш усуллари фарқ қиласидими?
6. Қандай харажатларга ўзгармас харажатлар деб аталади?
7. Қандай харажатларга ўзгарувчан харажатлар деб аталади?
8. Чекли харажат нимани ифодалайди?
9. Фирма харажатларини минималлаштириш қандай амалга оширилади?
10. Қисқа ва узок муддатли оралиқда фирма харажатларини минималлаштириш шартлари қандай?

Асосий адабиётлар рўйхати

1. Вериан Х.Р. Микроэкономика. Учебник./ перев. с англ. под редакц. Н.Фроловой. – М.: ЮНИТИ-М, 2016. - с. 767.
2. Аддреу Mac-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2016. - 630 стр.
3. Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. -19 th ed. – New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2015. Р. 604.
4. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2011. - 580 стр.
5. Пиндайк Р., Рубинфильд Д. Микроэкономика. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2011. - с. 608.
6. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: учебник/ 2-е изд. – М.: Норма, 2012. –с. 576.

VII боб. ФОЙДАНИ МАКСИМАЛЛАШТИРИШ

7.1. Муқаммал рақобатлашган бозорда фирма даромадлари ва фойдани максималлаштириш

Бозор **муқаммал рақобатлашган** ёки **рақобатлашган** бозор бўлади, агар унда қуйидаги шартлар бажарилса:

- сотувчи ва харидорлар бозорда маҳсулот нархи қандай бўлса, шундай қабул қиласидар ва улар нархга таъсир қила олмайдилар;
- бозорга янги сотувчиларни кириши чекланмаган;
- сотувчилар биргаликда ҳаракат қилиш стратегиясини ишлаб чиқмайди.

Бундай шартлар бажариладиган бозор муқаммал рақобатлашган бозор, соғ рақобатлашган ёки рақобатлашган бозор деб қаралади. Рақобатлашган бозорда ҳаракат қилаётган фирманинг рақобатлашувчи фирма деб қаралади. Бундан кейин рақобатлашувчи фирма тўғрисида гапирилганда, биз рақобатлашган бозорда ҳаракат қилаётган фирмани назарда тутамиз.

Демак, рақобатлашган бозорда товар нархи бозорда талаб ва таклиф асосида шаклланади ва унга сотувчи ҳам харидор ҳам таъсир қила олмайди:

$$P = \text{const}.$$

Рақобатлашган бозорда ҳар бир алоҳида сотувчи томонидан сотиладиган товарнинг бозорда сотиладиган умумий товар миқдоридаги улуши жуда оз бўлгани учун ҳам у товар нархини ўзгартира олмайди.

Рақобатлашган бозорни таҳлил қилганимизда бозордаги товарларни бир хил деб, яъни уларнинг сифати бир хил деб қараймиз. (Амалда товарнинг сифатига қараб, уларнинг нархи ҳар хил бўлади, сифатли товарнинг нархи сифати пастроқ товарнинг нархига кўра юқори бўлади).

Рақобатлашган бозорда **умумий даромад** (TR) фирма томонидан маълум миқдордаги неъматни сотишдан олган даромадига teng, яъни умумий даромад сотилган маҳсулот миқдорини (Q) унинг нархига (P) кўпайтмасига teng:

$$TR = P \cdot Q \quad (2).$$

Бу ерда TR ёки R - умумий даромад; P - нарх; Q - сотилган неъмат миқдори.


Умуман олганда, даромад сотилган маҳсулот миқдорига боғлиқ бўлганлиги учун, у $TR(Q)$ кўринишида ёзилади.

Ўртача даромад (AR) - сотилган бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган даромаддир, яъни: $AR = \frac{TR}{Q} = \frac{P \cdot Q}{Q} = P$ (3).

Чекли даромад (MR) - бу қўшимча бир бирлик неъматни сотиш натижасида умумий даромаднинг ўсган қисми $\Delta TR(Q)$, яъни:

$$MR = \frac{\Delta R(Q)}{\Delta Q} = \frac{d(P \cdot Q)}{\Delta Q} = P \cdot \frac{\Delta Q}{\Delta Q} = P \quad (4).$$

Агар абцисса ўқи бўйича маҳсулот миқдори Q ни ва ординат ўқи бўйича товар нархини жойлаштирасак, улар ўртасидаги боғлиқлик горизонтал ўқга нисабатан параллел чизик билан ифодаланади ва бу чизик рақобатлашган бозордаги маҳсулотга бўлган талаб чизигини беради (7.1-расм).




7.1-расм. Рақобатлашган бозордаги нарх, ўртача ва чекли даромад

Расмдан кўриниб турибдики, рақобатлашган бозордаги талабнинг нарх бўйича эластиклиги чексиздир $E_P^D = \infty$, яъни абсолют эластик. Бу дегани, рақобатлашган бозорда бирор сотувчи ўз товари нархини кичик миқдорга оширса, у ўзининг барча харидорларидан ажралади, агар нархни кичик миқдорга камайтиrsa, у ўзига бозордаги барча харидорларни тортади.

Рақобатлашган бозорда ҳаракат қилаётган фирма ишлаб чиқариш омилларидан бирининг нархи ошганда қандай қарор қабул қилишини кўриб чиқамиз. Бозордаги нарх P' ва фирманинг бошланғич (ишлаб чиқариш омиллари нархи ўзгармагандаги) чекли харажати MC_1 ва фирма фойдасини максималлаштирувчи ишлаб чиқариш ҳажми Q_1 бўлсин дейлик (7.2-расм).

Фараз қилайлик, ишлаб чиқариш омилларидан бирининг нархи ошди дейлик. Омил нархининг ошиши чекли харажат MC_1 ни юқорига чапга MC_2 га силжитади. Нима учун деганда, ҳар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулот харажати ошади. Фойдани янги чекли харажатда максималлаштирадиган ишлаб чиқариш ҳажми Q_2 ни ташкил қиласди, яъни Q_2 ҳажмда $P' = MC_2$.



7.2-расм. Чекли харажатнинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги.


Шундай қилиб, ишлаб чиқариш омили нархининг ошиши фирмани маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартиришга мажбур қилади. Агар фирма ишлаб чиқаришни Q_1 ҳажмда давом эттирганида штрихланган соҳага тенг бўлган зарарни кўрган бўлар эди. Штрихланган соҳа фирма фойдасининг йўқотилиши мумкин бўлган қисмини ифодалайди.

Қисқа муддатли оралиқда фирма капитали размери ўзгармайди, шунинг учун у фойданы максималлаштирадиган ўзгарувчан ишлаб чиқариш омиллари ҳажмини танлаши лозим бўлади. Маълумки, фойданы максималлаштириш бу умумий даромад билан умумий харажатлар айирмасини максималлаштириш демакдир, яъни $\pi(Q) = TR(Q) - TC(Q)$ (5)

Агар абцисса ўқи бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини, ордината ўқи бўйича - умумий даромадни жойлаштиrsак, даромаднинг масулот ҳажмига боғлиқлиги ($TR(Q) = P \cdot Q$) координата бошидан чиқувчи нур билан ифодаланади. Умумий харажатлар эса ўзгармас ва ўзгарувчан харажатлар ийғиндисидан ҳосил бўлади (7.3-расм).

7.3-расмдаги графикдан кўриш мумкинки, ишлаб чиқариш ҳажми кичик бўлганда, фирма фойдаси манфий бўлади, фирма зарар билан ишлайди, фирманинг даромади ўзгармас ва ўзгарувчан харажатларни қоплаш учун етарли эмас.

Ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бориши билан фирманинг фойдаси мусбат бўлиб ошиб боради ва ишлаб чиқариш ҳажми Q_2 га тенг бўлганда даромад $TR(Q)$ билан умумий харажат $TC(Q)$ ўртасидаги фарқ максимал бўлади (расмда бу MN). Демак, фойда ишлаб чиқариш ҳажми $Q = Q_2^*$ бўлганда максималлашади.



**7.3-расм. Қисқа муддатли оралиқда фойданы
максималлаштириш графиги**

Ишлаб чиқариш ҳажми Q_2^* дан ошганда ($Q > Q_2^*$) умумий харажатларнинг ўсиши даромад ўсишига нисбатан устунроқ бўлгани учун фойда камайиб боради. Расмдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш ҳажми Q_1 гача бўлганда фирма зарар билан ишлайди, нима учун деганда ($TC > TR(Q)$). Фирма Q_1 ва Q_2^* оралиқда фойда олади ва бу фойда Q_2^* га қадар ошиб, ишлаб чиқариш ҳажми Q_2^* га тенг бўлганда максимал қийматга эришади. N нуқтада даромад чизигининг бурчак коэффициенти (чекли даромад $MR = \frac{\Delta TR}{\Delta Q} = \tan \alpha$) умумий харажат чизигининг бурчак коэффициентига (чекли харажатига $MC = \frac{\Delta TC}{\Delta Q} = \tan \alpha$) тенг $MC = MR$.

Шундай қилиб, фирманинг чекли даромади билан чекли харажати бирбирига тенг бўлганда фойда максимал қийматга эришади. $MC = MR$ фойданни

максималлаштириш шарти бўлиб, фирма қайси бозорда (рақобатлашган, монопол, олигопол) фаолият кўрсатмасин, у ўз кучини сақлаб қолади.

Юқоридаги мулоҳазалардан шу келиб чиқадики, агар $MR(Q) > MC(Q)$ бўлганда, фирма маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши керак (ҳар бир қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий фойдани ошириб боради), агар $MR(Q) < MC(Q)$ бўлса - ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириш керак бўлади.

Максималлик шартини математик томондан келтириб чиқариш мумкин:

$$\pi(Q) = TR(Q) - TC(Q) \quad (2)$$

(2)-функция максимал қийматга эришади, қачонки ишлаб чиқариш ҳажмини кичик ΔQ миқдорга оширганимизда фойда ўзгармаса, яъни

$$\frac{\Delta\pi(Q)}{\Delta Q} = 0, \text{ бундан}$$

$$\frac{\Delta\pi(Q)}{\Delta Q} = \frac{\Delta TR(Q)}{\Delta Q} - \frac{\Delta TC}{\Delta Q} = 0 \quad (3)$$

(3)- муносабатда $\frac{\Delta TR(Q)}{\Delta Q} = MR$ ва $\frac{\Delta TC}{\Delta Q} = MC$ бўлгани учун фойдани


максималлаштириш шартини қуидагича ёзамиз: $MR(Q) = MC(Q)$ (4).

7.2. Қисқа ва узоқ муддатли даврларда фойдани максималлаштириш

Биз кўрган эдикки, рақобатлашган бозорда нарх бозор томонидан белгиланади ва унга фирма таъсир қила олмайди. Бундай бозорда ҳаракат қилаётган фирманинг талаб чизиги горизонтал чизиқдан иборат бўлиб, унинг чекли даромади нархга teng, яъни $MR = P$. Демак, рақобатлашувчи фирма фойдасини максималлаштириш шарти (қоидаси) шундан иборатки, фирма ишлаб чиқариш ҳажмини шундай танлаши керакки, бу ҳажмда нарх чекли харажатга teng бўлсин: $P = MC$.

(5)-шарт рақобатлашган бозорда фаолият кўрсатаётган фирма фойдасини максималлаштириш (мувозанат ҳолати) шарти дейилади, яъни рақобатлашувчи фирманинг чекли маҳсулот қоидасини ифодалайди. Ушбу қоидага кўра фирма маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини чекли харажат нархга teng бўлгунга қадар ошириши мумкин. Демак, $MC < P$ бўлса, ишлаб чиқаришни ошириш мумкин ва бу ошириш $MC = P$ бўлгунча давом этиши керак.

Рақобатлашган фирма фойдасини максималлаштириш шарти ёрдамида биз фирманинг мувозанат ҳолатини белгиловчи нуктани график орқали аниқлашимиз мумкин (7.4-расм).



7.4-расм. Рақобатлашувчи фирманинг қисқа муддатли оралиқдаги харажатлари ва фойдаси


Расмда E нүкта рақобатлашувчи фирманинг қисқа муддатли оралиқдаги мувозанат ҳолатини ифодалайды. Бу нүктада $P = MC$ бўлиб, ушбу нүктада фирма фойдани максималлаштирадиган ишлаб чиқариш ҳажми Q^* га эришади.

Расмда умумий даромад ($TR - TC$) $0P_eEQ^*$ тўртбурчак юзасига, умумий харажат $0ABQ^*$ тўртбурчак юзасига тенг. Умумий максимал фойда ($\max \pi(Q) = TR - TC$) AP_eEB юза билан ифодаланади ва бу юза қуйидаги формула бўйича ҳисобланади: $\pi = (P - ATC) \cdot Q$ (6).

Ишлаб чиқариш ҳажми Q^* дан кичик бўлганда $Q_0 < Q^*$ чекли даромад чекли харажатдан кўп демак, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб қўшимча фойда олиш имконияти бор. Расмда икки карра штирхланган SFE юза ишлаб чиқариш ҳажми Q_0 га камайгандаги йўқотилган фойдани ифодалайди.

Ишлаб чиқариш ҳажми Q^* дан юкори бўлганда, яъни $Q_1 > Q^*$ да чекли харажатлар чекли даромаддан юкори. Бу ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириш умумий харажатларни қисқартиришга олиб келади. Расмдаги ESK учбурчак юзаси Q_1 миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида йўқотилган фойдани ифодалайди.


(6)-ифодадан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, нарх ўртача умумий харажатдан қанча юкори бўлса, фирманинг фойдаси шунча кўп бўлади. Буни қуйидаги графикда кўриш мумкин (7.5-расм).



7.5-расм. Рақобатлашувчи фирма фойдаси

Расмда, бошланғич нарх P_0 бўлганда умумий фойда $P_0A_0B_0E_0$ тўртбурчак юзи билан ифодаланса, нарх ошиб P_1 бўлганда умумий фойда қиймати хам ошади ва $P_1A_1B_1E_1$ тўртбурчак юзи билан ифодаланади.

Шуни ҳам эслатиш ўринлики, фирма қисқа муддатли оралиқда ҳар доим ҳам фойданы максималлаштиравермайди. Кўп ҳолларда ўзгармас харажатнинг ошиб кетиши умумий ўртача харажатни ошириб юборади (7.6-расм).



7.6-расм. Рақобатлашувчи фирманинг қисқа муддатли оралиқдаги йўқотишлари


Натижада, фойданы максималлаштирадиган ишлаб чиқариш ҳажми Q^* да нарх P ўртача умумий харажатдан кичик бўлади, яъни $P < ATC(Q)$ ва шунинг учун BE ишлаб чиқаришнинг ўртача йўқотишига (зарарига) тенг. Штрихланган $PEBM$ тўртбурчак юзи фирманинг умумий йўқотишини

билдиради. Лекин, фирма қисқа муддатли оралиқда зарар күрса ҳам келажакда нарх ошиши ёки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириши эвазига фойда олиш мақсадида ишни давом эттиради.

Умуман олганда, рақобатлашувчи фирма қисқа муддатли оралиқда ишлаб чиқаришни давом эттириши ёки давом эттирмасдан ишлаб чиқаришни тұхтатиши тұғрисидаги қарорни қабул қилишда фирма үз даромадини умумий үртача харажат билан әмас, балки факат үртача үзгарувчан харажат билан таққослайди. Нима учун деганда, үзгармас харажатлар сарфланиб бўлинган ва уларни фирмани ёпганда ҳам камайтириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам нарх үртача үзгарувчан харажатдан юқори бўлиб, үртача умумий харажатдан паст бўлганда фирма келажакда фойдага чиқиш мақсадида ишлаб чиқариш зарар ишласа ҳам үз фаолиятини давом эттиради ва шу билан бирга умумий зарарни минималлаштиришга ҳаракат қиласи. Бу нарх үзгарувчан харажатларни қоплайди ва үзгармас харажатларнинг ҳам маълум қисмини қоплайди.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, рақобатлашган бозорда ҳаракат қилаётган фирма қисқа муддатли оралиқда чекли маҳсулот қоидасига кўра маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини чекли даромад билан чекли харажат тенглигини таъминлаш даражада ушлаб туришга ҳаракат қиласи ($MC = MR$).

Ишлаб чиқаришни тұхтатиши қоидасига кўра фирманинг иқтисодий фойдаси ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳажмида нолдан кичик бўлса, яъни рақобатлашган бозордаги нарх үртача үзгарувчан харажатдан кичик бўлса $P < AVC(Q)$, фирма ёпилади (ушбу бозордан кетади, фаолиятини тугатади). В нуқта фирманинг ёпилиш нуқтаси ҳисобланади (7.7-расм).




7.7-расм. Рақобатлашувчи фирманинг қисқа муддатли оралиқдаги ҳаракат қилиш қоидалари

Юқоридаги қоидалар фирмада үшбүйндең көмегінен атасынан анықталған тапсынудағы мәдениеттік мөртвасынан көрсетілген. Фирма қайси бозорда фаолият күрсатышидан қаттың назар ушбу қоидалар ўз кучини сақлайды.

7.7-расмда A нүкта фирманинг заарсиз ишлаш нүктаси дейилади, бу нүктада $P_e = ATC(Q)$ бўлиб, фирма заар ҳам кўрмасдан, фойда ҳам олмасдан ишлашини ифодалайди.

7.3. Рақобатлашған фирманинг қисқа мұддатли оралиқдаги таклифи

Фирманинг таклиф чизиги ҳар бир мумкин бўлган нархларда фирма қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариб таклиф қилишини ифодалайди. Юқорида кўрдикки, фирма маҳсулот ишлаб чиқаришни нарх чекли харажатга тенг бўлгунга қадар оширади ва нарх ўртача ўзгарувчан харажатдан кичик бўлса, ишлаб чиқаришни тўхтатади (фирма ёпилади). Демак, фирманинг нолдан юқори ҳажмдаги ишлаб чиқариш ($Q > 0$) таклиф чизиги чекли харажатнинг (MC) ўртача ўзгарувчан харажатнинг минимумидан юқорида ётган қисми билан устма-уст тушади (6-расм, чекли харажат чизигининг A нуқтадан юқори қисми). AVC минимумидан юқори бўлган ҳар қандай нарх P' да фойдани максималлаштирадиган ишлаб чиқариш ҳажми Q' ни график орқали аниқлашимиз мумкин) (7.8-расм).



7.8-расм. Рақобатлашувчи фирманинг қисқа муддатли оралиқдаги таклиф чизиги

Рақобатлашган бозорда нархнинг ошиши бозордаги фирмаларни ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ундейди, шунинг учун ҳам рақобатлашган фирманинг қисқа муддатли оралиқдаги таклиф чизиги ўсувчи бўлади.


Энди рақобатлашган бозорда қисқа муддатли оралиқдаги тармоқ мувозанатини қараймиз. Маълумки, бир турдаги (бир хил эҳтиёжни қондирадиган) товарларни ишлаб чиқарадиган фирмалар биргаликда тармоқни ташкил қиласиди. У ҳолда тармоқ таклифи тармоқни ташкил қилувчи фирмаларнинг таклифлари йифиндисидан иборат бўлади.

$$S = S_1 + S_2 + \dots + S_n,$$

бу ерда S_1, S_2, \dots, S_n - фирмалар таклифи чизиқлари;

S - тармоқ таклифи чизиги.


Агар тармоқ маҳсулотига талабни D билан белгиласак, D билан S чизиқлари кесишиганд E нуқтаси тармоқнинг мувозанат нуқтасини беради ва кесишиганд нуқта E га мос келувчи нарх P_e тармоқ мувозанат нархи, Q_e эса тармоқ мувозанат товар ҳажми дейилади (7.9-расм).



7.9-расм. Рақобатлашган бозорда, қисқа муддатли оралиқда тармоқ мувозанати

Фирманинг тармоқдаги улуши унинг чекли харажатини, мувозанат нарх билан тенг бўлишини таъминлайдиган ишлаб чиқариш ҳажми билан аникланади, яъни $MC = P_e$. Шундай қилиб, рақобатлашган бозорда қисқа муддатли оралиқда фаолият кўрсатаётган фирма (нарх бозор томонидан белгиланиб ўзгармаганда, талаб чизиги горизонтал бўлганда) мувозанат нарх P_e ишлаб чиқариш ҳажмининг барча қийматларида қуйидаги шартни


қаноатлантира: $P_e > AC(Q)$ фирмада үз фойдасини максималлаштиради, яни $TR(Q^*) = P_e Q^* > Q \cdot AC(Q^*) = C(Q^*)$ (7.10-расм).



**7.10-расм. Фирма фойдасини максималлаштириш шарти
(E мувозанат нүкта), S корхона тақлифи**

Агар бозордаги мувозанат нарх P_e умумий ўртача харажатдан юқори бўлса, фирмада нормал фойдадан ташқари ортиқча фойда ҳам олади.

Агар бозор мувозанати нархи P_e бўлганда ва талаб чизиги тақлиф чизигини AC ва AVC чизиқлари ўртасида кесиб ўтса, яни (7.11-расм) $\min AVC(Q_e) < P_e < \min AC(Q_e)$, бўлса, фирмада үз йўқотишларини (зарарини) минималлаштиради.



7.11-расм. Фирма зарарини минималлаштирадиган ҳол

Бундай ҳолда фирма ишчи кучидан, капиталдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиласи ва бошқа харажатларни ҳам имкон борича қисқартиради.

Борди-ю мувозанат нарх P_e фирманинг ўртача ўзгарувчан харажатидан, ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳажмида паст бўлса, яъни $P_e < AVC(Q)$, фирма ўз фаолиятини тўхтатади.

Қисқа хулосалар

Бозор мукаммал рақобатлашган ёки рақобатлашган бозор бўлади, агар унда қуийдаги шартлар бажарилса: сотувчи ва харидорлар бозорда маҳсулот нархи қандай бўлса, шундай қабул қиласидар ва улар нархга таъсир қила олмайдилар; бозорга янги сотувчиларни кириши ва сотувчиларни бозордан чиқиши чекланмаган; сотувчилар биргаликда ҳаракат қилиш стратегиясини ишлаб чиқолмайди; бозор субъектлари бозор тўғрисида тўлиқ ахборот олиш имкониятига эга.

Рақобатлашган бозорда умумий даромад (TR) фирма томонидан маълум миқдордаги неъматни сотишдан олган даромадига teng. Ўртача даромад (AR)-сотилган бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган даромаддир. Чекли даромад (MR) - бу сўшимча бир бирлик ъни сотиш натижасида умумий даромаднинг ўсган қисми.

Қисқа муддатли оралиқда фирма капитали размери ўзгармайди, шунинг учун у фойдани максималлаштирадиган ўзгарувчан ишлаб чиқариш омиллари ҳажмини танлаши лозим бўлади.

Ракобатлашган бозорда, қисқа муддатли оралиқда фирманинг чекли даромад билан чекли харажат бир-бирига teng бўлганда фойда максимал қийматга эришади. Фойдани максималлаштириш шарти бўлиб, фирма қайси бозорда (рақобатлашган, монополистик ёки олигополистик) фаолият кўрсатмасин, у ўз кучини сақлаб колади. Рақобатлашган бозорда нарх бозор томонидан белгиланади ва унга фирма таъсир қила олмайди. Бундай бозорда ҳаракат килаётган фирманинг талаб чизиги горизонтал чизиқдан иборат бўлиб, унинг чекли даромади нархга teng. Демак, ракобатлашувчи фирма фойдасини максималлаштириш шарти (қоидаси) шундан иборатки, фирма ишлаб чиқариш ҳажмини шундай танлаши керакки, бу ҳажмда нарх чекли харажатга teng бўлсин.

Нарх ўртача ўзгарувчан харажатдан юқори бўлиб, ўртача умумий харажатдан паст бўлганда фирма келажакда фойдага чиқиши мақсадида ишлаб чиқариш заарга ишласа ҳам ўз фаолиятини давом эттиради ва шу билан бирга умумий зарарни минималлаштиришга ҳаракат қиласи.

Ишлаб чиқаришни тўхтатиш қоидасига кўра фирманинг иқтисодий фойдаси ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳажмида нолдан кичик бўлса, фирма ёпилади (ушбу бозордан кетади, фаолиятини тугатади).

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тадбиркорлик шаклларининг хусусиятларини айтиб беринг.
2. Фирмаларнинг қисқа ва узоқ муддатли оралиқдаги фаолияти нималар билан характерланади?
3. Фирманинг ички ва ташқи харажатларини изоҳлаб беринг.
4. Фирма харажатлари графикда қандай тасвирланади?
5. Ўртacha ва ўзгарувчан харажатлар.
6. Чекли харажат нимани ифодалайди?
7. Муқаммал рақобатлашган бозорнинг асосий шартлари нималар?
8. Рақобатлашган бозорда фирманинг талаб чизиги қандай кўринишга эга?
9. Рақобатлашган бозорда фирманинг мувозанат ҳолати қандай аниқланади?


Асосий адабиётлар рўйхати

1. Вериан Х.Р. Микроэкономика. Учебник./ перев. с англ. под редакц. Н.Фроловой. – М.: ЮНИТИ-М, 2016. - с. 767.
2. Адdreу Mac-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2016. - 630 стр.
3. Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. -19 th ed. – New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2015. Р. 604.
4. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2011. - 580 стр.
5. Пиндайк Р., Рубинфильд Д. Микрэкономика. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2011. - с. 608.
6. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: учебник/ 2-е изд. – М.: Норма, 2012. –с. 576.

VIII боб. ФИРМА ВА ТАРМОҚ ТАКЛИФИ

8.1. Фирманинг қисқа ва узоқ муддатли оралиқдаги таклифи

Узоқ муддатли оралиқда тармоқ таркибидаги фирманинг мувозанат ҳолати бозорда шаклланган нарх P_e нинг ушбу фирманинг ўртача харажатлари минимумига тенглиги билан белгиланади: $P_0 = \min LAC(Q_e)$ (1)



8.1-расм. Рақобатлашувчи фирманинг узоқ муддатли оралиқдаги мувозанат ҳолати (E -мувозанат нуқта)

Рақобатлашувчи фирма тармоққа қарашли бўлгани учун (1) шарт тармоқнинг ҳам узоқ муддатли оралиқдаги (рақобатлашган бозорда) мувозанат ҳолатини ифодалайди.


8.1-расмдан кўриш мумкинки, фирманинг иқтисодий фойдаси узоқ муддатли оралиқдаги мувозанат ҳолатида нолга тенг. Лекин, бу фирма умуман фойда олмайди дегани эмас, аслида фирма ўзининг қўйган (қўшган) капиталига кўра реал нормал фойда олади. Иқтисодий фойда альтернатив харажатни ҳам ҳисобга олади, яъни фирма эгасининг ўз капиталини бошқа бир соҳага қўйиш натижасида оладиган фойда. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, рақобатлашувчи фирманинг узоқ муддатли оралиқдаги ўртача харажатлари ўз ичига нормал фойдани (тармоқ бўйича ўртача фойдани) олади. Фирма эгасининг иқтисодий фойдаси ноль дегани, у ўз капиталини бошқа соҳага қўйганда ҳам шу миқдорга тенг нормал фойдани олар эди, демак унинг альтернатив харажати нолга тенг. Агар фирма эгасининг альтернатив харажати нолдан юқори, яъни мусбат бўлса, у ўз капиталини ушбу тармоқдан олиб, бошқа иқтисодий фойда берадиган тармоққа қўйган бўлар эди.

Шундай қилиб, рақобатлашувчи фирманинг узок муддатли ўртача харажати нархга тенг бўлса ҳам (нолга тенг иқтисодий фойда олса ҳам), у ўз ишини (нормал фойда олгани учун) тўхтатмайди.

Рақобатлашган бозорда тармоққа кириш ва ундан чиқиш эркин бўлгани учун ва тармоқнинг ўзи ҳам рақобатлашувчи бўлгани учун фирмаларнинг иқтисодий фойдаси нолга яқинлашиш тенденциясига эга.

Узок муддатли оралиқда тармоқнинг типик вакили бўлган фирма ўз фойдасини шундай ишлаб чиқариш ҳажмида максималлаштиради, бу ҳажмда узок муддатли чекли харажат маҳсулот нархига тенг бўлса (8.2-расм).

$$LMC = P_e = MR.$$



8.2-расм. Узок муддатли оралиқда рақобатлашувчи фирманинг ишлаб чиқариш ҳажмини танлаши

Фирманинг фойдаси ишлаб чиқариш ҳажми Q_e га тенг бўлганда максимал бўлади ва у P_eCFE тўртбурчак юзига тенг. Ишлаб чиқариш ҳажмиин Q_e дан ошириш ёки камайтириш фирманинг умумий фойдасини қисқартириди. Нима учун деганда, агар ишлаб чиқариш ҳажми Q_e дан кичик бўлса, ($Q < Q_e$) қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг чекли даромади чекли харажатдан кўп, демак ишлаб чиқаришни ошириш мақсадга мувофиқдир. Аммо ишлаб чиқариш ҳажмининг Q_e дан юқори бўлган ҳар қандай ҳажмида чекли харажат чекли даромаддан юқори, шунинг учун қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот фойдани қисқартиради.


Умуман олганда кўриш мумкинки, бозор нархи қанча юқори бўлса, фирма шунча кўп фойда олади. Худди шундай бозор нархи P_0 бўлганда, фирма

фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чиқариш ҳажми Q_0 нүкта, яъни узоқ муддатли ўртча харажатларнинг минимуми билан аниқланади. Бундай ҳолда фирманинг иқтисодий фойдаси нолга тенг. Лекин, фирма, биз юқорида айтганимиздек, иқтисодий фойда нол бўлганда ҳам инвестиция қилган капиталига нормал фойда олади.

Узоқ муддатли оралиқда, рақобатлашган бозорда нафақат фирма рақобатлашувчи бўлади, балки тармоқнинг ўзи ҳам рақобатлашувчи бўлади. Тармоқдан чиқиш ёки тармоққа кириш, фирмалар учун эркин бўлганлиги учун, фирмаларнинг иқтисодий фойдаси нолга яқинлашиш тенденциясига эга.

Шунинг учун ҳам, тармоқда узоқ муддатли мувозанат ҳолатига эришилади, қачонки маҳсулот нархи P_0 тармоқнинг типик вакили бўлган фирманинг узоқ муддатли ўртча харажати минимумига тенг бўлса:

$$P_0 = \min(AC(Q)) \quad (8.3\text{-расм}).$$




8.3-расм. Рақобатлашувчи фирманинг узоқ муддатли оралиқдаги мувозанати, тармоқ мувозанати (E мувозанат нүкта).

Фирма нолга тенг иқтисодий фойда олганда, унда тармоқдан чиқиб кетишга ҳожат қолмайди, бошқа фирмаларнинг ҳам тармоққа кириб келишидан манфаатдор эмас. Узоқ муддатли мувозанат ҳолат қўйидаги ўртча шарт бажарилганда содир бўлади. Биринчидан, тармоқдаги барча фирмалар ўз фойдаларини максималлаштиради.

Иккинчидан, ҳамма фирмалар нолга тенг иқтисодий фойда олгани учун ҳар бир фирма тармоққа киришдан ва ундан чиқишидан манфаатдор эмас. Учинчидан, маҳсулотнинг нархи шундайки, бу нархда умумий таклиф (тармоқ таклифи) умумий истеъмол талабига тенг.

Энди фараз қиласылар, узоқ муддатли мувозанат ҳолатта эришилди дейлик:
 $P = P_0 = AC(Q_0) = \min AC(Q) = MC(Q_0)$ (2) ва тармоқнинг типик фирмасининг ишлаб чиқариш ҳажми Q_0 га тенг (8.4-а-б-расм).



**8.4-расм. Типик фирманинг узоқ муддатли мувозанати (а),
узоқ муддатли оралиқда тармоқ мувозанатининг ўзгариши (б).**

Мувозанат ҳолатда типик фирманинг иқтисодий фойдаси нолга тенг. Бозор нархи P_0 мувозанат нарх сифатида тармоқ бўйича (умумий талаб умумий таклифга тенг бўлади) ўрнатилади (8.4- б-расм). Бу ерда алоҳида фирмаларнинг қисқа муддатли таклиф чизиқларининг йигиндиси умумий бозор таклиф чизиги S_0 ни беради. Бозор таклиф чизиги S_0 билан бозор таклиф чизиги D_0 тармоқ бозориниг мувозанат нархини аниқлайди. Бу нархга ҳар бир фирма мослашади ва $P = MC$ ни таъминлайдиган ва максимал фойда берадиган ишлаб чиқариш ҳажмини ўрнатади.

Фараз қиласылар, истеъмолчиларнинг диidi ўзгариши билан тармоқ маҳсулотига бўлган талаб ошди ва талаб чизиги D_0 ҳолатдан D_1 ҳолатга ўзгаради. Натижада янги мувозанат нарх P_1 ўрнатилди. Янги мувозанат нархда фирманинг маҳсулотига бўлган талаб чизиги MR_0 ҳолатдан MR_1 ҳолатта силжийди (эсдан чиқармаслик керакки, рақобатлашган бозорда талаб чизиги горизонтал кўринишга эга, яъни чексиз эластик).

Янги мувозанат нархда фирма нолдан фарқли, мусбат иқтисодий фойда ола бошлади ва у фойдани максималлаштириш учун ишлаб чиқариш ҳажмини Q_0 дан Q_1 га оширди. Лекин, ишлаб чиқариш ҳажмининг бундай ошиши қисқа муддатли оралиқдагина содир бўлади. Натижада тармоқ бўйича ишлаб чиқариш

хам Q_0' дан Q_1' га ошади. Ўртача фирма фойдасининг ошиши маблағ қўювчиларни ўз ресурсларини бошқа тармоқдан ушбу тармоқга қўйишга ундаиди, яъни тармоқقا янги фирмалар кириб кела бошлайди. Янги фирмаларнинг тармоқка кириши бозор таклифини S_0 ҳолатдан S_1 ҳолатга ўтиб, янги мувозанат нарх P_1 ни олдинги даражаси P_0 га teng бўлгунга қадар давом этади.

Натижада тармоқ ўртача фирмасининг оптимал ишлаб чиқариш ҳажми Q_0 га teng бўлиб, унинг иқтисодий фойдаси яна нолга teng бўлади ва тармоқقا янги фирмаларнинг кириб келиши тўхтайди. Тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмининг Q_0' да Q_2 ўсиши тармоқда $\frac{Q_2 - Q_0'}{Q_0'}$ та янги фирмаларнинг пайдо бўлганини англаатади.

Тармоқка фирмаларнинг кириши ва ундан чиқиши тармоқда узоқ муддатли мувозанатни таъминловчи механизм деб қарап мумкин.

Тармоқка фирмалар кириб келади, агар улар ушбу тармоқда иқтисодий фойда олишини сезса.

Тармоқдан фирма чиқади, агар у узоқ муддатли оралиқда ўртача харажтларини қоплай олмаса.

Тармоқдан чиқиши ва унга кириш охирги (чекли) фирма нолга teng иқтисодий фойдага эришгунча қадар давом этади.

Умуман олганда узоқ муддатли мувозанат ҳолатга эришиш жуда кўп вақт талаб қиласи, лекин қисқа муддатли оралиқда фирма катта фойда олиши ҳам мумкин ёки катта зарар кўриши ҳам мумкин. Бирор бир маҳсулот турини ишлаб чиқаришда биринчи бўлган фирма ундан кейин шу иш билан шуғулланган фирмага кўра кўпроқ қисқа муддатли фойда олиши мумкин. Худди шундай зарар билан ишлётган тармоқдан биринчи бўлиб чиқсан фирма инвестицияларининг анча маблағини иқтисод қилиб қолиши мумкин. Узоқ муддатли мувозанатлик концепцияси фирмани қандай ва қайси томонга қараб ҳаракат қилишини кўрсатиб беради. Узоқ муддатли оралиқда айрим фирмалар ҳақиқий мусбат фойда олиши мумкин. Масалан, бирор фирма бошқа фирмаларга нисбатан камроқ ҳаражат сарфлаб маҳсулот ишлаб чиқариши таъминлайдиган патентга ёки янги ғояга эга дейлик. Бундай ҳолда бу фирма узоқ муддатли оралиқда мусбат ҳақиқий фойда олиши мумкин. Бошқа фирмалар ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришни таъминлайдиган ушбу патентни ёки ғояни олмагунча маҳсулотни ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди (тармоқка кирмайди).

Агар фирмалар ушбу патентдан фойдаланиш хуқуқини сотиб олишса, фирмаларнинг иқтисодий фойдаси нолга тенг бўлади.

Мусбат ҳақиқий фойда тармоқда ҳаракат қилаётган фирманинг қимматбаҳо активга, янги технологияга ёки яхши тажрибага эга эканлигидан далолат беради. Бундай ҳолда бошқа фирмалар тармоққа киришга журъат қилолмайди.


Мусбат иқтисодий фойда инвестицияларни тармоққа киришга имоният яратади ва уларни рағбатлантиради.

Рақобатлашган бозорда кўп фирмалар ҳаракат қиласди, тармоқнинг бозор таклифи чизиги алоҳида фирмаларнинг таклиф чизиклари йифиндисига тенг бўлади. Бу мавзуда тармоқнинг таклиф чизигини ўрганамиз.

8.2. Тармоқнинг қисқа муддатли таклифи ва мувозанати

Тармоқда n та фирма фаолият юритсин. $S_i(P)$ орқали i -фирманинг таклиф чизигини белгилаймиз. Тармоқнинг таклиф чизиги ёки бозорнинг таклиф чизиги қуйидаги кўринишни олади: $S(P) = \sum_{i=1}^n S_i(P)$.

Геометрик нуқтаи назардан қаралганда, берилган нархларда фирмалар томонидан таклиф қилинадиган товар миқдорларини қўшамиз, бу таклиф чизикларини горизонтал қўшамиз дегани (8.5-расм).




8.5-расм. Тармоқнинг таклиф чизиги S_1+S_2 1 ва 2-функцияларнинг таклиф чизиклари йифиндиси

Тармоқнинг мувозанати бозор таклиф чизиги билан бозор талаби чизиги кесишган нуқта орқали аниқланади ва бу кесишган нуқта мувозанат нарх P^* ни беради.

Мувозанат нархни билган ҳолда индивидуал фирмаларнинг мувозанат ҳолатини, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ва фойдасини таҳлил қиласиз. З та A , B ва C фирмаларнинг қисқа муддатли мувозанати берилган. A фирманинг ишлаб чиқариш ҳажми ва нарх комбинациялари унинг ўртача харажати чизиги устида ётади. Яъни, $P = \frac{C(y)}{y}$.

Бу ифодани қўйидагича ўзгартириб ёзамиш: $P \cdot y - C(y) = 0$.

A фирма ноль фойда олади, B фирма товар нархи ўртача харажатдан юқори бўлган нуқтада маҳсулот ишлаб чиқаради, яъни $P > AC(y)$, бу қисқа муддатли оралиқдаги мувозанат ҳолатда B фирма фойда олади. C фирма товар нархи ўртача харажатдан кичик бўлган нуқтада маҳсулот ишлаб чиқаради ва зарар билан ишлайди (8.6-расм).



8.6-расм. Қисқа муддатли оралиқда мувозанат ҳолат. A фирма учун ноль фойдага эга, B фирма фойдага эга, C фирма зарар қўради.

Ишлаб чиқариш ҳажми ва нарх комбинациялари ўртача харажат чизигидан юқорида ётса, фирмалар фойда олади, улар ўртача харажат чизигидан пастда ётса, зарар билан ишлайди, манфий фойда олади. Фирма манфий фойда олганда ҳам, қисқа муддатли оралиқда фаолиятини давом эттираса ютиб чиқади, агар ишлаб чиқариш ҳажми ва нарх комбинацияси ўртача ўзгарувчан харажатдан юқорида ётса. Бу ҳолда фирманинг зарари ноль маҳсулот ишлаб чиқаргандагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқарганди, яъни фаолият юритганда камроқ бўлади. Чунки, бу ҳолда нарх ўзгарумас харажатларни бир қисмини, ўзгарувчан харажатларни тўлиқ қоплайди.

8.3. Тармоқнинг узоқ муддатли оралиқдаги мувозанати

Узоқ муддатли оралиқда фирмалар ўзгарумас омилларни (капитални, корхона ўлчамини), узоқ муддатли фойдани максималлаштириш учун

ўзгартиради. Бу дегани, фирмалар қисқа муддатли харажатидан узоқ муддатли харажатга ўтади.

Узоқ муддатли оралиқда иккита узоқ муддатли самара вужудга келади. Бириңчиси, агар фирма узоқ муддатли оралиқда заар билингенде ишласа у тармоқдан чиқиши керак бўлади, чунки у тармоқдан чиқиш орқали заарни нолга тенглаштириши мумкин. Бундан келиб чиқадики, узоқ муддатли оралиқда фирманинг таклиф чизиги чекли харажат чизигининг ўртача харажат чизигидан юқорида ётган қисми бўлади ва шу чекли харажат чизиги билан ўртача харажат чизиги туташган нуқтада фирманинг фойдаси манфий бўлмайди.

Худди шундай, агар фирма фойда олса, бу тармоққа янги фирмаларнинг кириб келиши кутилади. Узоқ муддатли ўртача харажат ўз ичига берилган ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган барча омилларни бозор нархидаги қийматини олади. Агар фирма узоқ муддатли оралиқда фойда олса, бундай тармоққа ҳар қандай фирма кириб шу омилларни сотиб олиб, шу харажатда, шу миқдордаги маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариши мумкин.

Рақобатлашган тармоққа киришда чеклов бўлмаса бундай тармоққа кириш ва чиқиш эркин деб қаралади. Лекин, айрим тармоқларда чекловлар мавжуд. Бундай чекловлар лицензиялаш ёки қонун орқали қўйилиши мумкин. Масалан, алкоголь ичимликлари ишлаб чиқариш лицензия орқали амалга оширилади.

Тармоққа кириш ва ундан чиқиш ҳар хил бўлиши мумкин. Тармоқда фаолият кўрсатаётган фирмалар ўз ишлаб чиқаришини кенгайтириши мумкин ёки тармоққа бутунлай янги фирма кириб келиши мумкин.


Маълумки, тармоққа янги фирмаларни кириб келиши, заар кўриб ишлайдиган фирмаларни чиқиб кетиши умумий маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзгартиради ва бу нархни ўзгаришига олиб келади. Бу ўз навбатида фойдага таъсир қиласида ва тармоққа янги фирмаларни кириб келиши ва ундан чиқиб кетишига замин яратади.

Биз барча фирмалар бир хил ишлаб чиқариш харажатлари функциясига эга бўлган ҳолатни қараймиз. Харажатлар функциясидан фойдаланиб ўртача харажатни минималлаштирувчи маҳсулот ҳажми y^* ни аниqlашимиз мумкин.

$$P^* = \frac{C(y^*)}{y^*} - \text{минимал ўртача харажат.}$$

Бу ўрта харажатлар бозорда ўрнатиладиган минимал нархни белгилайди ва бу нархда фирмалар заарсиз фаолият кўрсатади.

Энди, бозорда ҳаракат қилувчи фирмалар учун графикда тармоқнинг таклиф чизигини тасвирлаш мумкин (8.7- расм).



8.7-расм. Эркин киришга эга бўлган тармоқнинг таклиф чизиги

Мувозанат нарх P' талаб ва таклиф чизиқларининг энг паст кесишган нуқтаси билан аниқланади, демак $P' \geq P^*$. Расмда бозорда ҳаракат қилаётган 4 та фирма учун тармоқнинг таклиф чизиги келтирилган (рақобатлашган тармоқда фирмалар сони кўп бўлиши мумкин). Эътибор бериш керакки, барча фирмалар бир хил таклиф чизигига эга, агар бозорда 2 та фирма бўлса, умумий таклиф икки баробар кўп, агар бозорда 3 та фирма бўлса, таклиф 3 марта кўп.

Энди графикка яна 2 та чизиқ киритамиз: минимал нарх P' дан ўтувчи горизонтал чизиқ, бу чизиқ манфий бўлмаган фойда олишни билдиради ва бозор талаби чизиги D .

Бозор талаб чизигини фирмаларнинг таклиф чизиқлари билан кесишган нуқталарни қараймиз. Агар фирма тармоқда бўлса, тармоқда фаолият кўрсатувчи фирма мусбат фойда олса, бунга мос келувчи фирманинг таклиф чизиги билан бозор талаби чизигининг кесишган нуқтаси манфий бўлмаган фойдага мос келувчи энг минимал мувозанат нарх бўлади. Расмда бу P' орқали ифодаланган, P' нархда тармоқда 3 та фирма фаолият кўрсатади. Агар бозорга яна битта фирма кирса, фойда манфий бўлади. Бу кўрилган ҳолатда, тармоқда фаолият кўрсатадиган фирмаларнинг максимал сони 3 тага teng.

8.4. Узок муддатли таклиф чизиги


Енди биз n та фирманинг n та таклиф чизигидан тармоқнинг битта, ягона таклиф чизигини чизиш усули борми йўқлигини қўриб чиқамиз.

Биринчидан, таклиф чизигининг P^* нархдан пастда ётган барча нуқталарни қарамаймиз, чунки, бу нуқталарда тармоқ узок муддатли оралиқда ҳеч қачон маҳсулот ишлаб чиқармайди. Лекин таклиф чизигининг P^* нархдан

юқорида ётган нүқталарини ҳам қарамаслигимиз мумкин. Бозор талаб чизиги, одатда, пастга ётиқ бўлади. Энг юқори ётиқликка эга бўлган талаб чизиги вертикаль бўлади. Демак, 8.7-расмдаги A нүқта ҳеч бир вақтда тармоқнинг узоқ муддатли мувозанат нүқтаси бўлиши мумкин эмас. Чунки, ҳар қандай пастга ётиқ талаб чизиги A нүқтадан ўтадиган бўлса, у тармоққа қарашли фирмалар сонини тўлиқ кўрсата олмайди.

Шундай қилиб, биз ҳар бир таклиф чизигининг мувозанат нүқталар жойлашиши мумкин бўлган соҳасининг бир қисмини қарамаслигимиз мумкин. Агар тармоқда 1 та фирма бўлса, уни таклиф чизигининг P^* дан ўтувчи тўғри чизик билан кесишган нүқтасидан ўнгда ётган қисмидаги нүқталар тармоқнинг узоқ муддатли мувозанати билан мослаша олмайди. Худди шундай тармоқда 2 та фирма бўлганда иккинчи фирма таклиф чизигининг 3-фирма таклиф чизиги билан P^* тўғри чизиги кесишган нүқтадан ўнгда ётган қисмидаги нүқталар узоқ муддатли мувозанат билан мослаша олмайди ва ҳ.к. тармоқда n та фирма бўлгандаги таклиф чизигининг $n+1$ фирма таклиф чизиги билан P^* тўғри чизиги кесишган нүқтадан ўнг томонда ётган қисмидаги нүқталар узоқ муддатли мувозанат билан мослаша олмайди.

Узоқ муддатли мувозанат нүқталар жойлашадиган таклиф чизикларининг қисми 8.8-расмда қуюқ қора қилиб кўрсатилган.




8.8-расм. Узоқ муддатли таклиф чизиги

Расмда 4-қуюқ қора рангли чизик 4 та фирманинг узоқ муддатли мувозанат ҳолати билан мос тушадиган тармоқнинг барча ишлаб чиқариш ва нарх комбинацияларини кўрсатади. Эътибор бериш керакки, тармоқ ишлаб чиқариши қанча кўп бўлса, бу қуюқ рангли чизиклар шунча ётиқ бўлади.

Биз бу ерда ҳар бир таклиф чизигининг пункттир чизиқдан ўнгда ётган қисмини қарамаймиз.

Тармоқдаги фирмалар сони қанча күп бўлса, яъни, ортиб борса таклиф чизиқлари шунча ётиқ бўлади, чунки, таклиф чизифининг эластиклиги ортиб боради, нархга нисбатан таклиф реакцияси ортади.

Тармоқда фирмалар сони жуда кўп бўлса, тармоқнинг таклиф чизиги горизонтал кўринишга анча яқинлашади ва бу таклиф чизиги ўртача харажат минимумидан ўтувчи нарх чизигига тенглашади (8.9-расм).



8.9-расм. Узок муддатли таклиф чизиги, тақрибан ўртача харажат минимумига тенг бўлган нархдан ўтувчи горизонтал чизиқقا яқин

Эркин кириш ва чиқиш мумкин бўлган тармоқда фирмалар фойдаси нолдан жуда кўп четланиши мумкин эмас. Агар фойда нолдан юқори бўлса, бу тармоққа янги фирмаларни кириб келишга ундайди ва натижада фойдани нолга яқинлаштиради. Эркин кириш ва чиқишга эга бўлган тармоқнинг узоқ муддатли ўртача харажати чизиги горизонтал чизик бўлиб, у ўртача харажат минимумига тенг бўлган нархдан ўтади. Бундай узоқ муддатли таклиф чизиги тармоққа қарашли ўзгармас ишлаб чиқариш масштабига эга бўлган фирма учун ҳам ўринлидир. Шу сабабли эркин кириш ва чиқишга эга бўлган рақобатлашувчи тармоқнинг узоқ муддатли таклиф чизиги каби бўлади: бу ўртача харажат минимумига тенг бўлган нархдан ўтувчи горизонтал тўғри чизик.

8.5. Ноль фойда мазмуни

Нолга тенг бўлган фойда олиш тармоқни йўқ бўлиб кетишига олиб келмайди. Ноль фойда – бу тармоқни кенгайишини тўхтаганини билдиради. Чунки, янги фирмани кириб келишига рағбат йўқ.

Узоқ муддатли мувозанат ҳолатда фойда нолга тенг бўлганда барча ишлаб чиқариш омиллари учун тўлов бозор нархида бўлади, шундай нархдаки, қачонки улар бошқа жойда фойдаланилганда тўланадиган нархда. Фирма

раҳбари, масалан, ўзининг ишлаган вақти учун, фирмага қўйган маблағи учун ҳақ олади. Бу бошқа ишлаб чиқариш омилларга ҳам тааллуқли.

Бу тармоқда ҳар бир ишлаб чиқариш омилига даромад шундайки, агар у бошқа бир тармоқда фойдаланилганда ҳам шу даромадни оларди. Шу сабабли, бу тармоқка янги ишлаб чиқариш омилларини жалб қиласиган қўшимча даромад (соф фойда ёки иқтисодий фойда) йўқ. Лекин шу билан бирга фирмаларнинг тармоқдан чиқиб кетишига ундиған нарса ҳам йўқ. Узоқ муддатли оралиқда мувозанатда бўлган ва ноль фойда оладиган тармоқ пишиқ тармоқлар ҳисобланади ва улар иқтисодиётнинг асосини ташкил этади.

Иқтисодий фойда таърифига кўра барча ишлаб чиқариш омилларидан бозор нархидаги фойдаланилади. Омилларнинг бозор нархи уларнинг альтернатив нархи ўлчовини беради, яъни, улардан бошқа бир соҳада фойдаланилганда оладиган даромади. Ишлаб чиқариш омилларига тўланадиган ҳақдан юқори олинадиган ҳар қандай пул даромади соф иқтисодий фойда бўлади. Шу иқтисодий фойдани олишга қилинган харакатлар эркин киришга эга бўлган рақобатлашувчи тармоқнинг шу кўрсатилган фойдани нолга туширади. Иқтисодчи нуқтаи назаридан яхшилаб ўйлаб қарайдиган бўлсақ, фойда ишлаб чиқариш ресурсларини қандай тақсимланганлиги тўғрисида аниқ ахборот беради. Агар фирма иқтисодий фойда олса, инсонлар фирманинг ишлаб чиқарган маҳсулоти қийматини фойдаланиладиган ишлаб чиқариш омиллари қийматидан юқори деб ҳисблайди. Шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи фирмалар сонини ошириш мақсадга мувофиқ эмасми?

8.6. Ўзгармас ишлаб чиқариш омили ва иқтисодий рента

Агар тармоқка кириш эркин бўлса узок муддатли оралиқда фойда нолга тенглашади. Лекин, эркин кириш ҳамма тармоқларда мавжуд эмас. Баъзи тармоқларда фирмалар сони ўзгармас. Сабаби шундан иборатки, шундай ишлаб чиқариш омиллари борки, уларни таклифи ўзгармас бўлади. Иқтисодиёт учун ҳам ва узок муддатга ҳам ўзгармас омиллар мавжуд. Масалан, ресурсларни қазиб оловчи тармоқлар: нефтнинг ер ости захираси чекланган, худди шундай, кўмир, газ, қимматбаҳо металлар ҳам чекланган. Фойдаланиладиган ер ҳам чекланган. Чекланган ресурс сифатида инсонлар талантини ҳам олиш мумкин. Спортчи ёки тадбиркор, ёзувчи бундай қобилиятга эга бўлган инсонлар – чекланган.

Шундай ҳолатлар борки омилларни чекланганлиги қонун орқали белгиланади. Маълум бир тармоқларда фаолият кўрсатиш учун лицензия ёки

рухсатнома олиш керак, буларнинг сони қонун орқали белгиланади. Бунга мисол, индивидуал таксилар спиртли ичимликларни сотишни лицензиялаш.

Шундай деб қараш мумкинки, тармоқда фаолият юритувчи фирмалар сонига, юқоридагига ўхшаш чекловлар қўйилганда, яъни, тармоққа янги фирмалар кириб келишига йўл қўйилмаганда, бундай тармоқда узоқ муддатли оралиқда мусбат фойда олиш мумкин. Чунки, бу тармоқда мусбат фойдани нолга туширадиган иқтисодий куч йўқ.

Лекин бундай ўйлаш ўринли эмас. Тармоқда иқтисодий фойдани нолга туширувчи иқтисодий куч бор. Агар фирма узоқ муддатли оралиқда мусбат фойда оладиган нуқтада фаолият юритаётган бўлса, бу тармоққа киришга тўсиқ бўладиган омилнинг бозор қийматини нотўғри баҳолаш билан боғлиқ. Бу ерда биз ҳар бир ишлаб чиқариш омилини унинг бозор нархида баҳолашимиз керак, яъни, унинг альтернатив харажатларида. Агар фермер ишлаб чиқариш харажатларини даромаддан айирганда мусбат фойда оладиган бўлса, бунда биз ернинг қийматини даромаддан айиришни эсдан чиқарганмиз, чунки у ҳам харажат элементи ҳисобланади.

Фараз қилайлик, биз ернинг қийматидан бошқа барча ишлаб чиқариш омилларини баҳоладик, натижада π доллар бир йилда фойда олдик. Бозорда бу ернинг нархи қанча бўлади? Шу ерни бир йилга ижарага олганда қанча ижара ҳақи тўларди?

Буларга жавоб қуидагича: ерни 1 йилга π долларга ижарага оларди, яъни у бир йилда қанча фойда келтирса шунчага. Ерни ижарага олиб π доллар фойда олиш мумкин ёки фермерни ишга ёллаб ҳам π доллар фойда олиш мумкин. Шундай қилиб, ернинг бозор қиймати – рақобатлашган шароитда ернинг ижара ҳақи π доллардан бошқа нарса эмас. Агар ер қийматини эътиборга олсак, ердан оладиган иқтисодий фойда нолга тенг.

Ўзгармас омилни қанчага сотиб олдингиз бу муҳим эмас, уни қанчага сотишингиз мумкин – бу муҳим аҳамиятга эга, мана шуни ўзи альтернатив харажатни аниқлаб беради. Ҳар доим ҳам тармоққа киришга тўсиқ бўладиган ўзгармас омил бўлса, шу омилнинг мувозанат ижара тўлови ставкаси мавжуд.

Шундай қилиб, маълум маънода тармоққа кириш имконияти фойдани нолга туширадиган омил бўлиб хизмат қиласи. Тармоққа киришнинг 2 та йўли бор: янги фирма очиш ёки тармоқда фаолият юритаётган фирмани сотиб олиш. Агар фирма тармоққа кириб керакли омилларни сотиб олиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб фойда олса у шундай қиласи ҳам. Агар бирор омилнинг таклифи чекланган бўлса, унда шу омилни сотиб олувчи ва тармоққа киришни хоҳловчи компаниилар ўртасидаги рақобатни кучайиши омил нархини шундай даражага кўтарадики натижада фойда йўқолади.

Иқтисодий рента чекланган ишлаб чиқариш омилига тўланадиган тўловдан омилни сотишга қўйилиши мумкин бўлган минимал тўловни айрилганига teng.

Мисол кўриб чиқамиз: нефтни ишлаб чиқариш учун, қандайдир мөхнат, қандайдир ускуна ва энг муҳими ерни тагида нефтни ўзи бўлиши керак. Фараз қилайлик, мавжуд қудуқдан 1 баррел нефтни олиш 1 долларга тушсин. Унда 1 баррел нефтни нархи 1 доллардан ошса, бу фирмаларни мавжуд скважиналардан олинган нефтни нефт бозорида сотишга ундаиди. Лекин, нефтни нархи 1 доллардан анча юқори. Нефтни олувчилар 1 баррел нефт учун уни қазиб олишга кетган харажатдан анча юқори нарх тўлашга тайёр. Нефт нархини уни қазиб олишга кетган харажатдан ошган қисми иқтисодий рентани беради.

Нима учун фирмалар бу тармоққа кирмайди. Чунки, нефт захираси чекланган. Нефть таклифи чекланган бўлгани учун унинг нархи унга кетган харажатдан юқори.

Иккинчи мисол: индивидуал таксига лицензияни қараймиз. Лицензияни бир парча қофоз десак, уни ишлаб чиқаришга кетган харажат ҳеч нарса эмас. АҚШда Нью-Йорк шаҳрида таксига лицензия нархи 100000 доллар. Нима учун бу соҳага инсонлар фойда олиш учун кўп ҳаракат қилмайди ва хоҳлаганча лицензия ишлаб чиқармайди? Бунинг сабаби - лицензия таклифи давлат томонидан назорат қилинади ва у чекланган.


Фермер хўжалигидаги ер билан боғлиқ иқтисодий рентани қараймиз. Умуман олганда, ер майдони чекланган. Шундай қилиб, ерга тўлов – бу иқтисодий рентани ташкил этади. Иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, қишлоқ хўжалиги ер майдонинг қиймати унда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қиймати билан аниқланади. Лекин, фермер томонидан қараганда, ернинг қиймати - бу маҳсулот нархига кирадиган харажатдир. Бу ҳолат 8.10 расмда келтирилган.

Ушбу расмда AVC барча омиллар учун ўртача ўзгарувчан харажат, фақат унга ерга қилинган харажат кирмаган. Агар шу ерда етиштирилган маҳсулот нархи P^* бўлса, унда ердан олинган фойда расмдаги тўртбурчакнинг юзи билан ўлчанади - бунинг ўзи иқтисодий рента ҳисобланади.

Худди шу рента қийматида ер ижарага рақобатлашган бозорда берилади. Фойдани нолга тушириш ҳам шу суммага тушарди. Ўртача харажат AC ўз ичига ер қийматини олади.

Агар ер тўғри баҳоланса, ернинг иқтисодий фойдаси нолга teng бўлади. Нима учун деганда фойдани нолга туширишга кетган қиймат ернинг мувозанат рентасига teng: $P^* y - C_\gamma(y^*) - \text{рента} = 0$.

$$\text{рента} = P^* y^* - C_\gamma(y^*) \quad (8.1)$$



8.10-расм. Иқтисодий ер рентаси штрихланган түртбұрчак юзига тенг

(8.1) дан кўриш мумкинки, мувозанат нарх рентаны аниқлайды, тескариси эмас. Фирманинг таклифи унинг чекли харажати билан берилган, бу таклиф чизиги ўзгармас омилга боғлик әмас. Рента миқдори шундай ўзгарадики, бу ўзгариш фойдани нолга туширади.

Қисқа хulosалар

Узоқ муддатли оралиқда фирма фойдаланадиган барча омилларни ўзгартыради, шу жумладан ишлаб чиқариш қувватларини ҳам. Узоқ муддатли оралиқда фирма ўз капитали ҳажмини ўзгартыриши, яъни ишлаб чиқариш қувватини ўзгартыриши мумкинлиги фирмага ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга имкон беради. Фирма ишлаб чиқариш харажатларининг қандай ўзгариши ишлаб чиқариш масштаби самарадорлигининг ўсиши, ўзгармаслиги ва камайиши билан аниқланади.

Одатда, ишлаб чиқарышнинг бошида масштаб самарасининг ошиши, ундан кейин ўзгармас ва кейинчалик камайиши кўпгина фирмаларга хосдир. Шунинг учун ҳам узоқ муддатли оралиқда умумий ўртача харажатлар чизиги ботик кўринишга эга бўлади.

Узоқ муддатли оралиқда барча ресурслар ўзгарувчан бўлгани учун, барча харажатлар ҳам ўзгарувчан бўлади. Фирма ҳар қандай берилган ишлаб чиқариш қувватидан умумий ва ўртача харажатларни минималлаштиради. Шунинг учун ҳам узоқ муддатли ўртача харажатлар (*LAC*) графиги қисқа муддатли

оралиқдаги ўртача харажатлар графикларини бир-бирига туташтириш орқали ҳосил қилинади.

Узоқ муддатли оралиқда тармоқ таркибидаги фирманинг мувозанат ҳолати бозорда шаклланган нарх P_e нинг ушбу фирманинг ўртача харажатлари минимумига тенглиги билан белгиланади: $P_e = \min LAC(Q_e)$.

Шундай қилиб, рақобатлашувчи фирманинг узоқ муддатли ўртача харажати нархга тенг бўлса ҳам (нолга тенг иқтисодий фойда олса ҳам), у ўз ишини нормал фойда олгани учун тўхтатмайди.

Рақобатлашган бозорда тармоққа кириш ва ундан чиқиш эркин бўлгани учун ва тармоқнинг ўзи ҳам рақобатлашувчи бўлгани учун фирмаларнинг иқтисодий фойдаси нолга яқинлашиш тенденсиясига ега.

Узоқ муддатли оралиқда тармоқнинг типик вакили бўлган фирма ўз фойдасини шундай ишлаб чиқариш ҳажмида максималлаштирадики, бу ҳажмда узоқ муддатли чекли харажат маҳсулот нархига тенг бўлса: $LMC = P_e = MR$.

Узоқ муддатли оралиқда, мукаммал рақобатлашган бозорда нафакат фирма рақобатлашувчи бўлади, балки тармоқнинг ўзи ҳам рақобатлашувчи бўлади. Тармоқдан чиқиш ёки тармоққа кириш, фирмалар учун еркин бўлганлиги учун, фирмаларнинг иқтисодий фойдаси нолга яқинлашиш тенденсиясига эга.

Шунинг учун ҳам, тармоқда узоқ муддатли мувозанат ҳолатига еришилади, қачонки маҳсулот нархи P_0 тармоқнинг типик вакили бўлган фирманинг узоқ муддатли ўртча харажати минимумига тенг бўлса $P_0 = \min LAC(Q)$.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қисқа ва узоқ муддатли оралиқда рақобатлашган бозорда фирманинг талаб чизиги қандай кўринишга эга?
2. Қисқа муддатли оралиқда рақобатлашган бозорда фирманинг мувозанат ҳолати қандай аниқланади?
3. Фирманинг қисқа муддатли оралиқдаги таклиф чизиги графигини тушунтириб беринг.
4. Фирма ва тармоқнинг узоқ муддатли оралиқдаги мувозанат ҳолати қандай аниқланади?
5. Фирманинг узоқ муддатли оралиқдаги таклиф чизиги нималар билан белгиланади?
6. Тармоқнинг кенгайиш механизми қандай тарзда юз беради?

7. Ноль фойда мазмунни нимада?

8. Ўзгармас ишлаб чиқариш омили ва иқтисодий рентанинг моҳиятини тушунтириб беринг.

Асосий адабиётлар рўйхати

1. Вериан Х.Р. Микроэкономика. Учебник./ перев. с англ. под редакц. Н.Фроловой. – М.: ЮНИТИ-М, 2016. - с. 767.
2. Аддреу Mac-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2016. - 630 стр.
3. Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. -19 th ed. – New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2015. Р. 604.
4. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2011. - 580 стр.
5. Пиндейк Р., Рубинфильд Д. Микроэкономика. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2011. - с. 608.
6. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: учебник/ 2-е изд. – М.: Норма, 2012. –с. 576.

IX боб. МОНОПОЛИЯ ВА МОНОПОЛ ҲАТТИ-ҲАРАКАТ

9.1. Монополия ва бозор ҳокимияти

Рақобатлашган бозорда жуда кўп сотувчилар ва харидорлар қатнашади, шу сабабли улардан бирортаси ҳам товар нархига таъсир қилаолмайди, нархни бозорнинг ўзи талаб ва таклифга кўра шакллантиради. Сотувчилар ва харидорлар бу нархни қабул қиласидилар ва шу нархга кўра қанча маҳсулот сотиш керак ёки қанча маҳсулот сотиб олиш кераклиги бўйича қарор қабул қиласидилар. Соф монополия рақобатлашган бозорнинг акси бўлиб, бу ерда битта сотувчи ва кўплаб харидорлар қатнашади. Соф монополистнинг рақобатчиси йўқ.

Соф монополия маҳсулот ўрнини босадиган бошқа маҳсулот бўлмаган ҳудудларда вужудга келади. Умуман олганда, жаҳон ва миллий бозорларда битта маҳсулотни битта сотувчи томонидан сотилиши камдан-кам учрайди. Соф монополия кўпроқ маҳаллий бозорларга хос бўлади. Масалан, тумандаги ягона китоб магазини, ягона телефон станцияси, ягона тиш доктори, ягона жарроҳ ёки бўлмаса маҳаллий коммунал хўжалиги хизмати. Юқорида келтирилган субъектлар бозор шароитида нархга таъсир қилиш учун реал ҳокимиятга эга.

Соф монополиянинг вужудга келишига таъсир қилувчи яна бир омил бу – тармоқка кириш тўсиқларининг кучлилигидир. Бирор маҳсулотни сотишдан тушадиган иқтисодий фойда юқори бўлса, бу рақобатлашган бозор шароитида бошқа фирмаларни ҳам шу бозорга кириб келиши учун сигнал бўлар эди. Агар монопол фирма иқтисодий фойда ола бошласа, бу бошқа фирмаларни ҳам ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ундейди. Демак, соф монополияни сақлаб қолиш учун, бошқа рақобатлашмоқчи бўлган фирмалар учун маҳсус тўсиқлар бўлишини тақазо қиласи. Тармоқга кириш тўсиқлари – бу монопол фирма бозорига бошқа сотувчиларни кириб келишини тўхтатувчи чекланишлар.

Тармоқга кириш тўсиқларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

1. Давлат томонидан берилган маҳсус ҳуқуқ. Масалан, маҳаллий ҳокимиятларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, почта хизмати кўрсатиш, коммунал хизмати кўрсатиш ва алоқа хизмати кўрсатиш бўйича монопол ҳуқуqlар бериб, расмий тўсиқлар яратади.

2. Патентлар ва муаллифлик ҳуқуқи, янги технология яратганлар учун патент ва муаллифлик ҳуқуқи берилиши, уларга ушбу янгиликни сотишда, ундан фойдаланиш учун лицензия беришда монопол ҳуқуқ берилади. Лекин бундай ҳуқуқ маълум муддатгача кучга эга бўлади. АҚШ да патент қонунига кўра ихтирочи ўз ихтиросига 17 йил эгалик қиласи.

3. Бирор бир ишлаб чиқариш ресурси таклифига эгалик қилиш. Масалан, Американинг “Де Бирс” компанияси жаҳонда сотиладиган, қайта ишланмаган олмоснинг 85 фоизини назорат қилгани учун, олмос бозорида монопол ҳокимиятга эга. Юқоридагилардан ташқари инсоннинг ноёб қобилияти ва билими ҳам монополияни вужудга келтиради.

Ишлаб чиқариш масштаби кенгайишининг мусбат самараси ҳам тармоққа кириш учун тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан, автомобиль заводи маълум миқдорда автомобиль ишлаб чиқаришга эришгандагина, унинг умумий харажатлари минимал бўлади.

Монопол ҳокимият. Фирма монопол ҳокимиятга эга бўлади, қачонки у ўзининг сотадиган товари нархига таъсир қилаолса, яъни ўзгартираолса. Монопол ҳокимият даражаси ушбу товар ўрнини босувчи товарнинг мавжудлиги ва товарнинг бозордаги улуши билан белгиланади. Монопол ҳокимиятга эга бўлиш учун фирманинг соф монополист бўлиши шарт эмас. Фирма маҳсулотига бўлган талаб чизиги рақобатлашган бозордагидай гаризонтал бўлмасдан, пастга ётиқ бўлиши кифоядир. Агар талаб чизиги пастга ётиқ бўлса, фирма таклиф ҳажмини ошириб ёки камайтириб, маҳсулот нархини ўзгартириши мумкин.


Умумун олганда монополист нархни назорат қилишидан ютуқقا эга бўлади. Монополистнинг таклифи рақобатлашган бозор таклифига кўра кам бўлади, товар нархи эса, рақобатлашган нархга нисбатан юқори бўлади (монопол нарх чекли харажатдан юқори).

Товарларни монопол нархда сотилиши жамият харажатини кўпайтиради, ахолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Нима учун деганда, ушбу товарни сотиб олувчилар кўпроқ пул сарфлайди, шу товарни сотиб олувчилар сони ҳам камаяди. Шунинг учун ҳам монополияга қарши қонун, бозорларни монополияга айлантиришга йўл кўймайди.

Монополист маҳсулотига талаб. Рақобатлашган бозорда фирма максимал фойда олади, агар у чекли даромад чекли харажатга тенг ҳолатни таъминлайдиган ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарса: $MR = MC$.

Бундай маҳсулот ҳажми оптимал бўлади. Монополист ҳам шу оптимал ишлаб чиқариш шартига амал қилиши керак бўлади. Соф монополист товарига бўлган талаб ҳам бозор талаби ҳисобланади. Монополист ўз товари нархини ошиrsa унга талаб камаяди ва аксинча, монополист товар нархини туширса унга талаб ортади (9.1-расм).

Худди шундай соф монополист таклифи ҳам бозор таклифи ҳисобланади. Масалан товар ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан харажатлари ошса, монополист максимал фойда олиш учун товар ҳажмини қисқартиради.



9.1-расм. Соф монополияда фирманинг маҳсулотига талаб, унинг чекли ва умумий даромади

Таклиф ҳажмининг қисқариши ва харидорлар ўртасида рақобатнинг мавжудлиги товар нархини оширади. Рақобатлашган бозорда фирманинг чекли даромади маҳсулот нархига тенг $MR = P$ ва талаб чизиги горизонтал бўлса, монопол бозорда монополист маҳсулотига бўлган талаб чизиги пастга ётикроқ ва монополистнинг чекли даромади ҳар доим нархдан кичик бўлади: $MR < P$.

Монопол фирманинг маҳсулотига талаб билан унинг чекли ва умумий даромади ўртасидаги боғлиқликларни қуидаги расмда кўриш мумкин.


Талаб чизигининг эластик қисмида чекли даромад $MR > 0$ бўлгани учун монополист маҳсулот ҳажмини нолдан, Q^* миқдоргача оширганда унинг умумий даромади TR ошади. Талаб чизигининг эластик бўлмаган қисмида чекли даромад манфий, яъни $MR < 0$ бўлгани учун, талаб чизигининг ушбу қисмида ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий даромадни камайтиради. Шунинг учун ҳам монополист талаб чизигининг эластик бўлмаган қисмидан қочишга ҳаракат қиласди.

Агар монополистнинг талаб чизиги рақобатлашган бозордагидай горизонтал бўлгандა эди, у товар ҳажмини ўзгартириши билан нархга таъсир қила олмас эди. Монополлашган бозорда таклиф чизиги маънога эга эмас. Нима учун деганда, ишлаб чиқариладиган маҳсулот (таклиф) миқдори билан нарх ўртасида пропорционал боғлиқлик йўқ. Монополистнинг қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариши нафақат чекли харажатга боғлиқ, балки талаб чизигининг шаклига ҳам боғлиқ бўлади.

Монопол бозорда талабнинг ўзгариши нархнинг ва таклифнинг рақобатлашган бозордагидай пропорционал ўзгаришига олиб келмайди. Монополист, талаб ўзгарганда маҳсулот ҳажмини ўзгартирмасдан нархни ўзгартириши ёки нархни ўзгартирмасдан маҳсулот ҳажмини ўзгартириши ёки бир вақтнинг ўзида нархни ҳамда маҳсулот миқдорини ўзгартириш мумкин.

Монополистнинг мақсади максимал фойда олиш бўлса, у товар нархини хоҳлаганча ошира олмайди. Нарх ошиши билан маҳсулотга талаб камайиб боради, нарх ошиши маълум даражага етганда умумий даромад умумий харажатни қопламайди. Монополист қандай нарх стратегиясини тутишини билиш учун даромаднинг нархга кўра талаб эластиклиги билан қандай боғлиқлигини эслаш зарур бўлади. Талаб чизигининг эластик бўлган қисмида ($E_p > 1$) нархнинг пасайиши умумий даромадни ўсишига олиб келади ($MR > 0$), эластиклик бирга teng бўлганда ($E_p = 1$) умумий даромад максимумга эришади ($MR=0$), эластик бўлмаган қисмида нархнинг пасайиши умумий даромадни пасайишига олиб келади ($MR < 0$). Шуни тушунган монополист талаб чизигининг эластик бўлмаган қисмида ҳаракат қилмайди.

Биз кўрсатамиз монополист ҳам рақобатлашган бозордаги фирма каби чекли ҳаракат билан чекли даромадни тенглигини таъминлайдиган ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарсагина максимал фойда олиши мумкин (9.2-расм).



9.2-расм. $MC = MR$ бўлганда фойдани максималлаштириш графиги.

Графикдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш ҳажми Q_m га тенг бўлганда чекли харажат чекли даромадга тенг бўлади. Талаб чизигидан фойдаланиб маҳсулот ҳажми Q_m га мос бўлган бир бирлик маҳсулотнинг монопол нархи P_m ни аниқлаймиз. Ушбу Q_m га тенг бўлган маҳсулот ҳажмида фойда максимал бўлишини кўрсатамиз. Маълумки, рақобатлашган бозорда мувозанатлик E нуқтада эришилади. Графикда E нуқта мувозанат нуқта ва унга мос келадиган ишлаб чиқариш ҳажми Q_e ва нарх P_e .

Фараз қилайлик, монополист ишлаб чиқарган маҳсулот миқдори Q_1 бўлсин ва у Q_m дан кичик $Q_1 < Q_m$, бу ҳолатга мос келадиган нарх P_1 ҳам P_m дан юқори ва чекли даромад чекли харажатдан катта $MR > MC$.

Монополист маҳсулот ҳажмини Q_1 дан оширса, у ҳар бир бирлик қўшимча ишлаб чиқарган маҳсулоти учун $MR - MC$ га тенг бўлган қўшимча фойда олиши мумкин, яъни у ўзининг умумий даромадини ошириши мумкин. Монополист маҳсулот ҳажмини ошириб, умумий фойдани ошириши мумкин то маҳсулот ҳажми Q_m га тенг бўлгунга қадар, маҳсулот ҳажми Q_m га тенг бўлганда, кейинги қўшимча бир бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулотдан тушадиган даромад нолга тенг, нима учун деганда $MR = MC$ бўлади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш ҳажми Q_1 га тенг бўлганда монополистнинг умумий фойдаси расмдаги штрихланган FKM соҳага тенг бўлган миқдорга камаяди. Монополист учун Q_2 миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам унинг умумий фойдасини камайтиради. Q_2 ҳажмда чекли харажатлар чекли даромадлардан юқори ($MC > MR$).

Агар монополист ишлаб чиқариш ҳажмини Q_2 га нисбатан камайтиrsa, у ўзининг умумий фойдасини $(MC - MR)$ миқдорга оширган бўларди. Монополист маҳсулот ҳажмини Q_2 дан Q_m га қадар қисқартириши натижасида умумий фойдани MEL штрихланган соҳа миқдорида ошириши мумкин. Q^* ҳажмдан кейин маҳсулот ҳажмини қўшимча бирликка қисқартирилиши умумий фойдани оширмайди ($MC = MR$ бўлади). Расмда $Q = 0$ билан Q_m ва MC ҳамда MR чизиқлар оралиғидаги соҳа монополистик томонидан кам миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариб ўта юқори нархда сотиш муносабати билан йўқотиладиган фойдани ифодаласа, маҳсулот ҳажми Q_m дан катта бўлгандаги ва MC билан MR оралиғидаги соҳа ниҳоятда кўп маҳсулот ишлаб чиқариб

$(Q > Q_m)$, паст нархларда сотилиши натижасида йүқотиладиган фойдани ифодалайди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми Q_m фойдани максимал қиласидиган ҳажм эканлигини математик нуқтаи назардан ҳам күрсатиш мумкин. Умумий фойдани π билан белгиласак $\pi(Q) = TR(Q) - TC(Q)$,

ва бу муносабатдан Q бўйича ҳосила олиб, уни нолга тенглаштириб ёзамиш: $\frac{d\pi}{dQ} = \frac{dR}{dQ} - \frac{dC}{dQ} = 0$.

Бу ерда $\frac{dR}{dQ} = MR$ ва $\frac{dC}{dQ} = MC$ бўлгани учун ҳам фойдани максималлаштириш шарти $MR - MC = 0$ ёки $MR = MC$ бўлади.

9.2. Монопол шароитда нарх белгилаш ва монопол ҳокимиёт кўрсаткичлари

Биз кўрдикки, монопол бозорда нарх чекли даромаддан юқори бўлади ($P > MR$). Чекли даромад MR ни қўйидагича ўзгартириб ёзамиш:

$$MR = \frac{\Delta TR}{\Delta Q} = \frac{\Delta(P \cdot Q)}{\Delta Q} \quad (1)$$

$\frac{\Delta(P \cdot Q)}{\Delta Q}$ - бу қўшимча бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида олинган қўшимча даромад бўлиб, у икки хусусиятга эга. (1)- тенгликни қўйидагича ёзиш мумкин: $MR = \frac{\Delta P \cdot Q}{\Delta Q} + \frac{P \cdot \Delta Q}{\Delta Q} = Q \cdot \frac{\Delta P}{\Delta Q} + P$. (2)

1) Бир бирлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариб ($\Delta Q = 1$), уни P нархда сотганимизда $P \cdot (1) = P$ нархга тенг бўлган даромад оламиш;

2) Монопол фирма маҳсулотига бўлган талаб чизиги пастга ётиқ бўлгани учун қўшимча бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариб, уни сотилиши, нархни кичик миқдорга камайтиради ($\frac{\Delta P}{\Delta Q}$ - қўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқариб сотиш натижасида нарх қанча миқдорга камайишини кўрсатади) ва бу барча сотилган маҳсулотдан тушган даромадни камайтиради (яъни $Q \cdot \frac{\Delta P}{\Delta Q}$ - даромаднинг ўзгариши). Демак $MR = P + Q \cdot \frac{\Delta P}{\Delta Q}$ (3) ва бу ерда $\frac{\Delta P}{\Delta Q}$ талаб

чилиғи манфий ётиқликка эга бўлгани учун чекли даромад нарх P дан кичик бўлиши керак (нима учун деганда ΔP манфий).

Энди чекли даромад билан талаб чилиғи ётиқлиги ўртасидаги боғлиқликни чекли даромад билан нархга кўра талаб эластиклиги коэффициенти ўртасидаги боғлиқликка айлантирамиз. Маълумки, талабнинг

нархга кўра эластилик коэффициенти $E_p^D = \frac{P}{Q} \cdot \frac{\Delta Q}{\Delta P}$, бундан $\frac{\Delta P}{\Delta Q} = \frac{P}{Q \cdot E_p^D}$,

бу муносабатни чекли даромад тенгламаси (3) га қўйсак қўйидагини оламиз:

$$MR = P + Q \cdot \frac{P}{Q \cdot E_p^D} = P + P \cdot \frac{1}{E_p^D}, \quad MR = P + P \cdot \frac{1}{E_p^D} \quad (4).$$

(4)- тенглама чекли даромадни ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳажмида товар нархидан ва талабнинг нархга кўра эластиклигидан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Иккинчидан, $MR < P$ эканлигини ҳам кўрсатади.

Фирманинг мақсади фойдани максималлаштириш бўлгани учун биз чекли даромадни чекли харажатга тенглаштириб ёзамиш:

$$MR = P + P \cdot \frac{1}{E_p^D} = MC \text{ ёки } \frac{P - MC}{P} = -\frac{1}{E_p^D} \quad (5).$$

Ушбу формула монопол нарх белгилашда “Бош бармоқ” қоидаси номи билан юритилади (эсдан чиқармаслик керак $E < 0$, демак (5)-ифоданинг ўнг томони ҳар доим мусбат). (5)-тенгламанинг чап томонидаги ифода $\frac{P - MC}{P}$ нархнинг чекли харажатдан қанчалик юқори эканлигини, нархга нисбатан фоиз ҳисобида кўрсатади ва бу фарқ тескари олинган манфий эластилик коэффициентига teng. (5) тенгликни нархга боғлиқ ҳолда ҳам ёзиш мумкин:

$$P = \frac{MC}{1 + \left(\frac{1}{E_p^D} \right)}.$$

Масалан эластилик $E_p^D = -5$ бўлганда ва чекли харажат $MC = 30$ бўлганда, маҳсулот нархи $P = \frac{30}{1 + \left(\frac{1}{-5} \right)} = 37,5$ сўм бўлади.

Рақобатлашган бозорда $P = MC$ бўлганини кўрган эдик. Монополист нархни чекли харажатдан юқори белгилайди ($P > MC$) ва бу фарқ миқдор бўйича талаб эластиклигига тескари пропорционал бўлади (5). (5)-тенгламадан шундай хулоса келиб чиқадики, агар талабнинг нарх бўйича эластиклиги қанча юқори бўлса, маҳсулот нархи шунча чекли харажатга (MC га) яқинлашади.

Нарх қанчалик чекли харажатга яқин бўлса, монопол бозор рақобатлашган бозорга шунчалик яқин бўлади. Демак, талаб юқори даражада эластик бўлса, монополист оладиган қўшимча фойда шунча кичик бўлади.

Монопол ҳокимият кўрсаткичи. Рақобатлашган бозорда нарх чекли харажатга тенг бўлиши, максимал фойда олишнинг зарурий шарти эди. Монопол бозорда нарх чекли харажатдан юқори белгиланади ($P > MC$). Ана шу фарқ ($MC - P$), яъни фойдани максималлаштирадиган нарх билан чекли харажат ўртасидаги фарқ монопол ҳокимиятни ўлчаш усули бўлиши мумкин. Монопол ҳокимиятни худди ушбу усулда аниқлашни 1934 йилда иқтисодчи олим Абба Лернер томонидан таклиф қилинганлиги учун, бу кўрсатгич Лернернинг монопол кўрсаткичи деган номни олган: $L = \frac{P_m - MC}{P_m} = -\frac{1}{E_p^D}$,

Бу ерда: L - монопол ҳокимиятнинг Лернер индекси;

P_m - монопол нарх;

MC - чекли харажат;

E_p^D - талабнинг нархга кўра эластиклиги.

Масалан, бензинга талабнинг нарх бўйича эластиклиги -5 бўлса:

$$-\frac{1}{E_p^D} = -\frac{1}{-5} = 0,2.$$

Бензин сотувчи фирманинг монопол ҳокимияти 0,2 га тенг.

Шуни таъкидлаш керакки, юқори монопол ҳокимият юқори фойда олишни қафолатламайди. Фойда ўртача харажатнинг нархга бўлган нисбатига боғлиқ. Агар икки фирмадан биринчисининг монопол ҳокимияти, иккинчи фирманикига кўра юқори бўлса ва биринчи фирманинг ўртача харажати жуда юқори бўлса, унинг оладиган фойдаси иккинчи фирма фойдасидан кичик бўлади. Юқоридаги тенглама кўрсатадики, талаб қанчалик эластик бўлмаса, шунчалик монопол ҳокимият юқори. Демак, монопол ҳокимиятнинг келиб чиқиши сабаби, талаб эластиклигидадир.

Амалиётда чекли харажатни ҳисоблаш қийин бўлгани учун, уни ўртача харажат билан алмаштиради. Бу ҳолда формула қуйидаги кўринишни олади:

$$L = \frac{P - AC}{P}.$$

Агар биз ифоданинг сурат ва маҳражини Q га кўпайтирсак, маҳражда умумий даромадни, суратда фойдани оламиз: $L = \frac{(P - AC) \cdot Q}{P \cdot Q} = \frac{\pi}{TR}$.

Шундай қилиб, Лернер кўрсаткичи юқори фойда олишни монополиянинг далолати эканлигини кўрсатади.

Монопол ҳокимиятни характерлаш учун бозорни марказлашув даражаси кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Бу кўрсаткич биринчи бўлиб Херфиндал-Хиршман томонидан тавсия этилгани учун, у Херфиндал-Хиршман индекси деб юритилади.

Бу индекс корхоналарнинг бозордаги улушлари йиғиндиси сифатида қаралади ва қайси фирманинг бозордаги улуши юқори бўлса, у фирма бозорда монопол ҳокимиятига эга бўлиши мумкин ёки шундай имконият мавжуд деб қаралади. Фирмалар бозордаги улушкига кўра тартиблаштирилади.

$$I = S_1^2 + S_2^2 + S_3^2 + \dots + S_n^2,$$

бу ерда: I - Херфиндал-Хиршман индекси;

S_1^2 - бозорда энг катта улушкига эга бўлган фирма;

S_2^2 - ундан кейинги катталикдаги улушкига эга фирма ва хоказо;

S_n^2 -энг кичик улушкига эга бўлган фирма.

Агар тармоқда ягона фирма бўлиб, унинг маҳсулоти тармоқ маҳсулотини ташкил қилса, $S_1^2=100$ фоиз бўлади ва бундай ҳол соф монополия бўлади, яъни Херфиндал-Хиршман индекси $I=10000$ га тенгdir.


Масалан, АҚШ да Херфиндал-Хиршман индекси $I=1800$ дан ошган тармоқлар, монопол тармоқларга киради. Юқоридаги индексдан монополияга қарши олиб бориладиган фаолиятда фойдаланилади. Бозорнинг катта қисмини бир неча фирмалар томонидан эгаллаб олиниш ҳолатига **бозорнинг марказлашуви** дейилади.

9.3. Монопол ҳокимият ва жамият фаровонлиги

Монопол ҳокимиятда нарх чекли харажатдан юқори бўлади. Монопол ҳокимиятда нарх ошади, ишлаб чиқариш ҳажми камаяди, натижада бу фирманинг даромадини ошишига ва истеъмолчилар турмуш даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ортиқчаларини монопол ва рақобатлашган бозор шароитларида қараймиз (9.3-расм).

Рақобатлашган бозордаги ишлаб чиқарувчилар ва монопол ишлаб чиқаришнинг чекли харажатлари (MC) бир хил деб фараз қилайлик. 4-расмда монополистнинг ўртача ва чекли даромадлар чизиклари AR , MR ва чекли харажатлари чизиги кўрсатилган.



9.3-расм. Монопол ҳокимиятидан олинадиган зарарни ифодаловчи график

Маълумки, монополист ўз фойдасини $MC = MR$ бўлишини (B нуқта) таъминлайдиган ишлаб чиқариш ҳажмида максималлаштиради. Монополистнинг оптималь ишлаб чиқариш ҳажми Q_m га ва у белгилайдиган нарх P_m га тенг. Рақобатлашган бозорда $P = MC$ бўлгандаги ишлаб чиқариш ҳажми максимал фойдани таъминлайди ва талаб чизиги билан таклиф чизиги кесишган нуқта E да мувозанат нарх P_e ва мувозанат ишлаб чиқариш ҳажми Q_e аниqlанади.

Монопол нархда истеъмолчилар камроқ маҳсулот сотиб оладилар. Маҳсулотни монопол нархда сотиб олган харидорлар ўзларининг истеъмол ортиқасининг маълум қисмини йўқотади, бу йўқотиш 9.3-расмда P_eP_mAC тўғри тўртбурчак юзасига тенг. Маҳсулотни P_e нархда сотиб олишни хоҳлаган, лекин P_m нархда сотиб олаолмаган истеъмолчилар ҳам, истеъмол ортиқасининг қисмини йўқотади, 9.3-расмда бу йўқотиш AEC учбурчак юзасига тенг. Истеъмолчиларнинг истеъмол ортиқасининг умумий йўқотиши P_eP_mAC тўртбурчак юзи билан AEB учбурчак юзи йиғиндисига тенг. Ишлаб чиқарувчи эса маҳсулотни юқори P_m нархда сотиб P_eP_mAC тўртбурчак юзи билан ифодаланган фойдани олади, аммо, шу билан бирга у ишлаб чиқариш ортиқасининг BCE учбурчак юзасига тенг бўлган қисмини йўқотади, яъни у

қўшимча ($Q_e - Q_m$) бирлик маҳсулот ишлаб чиқариб, уни P_e нархда сотиб олиш мумкин бўлган қўшимча фойдасини йўқотади.


Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчининг умумий фойдаси $P_e P_m AC$ тўртбурчак юзидан, BCE учбурчак юзасини айирмасига тенг. Энди ишлаб чиқарувчининг умумий фойдасидан истеъмолчи йўқотган истеъмол ортиқласини айирсак ($ABE = AEC + BCE$), ABE учбурчак юзасига тенг бўлган соф йўқотишни оламиз. Бу соф йўқотиш, монопол ҳокимиятидан келиб чиқади.

9.4. Солиқларнинг монополистга таъсири.

Монополиянинг самарасизлиги

Юқорида кўрган эдикки, рақобатлашган бозорда бир бирлик маҳсулотга қўйилган солиқ маҳсулотнинг бозор нархини солиқ миқдорига нисбатан кичикроқ миқдорга ўзгартиради ва бу солиқ юки ҳам истеъмолчига, ҳам сотувчига тақсимланади. Монопол бозорда солиқ қўйилганда, маҳсулот нархи солиқ миқдоридан кўпроқ миқдорга ҳам ошиши мумкин.

Фараз қиласайлик, монопол бозорда ҳар бир бирлик маҳсулот солиқка тортилади. Солиқ миқдори t сўмга тенг ва монополист сотилган ҳар бирлик маҳсулот учун давлатга t сўм солиқ тўлайди. Демак, фирманинг ўртача ва чекли харажатлари t сўмга ошади. Агар фирманинг бошланғич чекли харажати MC бўлса, солиқка тортилгандан кейинги чекли харажати қуидагича бўлади. 9.4-расмда солиқ хисобига ўзгарган чекли харажат чизиги MC^t бошланғич чекли харажат чизигини t миқдорига юқорига силжитиш орқали ҳосил қилинди.



9.4-расм. Монопол товар нархига солиқнинг таъсири

Натижада MC^t чизиги чекли даромад чизигини, янги B_1 нүктада кесиб ўтади. Биз солиқга тортилмаган вақтдаги ишлаб чиқариш ҳажми Q_0 ва нарх P_0 ни ва солиқга тортилгандан кейинги ишлаб чиқариш ҳажми Q_1 ва нарх P_1 ларни оламиз.

Чекли харажат чизигини юқорига силжиши ишлаб чиқариш ҳажмини Q_0 дан Q_1 гача пасайтиради, нархни P_0 дан P_1 га кўтаради. 9.4-расмдаги графикдан кўриниб турибдики, нархнинг ўсиши солиқ миқдоридан катта $\Delta P > t$. Бунинг сабаби, монопол бозорда нархнинг чекли харажатга нисбати талабнинг эластиклигига боғлиқ, яъни $E_p^D = P + \frac{P}{MC}$.

Масалан, $E_p^D = -2$ бўлса, монопол нарх формуласига кўра, солиқ t га тенг бўлганда: $P = \frac{MC + t}{1 + \frac{1}{-2}} = 2(MC + t) = 2MC + 2t$.

Нарх солиқ миқдорига нисбатан икки баробар ортади.

Қисқа хуносалар

Соф монополия рақобатлашган бозорнинг акси бўлиб, бу ерда битта сотувчи ва кўплаб харидорлар қатнашади. Соф монополистнинг рақобатчиси йўқ. Соф монополия маҳсулот ўрнини босадиган бошқа маҳсулот бўлмаган худудларда вужудга келади.

Соф монополиянинг вужудга келишига таъсир қилувчи яна бир омил бу - тармоққа кириш тўсиқларининг кучлилигидир. Тармоққа кириш тўсиқлари - бу монопол фирма бозорига бошқа сотувчиларни кириб келишини тўхтатувчи чекланишлар.

Фирма монопол ҳокимиятга эга бўлади, қачонки у ўзининг сотадиган товари нархига таъсир қилолса, яъни ўзгартираолса. Монопол ҳокимият даражаси ушбу товар ўрнини босувчи товарнинг мавжудлиги ва товарнинг бозордаги улуши билан белгиланади. Монополистнинг таклифи рақобатлашган бозор таклифига кўра кам бўлади, товар нархи эса, рақобатлашган нархга нисбатан юқори бўлади (монопол нарх чекли харажатдан юқори).

Монополист, талаб ўзгарганда маҳсулот ҳажмини ўзгартирмасдан нархни ўзгартириши ёки нархни ўзгартирмасдан маҳсулот ҳажмини ўзгартириши ёки бир вақтнинг ўзида нархни ҳамда маҳсулот миқдорини ўзгартириш мумкин.

Монопол ҳокимиятни аниқлашни 1934 йилда иқтисодчи олим Абба Лернер таклиф қилганлиги учун, бу кўрсатгич Лернернинг монопол

$$\text{кўрсаткичи деган номни олган: } L = \frac{P_m - MC}{P_m} = -\frac{1}{E_p^D},$$

Монопол ҳокимиятни характерлаш учун бозорни марказлашув даражаси кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Бу кўрсаткич биринчи бўлиб Херфиндал-Хиршман томонидан тавсия этилгани учун, у Херфиндал-Хиршман индекси деб юритилади: $I = S_1^2 + S_2^2 + S_3^2 + \dots + S_n^2$,

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Рақобатлашмаган бозорларда нарх ва ишлаб чиқариш ҳажми қандай аникланади?
2. Монополиянинг жамият учун фойдали ва заарли томонларини изоҳлаб беринг.
3. Бозор ҳокимияти деганда нимани тушунасиз?
4. Монопол нархга солиқ қандай таъсир кўрсатади?
5. Монополиянинг жамият учун фойдали ва заарли томонларини изоҳлаб беринг.
6. Бозор ҳокимияти деганда нимани тушунасиз?
7. Монопол нархга солиқ қандай таъсир кўрсатади?
8. Лернернинг монопол кўрсаткичи моҳияти нимада?
9. Херфендал-Хиршман индекси нимани ифодалайди.
10. Монопол шароитда нарх қандай аникланади?

Асосий адабиётлар рўйхати

1. Вериан Х.Р. Микроэкономика. Учебник./ перев. с англ. под редакц. Н.Фроловой. – М.: ЮНИТИ-М, 2016. - с. 767.
2. Аддреу Mac-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2016. - 630 стр.
3. Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. -19 th ed. – New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2015. Р. 604.
4. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2011. - 580 стр.
5. Пиндайк Р., Рубинфильд Д. Микрэкономика. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2011. - с. 608.
6. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: учебник/ 2-е изд. – М.: Норма, 2012. –с. 576.

Х боб. ОЛИГОПОЛИЯ ВА ЎЙИНЛАР НАЗАРИЯСИ

10.1. Олигополия бозори. Курно модели ва мувозанати

Олигополия – бу шундай бозор турики, ундағы товар таклифининг ҳаммаси, ёки деярли ҳаммаси бир неча ишлаб чиқарувчи фирмалар томонидан бўлиб олинган ва бу бозорга янги фирмаларнинг кириши катта тўсиқ орқали чекланган бўлади.

Олигополия сўзи грекча бўлиб (*ολιγος* – бир нечта, *πολεο* – сотаман) сотувчиларнинг камлигини билдиради. Олигопол тармоқларга мисол сифатида АҚШнинг автомобиль саноати, пўлат, алюминий, электроускуналар ва компьютер тармоқларини келтириш мумкин. Бу тармоқда умумий маҳсулот ҳажми бир неча фирмалар ҳиссасига тўғри келади.

Олигополистик бозорни унинг қуйидаги учта хусусияти ажратиб туради: биринчидан, тармоқда фаолият кўрсатаётган фирмаларнинг камлиги; иккинчидан, тармоқга кирувчи фирмалар учун кучли тўсиқларнинг мавжудлиги; учинчидан, олигополистик бозордаги фирмаларнинг ҳаракати бир-бирига боғлиқлиги.

Олигополистик бозорнинг учинчи хусусиятига кўра, фирмаларнинг иқтисодий ҳаракатлари бир-бирига боғлик, яъни ҳар бир фирма бирор иқтисодий стратегияни танлаганда, бошқа фирмаларнинг ушбу стратегияга бўлган муносабатини еътиборга олиш керак бўлади.

Масалан, бир фирма ўз маҳсулотига талабни рағбатлантириш учун маҳсулотининг нархини 10 фоизга камайтиrsa, у асосан рақобатлашувчи фирмалар ҳисобидан ўз маҳсулотини сотиш ҳажмини анчага ошириб улар ҳисобидан қўшимча фойда олиши мумкин. Лекин фирманинг бу нарх сиёсатига жавобан бошқа рақобатлашувчи фирмалар ҳар хил иқтисодий сиёсат олиб бориши мумкин: биринчидан, бошқа фирмалар еътибор бермаслиги мумкин; иккинчидан, улар ҳам нархни 10 фоизга тушириши мумкин, натижада фирмалар оладиган фойда микдори камаяди, ҳатто нолга teng бўлиши ҳам мумкин; учинчидан, бошқа фирма бу фирмани синдириш мақсадида маҳсулотига бўлган нархни 10 фоиздан юқорироқга пасайтириши мумкин, лекин бундай ҳолатни давом етиши нархлар жангига олиб келиши мумкин. **Нархлар жангиги** – бу рақобатлашадиган фирмалар томонидан олигополистик бозорда нархларни босқичма-босқич туширишидир.


Умуман олганда, олигополистик бозорда фирма томонидан қабул қилинган ҳар қандай иқтисодий сиёсат – нархларни ўзгартириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш, рекламани кучайтириш – рақобатлашувчи

фирмаларнинг ушбу сиёсатга бўлган муносабатини билишни ва уни прогноз қилишни талаб қиласди.

Нархлар жанги нарх ўртача харажатга тенг бўлгунга қадар давом етади, яъни $P = AC = MC$. Бу тенглик олигополистик бозор мувозанатини беради. Мувозанат ҳолатда ҳеч бир фирма нархини камайтиришдан қўшимча фойда олаолмайди. Мувозанат ҳолатда фирмаларнинг иқтисодий фойдаси нолга тенг.

Курно модели. Икки рақобатлашувчи фирма ўртасидаги муносабатларни дуополия шароитида 1938 йил биринчи бўлиб ўрганган франсуз иқтисодчиси О.Курно ҳисобланади. Бу муносабатни ўрганишда қўйидагилар фараз қилинади: иккала фирма ҳам бир хил товар ишлаб чиқаради ва бу товарларга бўлган бозор талаби чизиги уларга маълум.

Иккала фирма ҳам бир вақтнинг ўзида мустақил равишда товар ишлаб чиқариш бўйича қарор қабул қиласди. Ишлаб чиқариш бўйича қарор қабул қилинганда, ҳар бир фирма шуни билиш керакки, унинг рақобатчиси ҳам ишлаб чиқариш бўйича қарор қабул қиласди ва маҳсулотнинг пировард нархи иккала фирма томонидан ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлади. Курно моделида ҳар бир фирма маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қарор қабул қилганда, рақобатчи фирма томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини ўзгармас деб қарайди. Курно моделини мисолда кўриб чиқамиз (10.1-расм).




10.1-расм. Биринчи фирманинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини иккинчи фирманинг ишлаб чиқариш ҳажмига кўра оптималлаштириш графиги.

Фараз қилайлик, иккинчи фирма маҳсулот ишлаб чиқармайды. У ҳолда биринчи фирманинг талаб чизиги (биринчи фирма маҳсулотига талаб) бозор талаб чизиги билан устма-уст тушади. 10.1-расмда бу чизик $D_1(0)$. Фараз қилайлик, биринчи фирманинг чекли харажатлари MC_1 ўзгармас.

Биринчи фирманинг талаб чизигига мос келадиган чекли даромад чизиги $MR_1(0)$ ҳам расмда келтирилган. Расмдан кўриниб турибиди, биринчи фирманинг фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чиқариш ҳажми 60 бирликка тенг ($MR_1(0)$ билан MC_1 чизиклари кесишигандан нуқта). Шунинг учун ҳам биринчи фирма иккинчи фирма маҳсулот ишлаб чиқармайди, деб фараз қилганда, максимал даражада, яъни 60 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин.

Агар биринчи фирма, иккинчи фирма 60 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаради, деб фараз қилса, у ҳолда биринчи фирманинг талаб чизиги 60 бирлик чапга силжиган бозор чизиги сифатида келади. Расмда бу талаб чизиги $D_1(60)$ билан ифодаланган, бу талаб чизигига мос чекли даромад чизиги $MR_1(60)$ бўлади. Бундай ҳолда биринчи фирманинг фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чиқариш ҳажми 30 бирликга тенг (бу нуқта $MR_1(60)$ ва MC_1 чизиклари кесишигандан нуқта). Агар биринчи фирма иккинчи фирма 90 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаради, деб фараз қилса, биринчи фирманинг янги талаб чизиги олдингисига нисбатан чапга 30 бирлик силжийди. Бу чизик расмда $D_1(90)$. Енди биринчи фирма фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чиқариш ҳажми 15 бирликка тенг. ($MR_1(90)=MC_1$ бўлган нуқта). Ва ниҳоят, биринчи фирма иккинчи фирмани 20 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаради, деб фараз қилсин. У ҳолда биринчи фирманинг талаб ва чекли даромад MR_1 чизиклари вертикал ордината ўқини кесиб ўтади (бу расмда келтирилмаган) ва биринчи фирма умуман маҳсулот ишлаб чиқармайди. Агар биз биринчи фирманинг маҳсулот ишлаб чиқаришини иккинчи фирманинг ишлаб чиқаришдан боғлиқ ҳолда қандай ўзгаришни графикда (10.2-расм) кўрадиган бўлсак, биринчи фирманинг иккинчи фирмадан боғлиқ ишлаб чиқариш чизигини оламиз, яъни бундай боғлиқликни $Q_1(Q_2)$ функция кўринишида ифодалашимиз мумкин.

Биринчи фирманинг иккинчи фирма ишлаб чиқаришга кўра, ишлаб чиқариш чизиги $Q_1(Q_2)$ расмда AB чизигини беради. Худди шундай, иккинчи фирманинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини биринчи фирма ишлаб чиқаришига кўра таҳлил қилиб, натижада иккинчи фирманинг ишлаб чиқариш чизиги $Q_2(Q_1)$ ни олишимиз мумкин (10.2-расм).



10.2-расм. Курно мувозанати

$Q_2(Q_1)$ чизиги иккинчи фирманинг биринчи фирма ишлаб чиқариш ҳажмини фараз қылғандаги ва шу биринчи фирманинг ишлаб чиқариши иккинчи фирманинг ишлаб чиқариш ҳажмидан боғлиқ еканлигини ифодалайды. Агар фирмаларнинг чекли харажатлари бир-бираидан фарқ қилса, яъни $MC_1 \neq MC_2$ бўлса, уларнинг ишлаб чиқариш чизиқлари $Q_1(Q_2)$ ва $Q_2(Q_1)$ лар ҳам бир-бираидан фарқ қиласди.

Биринчи фирманинг ишлаб чиқариш чизиги билан иккинчи фирманинг ишлаб чиқариш чизиги кесишган E нуқтага мос келувчи биринчи ва иккинчи фирмалар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмлари мувозанати **Курно мувозанати** дейилади.

Мувозанат нуқтада ҳар бир фирма ўзининг рақобатчи фирмасининг ишлаб чиқариш ҳажмини аниқ фараз қиласди. Мувозанат нуқтага мос ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми иккала фирма учун ҳам оптимал ҳисобланади ва ҳеч қайси фирма ўз маҳсулотининг ишлаб чиқариш ҳажмини оптимал ҳажмдан кўпроқ ёки камроқ ўзгартеришдан манфаатдор эмас.

Маҳсулот ҳажмини оптимал ҳажмдан ҳар қандай ўзгартерилиши иккала фирманинг ҳам даромадини камайишига олиб келади. Мувозанат ишлаб чиқариш ҳажмлари Q_1^E ва Q_2^E фирмаларнинг фойдасини максималлашти-

радиган ҳажмлар ҳисобланади ва фирмалар бир-бирларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини тўғри фараз қиладилар.

Курно мувозанати, ўйинлар назариясида **Неш мувозанати** деб юритилади. Неш мувозанати ҳолатида ҳар бир ўйинчи ўзининг рақиби танлаган ҳаракатига кўра танлови енг яхши танлов ҳисобланади. Неш мувозанати ҳолатида ҳеч бир ўйинчи ўзининг ҳаракатини ўзгартиришдан манфаатдор эмас. Курно мувозанатида ҳам ҳар бир дуополист рақиби танлаган ишлаб чиқариш ҳажмида ўзининг ишлаб чиқариш ҳажмини фойдани максималлаштирадиган даражада белгилайди ва шу сабаб дуополистлар ўзларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ўзгартиришидан манфаат олмайдилар.

Курно модели дуополистлар Курно мувозанат ҳолатида бўлмаганда, улар шу мувозанатга еришиш учун ҳаракат қилиши мумкинлиги тўғрисида ҳеч нарса демайди. Нима учун деганда, моделда рақобатчининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармас деб қилинадиган асосий фарази бажарилмайди. Ҳеч қайси фирманинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармасдан қолмайди.

Курно моделига мисол. Faraz қилайлик, дуополик бозорда иккита фирма ҳаракат қилади. Duополистларнинг бозор талаби чизиги чизиқли функция орқали ифодаланган: $Q = 40 - P$ ёки, $P = 40 - Q$, бу йерда Q иккала фирманинг умумий ишлаб чиқариш ҳажми: $Q = Q_1 + Q_2$.

Faraz қилайлик, иккала фирманинг ҳам чекли харажатлари 4 га teng $MC_1 = MC_2 = 4$. Bu ҳолда биринчи фирманинг иккинчи фирма ишлаб чиқариш ҳажмидан боғлиқ ишлаб чиқариш чизигини аниқлаймиз, яъни $Q_1(Q_2)$ ни. Фирма фойдани максималлаштиради, агар у чекли даромадни чекли харажатга тенглаштирадиган ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарса.

Биринчи фирманинг умумий даромади:

$$TR_1 = P \cdot Q_1 = (40 - Q) \cdot Q_1 = 40 \cdot Q_1 - (Q_1 + Q_2) \cdot Q_1 = 40 \cdot Q_1 - Q_1^2 - Q_1 \cdot Q_2$$

Чекли даромад MR_1 - бу даромад функциясидан олинган ҳосила бўлгани учун $MR_1 = \frac{\Delta R_1}{\Delta Q_1} = 40 - 2 \cdot Q_1 - Q_2$.

Енди MR_1 ni MC_1 ga тенглаштириб биринчи фирманинг фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чиқариш ҳажмини топамиз:

$$MR_1 = MC_1 = 4; 40 - 2 \cdot Q_1 - Q_2 = 4 \text{ дан.}$$

Биринчи фирманинг ишлаб чиқариш чизиги $Q_1(Q_2)$ ni топамиз:

$$Q_1 = 18 - \frac{1}{2} \cdot Q_2 \quad (1).$$

Худдий шундай ҳисоб-китоблар орқали иккинчи фирманинг ишлаб чиқариш чизигини аниқлаймиз: $Q_2 = 18 - \frac{1}{2} \cdot Q_1$ (2).

Ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳажмларини (1) ва (2) тенгламаларни бир-бирига тенглаштириб ечиб топамиз, нима учун деганда мувозанат ҳажмлар биринчи ва иккинчи фирмаларнинг ишлаб чиқариш чизиклари кесишган нуқтанинг координаталари Q_1 ва Q_2 лар ҳисобланади:

$$18 - \frac{1}{2} \cdot Q_2 = 18 - \frac{1}{2} \cdot Q_1; \quad Q_2 = Q_1.$$

$$(1) \text{ ифодага } Q_2 = Q_1 \text{ ни қўйсак, } Q_1 = 18 - \frac{1}{2} \cdot Q_1 = 12.$$

Демак, мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми қўйидагича: $Q_1 = Q_2 = 12$. Демак, иккала фирма томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми $Q = Q_1 + Q_2 = 24$ бирлик ва маҳсулот нархи $P = 40 - Q = 16$.


Умумий фойдани аниқлаймиз: $\pi = \pi_1 + \pi_2$.

Биринчи фирманинг фойдаси қўйидагига teng: $\pi_1 = 16 \cdot 12 - 12 \cdot 4 = 144$.

Иккинчи фирманинг фойдаси эса $\pi_2 = 144$ га teng.

Умумий фойда миқдори $\pi = \pi_1 + \pi_2 = 144 + 144 = 288$ га teng.

Курно чизикларини ва Курно мувозанатини графикда тасвирлаймиз (10.3-расм).



10.3-расм. Бозордаги дуополияни ифодаловчи график

Расмда $Q_1(Q_2)$ чизиги биринчи фирманинг Курно чизиги. $Q_2(Q_1)$ чизик иккинчи фирманинг Курно чизиги. Курно чизиқлари кесишган E нуқта, Курно мувозанатини билдиради. Бу нуқтада ҳар бир фирма ўз рақобатчисининг ишлаб чиқариш ҳажми берилганды ўз фойдасини максималлаштиради.

Иккита фирма бир-бири билан рақобатда еканлигини юқорида фараз қилған едик. Энди фараз қилайлық, иккала фирма биргаликда келишиб ҳаракат қиласин. Улар ўзларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини умумий фойдани максималлаштирадиган қилиб танлайди ва олинган фойдани тенг бўлиб олишсин. Бундай келишиб ҳаракат қилишни трестга қарши (қўшилиб ҳаракат қилишга қарши) қонун ишламагандага амалга ошириш мумкин. Маълумки, умумий фойдани максималлаштириш мумкин, агарда улар умумий чекли даромад билан умумий чекли харажатни тенглигини таъминлайдиган умумий ишлаб чиқариш ҳажмига еришса, яъни $MR = MC = 4$ бўлса.

Иккала фирманинг умумий даромади:

$$TR = P \cdot Q = (40 - Q) \cdot Q = 40 \cdot Q - Q^2 \quad \text{га тенг.} \quad \text{Чекли даромад}$$

$$MR = \frac{\Delta R}{\Delta Q} = 40 - 2 \cdot Q; \quad MR = MC = 4 \text{ дан } 40 - 2 \cdot Q = 4 \quad \text{ва бундан умумий}$$

фойдани максималлаштирадиган умумий ишлаб чиқариш ҳажми $Q = 18$.

Энди айтиш мумкинки, иккала фирманинг ишлаб чиқариш ҳажмлари йиғиндиси 18 бирликни берадиган ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳажмлари умумий фойдани максималлаштиради.

$Q_1 + Q_2 = 18$ тенгламани ифодаловчи чизик **контракт чизиги** бўлиб, у иккала фирманинг умумий ишлаб чиқариш ҳажми 18 ни берадиган ва умумий фойдани максималлаштирувчи ҳар хил ишлаб чиқариш ҳажмлари (Q_1 ва Q_2) комбинатсияларини ифодалайди.

Ушбу контракт чизиги ҳам юқоридаги расмда келтирилган (AB) чизиги. Фирмалар тенг миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариб, умумий фойдани тенг бўлиб олишлари мумкин, яъни $Q_1 = Q_2 = 9$.

Товар нархи $P = 40 - 18 = 22$ га тенг. Фирмаларнинг умумий фойдасини ҳисоблайдиган бўлсак, у $\pi = 22 \cdot 18 - 18 \cdot 4 = 324$ пул бирлигига тенг бўлади. Демак, фирмалар келишиб ҳаракат қиласа, Курно мувозанати ҳолатида оладиган фойдадан кўпроқ фойда олиши мумкин бўлади.

Кўриниб турибдики, агар иккала фирма келишиб ҳаракат қиласа, Курно мувозанати ҳолатидаги ишлаб чиқариш ҳажмидан камроқ ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариб максимал фойда олиши мумкин. Демак, дуополистик бозордаги Курно мувозанати ҳолати иккала фирма учун рақобатлашган бозор мувозанати ҳолатига кўра яхшироқ, лекин келишиб ҳаракат қилишга нисбатан фойдали

эмас. Рақобатлашган бозордаги маҳсулот миқдори $MC = P$ шартга кўра аниқланади ва $MC_1 = MC_2 = MC = 4$ бўлгани учун $4 = 40 - Q$, бундан $Q=36$.

Товар нархи $P = 4$ пул бирлигига тенг. Фирмалар рақобатлашган бозорда ҳаракат қилганда, умумий фойда нолга тенг. Чунки чекли ҳаражат ўзгармас бўлиб 4 га тенг.

10.2. Қамалган шахс муаммоси

Ўйинлар назариясида енг оддий ўйинлар турига икки киши қатнашадиган ўйинлар киради. Агар ўйинда уч ва ундан ортиқ ўйинчи қатнашса, у ҳолда баъзи ўйинчилар келишиб стратегия тузиши мумкин, бу эса таҳлилни мураккаблаштиради. Тўлов суммасига кўра ўйинлар тўлов суммаси нолга тенг ва нолдан фарқли бўлиши мумкин. Тўлов суммаси нол бўлган ўйинга антогонистик ўйинлар дейилади: ютилган сумма, бой берилган суммага тенг, яъниумумий ютуқ нолга тенг. Ўйинчиларнинг келишувига кўра, ўйинлар кооператив (бу ерда ўйинчилар келишиб коалитсия тузадилар, яънибир неча ўйинчи келишиб биргаликда ҳаракат қиласи) ва нокооператив (хар бир ўйинчи ўзи учун ўйнайди).

Нокооператив, тўлов суммаси нолга тенг бўлган ўйинга Курно модели мисол бўлса, тўлов суммаси нолга тенг бўлмаган ўйинга “қамалган шахс муаммоси” киради. Ушбу муаммонинг аҳамияти ҳам шундаки, олигопол фирмалар ушбу муаммога купроқ дуч келадилар.

“Қамалган шахс муаммоси” мазмуни шундан иборатки, икки киши биргаликда жиноят қилинганликда айбланади. Уларни ҳар бири алоҳида хонага қамалган ва улар бир-бири билан алоқа қила олмайди. Уларнинг ҳар бирини жиноят қилганлигини бўйнига олишни талаб қилмоқда. Ҳар бирининг олдидаги асосий муаммо - қилинган, лекин исботланмаган жиноятни бўйнига олиш керакми ёки йўқми?

Агар иккаласи ҳам жиноят қилганини бўйнига олишса, уларнинг ҳар бирига 6 йилдан қамоқ жазоси берилади. Агар улар бўйнига олишмаса, исботловчи материал йўқлиги учун жиноятни исбот қилиш мумкин бўлмайди, натижада иккаласи ҳам 3 йилдан жазо олади. Агар иккаласидан биттаси жиноят қилганлигини бўйнига олса, 1 йил қамоқ жазосини олади, бўйнига олмагани 10 йил жазо олади.

Қуйидаги 10.4-расмда масаланинг мумкин бўлган барча вариантлардаги ечимлари келтирилган. Қамоқхонадаги жиноятчилардан бирини **A** иккинчиси **B** дейлик.

| | | <i>B</i> шахс | |
|----------------------|----------------|----------------------|----------------|
| | | Бўйнига олди | Бўйнига олмади |
| <i>A</i> шахс | Бўйнига олди | - 6 - 6 | - 1 - 10 |
| | Бўйнига олмади | - 10 - 1 | - 3 - 3 |

10.4-расм. Ечимлар матрицаси ҳар бир тўртбурчакдаги юқори ўнгдаги рақам *B* га, пастдаги чап рақам *A* га тегишли

Ҳар бир қамалган шахс олдида муаммо туради. Агар иккаласи келиша олса еди, уларнинг ҳар бири 3 йилдан қамоқ жазосини олар еди. Лекин, уларни бир-бири билан гаплашиш имконияти йўқ. Агар келишган тақдирда ҳам улар бир-бирига ишониши қийин. Нима учун деганда, уч йил ўрнига бир йил қамоқда ўтириш, уларни ҳар қандай мажбуриятдан кечишга мажбур қилиши мумкин. Ечимлар матрицасига қарасак, *A* шахс қайси вариантни қўллашидан қатъий назар, *B* шахс бўйнига олса, у ютиб чиқади, яъни иккакала вариантда ҳам *B* шахс *A* шахсдан кўп вақтга қамалмайди (6 ёки 1 йил). Худди шундай, *B* шахс қайси ечимни танламасин, агар *A* шахс бўйнига олса, у ҳам ютиб чиқади. Демак, иккаласини ҳам бўйнига олиш ечимини танлаши эҳтимоли юқорироқ.

Олигополистик фирмалар ҳам кўп ҳолларда «қамалган шахс муаммо» ларига учрайди. Бундай ҳолатда фирмалар олдида ҳам қуидаги варантлардан бири туради: агрессив рақобат орқали иккинчи томонга қарашли бозор улушининг маълум қисмини егаллаш (нарх стратегияси орқали), ёки пассив ҳаракат қилиш, ёки иккинчи томон билан келишиш. Лекин у пассив ҳаракат қиласа, иккинчи томон агрессив ҳаракат қилиб, унинг бозордаги улушкини бир қисмини эгаллаб олиши мумкин. Шунинг учун ҳам фирмалар олдида “қамалган шахс муаммоси” туради.

Фараз қилайлик, дуополик бозорда иккита фирма бир хил маҳсулот сотади дейлик. Курно мувзанатида ҳар бир фирма бир бирлик маҳсулот нархини 4 доллардан қилиб белгилаб, 12 минг доллардан ҳар бири даромад олиши мумкин. Агар фирмалар бир-бири билан келишиб нархни 7 долларга кўтаришса, 15 минг доллардан даромад оладилар. Улардан бири нархни 7 доллар қилиб белгилаганда, иккинчи фирма 4 доллар қилиб белгиласа, 18 минг доллар фойда олади, биринчи фирманинг фойдаси 6 минг долларга тушади. Ушбу вазиятнинг вариант ечимлари қуидаги 10.5-расмда келтирилган.

| | | 2-фирма | |
|---------|---------------|----------------|----------------|
| | | нарх 4 доллар | нарх 7 доллар |
| 1-фирма | нарх 4 доллар | 12000 12000 | 6000 18000 |
| | нарх 7 доллар | 18000 6000 | 15000 15000 |

10.5-расм. Ечимлар матрицаси

Ечимлар матрицасидан кўриниб турибдики, агар улар келишиб нархни 7 сўм қилиб белгиласа, иккаласи ҳам 15000 сўмдан фойда оладилар. Ҳамма гап шундаки, ҳар бир фирма иккинчи фирманинг қандай стратегияни танлашидан қатъи назар, нархни 4 сўм қилиб белгилаб ютуққа эришишга ҳаракат қиласди. Нима учун деганда, бундай нархда ўйинчи бой бермайди (унинг фойдаси камида 12000 сўмга тенг бўлади).


Одатда, олигополистик бозорда ҳаракат қилаётган фирмалар кўпроқ бир-бирлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилишга интилади. Узоқ муддатли тажрибадан маълумки, нархлар жангি фақат йўқотишларга олиб келиши мумкин, холос. Бундан ташқари, нархни бир томонлама пасайтиришдан оладиган фойда қисқа муддатли оралиқда бўлиши мумкин ва рақобатчилар бунга албатта қарама-қарши стратегияни кўллайди. Лекин, бунга қарамасдан, рақобатчи ҳисобидан кўпроқ фойда олишга мойиллик баъзи бир фирмаларда сақланиб қолади. Демак, фирмалар келишуви ҳам узоқ давом этавермайди.

10.3. Қаттиқ нарх сиёсати

Олигополистик фирмалар кўпроқ нархларни барқарор бўлишини ёки нарх қаттиқ ўрнатилган бўлса, уни ўзгартирмасликка ҳаракат қиласдилар. Бозор талаби ва харажатлар пасайганда ҳам фирмалар нархни ўзгартиришга (камайтиришга) шошилмайдилар, нима учун деганда нархни бирорта фирма томонидан пасайтирилиши “нархлар жангига” олиб келиши мумкин, яънибошқа фирмалар ҳам бозордаги улушини йўқотмаслик учун нархларни пасайтиришга ҳаракат қиласди. Бозор талаби ва харажатлар ошганда ҳам фирмалар нархни оширишдан чўчийдилар, борди-ю улар нархни ошиrsa, бошқа фирмалар ўз нархларини оширмаслиги мумкин.

Шундай қилиб, олигополистик бозор учун нарх қаттиқлиги ундаги талаб чизигининг синиқ бўлишига асос бўлади (10.6-расм).

Талаб чизигининг синиши қаттиқ нарх P^* нуқтасига тўғри келади.



10.6-расм. Олигополистик бозордаги синиқ талаб чизиги

Фирма ўз маҳсулотига бўлган нархни P^* нархдан юқорига кўтарса, бошқа фирмалар нархини ўзгартирмасдан P^* даражада қолдириши мумкин. Фирма нархини P^* дан юқори кўтармайди, нима учун деганда, талаб чизиги жуда ҳам эластик бўлганлиги учун (10.6-расмдан кўриниб турибди) фирма бошқа фирмалар нархларини ўзгартирмаса бозордаги улушининг бир қисмидан ажраламан деб ўйлайди (фойдаси камаяди). Бошқа томондан, фирма ўз маҳсулотига бўлган нархни P^* нархдан пастга туширмайди, нима учун деганда, бошқа фирмалар ҳам ўз нархларини туширади деб ўйлайди.

Фирманинг талаб чизиги синиқ бўлгани учун, унинг чекли даромад чизиги узилишга ега (расмда AB оралиқ). Натижада AB оралиқда фирманинг харажатлари (ўзгаргани билан у ҳар доим MR га teng). “Синиқ талаб чизиги” модели олигополистик бозорда нарх белгилаш механизмини тушунтира олмайди. У нима учун нарх P^* даражада бўлишини ҳам очиб бермайди. Ушбу модел шундай қаттиқ нархнинг мавжудлигини ва унинг бўлишини кўрсатади, холос.

10.4. Келишув ечими (Картел ечими)

Келишув ечим, дуопол бозордаги иккала фирманинг маълум бир шартнома асосида биргаликда келишиб ҳаракат қилишига асосланади. Шартномада фирмаларнинг ҳар бири қанча миқдорда товар ишлаб чиқариши, уни қандай нархда сотиши ва тушган фойдани қандай қилиб ўртада бўлиши келишилган ҳолда кўрсатилиши мумкин. Фирмалар келишиб ҳаракат қилганда умумий фойдани максималлаштирадилар. Иккала фирманинг келишиб ҳаракат қилиши дуопол бозорда соғ монополияни вужудга келишига олиб келади.

Юқоридаги маълумотларга кўра келишув стратегиясини кўриб чиқамиз.

Мисол. Дуопол бозорда иккита фирма ҳаракат қиласига талаби $P = 300 - 0,5Q_D$. Фирмаларнинг умумий харажатлари функциялари кўйидагича берилган: $TC_1 = 0,25q_1^2$; $TC_2 = 30q_2$.

Иккала фирма картел тузиб ҳаракат қилмоқчи. Келишувга кўра умумий фойданинг 38 фоизини биринчи фирма, 62 фоизини иккинчи фирма олмоқчи дейлик. Ҳар бир фирманинг ишлаб чиқариш ҳажмини, бозор нархини ва фирмалар оладиган фойдани ҳисоблаш зарур.

Ечиш. Бозор талабини кўйидагича ёзамиш: $P = 300 - 0,5(q_1 + q_2)$.

Бу ерда $Q_D = q_1 + q_2$.

Умумий фойда қўйидагига тенг: $\pi = \pi_1 + \pi_2 = (TR_1 - TC_1) + (TR_2 - TC_2)$.

Бундан ва берилган маълумотларга кўра фойда қўйидагига тенг:

$$\pi = P \cdot q_1 - 0,25q_1^2 + P \cdot q_2 - 30q_2.$$

(1) даги қийматни (2) га қўйсак

$$\pi = [300 - 0,5(q_1 + q_2)] \cdot (q_1 + q_2) - 0,25q_1^2 - 30q_2.$$

Бу тенгламани ихчамласак қўйидагини оламиз:

$$\pi = 300q_1 - q_1 \cdot q_2 - 0,75q_1^2 + 270q_2 - 0,5q_2^2.$$

Умумий фойдани максималлаштирадиган q_1 ва q_2 ларни топиш учун тенгламадандан q_1 ва q_2 бўйича хусусий ҳосила олиб, уларни нолга тенглаштириб, q_1 ва q_2 ларга нисбатан ечамиш: $\frac{\partial\pi}{\partial q_1} = 300 - q_2 - 1,5q_1 = 0$;

$$\frac{\partial\pi}{\partial q_2} = 270 - q_1 - q_2 = 0.$$

Натижада икки номаълумли иккита тенгламалар системасини оламиз

$$\begin{cases} 300 - q_2 - 1,5q_1 = 0 \\ 270 - q_1 - q_2 = 0 \end{cases}$$

Ушбу системани ечиб $q_1^* = 60$ ва $q_2^* = 210$ эканлигини аниқлаймиз.

Бозор нархи эса қўйидагига тенг бўлади:

$$P = 300 - 0,5(q_1 + q_2) = 300 - 0,5(60 + 120) = 165.$$

Умумий максимал фойдани аниқлаймиз

$$\pi = 165(60 + 210) - 0,25 \cdot 60^2 - 30 \cdot 210 = 37350,$$


$$\pi_1 = 0,38 \cdot \pi = 0,38 \cdot 37350 = 14193,$$

$$\pi_2 = 0,62 \cdot \pi = 0,62 \cdot 37350 = 23157.$$

Күриниб турибиди, иккала фирма келишув стратегиясими қўлласа, олдинги стратегияларга қараганда кўпроқ фойда оладилар.

10.5. Нарх белгилашда лидерлик

Нарх белгилашда лидерликда лидер-фирма нархни биринчи бўлиб, белгилайди, қолганлар унинг нархига қараб ўз нархларини белгилайдилар. Бундай фирмаларни эргашувчи фирмалар деймиз. Лидер-фирманинг нарх белгилаши, лидер нархни белгилаганда эргашувчи фирмаларнинг ҳаракатига боғлиқ, яъни лидер нархни оширса, эргашувчилар ишлаб чиқаришни оширадиларми ёки бозордаги олдинги улушкини сақлайдими? Агар эргашувчилар ўз ишлаб чиқариш ҳажмларини чекласалар, лидер фойдани максималлаштирадиган умумий нархни белгилайди. Ёки, лидер ўз фойдасини максималлаштирадиган нархни ўрнатади, эргашувчилар эса ушбу нархда қанча хоҳласа, шунча ишлаб чиқариши мумкин бўлади. Қуйидаги 16.10-расмда бозорда мавқеи юқори бўлган фирма-лидернинг нарх белгилаши кўрсатилган.



16.10-расм. Лидер фирманинг нарх белгилаши графиги

Расмда D бозор талаби чизиги S_E эргашувчиларнинг умумий таклиф (чекли харажатлар чизиқлари йифиндиси) чизиги. D_L лидернинг маҳсулотига бўлган талаб чизиги. D_L чизиги бозор талаби чизиги D дан эргашувчиларнинг таклиф чизиги S_E ни айриш орқали аниқланган.

Агар нарх P_E га тенг бўлса (расмдан E нуқта) эргашувчиларнинг таклифи бозор талабига тенг. Бу нархда лидер маҳсулоти сотаолмайди. Нарх P_2

га тенг бўлганда, эргашувчилар бирор дона ҳам маҳсулот сота олмайди. P_2 ва P_E оралиғидаги нархларда лидер-фирма маҳсулотига бўлган талаб D_L чизиги билан ифодаланган. D_L чизиги лидер- фирманинг чекли даромади (MR_L) билан ифодаланади. MC_L - лидернинг чекли харажати. Демак, лидер ўз фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чиқариш ҳажми Q_L ни MR_L ва MC_L чизиқлари кесишган нуқтага мос ҳолда белгилайди. Лидер- фирманинг нархи P^* унинг талаб чизиги D_L орқали топилади (E_0 нуқта монополистнинг мувозанат ҳолати). Эргашувчиларнинг бозорда сотадиган маҳсулоти миқдори нарх P^* чизигининг эргашувчиларнинг таклифи чизиги кесишган нуқта F орқали аниқланади ва у Q_E га тенг. Умумий сотиладиган маҳсулот миқдори $Q_T = Q_E + Q_L$.

Амалда бозорда ҳаракат қилаётган йирик фирма лидер бўлади, лекин вақт ўтиши билан лидерлар ҳам ўзгариб туради.

Лидер-фирма ўзининг бозордаги улушни аниқлаши учун, биринчи навбатда, эргашувчи фирмаларнинг таклиф чизигини, яъни уларнинг таклиф функциясини олдиндан билиши керак бўлади. Қуйидаги мисол буни кўрсатади.

Фараз қилайлик, дуопол бозорда фаолият кўрсатаётган икки фирмадан бири лидер, иккинчиси эргашувчи фирма сифатида ҳаракат қилаётган бўлсин.

Фараз қилайлик, биринчи фирма-лидер, иккинчи фирма – эргашувчи бўлсин.

Биринчи лидер фирманинг фойда функциясини қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\pi_1 = TR_1 - TC_1,$$

бу ерда $TR_1 = p \cdot q_1$ ва $TC_1 = h(q_1)$.

Тескари талаб функциясини $P = f(q_1 + q_2)$ десак, лидернинг даромади $TR_1 = f(q_1 + q_2) \cdot q_1$ га тенг бўлади.

Бу ерда q_1 ва q_2 лар мос ҳолда лидер ва эргашувчи фирмаларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари.

π_1 - биринчи фирма фойдаси, TR_1 ва TC_1 лар биринчи лидер фирманинг мос ҳолда умумий даромади ва умумий харажатлари.

Маълумки, дуопол бозорда ҳар бир фирманинг иккинчи фирма ишлаб чиқариш ҳажмидан боғлиқ реакция ишлаб чиқариш функцияси муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда лидер фирма иккинчи фирманинг рекция функциясидан хабардор, деб фараз қилинади, яъни $q_2 = g(q_1)$.

У ҳолда лидер фирманинг даромад функцияси қўйидагича ёзилади:

$$TR_1 = f(q_1 + g(q_1)) \cdot q_1 = f(q_1).$$

Лидер фирмани ўз рақиби бўлган эргашувчи фирманинг реакция функциясини билиши унга ўз даромад функциясини фақат ўзининг ишлаб чиқариши ҳажмига боғлиқ равишда ифодалашга имкон беради. Иккинчи томондан, лидер- фирманинг умумий харажат функцияси ҳам фақат q_1 га боғлиқ бўлгани учун, лидернинг умумий фойдаси қўйидагича аниқланади:

$$\pi_1 = \{TR_1 = f(q_1)\} - \{TC_1 = h(q_1)\}$$

ва бундан $\pi_1 = f^*(q_1)$ деб ёзишимиз мумкин.

Энди π_1 функциядан q_1 бўйича ҳосила олиб, уни нолга тенглаштириб q_1 га кўра ечсак, лидер- фирмани фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаган бўламиз: $\frac{d\pi_1}{dq_1} = \frac{df^*}{dq} = 0$.

Мисол. Дуопол бозорда иккита фирма ҳаракат қиласапти дейлик. Биринчи фирма – лидер, иккинчиси – эргашувчи фирма. Улар фаолияти тўғрисида қўйидаги маълумотлар бор.

Умумий бозор талаби функцияси $Q_D = 600 - 2 \cdot P$, фирмаларнинг чекли харажат функциялари: $TC_1 = 0,25 \cdot q_1^2$; $TC_2 = 30 \cdot q_2$ ва эргашувчи фирманинг реакция функцияси $q_2 = 270 - 0,5 \cdot q_1$, яъни иккинчи фирманинг биринчи фирма ишлаб чиқариши ҳажмига боғлиқ ишлаб чиқариш функцияси. Лидер фирма учун ушбу функция кўриниши маълум бўлсин.

Ушбу маълумотларга кўра лидер фирма ва эргашувчи фирма қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарадилар? Бозордаги мувозанат нарх нечага тенг бўлиши ва ҳар бир фирманинг фойдасини қандай бўлиши ҳисоблансин дейлик.

Ечиш. Умумий бозор талаби функциясини қўйидагича ёзамиз:

$$Q_D = 600 - 2 \cdot P \Rightarrow P = 300 - 0,5 \cdot Q_D \text{ ёки } P = 300 - 0,5(q_1 + q_2).$$

Лидер фирманинг фойдасини ёзамиз:

$$\pi_1 = P \cdot q_1 - TC_1 \Rightarrow \pi_1 = [300 - 0,5(q_1 + q_2)] \cdot q_1 - 0,25 \cdot q_1^2.$$

Эргашувчи фирманинг реакция функциясига кўра лидернинг умумий фойдасини ёзамиз: $\pi_1 = [300 - 0,5(q_1 + (270 - 0,5q_1))] \cdot q_1 - 0,25 \cdot q_1^2$.

Ихчамлаш натижасида қўйидаги фойда функциясини оламиз: $\pi_1 = 165 \cdot q_1 - 0,5 \cdot q_1^2$. Лидер фирманинг фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаймиз: $\frac{d\pi_1}{dq_1} = 165 - q_1 = 0$.

Бу ҳажм $q_1^* = 165$ га teng.

Эргашувчи фирманинг реакция функциясидан унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаймиз: $q_2 = 270 - 0,5 \cdot q_1^* = 270 - 0,5 \cdot 165 = 187,5$.

Умумий бозор талаби Q_D ни хисоблаймиз:

$$Q_D = q_1 + q_2 = 165 + 187,5 = 352,5.$$

Бозор нархи қуидагига тенг:

$$P = 300 - 0,5 \cdot Q_D = 300 - 0,5 \cdot 352,5 = 123,75.$$

Лидер ва эргашувчи фирмаларнинг фойдасини хисоблаймиз:

$$\pi_1 = 165 \cdot q_1 - 0,5 \cdot q_1^2 = 165 \cdot 165 - 0,5 \cdot 165^2 = 13612,5.$$

$$\pi_2 = P \cdot q_2 - 30 \cdot q_2 = 123,75 \cdot 187,5 - 30 \cdot 187,5 = 17578,125.$$

Энди юқоридаги мисол шартларидан фирмалар рақобат стратегиясини кўллашса, фойда қандай бўлишини кўриб чиқамиз.

Мисол. Дуопол бозордаги талаб функцияси ҳамда биринчи ва иккинчи фирмаларнинг харажат функциялари берилган бўлсин:

$$Q_D = 600 - 2 \cdot P; \quad TC_1 = 0,25 \cdot Q_1^2, \quad TC_2 = 30 \cdot Q_2.$$

Фирмалар рақобат ечим стратегиясини танласа, ҳар бир фирма қанча бирлик маҳсулот ишлаб чиқаради, қанча фойда олади ва мувозанат нарх қандай бўлади?

Фирмалар рақобатлашса нарх P бозордаги талаб ва таклифга кўра шаклланади ($p = const$).

$$Q_D = Q_1 + Q_2 \quad MC_1 = 0,5Q,$$

$$P = 300 - 0,5Q \quad MC_2 = 30,$$

бу ерда Q_1 ва Q_2 мос равища биринчи ва иккинчи фирмаларнинг ишлаб чиқариш харажатлари.

Рақобат бозорда ҳар бир фирма ишлаб чиқариш ҳажмини чекли харажатни нархга тенглаштирадиган ҳажмда белгилайди:

$$P = MC_1 = 300 - 0,5(Q_1 + Q_2) = 0,5Q_1, \quad (2)$$

$$P = MC_2 = 300 - 0,5(Q_1 + Q_2) = 30. \quad (3)$$

(2) ва (3) тенгламаларнинг чап томони тенг бўлгани учун, уларни ўнг томонларини тенглаштириб қуидагини оламиз: $0,5Q_1 = 30 \Rightarrow Q_1 = 60$.

$$Q_2 = 480 \text{ ва бозордаги умумий таклиф } Q_D = Q_1 + Q_2 = 540.$$

$$\text{Бозордаги мувозанат нарх: } P = 300 - 0,5(Q_1 + Q_2) = 300 - 0,5 \cdot 540 = 30.$$

Фирмаларнинг фойдалари қуидагиларга тенг бўлади:

$$\pi_1 = TR_1 - TC_1 = P \cdot Q_1 - 0,25 \cdot Q_1^2 = 30 \cdot 60 - 0,25 \cdot 60^2 = 900,$$

$$\pi_2 = TR_2 - TC_2 \Rightarrow \pi_2 = P \cdot Q_2 - 30 \cdot Q_2 \Rightarrow \pi_2 = 0.$$

Қисқа хulosалар

Рақобатлашган монополистик бозордаги талаб чизиги эластиклиги рақобатлашган бозордаги талаб чизиги эластиклигидан пастроқ, аммо соғ монополиядаги талаб чизиги эластиклигидан юқори्रоқ бўлади. Рақобатлашган монополистик бозорда талаб чизигининг эластиклик даражаси рақобатчилар сонига ва маҳсулотнинг турлари сонига боғлиқ. Рақобатчилар ва маҳсулот турлари қанча кўп бўлса, талаб чизигининг эластиклик даражаси шунча юқори бўлади.

Олигополистик фирмалар кўпроқ нархларни барқарор бўлишини, ёки нарх қаттиқ ўрнатилган бўлса, уни ўзгартирасликка ҳаракат қиласилар. Бозор талаби ва ҳаражатлар пасайганда ҳам фирмалар нархни ўзгартиришга (камайтиришга) шошилмайдилар, нима учун деганда нархни бирорта фирма томонидан пасайтирилиши “нархлар жангига” олиб келиши мумкин, яънибошқа фирмалар ҳам бозордаги улушкини йўқотмаслик учун нархларни пасайтиришга ҳаракат қиласи. Бозор талаби ва ҳаражатлар ошганда ҳам фирмалар нархни оширишдан чўчийдилар, борди-ю улар нархни оширса бошқа фирмалар ўз нархларини оширмаслиги мумкин.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Рақобатлашган монопол бозор мувозанатини белгиловчи кўрсаткичлар нималардан иборат?
2. Рақобатлашган монопол бозорнинг самарадорлиги тўғрисида сўзлаб беринг.
3. Олигополистик бозор қандай хусусиятларга ега?
4. “Нархлар жангига” орқали олигополистик бозор мувозанати шартини тушунтиринг.
5. Курно мувозанатини изоҳлаб беринг.
6. Дуополик бозорда ҳаракат қилаётган фирмалар учун қўйидагилардан қайси бирига еришиш афзалроқ: Курно мувозанатига, рақобатлашган мувозанатга ва келишган ҳолда ҳаракат қилишга?
7. “Қамалга шахс муаммоси” нимани билдиради ва уни иқтисодий масалаларни ечишга қўллаш тартибини тушунтириб беринг.
8. Нарх белгилашда лидерликнинг аҳамияти нималардан иборат?
9. Келишув ечими деганда нимани тушунасиз?
10. Лидер фирма бозордаги ўз улушкини қандай аниқлайди?

Асосий адабиётлар рўйхати

1. Сампбелл Р. Мессонел, Станлей Л. Бруе, Сean M. Флайнн. Мисроесономисс: Принципес, Проблемс анд Полисиес. -19 тҳ ед. – Нew Ёрк. Тҳе McGraw-Хилл Сомпаниес, Инс., 2015. П. 604.
2. Аддресу Mac-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2016. - 630 стр.
3. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2011. - 580 стр.
4. Пиндайк Р., Рубинфильд Д. Микроэкономика. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2011. - с. 608.
5. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: учебник/ 2-е изд. – М.: Норма, 2012. - с. 576.
6. Салимов Б.Т., Мухитдинова У.С., Мустафакулов Ш.И., Салимов Б.Б. Микроиқтисодиёт. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2005. - 230 б.

XI боб. ИЖТИМОИЙ ФАРОВОНЛИК НАЗАРИЯСИ ВА ТАШҚИ САМАРА

11.1. Ижтимоий фаровонлик функцияси

Шу пайтгача биз иқтисодиётдаги тақсимлаш жараёнларини Парето бўйича самарадорлик нуқтаи-назаридан баҳолаб келдик. Аммо бунда инсонлар ўртасида фаровонликни тақсимланиши масаласи эътибордан четда қолади. Агар ҳамма ресурсни бошқа индивидларга зарар етказмаган ҳолда битта индивидга берилиши Парето бўйича самарали ҳисобланади. Аммо бошқалар бу тақсимотниadolatsiz деб баҳолаши мумкин.

Умуман олганда, Парето бўйича самарадорлик мақсадга мувофиқ – агар қандайдир бир гурӯҳ одамлар фаровонлигини бошқаларга зарар етказмасдан оширишнинг йўллари бўлса нега бундан фойдаланмаслик керак? Аммо Парето бўйича самарали кўп ечимлар мавжуд бўлганда улардан қайси бирларини танлаган маъқул?

Бу мавзунинг асосий мазмuni турли истеъмолчиларнинг нафлиигини қўшишга имкон берувчи “фаровонлик функцияси” foясини тадқиқ қилишдир. Бу бизга нафлиикни истеъмолчилар ўртасида турлича табақалаштирган ҳолда тақсимлашга имкон беради. Энг аввало, индивидуал истеъмолчиларнинг афзал кўришларини қўшиш (агрегатлаш) орқали “ижтимоий афзал кўриш”ни шакллантиришга уриниб кўрамиз.

Индивидуал истеъмолчилар афзал кўришларини агрегатлаш йўлларидан бири овоз беришдан фойдаланиш ҳисобланади.

11.2. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ташқи самаралар

Трансакцион ёки операциялар харажати – бу товарлар алмашуви соҳасидаги харажатлардир. Ушбу харажат Рональд Коуз томонидан 1930 йилларнинг бошларида киритилган.

Трансакцион харажатлар қуйидаги беш кўринишда бўлади:

1. Ахборот қидириш харажати;
2. Музокара олиб бориш ва шартнома тузиш харажати;
3. Ўлчаш харажатлари;
4. Мулк эгаси хуқуқини ҳимоя қилиш ва спецификация харажатлари;
5. Оппортунистлик ҳаракат харажатлари.

Ахборот қидириш харажати бозордаги ахборотнинг асимметрик ҳолати билан боғлиқ. Харидорларни, сотувчиларни қидириб топиш маълум харажат билан боғлиқ. Ахборотларни аниқ ва тўлиқ бўлмаслиги ортиқча харажатларга

олиб келади, яъни товар мувозанат нархдан юқори ёки паст нархда сотиб олинади.

Музокара олиб бориш ва шартнома тузиш харажатлари, ушбу шартномаларни тузиш учун кетган вақт, ресурслар, савдо-сотиқни ҳуқуқий расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар.

Ўлчаш билан боғлиқ харажатлар, асосан ўлчаш асбоблари учун ҳамда ўлчаш учун сарфланган харажатлр билан боғлиқ. Кўп ҳолларда ўлчаш жараёни қийин кечади. Масалан, товар сифатини баҳолаш, ишга қабул қилинадиган ишчининг малакасини баҳолаш.

Мулк эгасини ҳимоя қилиш ва спецификация харажатлари кўпинча ишончли ҳуқуқий ҳимоя яхши йўлга қўйилмаган жойларда вужудга келади. Бундай жойларда иқтисодий субъектлар ҳуқуқининг бузилиши кучаяди. Ҳуқуқларни жойига қўйиш учун вақт, маблағ сарфланади.


Оппортунистик ҳаракатлари харажатлари ҳам ахборотнинг асимметриклиги билан боғлиқ. Оппортунистик харажат деб, шерик ҳисобидан фойда олиш мақсадида шартномада қўрсатилган шартларни бажаришдан воз кечадиган шахслар ҳаракатига айтилади.

Ташқи самаралар ёки экстерналилар (*externalities*) - бозордаги олди-соттидан олинадиган, лекин нархда ўз ифодасини топмаган харажат ёки фойда. Улар муайян операцияда қатнашадиган бозор субъектлари билан бир қаторда учинчи томон билан боғлиқ бўлгани учун ҳам “ташқи” деб қабул қилинади. Ушбу харажатлар ёки ютуқлар (фойда) товарлар ва хизматларни ҳам ишалб чиқаришда, ҳам истеъмол қилишда вужудга келади.

Ташқи самара мусбат (ижобий) ва манфий (салбий) самараларга бўлинади. Манфий самара харажатлар билан боғлиқ бўлса, мусбат самара учинчи томоннинг ютуғи билан боғлиқдир (11.1-расм). Шундай қилиб, ташқи самара ижтимоий харажатлар (ютуқлар) ва хусусий харажатлар (ютуқлар) ўртасидаги фарқни қўрсатадиб $MSC = MPC + MEC$, (1) бу ерда MSC - ижтимоий чекли харажат; MPC - хусусий чекли харажат; MEC - ташқи чекли харажат (*Marginal External Cost*).

Агар бир иқтисодий субъектнинг фаолияти бошқа иқтисодий субъектлар фаолиятида харажатларга олиб келса, салбий ташқи самара вужудга келади,. Масалан, химия заводи фойдаланилган сувни етарли даражада тозаламасдан дарёга оқизмоқда, дейлик. Чиқинди сув ҳажми завод ишлаб чиқариш ҳажмига пропорционал бўлса, завод қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарса, у атроф мухитни шунча кўп ифлослантиради. Химия заводи маҳсус сув тозалаш иншооти қурмаганлиги учун, чиқинди сув тўлиқ тозаланмайди, демак заводнинг хусусий чекли харажати ижтимоий чекли харажатидан паст бўлади,

нима учун деганда унинг харажати сувни тозалаш билан боғлиқ харажатдан ҳоли. Завод харажатларни тежаш асосида кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми самарали ҳажмдан кўп бўлади (11.1-расм).



11.1-расм. Манфий (салбий) ташки самара

Сувни тозалашга харажат қилмагандан заводнинг ишлаб чиқариш ҳажми Q_1 га, унинг нархи P_1 га teng ва E_1 нуқтада бозор мувозанати ўрнатилади. E_1 нуқтада кесишадиган талаб чизифи чекли ижтимоий ютуқ MSB ни ифодаласа, таклиф чизифи хусусий чекли харажатн MPC ни ифодалайди. E_1 нуқтада бозор мувозанати ўрнатилганда чекли хусусий харажат чекли ижтимоий ютуқга teng бўлади: $MPC = MSB$ (4).

Лекин, чекли ижтимоий харажат чекли хусусий харажат билан чекли ташки харажат йигидисига teng: $MSC = MPC + MEC$ (5)

Агар ташки харажат заводнинг ички харажатига айлантирилса, самарали ишлаб чиқариш ҳажми Q_1 дан Q_2 га кисқарган бўлади. Маҳсулот нархи P_1 дан P_2 га кўтарилади ва E_2 нуқтада чекли ижтимоий ютуқ чекли ижтимоий харажат билан тенглашарди, яъни $MSB = MSC$.

Шуни эътиборга олиш керакки, E_2 нуқтада ташки муҳитни ифлослантиришнинг оқибатлари тўлиқ йўқотилмайди, нима учун деганда, химия завод Q_2 миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариши давом эттиради ва шу ишлаб чиқариш ҳажмига пропорционал чиқинди ҳам атроф-муҳитга чиқаради. Лекин, атроф муҳитни ифлослантиришдан бўладиган зарар анча камаяди. 11.1-расмдаги E_1E_2F учбурчакнинг юзи хусусий чекли харажатни ижтимоий чекли харажатдан паст бўлиши билан боғлиқ бўлгандаги йўқотилган самарани кўрсатади.

Шундай қилиб, салбий ташқи самара мавжуд бўлганда иқтисодий неъмат самарали ҳажмдан кўпроқ ҳажмда сотилади ва сотиб олинади, аникроқ қилиб айтадиган бўлсак салбий ташқи самарага эга бўлган товарлар ва хизматлар керагидан ортиқча ишлаб чиқарилади.

Мусбат (ижобий) ташқи самара бирор иқтисодий субъектнинг фаолияти бошқа субъектларга ютуқ келтирганда вужудга келади:


$$MSB = MPB + MEB \quad (3).$$

Бу ерда MSB - ижтимоий чекли ютуқ;

MPB - хусусий чекли ютуқ;

MEB - ташқи чекли ютуқ.

Ижобий ташқи самарага маорифни ва илмий изланишларни келтириш мумкин. Маориф яхши йўлга қўйилса, бундан жамиятнинг ҳар бир аъзоси ютади. Худди шундай илмий изланишлардаги кашфиётлардан ҳам жамият ва унинг аъзолари ютади. Ҳар бир шахс таълим олаётганда ўзи оладиган ютуқни ўйлаши мумкин, лекин, бундан жамият қандай ютуқ олиш мумкинлигини ўйламайди, яъни ўзи оладиган ютуқни хисобга олади, холос. Шахс таълим олишга қарор қилишидан олдин таълимга кетадиган харажат билан таълимдан оладиган ютуқни бир-бири билан таққослаб кўради. Инсон капиталига қилинган инвестициялар жамият учун оптимал бўлган миқдордан паст бўлади (11.2-расм).



11.2-расм. Ижобий ташқи самара

Бозор мувозанати E_1 хусусий чекли ютуқ билан ижтимоий чекли харажат чизиқлари кесишган нуқтада ўрнатилади: $MPB = MSC$. Яъни (6) тенгликда жамият оладиган чекли ютуқ хисобга олинмаган. Умуман олганда ижтимоий чекли ютуқ хусусий чекли ютуқдан ташқи чекли ютуқ миқдорига катта (11.2-расм).

Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқариш ҳажмини умумий чекли ютуқ, яъни ижтимоий чекли ютуқ ижтимоий чекли харажатга тенг бўлгунга қадар ошириш мумкин. Демак, жамият учун самарали бўлган мувозанат, ижтимоий чекли ютуқ чизиги билан ижтимоий чекли харажат чизиги кесишган E_2 нуктада эришилиши мумкин. Натижада, самарадорлик FE_2E_1 учбурчак юзига тенг миқдорга ошади.

Умумлаштириб айтадиган бўлсақ, ижобий ташқи самара бўлганда иқтисодий неъматлар самарали ҳажмдан кам миқдорда сотилади ва сотиб олинади, яъни ижобий ташқи самарали товарлар ва хизматлар камроқ ишлаб чиқилади.

11.3. Ижобий ва салбий ташқи самарага таъсир қилиш

Салбий ташқи самарага эга бўлган товарлар ва хизматларни кўп ишлаб чиқарилишини камайтириш ва ижобий ташқи самарали товарлар ва хизматларни оптимал ҳажмгача ошириш учун ташқи самараларни ички самарага айлантириш (трансформация қилиш) керак.

Ташқи самараларни ички самарага айлантириш учун хусусий чекли харажатларни (ва мос ҳолда чекли ютуқни) ижтимоий чекли харажатларга (чекли ютуқларга) яқинлаштириш лозим.

Ушбу муаммони ечиш учун солиқлардан ва субсидиялардан фойдаланиш А.С.Пигу томонидан таклиф қилинган.

Тартиблаштирадиган солиқ – бу салбий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришга қўйиладиган ва хусусий чекли харажатни ижтимоий чекли харажатгача кўтарадиган солиқ.

Демак, юқоридаги мисолда солиқ T ташқи чекли харажатга тенг бўлса, яъни $T = MEC$ бўлса, бозор мувозанатини самарали мувозанатга яқинлаштиради: $MSB = MSC$.

Тартиблаштирувчи субсидия – бу ижобий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқарувчиларга ва истеъмол қилувчиларга бериладиган субсидия бўлиб, у хусусий чекли ютуқни ижтимоий чекли ютуқга яқинлаштиради.

Агар ташқи чекли ютуқга тенг бўлган субсидия ($S = MEB$) талабаларга ёки илмий ходимларги берилганда эди, у талабаларнинг таълим хизматига талабини ва илмий изланувчиларни илмий изланишга талабини $MSB = MSC$ тенгликни таъминлайдиган даражагача оширган бўлар эди.

Лекин, тартиблаштирувчи солиқлар ва субсидиялар ташқи самара билан боғлиқ муаммоларни тўлиқ ечишга ёрдам бера олмайди, нима учун деганда,

амалиётда чекли ютуқ ва чекли харажатларни аниқ ҳисоблаш жуда қийин бўлса, иккинчидан, улар етказадиган зарар миқдорини ҳам ҳисоблашда жуда катта қийинчиликлар мавжуд.

Ташқи самара муаммосини ечишнинг янги йўли Р.Коузнинг илмий изланишлари билан боғлиқ. Р.Коузнинг фикрича, ушбу муаммо томонлар учун умумий муаммо бўлиб, унинг ечилиши иккала томоннинг биргаликда масъулиятли ҳаракат қилиш билан боғлиқ. Бу ерда эътибор икки томондан қайси бири кўпроқ, қайси бири камроқ йўқотишига берилмасдан, иккала томондан мумкин бўлган жиддий йўқотишини олдини олишга берилиши лозимлиги кўрсатилган.

А.С.Пигу томонидан таклиф қилинган ечимда альтернатив харажатлар принципидан фойдаланилмаган ва хуқуқий омилга эътибор берилмаган.

Коузнинг ижтимоий харажатлар билан боғлиқ ишларини умумлаштириб уни Дж. Стиглер деган олим “Коуз теоремаси” деб атади. Коуз теоремасига кўра, агар барча томонларнинг мулкий хуқуқлари яхши аниқланган бўлса, трансакцион харажатлар нолга teng бўлса, пировард натижা (ишлаб чиқариш қийматини максималлаштирувчи) мулкчилик хуқуқини тақсимлашдаги ўзгаришларга боғлиқ эмас (агар даромад самараси эътиборга олинмаганда). Теоремадаги асосий мазмун Дж. Стиглер фикрига кўра қуйидагича: “Мукаммалашган рақобат бозорда хусусий ва ижтимоий харажатлар бир-бирига teng”.

Коуз ташқи самара билан боғлиқ йўқотишларни ҳисобга олиш масъулиятини ўз ичига олувчи нарх белгилаш тизими билан ушбу масъулиятни эътиборга олмайдиган нарх белгилаш тизимини бир-бири билан таққослаб, қуйидаги фикрга келади, яъни, агар қатнашувчилар ташқи самара муаммосини харажатларсиз биргаликда келишиб олса (келишиш билан боғлиқ трансакцион харажатлар нолга teng бўлса), у ҳолда рақобатлашган бозор шароитида ишлаб чиқариш қийматини максималлаштирадиган мумкин бўлган максимал натижага эришиш мумкин.

Коуз қуйидаги мисолни келтиради. Бир-бири билан қўшни буғдой етиштирувчи ва қорамолларни боқувчи фермерлар жойлашган. Мол боқувчи фермер вақти-вақти билан молларини қўшни фермер ерларига қўйиб юбориб, унинг буғдойларини пайҳон қилиб туради. Кўриниб турибдики, бу ерда ташқи самара (экстернал самара) мавжуд. Коуз кўрсатганки, бу муаммо давлатнинг аралашувисиз иккала фермернинг келишуви асосида ечилиши мумкин.

Агар мол боқувчи иккинчи фермерга келтирган зарари учун масъулиятни ҳис қилса, у икки вариантда йўл тутиши мумкин: ё мол боқувчи етказган зарарини қоплади, ёки у ушбу ерни фермердан ижарага олади (ижара ҳақи тўлаб, агар буғдой экувчи фермер ҳам ерни ижарага олган бўлса, унда

юқорироқ ижара ҳақи түлаб) пировард натижә иккала ҳолда ҳам бир хил бўлиб, ишлаб чиқариш қийматини максималлаштиришга олиб келади. Агар етказилган зарар учун масъулият сезилмаса ташқи самара вужудга келади.

Трансакцион харажатлар нол бўлганда фермерларда ўзаро келишиш учун иқтисодий рағбатлантириш мавжуд бўлади, нима учун деганда, иккала томон ҳам ўз даромадларининг ўсишидан манфаатдор ва ишлаб чиқариш қийматини максималлаштиришдан манфаатдор. Лекин, трансакцион харажатлар ҳисобга олинса, юқоридагидай самарали натижага эришмаслиги мумкин. Бу ерда трансакцион харажатлар, яъни ахборот олишни қимматлиги, суд иши харажатлари, келишув харажатлари, келишув билан боғлиқ ютуқдан ошиб кетиш мумкин. Бунга яраша етказилган зарарни ҳисоблашда ҳам қийинчиликлар туғилади (биттаси етказилган зарарни бошқа томонга қараганда катта баҳолаши мумкин). Ушбу фарқларни ҳисобга олиб, Коуз теоремасига даромад самараси деган сўз киритилган. Битта томон етказилган зарарни иккинчи томонга нисбатан юқори баҳоласа келишиш қийин.


Экперементал изланишлар натижаси шуни қўрсатадики, Коуз теоремаси келишиладиган томонлар чекланган иккита ва учта бўлгандагина ўринли. Томонлар сони ошган сари трансакцион харажатлар ошиб боради ва ушбу харажатларни нолга тенглиги тўғрисида фараз ўз кучини йўқотади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати. Ушбу сиёсат ёрдамида назорат қилишдан олинадиган ижтимоий чекли ютуқ назоратни амалга тадбиқ этиш учун сарфланадиган ижтимоий чекли харажат билан баланслаштирилади.

Ижтимоий чекли ютуқ *MSB* назоратни амалга тадбиқ этиш учун сарфланадиган ижтимоий чекли харажат билан баланслаштирилади. Ижтимоий чекли ютуқ *MSB* чизиги билан ижтимлий чекли харажат *MSC* чизиги кесишган нуқта заарли чиқиндиларни чиқаришнинг жамият учун самарали бўлган даражасини аниқлашга ёрдам беради (9.3-расм).

MSC чизиги атроф-муҳитни ифлослантирадиган чиқиндиларнинг фоиз бўйича камайиб бориши натижасида ижтимоий чекли харажатларни ошиб боришини ифодалайди. Шунинг учун ҳам чиқиндиларни ҳар бир қўшимча фоиз камайтирилиши янада қўпроқ харажат билан боғлиқ.

Заарли чиқиндиларни атроф-муҳитга чиқарилишини камайтиришнинг учта варианти мавжуд: заарли чиқиндиларни атроф-муҳитга чиқарилишда норма ва стандартларни ўрнатилиши; чиқиндилар учун тўлов ўрнатиш; чиқиндиларни вақтинча чиқариш учун рухсатнома сотиш.



9.3-расм. Чиқиндиларнинг оптимал даражасини аниқлаш

Чиқиндиларга норма ва стандартлар ўрнатиш. Бу ерда саноатчиқиндилари таркибидаги заарли моддалар концетрациясига қўйиладиган миқдорий чек қонун томонидан ўрнатилади. Бундай стандартлар барча ривожланган давлатларда ўрнатилган.

Масалан, автомобилларнинг бензинни ёқиши натижасида чиқадиган газда карбонат ангидрид газининг миқдори чекланган. Чиқинди газ таркибида ушбу модданинг нормадан юқори даражада бўлса, автомобиль эгасига жарима солинади.


Стандартларни ўрнатишдан амалиётда фойдаланишнинг ўзига яраша камчиликлари ҳам мавжуд. Биринчидан, чиқиндиларни маълум нормагача бепул чиқариш мумкинлиги; иккинчидан, барча иқтисодий субъектлар учун бир хил стандартни белгиланиши регионларда экологик ҳолатнинг ҳар-хил даражада долзарблигини эътиборга олмайди; учинчидан, стандартлар ишлаб чиқарувчиларни заарли чиқиндиларни камайтиришга ундамайди.

Заарли чиқиндилар учун тўлов. Бу усулга кўра атроф-муҳитга чиқарадиган ҳар бирлик заарли чиқиндиси учун фирмаларга тўлов белгиланади. Ушбу усул, тажриба кўрсатаяптики, атроф-муҳитга чиқариладиган умумий чиқинди ҳажмини камайтиришга олиб келади. Лекин, бу тизимни аниқ ишлашни тўлиқ кафолатлаш қийин.

Табиий муҳитни заарллаш хуқуқини сотиши. Давлат маълум соҳа бўйича заарли чиқиндилар чиқаришнинг мумкин бўлган ҳажмини аниқлаб, уни рухсатнома (лицензия) шаклида аукцион орқали сотади.

Фараз қилайлик, давлат чиқиндиларни 2000 кг дан 1000 кг гача туширмоқчи. Бу ҳолда давлат бир килогармдан чиқинди чиқаришга рухсат

берадиган 1000 та рухсатнома сотади (11.4-расм). Рухсатнома таклифи эластик бўлмаганлиги учун мувозанат ҳолат E_1 нуқтада ўрнатилади.



11.4-расм. Атроф-мухитни ифлослашга хукуқнинг сотилиши

E_1 нуқтада бир килограмм чиқинди чиқариш рухсатномаси нархи 500 сўм. Агар атроф-мухитни муҳофаза қилувчи маҳаллий “яшиллар” ҳаракати партияси маҳаллий жойда экологик вазиятни яхшилаш мақсадида 100 та рухсатномани сотиб олиб уни сотувдан чиқарса, битта рухсатнома нархи қўтирилиб 600 сўмга teng бўлади. Бу ушбу усульнинг эгилувчан эканлигини кўрсатади.

Қисқа хулосалар

Трансакцион ёки операциялар харажати – бу товарлар алмашуви соҳасидаги харажатлардир. Ушбу харажат Рональд Коуз томонидан 1930 йилларнинг бошларида киритилган.

Ташқи самаралар ёки экстерналилар (*externalities*) – бозордаги олди-соттидан олинадиган, лекин нархда ўз ифодасини топмаган харажат ёки фойда. Улар муайян операцияда қатнашадиган бозор субъектлари билан бир қаторда учинчи томон билан боғлиқ бўлгани учун ҳам “ташқи” деб қабул қилинади. Ушбу харажатлар ёки ютуқлар (фойда) товарлар ва хизматларни ҳам ишалб чиқаришда, ҳам истеъмол қилишда вужудга келади.

Ташқи самара мусбат (ижобий) ва манфий (салбий) самараларга бўлинади. Манфий самара харажатлар билан боғлиқ бўлса, мусбат самара учинчи томоннинг ютуғи билан боғлиқдир.

Салбий ташқи самарага эга бўлган товарлар ва хизматларни кўп ишлаб чиқарилишини камайтириш ва ижобий ташқи самарали товарлар ва хизматларни оптимал ҳажмгача ошириш учун ташқи самараларни ички самарага айлантириш (трансформация қилиш) керак.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Трансакцион харажатлар ва уларнинг таркибиغا қандай харажатлар киради?
2. Ташқи самарага ҳаётдан аниқ бир мисол келтириб, изоҳлаб беринг.
3. Давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати нималардан иборат?
4. Коуз теоремасининг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Тартиблаштирувчи субсидия деганда нималар назарда тутилади?
6. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсатининг туб моҳияти нимада?
7. Заарали чиқиндиларни атроф-муҳитга тарқалишини камайтириш варианларини кўрсатинг.
8. Чиқиндиларга меъёр ва стандартлар ўрнатиш қандай амалга оширилади?
9. Чиқиндиларнинг оптимал даражасини аниқлашни график усулда изоҳлаб беринг.
10. Табиий муҳитга зарар келтириш хуқуқини сотиш деганда нимани тушунасиз?

Асосий адабиётлар рўйхати

1. Вериан Х.Р. Микроэкономика. Учебник./ перев. с англ. под редакц. Н.Фроловой. – М.: ЮНИТИ-М, 2016. - с. 767.
2. Адdreу Mac-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2016. - 630 стр.
3. Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. -19 th ed. – New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2015. Р. 604.
4. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2011. - 580 стр.
5. Пиндайк Р., Рубинфильд Д. Микрэкономика. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2011. - с. 608.
6. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: учебник/ 2-е изд. – М.: Норма, 2012. –с. 576.

XII боб. ИЖТИМОЙ НЕЬМАТ, АССИМЕТРИК АХБОРОТ


12.1. Ижтимоий неъматни тақдим этиш йўллари

Соф ижтимоий неъмат – бу барча фуқаролар томонидан, жамоа томонидан истеъмол қилинадиган неъмат бўлиб, ушбу истеъмол алоҳида инсоннинг ушбу неъмат учун пул тўлаши ёки тўламаслигига боғлик эмас.

Соф ижтимоий маҳсулот икки хил хусусиятга эга: истеъмол қилишда танланмаслик ва истеъмолдан ажратилмаслик. Шундай хусусиятга эга бўлган ижтимоий неъматга армия ва милиция хизмати киради. Истеъмолда танланмаслиги хусусияти шуни билдирадики, соф ижтимоий неъматни бир киши томонидан истеъмол қилиниши бошқа бир кишининг ушбу неъмат истеъмолини камайтиrmайди. Бундай неъматлар рақобатдан ҳоли, нима учун деганда, қўшимча истеъмолнинг чекли харажати нолга тенг.

Истеъмолдан ажратилмаслик хусусияти шундан иборатки, ҳеч бир кишига истеъмол қилиш (хатто у ушбу истеъмол учун тўлашдан воз кечса ҳам) ман қилинмайди.


Соф хусусий неъмат – бу шундай неъматки, унинг ҳар бирлиги маълум тўловга сотилади. Соф ижтимоий неъматнинг соф хусусий неъматдан асосий фарқи - у бўлакларга бўлинмайди ва бўлакларга бўлиниб ҳам сотилмайди. Соф ижтимоий маҳсулотнинг бўлакларига нарх белгилаш ҳам мумкин эмас. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган умумий талабни аниқлаш ҳам ўзига хосдир. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган талаб чизиги жами маҳсулотнинг чекли нафлиилигини ифодалайди (12.1-расм).



12.1-расм. Соф ижтимоий маҳсулотга талаб

Истеъмолчилар сони қанча бўлишидан қатъи назар, улар барча соф ижтимоий неъматни истеъмол қиласди. Лекин, ҳар бир шахс соф ижтимоий неъматни истеъмол қилишдан ҳар хил наф олади. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган умумий талаб шахслар оладиган чекли ютуқларни (мавжуд ҳажмдан оладиган) вертикал бўйича қўшиш орқали аниқланади.

Соф хусусий неъматга бўлган умумий талаб шахсларнинг талаб чизикларини горизонтал бўйича қўшиш орқали аниqlанади (12.2-расм).



12.2-расм. Соф хүсүсий нэъматга бүлгэн умумий талаб

Соф ижтимоий маҳсулотни жамоа бўлиб истеъмол қиласи, лекин биз юқорида айтганимиздай, ҳар бир шахс бундай истеъмолдан ҳар хил наф кўради. Масалан, 12.2-расмда A шахс энг кам наф кўради, B шахс A шахсга нисбатан кўпроқ наф кўради, C шахс B шахсга кўра кўп наф олади. Амалда ҳар бир шахснинг қанча наф олганлигини ҳисоблаш қийин. Бундай ахборотни олиш ҳам мурккаб.

Агар истеъмол қилинган соф ижтимоий неъматга ҳар бир шахс ўзи олган чекли ютуғига кўра пул тўлаганда эди, олинган наф тўғрисидаги ахборотни яширишга ундейдиган кучли рағбатлантириш пайдо бўлар эди, ҳамда олинадиган нафни даражасини кўпчилик пасайтиришга ҳаракат қиласар эди.

Ҳақиқатда эса, истеъмолчилар истеъмол қилинган соғ ижтимоий маҳсулот учун пул тўлайдими, йўқми ундан наф олганлиги учун айрим ҳолларда ортиқча тўловларсиз, бепул ушбу неъматларни олишга ҳаракат қиласи. Ушбу вазият билетсиз муаммосини, яъни “куён” муаммоси номини олди. Бу ерда иқтисодий субъектларнинг бозорнинг бозор механизми ишламайдиган жойларидан фойдаланиб, бошқалар ҳисобидан кўпроқ ютуқقا эришишга ҳаракат қилиши назарда тутилади. Билетсиз юрувчи муаммоси кўпроқ катта истеъмолчи жамоа гурухларида юзага келади, нима учун деганда, бундай гурухларда керакли, тўлиқ ахборотни олиш қийин. Билетсизлар

муаммосини мавжудлиги соф ижтимоий маҳсулони ишлаб чиқариш ҳажмини унинг самарали ҳажмидан кам бўлишига олиб келади. Бозор механизми бу муаммони ечишга ожиз. Ушбу хатони тузатишда давлатнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

12.2. Бозор ожизлиги ва иқтисодиётга давлат аралашуви

Бозор ожизлиги – бу шундай ҳодисаки, бунда бозор ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлай олмайди.

Бозор ожизлигини кўрсатувчи тўртта турдаги вазият мавжуд ва бу вазиятлар самарасиз вазият ҳисобланади:

1. Монополия.
2. Асимметрик ахборот.
3. Ташқи самара.
4. Ижтимоий неъмат.

Ушбу вазиятларда бозорга давлатнинг аралашуви мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Бу муаммоларни давлат монополияга қарши сиёsat юритиш, ижтимоий сұғурталаш, салбий ташқи самарага эга бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни чеклаш ва ижобий ташқи самарага эга бўлган ишлаб чиқариш ва истеъмолни рағбатлантириш орқали ечишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Хозирги вақта давлатнинг иқтисодий функциялари кенгайиб бормоқда. Буларга қуйидагилар киради: инфратузилмани ривожлантириш; маорифни ривожлантириш; ишсизликка нафақа ажратиш, ҳар хил нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш ва ҳоказолар. Булардан бир қисминигина соф ижтимоий неъматга киритиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги жамоа ва шахслар томонидан истеъмол қилинади.

Хозирги вақтда жами ялпи маҳсулот таркибида давлатнинг харажатлари улуши барча ривожланган давлатларда ошиб бориш тенденциясига эга. Юқоридагилардан ташқари давлат монополизмга, инфляцияга, ишсизликка қарши сиёsat олиб бормоқда, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга эътибор бермоқда, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни мувофиқлаштириш, илмий-техник тадқиқотларни қўллаб-қувватламоқда.

Давлат иқтисодиётда асосан иккита масалани ечишга ҳаракат қилиб келмоқда: бозорни нормал ишлашини таъминлаш ва долзарб бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш.

Шуни ҳам айтиш керакки, давлатнинг бозор механизмига асосланган иқтисодиётга аралашуви ўзининг чегарасига эга бўлиши керак. Биринчи

навбатда, давлатнинг бозор механизмига аралашуви бозор механизмини бузилишига олиб келмаслиги керак. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бозор механизмларини маъмурий бошқарув билан алмаштираслиги лозим. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кўпроқ бозор механизмини кучайтиришга ёки камайтиришга олиб келиши мақсадга мувофиқ.

12.3. Асимметрик ахборот шароитида танлов

Асимметрик ахборотлашган бозор. Асимметрик ахборот – бу шундай ҳолатки, бозордаги бозор субъектлари ўртасида бўладиган савдо-сотикда уларнинг бир қисми керакли, муҳим ахборотга эга, қолган қисми эса эга эмас.

Бозордаги товарларни тақсимланиши оптимал бўлиши товарлар нархи ва товар тўғрисида қанчалик тўғри ахборот бериши билан боғлиқ. Рақобатлашган бозорни қараганимизда биз ахборотни симметрик равишда тақсимланган, яъни сотувчилар ва сотиб олувчилар ахборот билан тўлиқ таъминланган, деб фараз қилган эдик. Бундай ҳолатда нархлар сотиладиган неъматларнинг альтернатив харажатлари тўғрисида тўлиқ ахборот беради. Аниқ ва тўлиқ ахборотнинг бўлиши бозордаги неъматларнинг оптимал тақсимланишига ёрдам беради. Лекин, бозорда ахвол бутунлай бошқача. Сотувчилар ўз товарлари сифатини яхши билсада, ушбу ахборотни харидордан яширади. Худди шундай харидорлар ҳам ўзларининг бозордаги хатти-харакатларини яшириб, ҳар хил йўл билан савдо-сотикда бир томонлама ютуққа эришишга ҳаракат қиласди. Бозор нархи ўзида жуда кўп ахбортни мужассамлаширади. Ушбу ахборотни бозор қатнашчилари қанча тўлиқ билса, савдо-сотиқ икки томон учун шунча самарали бўлади, яъни икки томон ҳам максимал фойда кўради. Юқоридагидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бозорда ахборотлар асимметрик (тўлиқ) бўлмаганлиги учун бозор механизми ҳам етарли даражада мукаммал эмас.

Маҳсулот сифати ноаниклиги. Автомобил ва сугурта бозоридаги асимметрик ахборот. Фараз қилайлик, бозорда фойдаланилган автомобиллар сотилади. Фараз қилайлик, машинанинг ҳолати (сифати) ўртacha ҳолатдан юқори бўлса яхши автомобил, паст бўлса – ёмон автимобил (ушбу масалани 1970 йилда биринчи бўлиб америкалик олим А.Акерлоф ўрганганди). Яхши автомобилларнинг нархи 3000 долл. Агар бозорда иккала категориядаги автомобиллар сони бир-бирига teng бўлса, автомобилнинг ўртacha нархи 2000 долл. бўлади. Ушбу ҳолатда яхши автомобилни ҳам, ёмон автомобилни ҳам сотиб олиш эҳтимоли 50 фоизга teng.

Бироқ сотувчилар ўзларининг автомобили сифатини яхшироқ билади, харидорлар бундай ахборотга эга эмаслар. Яхши машина сотувчиларни 2000

долл. нарх қаноатлантирмайди. Ёмон машина сотувчиларни эса 2000 долл. нарх қаноатлантиради ва бу нарх улар кутган нархдан анча юқори.

Бозорда асимметрик ахборот бўлган шароитда автомобил бозоридаги нарх автомобил сифати тўғрисида тўлиқ ахборотни бермайди, натижада бозордаги савдо-сотиқларни норационал бўлишига олиб келади. Яхши автомобил эгалари ўз автомобилларини 2000 долл.да сотишдан воз кечадилар. Оқибатда яхши автомобиллар таклифи камаяди. Ёмон автомобиллар нархи юқори бўлган учун, уларнинг таклифи ошади. Бундай ҳолатда яхши автомобил олиш эҳтимоли 50 фоиздан нолга тушиб кетади.

Суғурталаш бозори. Суғурталаш бозорида ҳам автомобиллар бозоридаги ҳолатни кузатиш мумкин. Суғурта қилинадиган шахс ўзининг суғурта обьекти тўғрисида суғурталовчига қараганда кўпроқ ахборотга эга. Шунинг учун ҳам, бу ерда заифроқ, соғлиғи яхши бўлмаган шахслар кўпроқ суғурта компанияси хизматидан фойдаланишга ҳаракат қиласидар. Ушбу ҳолат суғурта компанияларини суғурта нархини ошишига олиб келади ва юқори суғурта нархи ўз навбатида соғлиги яхши бўлган шахсларни суғурталашга бормаслигини кучайтиради.

Маънавий таваккалчилик (йўқотиши) - йўқотишлиар суғурта компанияси томонидан тўлиқ қопланишига ишониб вужудга келиши мумкин бўлган йўқотишлиар эҳтимолини онгли равишда оширишга интилевчи шахсларнинг хатти-харакати.

Инсонлар ўз ҳаётини, мулкини суғурталагандан кейин, ўзининг ҳаётига, мулкининг сақланишига кўпинча бефарқ қарай бошлайдилар. Улар суғурталашгача қилинадиган эҳтиёт-чораларни бажармай қўядилар. Бундай ҳолат таваккалчиликни кучайтиради ва инсон ўзини суғурта қилган воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлиш эҳтимолини ошишига олиб келади.

Баъзи бир нопок инсонлар юқори суғурта ҳақи олиш мақсадида, онгли равишда ўзининг эски уйини ёқади, мулкини яроқсиз ҳолатга келтиради ва хатто ўз қариндошларини ўлдиришгача борадилар.

Маънавий йўқотишлиарни қуйидаги йўллар орқали камайтириш мумкин:

- суғурталанадиган шахсларни яхшироқ текшириш, мижозларни йўқотишлиари бўйича класификация қилиш асосида суғурта бадалини дифференциациялаш (яъни, йўқотиши юқори бўлган шахс учун юқори суғурта бадали белгилаш);

- юқори йўқотишига эга бўладиган шахслар билан суғурта шартномасини тузмаслик (наркоманлар, спиртли ичимлик ичиб автомобил ҳайдайдиган шахслар);

- йўқотишини қисман қоплаш шарти билан суғурталаш.

12.4. Бозордаги асимметрик ахборотларни бартараф этиш йўллари

Бозор сигналлари. Бозорда сотиладиган товар тўғрисида, товарни ишлаб чиқарувчи фирманинг номи тўғрисидаги ахборотлар, товар маркаси, фирма белгиси, фирманинг обрўи, товар сифати ва кафолати тўғрисидаги ахборотлар бозор сигналлари бўлиб хизмат қиласи ва бу сигналлар товар сотиб олишдаги таваккалчиликни камайтиради. Масалан, сиз сотиб олмоқчи бўлган товар сиз билган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган фирманинг маҳсулоти бўлса, сиз маҳсулотни йўқотишсиз сотиб оласиз.

Аукционлар. Аукционлар ҳам ахборотлардаги асимметрияни йўқотадиган бозор ҳисобланади. Ноёб санъат намунасига, тез бузиладиган маҳсулотларга (сабзавот, мева, балиқ) нархлар сотиш вақтида ўрнатилади. Аукционларнинг асосан икки тури мавжуд: Инглиз ва Голланд аукционлари.

Инглиз аукциони - бу аукционда ставка пастдан юқорига қараб ошиб боради ва бу ошиш таклиф қилинган максимал нархда товар сотилгунча давом этади. Ушбу аукционда асосан санъат намуналари, зебу-зийнатлар ва ҳоказолар сотилади.

Голланд аукционида ставкалар юқоридан пастга қараб, тики товар минимал мумкин бўлган нархда сотилгунга қадар тушиб боради. Ушбу аукционда вақт муҳим аҳамиятга эга, нима учун деганда аукционда асосан тез бузиладиган товарлар сотилади: гуллар, сабзавотлар, мевалар, балиқ ва ҳоказолар сотилади.

Голланд аукционида минимал мумкин бўлган нарх – биринчи эълон қилинган нархнинг 20 фоизи ҳисобланади. Агар товар ушбу нархда ҳам сотилмаса, у сотувдан олинади.

Ёпиқ аукцион – бу аукционда қатнашувчилар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда товар учун ставкалар қўяди ва товар ким кўп ставка қўйган бўлса, унга берилади.

Хозирги вақтда истеъмолчи хукуқини ҳимоя қилувчи қонунлар ишлаб чиқилган. Бу қонунга кўра истеъмолчи сотиб олинган товардан фойдаланиши давомида қўрган жисмоний ҳамда маънавий йўқотишларини қоплашни сотувчидан талаб қилишга ҳаки бор. Лекин, истеъмолчи хукуқини ҳимоя қилишда объектив чегара бўлиши лозим. Ривожланган давлатларда истеъмолчининг йўқотишини қоплаш сотиб олинган товар қийматининг уч баробаридан ошмаслиги керак.


Маълумки, истеъмолчи хукуқини ҳимоя қилиш сотиладиган товар ва кўрсатиладиган хизмат тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлишни тақозо қиласи. Лекин, бундай ахборотни олиш мумкинми, деган савол туғилади. Бу ерда истеъмолчилар жамияти ва оммавий ахборот воситалари (газета, радио,

телевидение), қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари мұхим рол үйнайды. Ахборот беришда фирмаларнинг ўзи ҳам катта рол үйнайдилар. Лекин, ахборот учун ҳақ тұлаш керак.

Маълумки, ахборотларнинг жуда катта қисми реклама шаклида келади. Лекин, рекламалар түғри ахборот берадими ёки йүқми уни аниқлаш қийин. Шунинг учун ҳам бу ерда асосий мезон маҳсулот сифати билан унинг нархи үртасидаги нисбатнинг оптималь бўлишидадир. Маълумки, маҳсулот сифатининг ошиши, унинг нархини оширади.

Олиб сотарлик ва унинг иқтисодиётдаги ўрни. Олиб сотарлик (савдогарлар) деганда, фойда олиш мақсадида бирор товарни сотиб олиб, уни юкори нархда сотиш фаолияти тушунилади. Олиб сотарлар бозор шароитида мұхим рол үйнайдилар, улар ортиқча товарни сотиб олиб, қаерда унга талаб қўп бўлса, ўша ерга етказиб берадилар. Бу ўз навбатида товарга бўлган нархни бутун фазо бўйича маълум даражада текис бўлишини таъминлайди. Савдогарлар истеъмолни вақт бўйича силжишини таъминлайдилар. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ёз фаслида сотиб олиб, қиши фаслида сотади, ёки серҳосил йилда сотиб олиб, кургоқчилик келган йилда сотадилар. Ушбу ҳолат истеъмолни мўл-кўлчилик вақтдан истеъмол товарлари чекланган вақтга кўчиради ва шу билан нархларнинг текислашувини таъминлайдилар.

Савдогарлар бўлмагандан, серҳосил йилда талаб D ва таклиф S_1 бўлганда, мувозанат ҳолат E_1 нуқтада ўрнатилган бўлар эди (12.3-расм).



12.3-расм. а) серҳосил йил; б) ҳосилдор бўлмаган йил.

Ҳосилдор бўлмаган йилдаги талаб D таклиф S_2 ва мувозанатлик E_2 (12.3-б-расм). Савдогарлар серҳосил йилда маҳсулот сотиш ҳажмини Q_1 дан

Q_1' га қисқартириб, мувозанат нархни P_1 дан P_1' га кўтаради. Шу билан бирга жамғарилган маҳсулот заҳираси ҳосилдор бўлмаган йилдаги таклифни Q_2 дан Q_2' га ошириб, мувозанат нархни P_2 дан P_2' га туширади. Шундай қилиб, савдогарлар истеъмолни серҳосил йилдан ҳосил кам бўлган йилга силжитиб нархни текислайдилар. Савдогарларгина қишлоқ хўжалигидағи мавсумий тебранишларни текислашга ёрдам берадилар. Савдогарлар таваккалчиликка бормайдиганлардан йўқотишларни сотиб олиб, фойда олиш мақсадида ўзлари таваккалчиликка борадилар.

Қисқа хуносалар

Соф ижтимоий неъмат – бу барча фуқаролар томонидан, жамоа томонидан истеъмол қилинадиган неъмат бўлиб, ушбу истеъмол алоҳида инсоннинг ушбу неъмат учун пул тўлаши ёки тўламаслигига боғлиқ эмас.

Соф хусусий неъмат – бу шундай неъматки, унинг ҳар бирлиги маълум тўловга сотилади. Соф ижтимоий неъматнинг соф хусусий неъматдан асосий фарқи – у бўлакларга бўлинмайди ва бўлакларга бўлиниб ҳам сотилмайди.

Бозор ожизлиги – бу шундай ҳодисаки, бунда бозор ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлай олмайди.

Давлат иқтисодиётда асосан иккита масалани ечишга ҳаракат қилиб келмоқда: бозорни нормал ишлашини таъминлаш ва долзарб бўлган ижтимоий-иктисодий муаммоларни ечиш.

Асимметрик ахборот – бу шундай ҳолатки, бозордаги бозор субъектлари ўртасида бўладиган савдо-сотикда уларнинг бир қисми керакли, муҳим ахборотга эга, қолган қисми эса эга эмас.

Таваккалчиликни пасайтиршда фьючерслар, опцион ва хеджирлашишлар ҳам муҳим рол ўйнайдилар.

Фьючерслар – бу олдиндан белгиланган нархларда маълум миқдордаги товарларни келажакда маълум кунда етказиш учун тузилган муддатли шартнома.

Опцион ёки мукофотга кўра савдо-сотик – бу фьючерснинг бир тури бўлиб, унга кўра бир томон комиссион тўлов асосида бирор товарни келажакда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини олдиндан қелишилган нархда сотиб олади. Шуни айтиш керакки, фьючерс ҳам, опцион ҳам товарлар нархини вақт бўйича текислашга ёрдам беради.

Хеджирлаш – бу операция бўлиб, унга кўра фьючерслар бозори ва опционлар бозори ёрдамида бир таваккалчилик бошқа бир таваккалчилик билан

қопланади. Ушбу операциянинг моҳияти шундан иборатки, нархлар ўзгариши билан боғлиқ таваккалчилик (йўқотишлар) савдогар зиммасига юклатилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Соф ижтимоий неъмат ва унинг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган умумий талаб қандай ҳисобланади?
3. Соф хусусий неъматнинг соф ижтимоий неъматдан фарқи нималардан иборат?
4. Давлат бозорни тартибга солиш учун қандай ҳолларда у бозор фаолиятига аралашади?
5. Бозор ожизлиги деганда нимани тушунасиз?
6. “Чиптасиз юрувчи (куён) муаммоси” натижасида соф ижтимоий маҳсулот қандай ўзгаради?
7. Давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашувиининг салбий ва ижобий томонлари нималарда намоён бўлади?
8. Давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашувиининг шартлари қандай?
9. Давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашувиининг асосий дастаклари нималардан иборат?
10. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда давлатнинг роли нималардан иборат?

Асосий адабиётлар рўйхати

1. Вериан Х.Р. Микроэкономика. Учебник./ перев. с анг. под редак. Н.Фроловой. – М.: ЮНИТИ-М, 2016. - с. 767.
2. Аддреу Mac-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2016. - 630 стр.
3. Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. -19 th ed. – New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2015. Р. 604.
4. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2011. - 580 стр.
5. Пиндайк Р., Рубинфильд Д. Микрэкономика. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2011. - с. 608.
6. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: учебник/ 2-е изд. – М.: Норма, 2012. –с. 576.

ИЗОҲЛИ ЛУГАТ

Алмаштириш самараси – иш ҳақининг ортиши натижасида бўш вақтнинг қисқариши.

Альтернатив харажатлар – танлашда воз кечилган энг яхши альтернатив вариантдан олинадиган натижа (қиймат, фойда, нафлик).

Альтернатив қиймат (фойдаланилмаган имконият деб ҳам қаралади) – бирор неъмат қийматини воз кечилган бошқа бир нечта неъмат қиймати билан ифодаланиши.

Асимметрик ахборот – бу шундай ҳолатки, бунда бозорда бўладиган савдо-сотиқда бозор қатнашчиларидан бир қисми керакли, муҳим ахборотга эга бўлган қисм эга эмас.

Аукцион – товарни олди-сотисини ташкил қилиш усулларидан бири бўлиб унда трансакция харажатлари реал вақт режимида ўтади.

Бертран мувозанати – бозор дуополик бўлганда фирмалар товар нархини тушириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали бир бири билан рақобатлашади. Товар нархи чекли харажатга teng бўлганда мувозанат ҳолат барқарорлашади.

Бефарқлик чизиғи – шахс учун бир хил наф берадиган бўш вақт, иш вақти ва иш ҳақи (даромад) комбинацияларини ифодаловчи эгри чизиқ (бу ерда бўш вақт ва иш вақти 0 дан 24 соатгача қиймат қабул қиласи ва ҳар бир иш вақти маълум даромадни, иш ҳақини ифодалайди).

Бозор мувозанати – бозорда таклиф миқдорини талаб миқдорига teng бўлган ҳол, таклиф чизиғи билан талаб чизиғи кесишган нуқтага мувозанат нуқта дейилади.

Бюджет – истеъмолчининг маълум вақт оралиғида оладиган барча даромадлари йиғиндиси.

Бюджет чегараси – “умумий вақт – даромад” координаталарига эга бўлган тўғри чизиқ бўлиб, унинг ётиқлик бурчаги иш ҳақини ифодалайди. (даромад 0 бўлганда вақт 24 соатга teng, яъни (24,0)).

Бюджет чизиғи – бюджетни тўлиқ сарфлаш шарти билан истеъмолчи сотиб оладиган товарлар комбинацияларини ифодаловчи чизиқ.

Даромад (ялпи даромад, TR) – сотилган товар миқдорини нархга кўпайтирилганига teng, маҳсулотларни сотишдан тушган тушум.

Даромад самараси – истеъмол мажмуасига кирувчи неъматлардан бирининг нархи ўзгариши натижасида ҳосил бўлган реал даромад хисобидан истеъмол таркибини ўзгариши.

Диверсификация – тавқкалчиликни пасайтириш усули бўлиб бунда таваккалчилик (йўқотишлар) бир қатор товарларга шундай тақсимланадики,

товарлардан биттасини сотиб олишдан таваккалчиликнинг ортиши бошқа товарни сотиб олишдаги таваккалчиликнинг пасайишини билдиради.

Дисконтлаш – қийматларни (даромадни, харажатни, капитални) бошланғич йилга ёки охирги йилга келтириш.

Дифференциал рента – бошқа ресурсларга нисбатан юқори унумдорликка эга бўлган ресурс эгаси томонидан олинадиган рента.

Эластиклик – талаб ва таклифга таъсир қилувчи омилларнинг ўзгариши натижасида уларни қанчага ўзгариши тушунилади (нархни, даромади, истеъмолчилар сони ва хоказо).

Эҳтиёж – инсонни, корхонани фаолият қўрсатиши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча нарсалар. Эҳтиёж — бу инсонларни иқтисодий фаолият билан шуғулланишига ундайдиган ички куч.

Энгел чизиклари – истеъмол қилинган товарлар миқдорини истеъмолчи даромадининг ўзгаришидан боғлиқлигини қўрсатувчи чизик.

Голландча аукцион – бу аукционда ставка юқоридан пастга товар сотилгунга қадар пасайиб боради.

Ёпик аукцион – бунда товар учун аукцион қатнашчилари бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ставкаларини қўяди ва товарга ким кўп ставка қўйган бўлса шунга берилади.

Ер нархи – чекланмаган вақт давомида ердан олинган барча даромадлар йифиндисининг келтирилган (бошланғич йилга) қиймати.

Ижара ҳақи (тўлови) – ердан фойдаланувчи томонидан бир йилда ер эгасига тўланадиган пул миқдори.

Изокванта – бир хил ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи омиллар сарфлари комбинацияларини ифодаловчи эгри чизик.

Изокоста – йифиндиси бир хил ялпи харажатга teng бўлган ресурслар сарфлари комбинацияларини ифодаловчи чизик.

Иқтисодий неъмат – эҳтиёжни қондириш воситаси.

Иқтисодий рента – ресурсни сотилиши мумкин бўлган нарх билан мувозанат нарх айрмасига teng. Ноёб, чекланган ресур ва ишчининг юқори малакаси учун тўланадиган қўшимча тўлов.

Иқтисодий ресурслар – ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган омиллар ёки ишлаб чиқариш омиллари.

Инвестицион лойиҳани оқлаш муддати – жорий фойдалар йифиндисини инвестиция қийматига teng бўлишини таъминловчи минимал вақт оралиғи.

Инвестициялаш – асосий капитални тўлдириш ва ўстириш учун ва капитал қўйиш жараёни.

Инвестицияни ички оқлаш нормаси – инвестицион лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичи. Инвестицияни қиймати билан келажакда олинадиган соф фойданинг дисконтиранган қиймати йифиндисини нолга айлантирувчи ички қайтим нормаси.

Инглизча аукцион – бунда ставка пастдан юқорига товар сотилгунга қадар ошиб боради, товар таклиф қилинган максимал нархда сотилади.

Истеъмолчи ортиқчалиги (ютуғи) – истеъмолчи товарлар учун тўлаши мумкин бўлган нархлар билан товарларга бозорда ҳақиқий тўланган нархлар айрмаларининг йифиндиси.

Ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот яратиш жараёнини ёки ишлаб чиқариш омилларини тайёр маҳсулотга айлантириш жараёни.

Ишлаб чиқариш имкониятлари чизиғи – мавжуд технологияда капитал ва меҳнатдан тўлиқ фойдаланган ҳолда иккита товар комбинацияларини максимал даражада ишлаб чиқаришни ифодалайдиган чизик.

Ишлаб чиқариш омиллари – чекланган бўлиб, уларга меҳнат, капитал, материаллар (хомашё, бутловчи қисмлар, электр энергияси, газ, сув ва бошқ.), ер киради.

Ишлаб чиқариш функцияси – ишлаб чиқарилган маҳсулот микдори билан шу маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги сарфланган ишлаб чиқариш омиллари микдори ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи функция.

Ишлаб чиқариш шартномалари чизиғи – ресурсларни Парето самарали жойлаштириш чизиги бўлиб, бунда қўйидаги шарт бажарилади: ишлаб чиқарувчи мувозанати ёки максимал маҳсулот ишлаб чиқариш учун оптимал сарфланадиган меҳнат ва капитал микдорини аниқлаш шарти - ишлаб чиқаришнинг шудай ҳолатики бунда ҳар қандай омил учун сарфланган бир бирлик пул микдори бир хил микдордаги маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Ишлаб чиқарувчи ортиқчалиги (ютуғи) – товарларниг ҳақиқий нархларидан чекли (бир бирлик қўшимча товар ишлаб чиқаришга кетган) харажатларни айрмалари йифиндисига teng.

Ишчининг нафлилигини максималлаштириш шарти – бўш вақтни даромад билан чекли алмаштириш нормасини иш ҳақига тенглиги.

Капитал – узоқ муддатли оралиқда маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ресурс. Капитални меҳнат билан чекли технологик алмаштириш нормаси иккала ишлаб чиқариладиган *A* ва *B* товарлар учун бир хил бўлиб, улар меҳнат нархини капитал нархи нисбатига teng.

Квазиоптимум – Парето-самарали ҳажмида товар ишлаб чиқариш мүмкин бўлмаганда ишлаб чиқариш мүмкин бўлган вариантлардан энг яххисини танлаш (оптималга яқин).

Колдора-Хикс мезони – турмуш фаровонлиги мезони бўлиб, унга кўра ютганлар ўз ютугини бой берганларнинг йўқотишидан юқори деб нархласа.

Кооператив ўйин – ўйинда бир нета ўйинчилар ўзаро келишиб, биргаликда ўйнайди (иқтисодиётда кооператив ўйинга мисол сифатида картерни ҳарашиб мүмкин).

Курно мувозанати – дуополик бозорда ҳар бир фирма мустақил равишда шундай оптимал ишлаб чиқариш ҳажмини танлайдики ушбу маҳсулот ҳажми иккинчи фирмани қаноатлантиради. Курно мувозанати фирмаларнинг акс таъсири қилувчи функциялари графикларининг кесишиш нуқтасида вужудга келади.

Масштаб самараси – бу ишлаб чиқариш масштабининг кенгайиши сурати билан маҳсулот ишлаб чиқаришни ўсиш сурати ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган омиллар миқдорига ишлаб чиқариш масштаби дейилади.

Маънавий таваккалчилик – йўқотишлар суғурта компанияси томонидан тўлиқ қопланишига ишонч ҳосил қилган ҳолда вужудга келиши мүмкин бўлган йўқотишлар эҳтимолини онгли равишда ошириб кўрсатишига интилевчи шахснинг ҳатти-харакати.

Монополиянинг ўлик юки ёки жамиятнинг соф йўқотиши – монополист бўлмагандаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидан монополист ишлаб чиқарган маҳсулотни айрмасига teng.

Монополия – бу шундай бозорки, унда факат битта маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирма фаолият олиб боради ва маҳсулот ишлаб чиқаришни, сотишни тўлиқ назорат қилади.

Мувозанат нарх – талаб билан таклифни тенглаштирувчи нарх. Мувозанат нархга тўғри келадиган товар миқдорига мувозанат маҳсулот миқдори дейилади.

Нарх – бир бирлик товарни сотиб олиш учун тўланадиган пул миқдори.

Нарх дискреминацияси – бунда фирма бир хил товарни хар хил нархда сотиб олиш имконияти хар хил бўлган харидорларга сотади.

Нафлик – иқтисодий неъматларни, шахс эҳтиёжини қондириш даражаси. Неъмат инсон эҳтиёжини қанча тўлароқ қондирса, унинг нафлиги шунча юқори бўлади.

Нафлик функцияси – истеъмол қилинган неъматлар миқдоринииг ўзгариши натижасида олинадиган наф.

Ноаниқлик – ахборотлар етарли, тўлиқ бўлмаганда қабул қилинган ҳарорларда ноаниқлик вужудга келади. Ноаниқлик шароитида қабул қилинган ҳарорлар натижасида таваккалчилик вужудга келади.

Нокооператив ўйин – бу ўйинда ҳатнашчилар мустақил равишда ҳарор қабул қилади (иктисодиётда мисол сифатида олигополик бозорда ҳаракат қилувчи фирмалар ўртасидаги “нархлар жангини” келтириш мумкин).

Нол сум ютуқقا эга бўлган ўйин – ўйинда бир кишининг ютуқи бошқа ўйинчиларнинг ютказган суммалари йиқиндисига тенг.

Нолга тенг бўлмаган сумга эга бўлган ўйин – бу ўйинда бир гуруқ ўйинчилар ё ютади ёки бой беради.

Норационал талаб – бу режалаштирилмагаи талаб бўлиб, шахснинг хозирги қоқишини, кайфиятини, инжиқлигини учратиши билан вужудга келадиган вақтинчалик талаб.

Нофункционал талаб – товарни сифати билан боғлиқ бўлмаган омилларга асосланган талаб.

Олий категорияли товар – даромад ошганда талаб ошиб кетадиган товарлар.

Парето оптимум (Парето самарадорлик) – неъматларни шундай тақсимланишики, бунда бирор кишининг турмуш фаровонлигини пасайтирмасдан бошқа кишининг турмуш фаровонлигини ошириб бўлмайди.

Реал фоиз ставкаси – инфляциядан тозаланган фоиз ставкаси.

Рента – таклифи қатъий чекланган ресурс эгаси томонидан олинадиган даромад.

Ресурсларга чекли харажат – қўшимча бир бирлик ресурс сотиб олиш учун сарфланган қўшимча харажат.

Ресурснинг чекли даромадлилиги ёки ресурснинг пулда ифодаланган чекли маҳсулоти – ресурсларни кўшимча бир бирлик фойдаланиш натижасида олинган қўшимча маҳсулотни сотишдан тушган қўшимча даромад.

Соф дисконтланган (келтирилган) қиймат – бу келажакда олинадиган соф даромаднинг дисконтиранган қийматидан дисконтиранган инвестиция айрmasi.

Соф иқтисодий рента – нарх бўйича абсолют эластик бўлмаган таклифга эга бўлган ресурс эгаси томонидан олинадиган даромад.

Суда фоизи – капитал эгасига уни капиталидан фойдалангани учун иқтисодий субъект томонидан тўланадиган нарх.

Таклиф – бу ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар томонидан берилган нархларда сотилиши мумкин бўлган товарлар миқдори.

Таклиф қонуни – тўғридан-тўғри нарх ўзгариши билан боғлиқ ҳолда таклифнинг ўзгариши.

Таклиф функцияси – таклифга таъсир қилувчи омиллар миқдори билан таклиф миқдори уртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

Таклиф чизиги – товар нархи билан таклиф қилинадиган ушбу товар, миқдори ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи эгри чизик.

Талаб – берилган нархларда харидорлар томонидан сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар миқдори.

Талаб қонуни – нархдан бошқа омиллар ўзгармаганда талаб миқдори билан нарх ўртасидаги боғлиқлик.

Талаб функцияси – талабга таъсир дилувчи омиллар миқдори билан талаб миқдори ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

Талаб чизиги – товар нархи билан сотиб олинадиган ушбу товар миқдори ўртасида боғлиқликни ифодаловчи эгри чизик.

Трансакцион харажатлар – бозорда товарларни сотища эгалик хуқуқини аниқлаш ва уни бериш билан боғлиқ харажатлар.

Тўлдирувчи товарлар – биргаликда, комплектда истеъмол қилинадиган товарлар.

Тўлов функцияси – ўйин натижаси бўлиб ўйинчининг ютугини ёки йўқотишини билдиради.

Умумий маҳсулот – ишлаб чиқариш омили сарфига тўғри келадиган маҳсулот миқдори.

Умумий мувозанатлик – барча бозорларнинг ўзаро бир-бирига таъсири натижасида ўрнатиладиган мувозанатлик. Барча бозорларни мувозанат ҳолатда бўлиши. Бунда бирор бозорда мувозанатлик бузулса бошқа бозорларда ҳам мувозанатлилик бузилади.

Умумий нафлик – истеъмол қилинган неъматлардан олинган жами нафлик.

Ўйин – олдиндан белгиланган қоидалар асосида иқтисодий субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар (ҳарорлар қабул қилиш).

Ўйинлар назарияси – фан йўналиши бўлиб у ўйин қатнашувчиларининг вазият бўйича ҳаракат қилиш ва ҳарор қабул қилишни математик усуллар ёрдамида ўрганади.

Ўриндош товарлар – истеъмол қилишда бир-бирини ўрнини босувчи товарлар ёки бир хил эҳтиёжни қондирувчи товарлар.

Ўриндош товарларни алмаштириш самараси – истеъмолчининг истеъмол мажмуасига кирувчи неъматлардан бирининг нархи ўзгариши натижасида истеъмол таркибининг ўзгариши.

Ўртача даромад – бир бирлик товарни сотишдан тушган даромад.

Фирманинг бозордаги стратегик ҳаракати – бунда фирма ўзининг ҳаракатини рақобатлашувчи фирманинг ҳаракатига кўра ишлаб чиқади.

Фоиз ставкаси – номинал фоиз ставкаси инфлясияни ҳисобга олмагандаги жорий курсдаги фоиз ставкаси.

Максимал фойда олиш шарти $MP=MC$ – рақобатлашган бозорда максимал фойда олиш шарти $MC=P$, рақобатлашувчи фирманинг зарарсиз ишлаш нуқтасини ифодаловчи шарт.

Фючерс – ҳозирги нархларда маълум миқдордаги товарни келажакда маълум кунда етказиб бериш учун тузилган муддатли шартнома. Таваккалчилик билан боғлиқ бўлмаган активлар – актив томонидан тушадиган пуллар миқдор олдиндан белгиланган миқдорда бўлиши.

Харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган сарфлар.

Чекли маҳсулот – бошқа омиллар сарфи ўзгармаганда бир бирлик бирор омилдан қўшимча фойдаланиш ҳисобидан ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот.

Чекли нафлик – охирги ёки навбатдаги бирлик неъматни истеъмол қилишдан олинадиган нафлик.

Чекли технологик алмаштириш нормаси (MRTS) – ишлаб чиқариш хажми ўзгармаганда бир бирлик X омилини неча бирлик Y омил билан алмаштириш мумкинлигини кўрсатади.

Шартномалар чизиги – икки истеъмолчи ўртасида иккита неъматнинг самарали тақсимланиш варианларини ифодаловчи чизик.

Штакелберг мувозанати – бу дуополик шароитда лидер фирма билан эргашувчи фирма фаолият кўрсатганда лидер товар нархини ва ишлаб чиқариш хажмини мустазил белгилайди, эргашувчи фирма лидер фирмага мослашган ҳолда нарх ва маҳсулот ҳажмини белгилайди.

Вақт бўйича устун кўриш – жорий истеъмолга сарфлаш билан келажакда истеъмол қилиш учун сарфлашдан қайси бирини бефарқлик чизиги асосида танлаш.

Вақт бўйича устун кўришни чеклаш нормаси – умумий турмуш даражаси ўзгармаганда жорий истеъмолдан бир бирлик кечишни тўлиқ қоплапйдиган келажакдаги қўшимча истеъмол қиймати.

Вақтлараро бюджет чегараси – шахснинг даромади ва ссуда фоизи ставкаси билан аниқланадиган вақтларо устун кўриш картасидаги чизикнинг ҳолати.

Вақтлараро мувозанатлик – жорий ва келажакда истеъмол қилиш ўртасида танлаётган шахс учун максимал нафлик келтирувчи ҳолат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. Вериан Х.Р. Микроэкономика. Учебник./ перев. с анг. под редак. Н.Фроловой. – М.: ЮНИТИ-М, 2016. - с. 767.
2. Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. -19th ed. – New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2015. P. 604.
3. Pindyck, Robert S. Microeconomics. – Copyright 2013, Macmillan Publishing Company, a division of Macmillan, Inc.
4. Аддреу Мак-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2016. - 630 стр.
5. Тарануха Ю.В. Микроэкономика. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2011. - 580 стр.
6. Salimov B.T., Muxitdinova U.S., Mustafakulov Sh.I., Salimov B.B. Mikroiqtisodiyot. Darslik. –Т.: TDIU, 2005. - 230 б.
7. Salimov B.T., Mustafakulov Sh.I., Yuldashev G'.T., Sultanov B.T. Mikroiqtisodiyot. Masalalar to'plami. –Т.: TDIU, 2018. - 210 б.
8. Фуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А.И. Микроиқтисодиёт. Дарслик – Т.: “ШАРҚ” нашриёти, 2001. - 320 б.

Кўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Халқ сўзи, 8 феврал 2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 28 декабр 2018 йил.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 488 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. www.lex.uz.
8. Salimov B., Mustafakulov Sh., Salimov D.. Mikroiqtisodiyot: masalalar, namunalar, topshiriqlar, testlar. (O'quv qo'llanma) – Т.:TDIU, 2010. -196 b.
9. Гальперин В.М., Игнатьев С.М., Моргунов В.И. Микроэкономика. Учебник, том 1,2. – С. Пб.: Экономическая школа, 2010. - с. 350.
10. Гребенников П.И. и др. Микроэкономика. Учебник. – СПб.: Изд-во СПб УЭФ, 1996. - с. 352.
11. Нуреев Р.М. Сборник задач по Микроэкономике. –М.: Норма, 2008.
12. Пиндайк Р., Д. Рубинфельд. Микроэкономика. 5-е международное изд.- СПб.: Питер, 2007. – 350 с.

Internet saytlari

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуати портали.
2. www.press-service.uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати расмий сайти.
3. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари миллий базаси.
4. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

**САЛИМОВ БАХТИЁР ТАДЖИЕВИЧ
ЮСУПОВ МУХИДДИН СОАТОВИЧ
ИШНАЗАРОВ АКРОМ ИСМОИЛОВИЧ**

МИКРОИҚТИСОДИЁТ-2

Үқуға күлланма